



KAMOLOT

МУТААССИБЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ  
ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР ҲАМДА МАҲАЛЛА,  
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛА  
ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

*республика илмий-амалий  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ*



Тошкент – 2016

**МУТААССИБЛИКНИ КЕЛТИРИБ  
ЧИҚАРУВЧИ ИЖТИМОЙ  
ОМИЛЛАР ҲАМДА МАҲАЛЛА,  
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛА  
ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ  
МАСАЛАЛАРИ**

*республика илмий-амалий  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ*

372

УЎК: 28:323(575.1)

КБК: 66.4 (0)

М 92

Халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошка сувуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталика, ёшларимизнинг келажагига катта хаяф тугдеришини одамлар онгига чукур сингдириб бориш – хар бир онти ва қалби уйток инсоннинг зиммасидаги юқсан масулийлар. Ушбу маъсъулиятни ишлар фаолияти бўйича бир-бирига ўзаро боғлик бўлган уч омил, яъни маҳалла, таълим муассасалари ва оила ҳамкорлиги асосида тиббимили равишда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур китобда ҳамкорликни янада самараъ йўлга кўйиш, ёшлар орасида диний мутаассиблик, ҳукукбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг шунингдек, диний экстремизм ва шунга ухшаш иллатларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вактларини мазмунли ўтказиш бўйича илмий мақолалар тўтиланган.

Илмий тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўшлар сиёсати, таълими, маданият ва спорт масалалари Комплекси мажлисининг 2016 йил 2 январь кунидаги 3-сон баённи билан тасдиқланган «2016 йилда ижтимоий-матнаний мухит барқарорлигини таъминлаш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қараги тан чора-тадбирлар дастурли»нинг 15-банди ижроси доирасида нашр этилди.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

УЎК: 28:323(575.1)

КБК: 66.4 (0)

### Масъул мухаррир

Бунёдбек Шамсутдинов, Фуқаролик жамияти шактанишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари

### Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи

Сайджасур Сайдқодиров, Фуқаролик жамияти шактанишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассиси

### Таҳрир ҳайъати:

А. Мансуров, Ж. Камалов, Х. Эшов, Ў. Уразова, О. Ҳоджамов, Ш. Ҳамдамов,  
М. Абдураҳмонови, А. Султонов, Ш. Салимов, А. Ҳайитов

М 92 Мутаассибликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омиллар ҳамда маҳалла, таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги таҳтили масалалари [Матн] / тўпловчи ва нашрга тайёрловчи С. Сайдқодиров.  
– Т.: «Маънавият», 2016. – 280 б.

ISBN 978-9943-04-308-4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳозуридағи Цин ишлари буинча  
қумитанинг 2016 йил 20 июнданги 3414-сон холосаси асосида тайёрланди.



© «Маънавият», 2016

## *I-ш ўъб а.*

# **МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ МАСАЛАЛАРИ**

## **ИСЛОМ – БАГРИЕНГЛИК ДИНИ**

**У. Алимов,**  
*Узбекистон мусулмонлари  
идораси раиси, муфтий*

Мехрибон ва раҳмли Оллоҳ үз бандаларига моддий ва маънавий неъматларни ҳисобсиз тарзда яратиб кўйди. Биз ҳозирда ана шу бебаҳо неъматлар ичида яшаяпмиз. Ундан баҳра оляпмиз. Ҳатто, нафасимизнинг кириб-чиқиб тургани, танамизнинг соғ-саломатлиги, юртимизнинг тинч-осойишталиги, етарли даражада озуқа ва кийим-кечагимизнинг борлиги, жанинат райхонлари бўлмиш фарзандлар ато этиб кўйилганиннинг бари-бариси Оллоҳ таолонинг бизга берган улуғ инъомидир. Бунинг эвазига эса У биздан факат бир нарсани – Ўзига итоат қилишимизни, берган неъматларига шукур килиб яшашимизни сўрайпти, холос.

Мустакиллик, озодлик, бирорларга қарам ва муте бўлмасдан яшаш – Яратганинг ҳалқимизга, юртимизга, миллатимизга тақдим этган энг улуғ баҳтидир. Баҳт бўлганда ҳам у шундай баҳтки, ҳар кун, ҳар соятда унинг қандай қўлга киритилгани ҳакида фикр юритишимиз, ҳар дам унга шукроналар келтириб, қадру шарафини, бардавомлигини кўз қорачигидай асрраб-авайламогимиз даркор.

Пайгамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в) бошқа дин ва эътиқод вакилларига багриенг бўлиш, уларнинг эътиқодини ҳурмат қилиш, ҳақларига риоя этишнинг олий намунасини кўрсатибгина қолмай, умматларини ҳам ҳамиша ана шу йўлдан боришга даъват қилишдан чарчамадилар. Расулуллоҳ (с.а.в)дан Анас ибн Молик розияллоҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Ҳалқнинг барчаси Оллоҳнинг қарамогидадир. Уларнинг Оллоҳга маҳбуброғи аҳли-аёлига наф берувчирогидир», дейилган.

**Яна бир ҳадиси шарифда:** «Ким гайридинга азият берса, менга азият бергандай бўлади, ким менга заҳмат берса, қиёмат куни унга хусуматчи бўламан», деганлар.

**Яна бир бошқа ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилганлар:** «Ким гайридин ёки аҳдлашилган бошқа дин вакилини ўлдирса жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди».

Ислом дини шундай динки, аввалбошданоқ у инсониятга асл мурувватни, диндошларига, ҳатто, ғайримуслимларга ҳам эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб келган ва ҳозир ҳам ўргатиб келмоқда. Ислом ўзидан аввалги самовий динларни, яъни яхудийлик, насронийликни шунчаки ҳурмат қилиш билан чекланмай, ўша дин аҳлларига чексиз мурувватлар кўрсатган. Уларнинг ҳақ-хукукларини қонун билан мустаҳкамлаб, муҳофазасини таъминлаб қўйган. Маданияти ва анъаналарига эҳтиром билан қараган. Мусулмонлар асрлар давомида бу қондаларга амал қилиб яшаб келишди. Улар бир-бирларига ва ҳатто, ораларида яшайдиган бошқа миллатларга, ахли зиммага ҳам меҳр-мурувватнинг мислсиз намуналарини кўрсатиб, бутун инсониятга ибрат бўлдилар.

Чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, мурувват, диний бағрикенглик исломнинг тамал тоши, эътиқод ва динлар тарихидаги бир янгилик ҳисобланади. Ислом илк даврларданоқ собиқ динларга ҳеч қандай тазийк ўтказмади, турфа мазҳаб ва мафқураларга қарши таассубликда бўлмай, аксинча, уларнинг ғамини еди.

Ислом динининг құдрати шундаки, унинг асоси – Қуръони қарим ва суннати набавияда қўни-қўшничилик ва бошка турли қўринишдаги узаро муомалаларда ҳам бағрикенгликка қурилган. Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам кўплаб ҳадисларида гайридинга ҳам инсонийлик юзасидан яхши муомалада бўлишни тарғиб қилганлар. Зеро, Сарвари қоинот мутаассиблик ислом руҳига мутлақо зид эканини очик-равшан баён этиб, барчамизни огоҳлантирадилар: «Исломда мутаассиблик йўқ». Ярагганга шукурлар бўлсинки, юртимиз мўмин-мусулмонлари бу анъаналарга содик қолиб, диний, миллий аҳиллик ва тотувликни таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бу борада бутун жаҳон ахли бизга ҳавас билан қарамоқда. Бироқ, глобаллашаётган терроризм дунёнинг деярли барча гўшаларида умумий ҳавфсизликка ва динларро тотувликка ҳавф солиб, жиддий таҳдидга айланниб бораётганининг

гувоҳи бўлиб турибмиз. Сир эмас, тажовузкор кучлар томонидан юртимиздга эътиқод эркинлиги борасида олиб борилаётган кенг камровли эзгу ишлар, эришаётган бекиёс ютуқларимизни атайлаб бузиб кўрсатишга уринишлар бўлмоқда.

Интернет ва баъзи хориж оммавий ахборот воситаларида турли миш-мишлар тарқалаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳолбуки, одамларни динга ва диний кўрсатмаларни бажаришга зўрлаш исломнинг моҳияти ва руҳига мутлақо зид бир нарсадир. Қолаверса, Куръони каримнинг Бақара сураси 256-оятида: «Динда зўрлаш йўқ. зеро, тўғри йўл янгиш йўлдан ажрим бўлди....» ҳақида алоҳида кўрсатмалар келган.

Террорчиларнинг худкушлик усулинни ишга солиб портлатишлар содир этаётгани, жирканч ва қабиҳ саналган бу ишларга, айниқса, болалар ва аёлларни, ҳали ҳаётнинг нималигини англаб етмаган ёшларни жалб қилаётгани қалбида имони бор ҳар қандай инсонда нафрат уйғотади. Қолаверса, бундай худкушликлар ислом дини учун мутлақо ёт нарсадир. Куръони каримда: «... Ӯзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз» (Нисо сураси, 29-оят), деб буюрилган.

Ҳадиси құдсийда эса: «Эй бандаларим, мен асло зулм қилгувчи эмасман, сизларнинг зулм қилишингизни ҳаром қилдим, бир-бирингизга асло зулм қилманглар», дейилади. Бу эса ӯз жонига қасд қилиш ва бошка одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ислом асосларига тамоман зид эканини курсатади.

Шукурлар бўлсинки, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччик-чучугини татиган донишманд ҳалқимизнинг кўпчилиги бундай нопок қилмишларни қаттиқ қоралайди. Улар динимизни, ахли сунна вал жамоа таълимотига содиклигини янада мустаҳкамлаш йўлида событдир. Юртимида азал-азалдан турли эътиқодга мансуб миллат ва златлар яшаб келган. 130 дан зиёд миллат фарзандларининг ҳур ва озод диёрда туғилиб, тинчлик ва осойишталик кайфиятида яашлари Ватанимиз бағрикенглик ўлкаси эканининг ёрқин намунасиdir. Уларнинг баҳамжиҳат, аҳил-иноқлиқда, бир-бириларининг эътиқодларини ҳурмат килиб, эҳтиром руҳида яшаб келишларининг ӯзи Яратганинг ҳалқимизга берган каттга тухфасидир. Мамлакатимизнинг барча жабҳалари тараккӣ этиёттани, фуқароларимизнинг юрт осойишталиги ва фаровонлиги йўлида елқадош бўлиб меҳнат

қилаётгани, илм-фан, саноат, курилиш, маданият, санъят ва спорт соҳасида эришаётган ютукларимизнинг замирида халқимизнинг ахиллиги ва бағрикенглиги асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Дастурхонимизнинг түкин-сочинлиги, ҳар йилги ҳосилдорликнинг мул-қўллиги, биргина буғдой ва пахтанинг ўзидан улкан хирмон кўтириб, мусаффо осмон остида тинч ва осойишталиқда умріузаронлик қилаётган кўпмиллатли халқимизнинг тотувлиги Яратганинг иноятидандир.

Юртимиз мусулмонлари бошқа дин вакиллари билан биргаликда ягона мақсад – Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида харакат қилмоқдалар. Динлааро бағрикенглик гояси бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида масжид, черков ва синагоглар ўз ибодатчиларига эмин-эркин хизмат қурсатиб келмоқда. Тарихимизнинг оғир синовли дамларида ҳам диний мажароларнинг чиқмагани халқимизнинг бағрикенг ҳалқ эканидан далолат беради.

Мамлакатимиз тарихан кўпмиллатли ўлса бўлгани туфайли бу заминда турли-туман дин вакилларининг эмин-эркин яашашлари учун барча шароитлар яратилган. Юртимиздаги бошқа ташкилотлар катори диний жамоалар ҳам жамият тараққиётида тобора фаол иштирок этиб, халқимизнинг маънавияти ва қадриятини тиклаш, ўзлигимизни англаш, энг асосийси, мустақиллигимизнинг мустаҳкам ва бокий бўлишига ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар.

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

А. Мансур,

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг  
расис ўринбосари

Халқимизнинг хўп яхши кўрган ва кўп такрорлайдиган дуоси бор, бу – «Илоҳо, хонадонларимизни тинч ва осойишта, юртимизни обод қил» деган дуодир. Доно халқимиз томонидан «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Бир кун уруш бўлган жойдан кирк кун барака кетади», «Тинчлигинг – ҳурлигинг», «Уруш томошибинга осон» каби мақоллар бежиз яратилмаган. Бундан кўриниб турибдики тинчлик

– ҳалқымиз учун энг бебаҳо неъмат. Табаррук ота-боболаримиз ўз насиҳатларида, мухтарама оналаримиз эса айтган аллаларида тинчлик, хотиржамлик сўзини бежиз кўп бора тилга олмайди.

Барчамиз ҳозирги пайтда юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофимизда бўлаётган ҳодисалардан огоҳ бўлиб, аҳоли уртасида тинчлик ва баркарорликнинг қадрига етиб яшамоқдамиз. Хусусан, дунёнинг турли мамлакатларида давом этаётган но-тинчликлар борасида, уларнинг асл сабабларини янада яхшироқ англамоқдамиз. Албатта, рўй бераётган ривожланиш ва тараққиёт юртимизда ҳукм сурاء́тган тинчлик ва хотиржамлик туфайлидир. Бирок, тинчлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган, осонликча кўлга киритиладиган неъмат эмас. Кези келганда таъкидлаш жоизки, кўлга киритилган ютуқлар ҳалқимизга хос бўлган сабр-бардош, мамлакат келажагига қагъий ишонч, ҳамжиҳат ва ҳамфирк бўлиб яшаёттанимиз сабаблидир. Тинчлик-тотувликни асраш, бағрикенг бўлиш, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш каби улуғ фазилатлар ҳакида ахолимизга, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодга сўзлаб беришимиз лозим. Токи, бугунги мураккаб шароитда тинчликни асраш учун огоҳлик, сезгирилик, хушёрлик ҳар қачонгидан кўра мұхимлигини тулиқ тушуниб етсинлар.

Атрофга бир назар ташлайлик, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ва кундан-кунга гўзаллашиб бораётган гўшаларни кўриб, кишининг кўзи қувонади, дили яйрайди. Ёшлиримиз дунёнинг ҳавасини келтирадиган, истеъодоли ва баркамол авлод бўлиб вояга етишапти. Буларнинг бари тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт маҳсули, қолаверса, ёш авлоднинг илмли ва билимли бўлишлари учун яратилган шарт-шароитларнинг натижасидандир. Шуларни аввало ўзимиз тўлиқ ҳис килиб, сўнгра фарзандларимизга тўғри тушунтирмоғимиз лозим. Токи улар Оллоҳ берган бутун куч-гайратим, акл-заковатим ва истеъодим, олган билим-тарбиямни мана шу юрт учун, ота-онам учун, дину диёнатим, эл кори учун сарф қиласман, деб гуурор ва ифтихор билан яшашга ўргансин, гўзал лиёrimиз ривожига ўз хиссасини қўшадиган бўлиб, ўсиб-улгайсин.

Тинчлик Оллоҳ таоло томонидан бутун инсониятга инъом этилган улуғ неъматдир. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош тояси ва мұхим шиорига айлантиргани бежиз эмас, албатта. Оллоҳ

таоло Қуръони каримда баён киладики: «Эй имон келтирганлар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз...» (Бақара сураси, 208-оят).

Афсуски, Оллоҳ таолонинг улуғ неъмати бўлмиш тинчликдан ҳамма ҳам баробар баҳраманд эмас. Чунки дунёнинг турли бурчакларида террорчилар томонидан ноҳақ қон тўкилишлар содир этилмоқда. Қабиҳ ниятли бузғунчи гурухлар амалга ошираётган бундай мудҳиш воқеалар бутун дунё тинчликсевар халқлари қатори Ўзбекистон халқининг ҳам қалбини ларзага солади. Шунинг учун ҳам биз доимо тинчлик ва меҳр-окибатни ўзида мужассам этган муқаддас ислом динимизни пок саклаш, уни турли хил ғаразли хурж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу гояларини кенг тарғиб этишни долзарб вазифа сифатида биламиз. Шунингдек, ислом динини никоб қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига зеришишга уринаётган ҳаракат ва кучларга карши доимо сергак ва ҳушёр туриш зарурлигини қайтакайта таъкидлаймиз.

Халқ орасида фитна қўзғатиш, тухмат ва иғво тарқатиш йўлидаги уринишлар тинчлик ва хотиржамликни издан чикарувчи ҳодисалардан ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар Исломнинг моҳиятига мутлақо зид эканини Қуръони Каримнинг «Бақара» сураси 191-оятидаги «...Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...» деган кўрсатма яна бир бор тасдиклайди.

Огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, тинчликни таъминлаш, турли хил қўнгилсизликлар ва хавфу хатарларнинг олдини олиш бугуннинг зарурий шарти ҳисобланади. Зоро, гофилийк ва бепарволик турли ноҳушликларга замин яратади.

Ислом оламининг эътиборли уламолари томонидан мўътабар манбалар асосида берилётган раддияларни тан олмаётган турли йўналиш ва фирмалар аъзоларини ҳам юқоридағи оятда келтирилган кимсаларга киёслаш мумкин. Тинчлик улуғ неъмат деб эълон қилган динимида бу йўлда нафакат амал билан, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган. Пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганлар: «Ҳақиқий мусулмон бу мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлишиликларидир».

Дарҳакиқат, мусулмон киши жамият учун фақат яхшиликни раво кўрмоги, ёмонликлардан тийилмоги ва бошқаларга азият беришдан

йирок бўлмоги зарур. Ўу бежиз эмас, албатта. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор кўлдан етадиган заардан аввал зикр этилиши, кўл билан бошқаларнинг факат бу дунёси – саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказилса, тил билан инсонларни турли бузгунчи гояларга тарғиб қилиш, уларни тўғри Йўлдан чалгитиш орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин. Урушлар туфайли инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, одамгарчилик унутилади, бошланган хайрли ишлар, улуғ мақсадлар ора Йўлда колиб кетади. Барчанинг ҳаётидан ҳузурхаловат, турмушидан ором-фарогат кўтарилади. Шунинг учун ҳам Оллоҳ таоло бандаларини бўлар-бўлмас сабаблар билан урушлар чиқаришдан, манфаатлар йўлида бир-бирларига қурол кўтаришдан кайтарган.

Парвардигори оламнинг амрларидан чекинган инсонлар бир-бирларига қурол кўтариб жанг қилишади, қанчалаб одамларни ҳалок қилишади ёки асир олиб хўрлашади. Дунёда уруш олови ёкилиб турган мамлакатларни олинг, қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлаётганига гувоҳ бўласиз. Энг аянчлиси шундаки, инсоният бошига катта кулфатлар келтирган, қанчалаб курбонларга, вайронагарчиликларга, болаларнинг етим қолишига сабаб бўлувчи бу урушлар, одатда, бир ҳовуч урушқоқ кимсаларнинг истаги ёки манфаати билан бошланиб кетади. Улар урушлар баҳонасида ўзга юртларни босиб олиш, табиий ва моддий бойликларини талон-торож қилиб, уруш қуролларини урушаётган томонларга пуллашади, урушларни рўкач қилиб, ўзларидаги муаммолар ва жиноятлардан ўз халқларнинг фикрини чалгитишни кўзлашади.

Оллоҳ таоло бандаларини урушга чақирмаган, аксинча, ўзаро иттифоқликда, аҳилликда, сулҳи-салоҳда, тинчлик-омонликда яшашга даъват этган. Самовий китобларнинг бирортасида урушга, ихтилофга даъват қилинмаган, аксинча, тинчликка, омонлик ва сулҳга тарғиб этилган. Динларнинг бирортасида зулм, қотиллик, хунрезлик, одам ўлдириш каби ҳолатлар ёкланмаган. Аксинча, динларнинг барчасида одамлар меҳр-оқибатта, инсонпарварликка, раҳм-шафқатли бўлишга чорланган. Динларнинг энг охиргиси ислом мусулмонларга факат дину диёнат ва ҳаётларига бошқалардан тажовуз бўлгандагина уларга қарши Оллоҳ йўлида курашишга ижозат этган. Демак, у халқларнинг ҳар хиллиги урушиш, жанжаллаши-

ши учун эмас, балки бир-бирлари билан танишишлари, битта замин устида ахил-инок яшашлари учун экан. Бинобарин, бир ота ва бир онадан тарқалган инсониятнинг бир-бири билан Оллоҳ тақиқлаган ишлар туфайли урушиб-талашиб юриши ислом динига хилофдир.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ҳам күплаб ҳадисларида бу каби ззгу гояларни илгари сурғанлар. Ул зот ўзларининг охирги вадо ҳажларидан: «Бир-бирингизнинг қонингиз ва обўйингизни тикишингиз, мол-мулкингизга тажовуз қилишингиз барчангизга ҳаромдир», деганлар (Имом Муслим ривояти).

У зот (с.а.в) яна бир ҳадисларида: «Ҳеч ким биродарига курол ўқталмасин, чунки шайтон васваса қилиб жаҳннам қаърига етаклаётганини билмай қолиши мумкин», деганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «Мен вафот эттанимдан сўнг бир-бирларингизнинг бўғзига тиг урадиган қофир булиб кетманлар», дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Яратгандан бир-бirimизга тинчлик, бегубор осмон, осойишта ҳаёт, хотиржамлик тилайлик! Оллоҳ таоло тинчлик-осойишталигимизни ҳамиша барқарор айласин, жаннатмакон юртимизни тинч, меҳнаткаш ҳалқимизни фаровон, осмонимизни мусаффо этсин.

## МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ – МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Х. Мусурмонов,

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги  
41-сон умумий ўрта таълим мактаби  
тарих фани ўқитувчиси

Давлатлар тараққиётида миллий масалага алоҳида эътибор қаратилиши ҳеч кимга сир эмас. Миллатлараро муносабатларнинг қай йусинда ҳал қилиниши давлат тинчлиги, равнақи ва маданий тараққиётида асосий ўрин тутади.

Ўзбек халқи тарихи ва маданий меросига назар ташласак, мустабид совет тузуми даврида миллий масала, жумладан, ўзбек миллий урф-одат ва қадриятларига муносабат «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи» деб номланган сохта шиор асосида олиб борилди. Кўплаб халқлар ватанларидан мажбурий кўчирилди, депортация қилинди. Шу асосда ҳукумат мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишни мақсад қилиб олди.

XX аср бошларида Туркистон ўлкаси бошқарув органларида марказнинг назорати, ўлкани руслаштириш жараёни кучайди. Маҳаллий тиллар рус тили билан тенг ҳукуқли давлат тили деб зълон қилинган бўлса-да, давлат идораларида рус тили асосий муомала тили бўлиб қолаверди. Давлат бошқарувида туб аҳоли вакилларининг салмоғи камайиб, европаликларнинг нуфузи ортиб борди. Бу ҳолат ўлгадаги айрим маҳаллий раҳбар ходимларнинг норозилигига асос ва марказга талабномалар билан мурожаат қилишларига сабаб бўлган. Ушбу талабномалар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган марказ 1923 йилда Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитасининг декрети асосида давлат аппаратини маҳаллийлаштириш сиёсатини амалга ошириди.

Совет ҳокимияти ва большевиклар партияси Ўзбекистонда миллий маърифатпарвар кадрларнинг мавжуд сиёсий ҳолатдан норозиликларини зимдан қузатиш, ўрганиш ва уларга зарба бериш мақсадида Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси (БДСБ) фаолиятидан фойдаланди.

Маърифатпарвар зиёлиларнинг иш фаолиятлари, матбуот саҳифаларида мақолаларини назорат қилиш, уларни чоп этишни тұхтатиш каби ишлар амалга оширилди. У 1928 йил 14 майда ВКП (б)

Марказий Комитетига «Узбек маърифатпарварларида шовинизмнинг ривожланиши ва ўсиши тўгрисидаги маҳфий хужжатларни текшириш ҳакида» маълумот жўнатади. Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармасининг маълумотлари 2005 йил Москвада чоп этилган Л.С. Гатагова, Л.П. Кошелева, Л.А. Роговаялар томонидан нашрга тайёрланган «ЦК РКП (б) – ВКП (б) и национальный вопрос» деб номланган китобда узбек миллий маърифатпарварларининг республикада мустамлакачилик сиёсатининг кучайиб бораётгани, маҳаллийлаштириш ўрнига руслаштириш сиёсати авж олаётгани ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Жумладан, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг: «Маҳаллийлаштириш йўқ. Атайн «Осиё-нон»га кирдим, I нафар ўзбек ишлайти, Давлат Сиёсий Бошқармаси маҳаллийлаштирилмаган. Ўзбекистоннинг мустакиллиги қани? Табиий равишда гурухий курашни алангалатмоқда. Москва бўйруқ беряпти. Қайта сайловлар Давлат Сиёсий Бошқармаси қўлида. Биз ўзимизникини жойлаштирамиз, улар ҳайдайдилар»<sup>1</sup> сингари фикрлари Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси томонидан салбий таҳлил қилинган.

Маърифатпарвар ўқитувчи Эсон Афандининг: «Кучлар руслар томонида ва бунинг ҳеч қандай ҳайратланарли томони йўқ, чунки уларни бизга кўплаб жўнатишмоқда. Бизнинг шаҳарда янги курилган 2800 та участка (ховли)»дан 24 тасигина ўзбекларга берилган. Мана Совет давлатининг миллий сиёсати. Советлар Туркистонга русларни кўчирмоқда ва уларга яхши боғларни ажратмоқда. Урга Осиё давлат университети рус талabalari билан тўлмоқда, ўзбек талabalari жуда кам. Большевизмнинг салбий томони шундаки, у мустамлакачилик сиёсатини олиб бормоқда ва Туркистонни руслар билан тўлдирмоқда»<sup>2</sup>, каби мулоҳазалари бу бошқарма томонидан давлат сиёсатига қарши манба сифатида тўплаб борилган ҳамда уларни жазолаш учун фойдаланилган.

1924–1933 йилларда большевиклар партияси Ўзбекистон ССР МИҚ ҳузурида «Давлат аппаратини ўзбеклаштириш», кейинчалик эса «Давлат аппарати ва саноатни маҳаллийлаштириш» деб номлан-

<sup>1</sup> РКП (б) – ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1., 1918–1933гг. Сборник документов. Составители Л.С. Гатагова, Л.П. Кошелева, Л.А. Роговая. М: РОССПЭН, 2005. 574-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда.

ган Комиссия тузиб, бу ҳолатта «барҳам бериш» чора-тадбирларини «излади». Мазкур Комиссия Ўзбекистонда давлат аппарати ва саноат корхоналарида маҳаллий, миллий кадрлар саломгини ошириш вазифасини кўйди, округларда ҳам комиссия бўлимлари ташкил этилди, ўзбек ва рус тилларини урганиш курслари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивда саклангаётган жамгарма ва даврий матбуот материалларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ўзбеклаштириш, маҳаллийлаштириш жараёни хусусида қарорлар юзаки амалга оширилган, давлат органларини раҳбар кадрлар билан таъминлаш юкори партия ташкилотларининг вазифаси бўлиб қолаверган, марказий аппаратларда ходимларнинг асосий қисми европалик миллат вакиллари ҳиссасига тўғри келиши давом этаверган.

Масалан, Ўзбекистон МДА да 1927 йил 4 сентябргача Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарликлари, марказий давлат ва хўжалик ташкилотларида иш ҳужжатларини иккى тилда юритиш, аппаратни ўзбеклаштириш, аппарат ходимларининг сони ҳақидаги манбада кўйидаги манзарани кузатиш мумкин:

№	Марказий давлат, хўжалик ташкилотлари ва халқ комиссарлигининг номи	Иккى тилда иш юритишни ташкил этиш (% хисобида)	Жами ходимлар сони (нафар)	Маҳаллий миллат вакиллари (нафар)	Ўзбеклаштириш жараёни (% хисобида)
1.	Марказий статистика бошкармаси	5 %	83	4	4,8 %
2.	Молия ишлари халқ комиссарлиги	25 %	201	25	12,4 %
3.	Ўзбек давлат савдоси	-	109	3	11,9 %
4.	«Ўзбеквино»	-	67	3	4,5 %
5.	Соғлиқни саклаш халқ комиссарлиги	5%	26	2	7,7 %
6.	Ўзбекистон божхона бошкармаси	100 % <sup>п.1</sup>	14	3	21,4 %
7.	Давлат банки	100 % <sup>п.1</sup>	61	4	6,6 %
8.	Давлат сугурталаш бошкармаси	25%	71	13	-
9.	Сув хўжалиги бошкармаси	25%	60	12	20 %
10.	Ижтимоий гаъмиюот халқ комиссарлиги	5%	13	2	15,5%

11.	«Құшчи Союз»	100 %	17	7	90 %
12.	Ўзбекистон матлубот жамияти	20%	107	10	9,3%
13.	Ўзбек кишлоқ хұжалиғы итти- фоки	25%	129	16	12,4 % <sup>1</sup>

*Мәнба:* Ўз. РМДА. 86-жамтарма. 1-рўйхат, 4455-иш, 111–112-бетлар.

Келтирилган маълумотлардан күриниб турибдикі, халқарнинг миллий, маданий меросида тил, унга муносабат масаласи асосий үрин эгаллайди. Халкнинг акл-идроқи, тафаккури, тарихи, маданијати унинг тилида ўз ифодасини топади. Тил халқнинг қалби, маданий, маънавий мероси, миллий қадриятидир. Тил миллатнин тарихини, маънавий бойлигини, ижтимоий ҳаёти, маданияти ва рухиятини чуқур эгаллашга хизмат қиласы.

Мустақиллик кенг қарорлар, демократия ва ошкоралыкни ривожлантириш, миллий масала, миллий тил ва маданият. миллий урф-одат, миллий қадриятларга, үтмиш тарихимиз, маданий меросимизга миллий ва миллатлараро муносабатлар борасида совет тузуми даврида олиб борилган зуравонлик сиёсати ва у келтириб чиқарған мураккаб муаммоларни бартараф этиш учун кенг йўл очиб берди.

Мустақиллик шарофати билан ўз эрки, озодлигига эга бўлган ўзбек халқи ўз тилига қайтди, миллатлараро муносабатларга янгиша сиёсий, фалсафий, хукуқий тафаккур асосида ёндашилмоқда ва шу асосда унтутилган миллий, маданий ва маънавий мерос тикланди. Ўзбек тилини астойдил муҳофаза қилиш, унга давлат тили мақомини бериш, тиклаш, ривожлантириш ва етук миллатлар тиллари даражасига кутариш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат булиб, ҳозирда бу ерда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Унда барча миллат ва этник гурӯхлар, миллатлар ўзларини эркин ва тенг хукуқли деб ҳис қилишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини гаъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»<sup>1</sup>, деб белгиланган.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2009, 4-бет.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлилиги – ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлик ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятияга қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда»<sup>1</sup>.

Дарҳакиат, шундай экан, жамият тараққиётининг истикболи, инсонларнинг баҳт-саодати, фаровон ҳаёт кечириши миллатлар, элатлар, барча ижтимоий гурухлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг ривожи тил, маданият, миллий муносабатларга қай даражада эътибор килинаётганлиги билан бевосита боғлик. Миллийликка эътибор эса маданий тараққиёт белгисидир.

## SOG'LOM ONA VA BOLA – TINCH VA OSUDA MAMILAKATDA SHAKLLANADI

N. Mamatova,  
*Andijon viloyati Asaka tumani*

Respublikamiz jahon maydoniga o‘ziga xos tizim va sharqona falsafasi bilan qadam tashlab kelmoqda. Sababi, har yili joriy qilinayotgan yilnomalar va dasturlarning davlat siyosati darajasiga aylanishi, xalq manfaatlarini kafolatlaydi. Shuningdek, har bir kunimiz, har bir onimiz eзгу maqsad sari yo‘naltirilganini izohlaydi. Buni qarangki, 1998-yil – «Oila yili», 2000-yil – «Sog‘lom avlod yili», 2001-yil – «Onalar va bolalar yili», 2005-yil – «Sihat-salomatlilik yili», 2010-yil – «Barkamol avlod yili», 2012-yil – «Mustahkam oila yili», 2014-yil – «Sog‘lom bola yili» shiori ostidagi dasturlarning bardavomiyligini «Sog‘lom ona va bola yili» Davlat dasturining qabul qilinishi bilan ham izohlasak bo‘ladi.

Mamlakatimizda «Sog‘lom ona va bola yili» nomli Davlat dasturining joriy etilishi, shuningdek 2016-yil – «Sog‘lom ona va bola yili» deb e’lon qilinishi, yurtimizda yashayotgan har bir ona va bolaga hukumatimiz tomonidan qaratilgan alohida e’tibor va g’amxo‘rlik ifodasidir.

Bunday islohotlarni amalga oshirish: ma’naviy yetuk, jismonan sog‘lom va barkamol avlodning baxtli kelajagini yaratishga, sog‘lom

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусагасида, хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997, 72-бет.

muhitni yuksaltirishga qaratilgan. Ayni kunda nafaqat O'zbekistonda, balki butun dunyo mamlakatlarda ham «Sog'lom ona va bola», «Sog'lom turmush tarzi» ni shakllantirishga istak va ehtiyojlar mavjud.

Sog'lom ona va bola, albatta, sog'lom muhitda, tinch va osuda jamiyatda shakllanadi.

Bugunning onasi, bugunning farzandi chinakamiga baxtli. Chunki hamma zamonlarda ham ona va bolaga bu darajada g'amxo'rlik ko'rsatilmagan.

Istiqlol yillardan boshlab ona va bolani muhofaza qilish, davlat qonunlari bilan belgilab qo'yildi. Ular uchun qulay sharoit va imkoniyatlar yaratildi. Negaki, farzandlarimiz sog'lom bo'lishi uchun ona sog'lom, ona sog'lom bo'lishi uchun u yashagan muhit sog'lom bo'lmog'i darkor. Shundagina sog'lom onadan sog'lom farzand tug'iladi.

Hukumatimiz tomonidan biz kabi onalarga qaratilgan e'tibor, bizdan ham ulkan mas'uliyat talab qiladi. Ya'ni farzandlarimizni jismongan sog'lom bo'lishidan tashqari, ma'naviy-ma'rifiy barkamolligini ta'minlash, to'g'ri tarbiya berish asosiy vazifamiz ekani ta'kidlanadi.

«Sog'lom ona va bola yili» shiorining tub mohiyati onalarimizni sog'lom surriyotni dunyoga keltirishga chorlasa, uning otasidan, farzandining har tomonlama komil inson bo'lib voyaga yetishi uchun oilaviy sog'lom muhit yaratish talab qilinadi.

Yurtboshimizning teran fikrlarida ham ana shunday ezgu maqsadlar o'z ifodasini topgan: «Shaxsan menga «nasl» va «nasiba» degan so'zlar o'rtaida qandaydir ilohiy bog'liqlik bordek tuyuladi. Albatta, har bir bandaga rizq-nasibani Olloh taolo beradi. Lekin bu hayotda nasibasi butun va to'la bo'lishi uchun insonning o'zi ham chin dildan intilishi, surriyotini sog'lom muhitda tarbiyalashi katta ahamiyatga ega ekanini unutmasligimiz zarur».

O'zbek xalqi bolajon, oilaparvar xalq. Bolaning qornini to'q, ustini but qilib unga mehr berishni har bir ota-onha yaxshi biladi. Lekin asosiy burchi: bolani go'zal xulqli, odob-axloqli, yuksak ma'naviyatli qilib tarbiyalash ikkinchi masalaga aylanib qolmoqda. Bola nafaqat jismonan sog'lom, ma'naviy barkamol bo'lib yetishishida ota-onha, oila tarbiyasi muhim ahamiyatga ega. Chunki bola ilk hayotiy tushunchalarni, mehrmuhabbat, pokiza tuyg'ularni, ezgu amallarni ota-onadan va ularning xatti-harakatidan oladi.

Hayotiy ko'nikmalardan ayonki, jismonan sog'lom tug'ilgan cha-qaloqlarni hech kim yaxshi-yomonga ajrata olmaydi. Chunki, uning kelajakda qanday shaxs bo'lib yetishishi u yashagan olam, tarbiya olgan muhitga bog'liq. Biz o'z farzandlarimizning kamolini ko'rishni istar ekanmiz, ularning baxt-u iqboli va buyuk kelajagini yaratish uchun nafaqat oilada, balki mahallada, mактабда, qo'ni-qo'shni, qarindoshurug' o'rtasida ham o'z ta'sirimizni ko'rsatmog'imiz hamda zimmamizda ulkan mas'uliyat borligini unutmasligimiz darkor.

Sog'lom bola – sog'lom jamiyat poydevori. Vatanimizning kelajagi ularga bog'liq. Vatan ham ona kabi munosib vorislarning ko'magida farzandlar baxtini ko'rishni istaydi.

Bugungi kunda davlatimiz tomonidan olib borilayotgan barcha is-lohotlar farzandlarimizning nurli kelajagi, baxt-u kamolini ko'rish uchun amalga oshirilmoqda.

Kelajagimiz davomchilari bo'lgan intellektual, kreativ, odobli, bilimli, mehnatsevar, barkamol shaxslar nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning eng katta boyligidir.

Har tomonlama sog'lom va barkamol farzandlarga avlodlar davomiyligini ta'minlaydi. Mamlakat barqarorligi, jamiyat mustahkamligini sog'lom ona, sog'lom bola, sog'lom oila yuksaltiradi.

Yurtboshimiz o'z fikrlarini quyidagicha ifodalaydi: «Muxtasar aytganda, hammamizga ayon bo'lishi tabiiyki, oila sog'lom ekan – jamiyat mustahkam, jamiyat mustahkam ekan – mamlakat barqarordir».


Biz, ma'naviy hayotimizni mustahkamlab, kelajagimizni sog'lom fikrli munosib vorislarga topshirish maqsadida yosh avlod ong-u tafakkurini zamonaviy, sharqona odob bilan tarbiyalash yo'lini tanladik.

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIYOSATIDA TINCHLIKNI SAQLASH ENG USTUVOR VAZIFA

S. Matkarimova,

*Urganch shahar 9-son umumiy o'rta ta'lim  
makiyabining tarix fani o'qituvchisi*

Bundan 25 yil muqaddam O'zbekiston Respublikasi o'z mustaqilligini e'lon qilib, tarixiy taraqqiyotning yangi bosqichiga qadam qo'ygan edi. O'tgan davr mobaynida respublikamiz, xalqimiz juda murakkab va sharaflı yo'lni bosib o'tdi, desak mubolag'a bo'lmash. Zero, xalqimizning shu davr davomida erishgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy



sohadagi taraqqiyot natijalarini xolisona baholash zaruriyati mavjud. Bizga ma'lumki, O'zbekiston Respublikasi o'z mustaqilligini o'ta og'ir bir sharoitda, jahon arenasida alg'ov-dalg'ovliklar yuz berayotgan bir davrda qo'lga kiritdi. Mustaqillikni qo'lga kiritish ulkan yutuq bo'lsa-da, uni saqlab qolish, dunyodagi boshqa mamlakatlar orasida o'z mavqeyni mustahkamlash, tenglar orasida teng bo'lism, jahon maydonining tarkibiy qismiga aylantirish, odamlarning munosib turmush kechirishini ta'minlay olish, insonning huquq va erkinliklarini himoya qila oladigan chinakam demokratik jamiyat qurish juda qiyin va murakkab vazifa bo'lib, bu yo'lda qiyinchiliklar va sinovlarga duch kelishi aniq va ularni yengib o'tishga qodir iroda va o'ta kuchli siyosat, shuningdek, xalqning qo'llab-quvvatlashi zarur edi.

Respublikamizda Prezidentimiz tomonidan olib borilgan oqilona siyosat murakkab jarayonlar va qo'rqinchli o'pqonlar ummonidan O'zbekistonni ulkan yo'qotishlarsiz olib chiqdi va taraqqiyot sari yuzlantirdi. Milliy istiqlol masifikasiya asoslangan etnik siyosat demokratiyaga asoslangan bo'lib, bugungi kunda uni butun dunyo tan olmoqda. Shuning uchun ham, taraqqiyotning «o'zbek modeli», «yangi uy qurmay turib, eskisini buzmang», «Islohot-islohot uchun emas, avvalo inson uchun», «Xalqimizga faqat tinchlik va yana tinchlik kerak!» kabi mashhur tamoyillar bugun dunyo e'tirofida. Ushbu tamoyillar nafaqat yurtimiz, balki bizga qardosh va tengdosh davlatlarning ham tinchligini ta'minlashda muhim rol o'yamoqda.

Istiqlol yillarda Prezidentimiz yo'lboschchiliklarida erishilgan va erishilayotgan yutuq va marralar, mana shunday dorilamon kunlarda farovon yashayotganimiz, emin-erkin mehnat qilayotganimizning tub mohiyati, albatta, yurtimizda hukm surayotgan tinchlik-osoyishtalikdandir.

Maqolada shunday murakkab va ziddiyatli vaziyatda butun dunyoda tinchlikni saqlash eng katta muammoga aylanib borayotgani, O'zbekiston Respublikasi tinchlikni saqlash borasida olib borayotgan siyosatining tub mazmun-mohiyati haqida mulohazalar berilgan.

Bugun biz tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan, insoniyat hozirga qadar boshidan kechirgan davrlardan tubdan farq qiladigan o'ta shiddatli va murakkab bir zamonda yashamoqdamiz. «Agar biz bugungi hayotimizga, buniyodkorlik ishlarmizga, erishayotgan yutuqlarimizga to'g'ri baho bermasak, ularning qadriga yetmasak, o'z hushyorligimizni yo'qotib, bizni har qadaında kutayotgan tahdidlarni, tinch turmushimizga,

xavfsizligimizga raxna solayotgan, oyoq ostidan chiqayotgan har xil balo-qazolarni ham payqamay, sezmay qolishimiz mumkin»<sup>1</sup>.

So'nggi yillarda butun dunyo xavfsizligiga xalqaro terrorizm, ayirmachilik, diniy ekstremizm tahdid solmoqda. Siyosiy hokimiyatga intilayotgan, diniy shiorlarni niqob qilib olgan aqidaparast oqimlar Markaziy Osiyo mamlakatlari, xususan, O'zbekistondagi ijtimoiy-siyosiy vaziyatga salbiy ta'sir o'tkazishga harakat qilmoqda. Jumladan, soxta «jihodchilar», «salafiyalar» diniy-siyosiy guruhlari, «Xizbut tahrir» diniy-ekstremistik guruhi respublikamizda faol harakat qilishga o'zining yovuz maqsadlari yo'lida barcha vositalardan foydalanib, osoyishtaligimizga raxna solishga urinmoqdalar. Bunday vaziyatda dunyoda tinchlikni saqlash uchun barcha davlatlar birlashib, xavfsizlikka tahdid solayotgan omillarga qarshi kurashishi lozim. Eng avvalo, har qanday urush, mojaroning oldini olish, notinchlik yuz berayotgan hududlarda esa barcha masalalar muzokara va siyosat orqali hal qilinishi lozimligi Prezidentimizning asarlarida izohlab berilgan. Buning eng to'g'ri yo'l ekanini bugun dunyo e'tirof etmoqda.

Ko'pni ko'rgan keksalarimiz har gal duoga qo'l ochganlarida «Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo bo'lsin, xonardonlarimizdan fayz-u baraka arimasin», deya tilak bildirishadi. Tinchlik va xotirjamlik hukm surgan joyda ezgu ishlar bardavom bo'ladi. Bu hayotiy haqiqatni bunyodkor xalqimiz, har birimiz istiqlol yillarda muhtaram Yurtboshimiz rahnamoliklarida, barcha sohalarda amalga oshirilayotgan islohotlar samaralaridan teran anglamoqdamiz.

Mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalik, millatlararo totuvlik, hamjihatlik el-yurtimiz ravnaqi yo'lida amalga oshirilayotgan ezgu ishlarning mustahkam asosi bo'lib xizmat qilmoqda.

Yurtimiz tinchligi va osoyishtaligini saqlash uchun madaniy-ma'rifiy sohalarda quyidagi tadbirlarning o'tkazilishi maqsadga muvofiq bo'ladi:

— kelajak vorislariiga tinchlikning qadri, mustaqillik ato etgan ulkan imkoniyatlar. Prezidentimiz rahnamoligida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar mazmun-mohiyatini har bir dars avvalida tushuntirish;

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёти – широад максадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 31-б. (8-бет)

– «Qo'shning tinch – sen tinch» shiori ostida turli xil tadbirlar tashkil etish, (Afg'oniston, Iroq, Ukrainadagi siyosiy voqealar, u yerdagi bolalar hayoti misolida);

– Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari va Afg'on urushi ishtirok-chilari bo'lgan vatandoshlarimiz bilan uchrashuvlar o'tkazish;

– shukronalik ruhida tarbiyalash barobarida, tinchlikni saqlash kelajak yoshlар qо'lida ekanи va buning uchun milliy g'oya va masfura, Vatanga sodiqlik ruhini yoshlар ongiga singdirib borish;

– har bir fuqaromizda daxldorlik hissi yuksak darajada shakllangan taqdirdagina tinchligimizni saqlashga o'z hissamizni qo'sha olishimiz va kelajak avlodga ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayat qoldira olishimiz mumkinligini yoshlарimizga tushuntirib borish;

– yoshlarga yurtimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalikning qadriga yetish, uni har kuni, har daqiqa asrab-avaylash zarurligini tushuntirish. Mamlakatimizda yaratilayotgan sharoit va imkoniyatlardan unumli foydalanish, Vatanimiz ravnaqi yo'lida sidqidildan xizmat qilish navqiron avlodning muqaddas burchi ekanini uqtirib borish lozim.

Shunday qilib, Vatanimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalikning tub mohiyati O'zbekiston Respublikasi rahbarining ichki va tashqi siyosatda o'z pozitsiyasini qat'iy belgilab, shunga amal qilib kelayotganidadir. Shu o'rinda Prezidentimizning: «Yoshlарimiz: bu Vatan – meniki, agarki uni har qanday balo-qazolardan asrash, himoya qilish uchun men kurashmasam, kim kurashadi?» degan fikr bilan yashasa, mana shunday qarash unib kelayotgan bolalarimiz uchun eng katta da'vatga, hayotiy e'tiqodga aylanib, ularning qalbidan, ong-u tafakkuridan chuqur joy olsa, aytinlar, bunday xalqni yo'lidan qaytarib bo'ladimi, bunday xalqni yengib bo'ladimi?!» deb aytgan so'zlari barcha uchun shior bo'lsa arziydi.

## MAMLAKATIMIZDA HUKM SURAYOTGAN TINCHLIK VA OSOYISHTALIKNING MAZMUN-MOHİYATI

N. Mamatova,

*Andijon viloyati Asaka tumani 54-son umumiy o'rta  
ta'lim maktabining O'TIBD o'rinnbosari*

Z. Kabilova,

*filologiya fanlari nomzodi, AVXTXQTUMOI til va  
adabiyot ta'limi kafedrasini dotsenti*

D. Fatidinova,

*Andijon viloyati Asaka tumani  
54-son umumiy o'rta ta'lim maktabi direktori*

*Biz barqaror taraqqiyot va farovon hayotga  
erishish yo'lida o'z oldimizga qanday reja va das-  
turlarni qo'ymaylik, barcha oliyjanob orzu-inti-  
lishlarimizni amalgalashirishning yagona sharti va  
garovi – bu tinchlik va osoyishtalikdir.*

ISLOM KARIMOV

Odam uchun kindik qoni to'kilgan qadrondan o'lkada yashash qan-  
chalik ulug' baxt bo'lsa, uning kelajagini barpo etishda ishtirok etish  
ham shunchalik katta sharafdir.

Bu baxtni anglash uchun Vatanni chin yurakdan sevib-ardoqlab  
yashash kerak. Vatan shu xalqning mehnati, yaratuvchanlik salohiyati  
tufayli rivojlanadi. Chunki inson o'zi tug'ilib, unib-o'sgan joyiga mehr  
qo'ymasa, uni haqiqiy Vatan deb bilib, asrab-avaylamasa, gullatib-  
yashnatmasa, avlodlarga meros qilib qoldirmasa, hayotda rivojlanish,  
qadriyat va an'analar ham bo'lmaydi.

Bizning ota-bobolarimiz Vatanni ajdodlar xokini asrovchi muqaddas  
makon deb bilganlar. Milliy g'urur-iftixorimiz bo'lgan To'maris, Shiroq,  
Spitamen, Najmiddin Kubro, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Bobur kabi  
vatanparvar ajdodlarimizning qahramonliklari zamirida ana shu tuyg'u  
mujassam.

Insonni yurtidan, ona makonidan ayirish, uni o'z uyida bezovta  
qilish eng katta gunoh hisoblanadi. Har bir insonning uyi – uning daxlsiz  
vatanidir. Ajdodlarimiz nafaqat insonni, balki har qanday jonivorni  
vatanidan judo qilib qo'yishni ham gunoh deb bilganlar.

Ma'rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy shunday deydiłar: «Har bir kishining tug'ilib o'sgan shahar va mamalakati shul kishining vatani deyilur. Har kim tug'ilgan, o'sgan yerini jonidan ortiq suyar. Hatto bu vatan hissi hayvonlarda ham bor. Agar bir hayvon o'z vatanidan, uyuridan ayrilsa, o'z yeridagi kabi rohat-farog'at yashamas, maishati talx bo'lib, har vaqt dilining bir go'shasida o'z vatanining muhabbatı turar».

Biz o'z oldimizga buyuk maqsad – yurtimizda huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyatı barpo etish vazifasini qo'ygan ekanmiz, uni amalga oshirish uchun, albatta, milliy g'oyamiz tarkibida yurt tinchligi masalasi bиринчи о'rinda turibdi. Chunki tinchlik dunyodagi eng buyuk boylik hisoblanadi. Agar tinchlik bo'lsa, hamma erkin nafas oladi. oila qurish, farzand o'stirish, to'y-u tomoshalar qilish, bir so'z bilan aytganda, nimaiki ezgu niyati bo'lsa, ularning barchasini amalga oshirish imkoniyati paydo bo'ladi.

«Bizning qariyalarimiz, yuzdan oshgan otaxon va onaxonlarimiz yurtimiz tinch va osoyishta, hayotimiz farovon bo'lsin deb, bugungi kunimizga shukronalar aytadi. Chunki o'zbek xalqiga tinchlik va omonlik kerak»<sup>1</sup>.

Tinchlik bo'limgan joyda fayz-u baraka ham, rivojlanish ham bo'lmaydi. «Bir kun janjal chiqqan joydan qirq kun fayz-u baraka ko'tariladi», degan maqol bejiz aytilmagan. Bu – xalqimizning necha asrlar davomida tinchlikning qadr-qimmatini har tomonlama chuqr anglab chiqargan haqqoni xulosasidir.

«Agar tinchlik-osoyishtalik bo'lmasa, mehr-oqibat bo'lmasa, biz orzu qilgan va intilayotgan erkin va farovon hayotni qurib bo'lmaydi»<sup>2</sup>.

Tinchlik eng ulug' ne'mat, bebahो boylik sifatida milliy qadriyatlarimiz, urf-odat va an'analarimiz, butun turmush tarzimizning ma'no-mazmuniga singib ketgan.

Yurtimizdagи har bir xonadonda, har qanday yig'in va ma'rakada ezgu niyatlar bilan fotihaga qo'l ochganda yosh-u qari, erkag-u ayol, barcha yurtdoshlarimiz Yaratgandan tinchlik-xotirjamlik berishini so'raydi.

«Biz uchun tinchlik va omonlik kerak. Haqiqatan ham, yurtimizdagи qaysi xonadonga kirmang, qariyalarimiz duoga qo'l ochib, Yaratgandan avvalo, el-yurtimizga tinchlik va omonlikni so'raydi. Chunki xalqimiz

<sup>1</sup> Islom Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. –T.: «O'zbekiston», 2015, 280-bet.

<sup>2</sup> O'sha yerda, 227-bet.

tinchlik bo'lsa, farovonlik va taraqqiyot bo'lishini yaxshi biladi, tinchlikning qadr-qimmatini yaxshi anglaydi»<sup>1</sup>.

Bugungi kunda dunyo ahli yurt tinchligi taraqqiyotning asosiy sharti, garovi ekanini anglab yetmoqda. Shuning uchun Yer yuzida tinchlik va barqarorlikni asrash har bir xalqning, mamlakatning, balki butun insoniyatning muqaddas burchiga aylandi.

«Yurtimizda hukm surayotgan tinchlik va barqarorlik, millatlararo va fuqarolararo hamjihatlik, o'zaro hurmat muhitini saqlash, huquqiy savodxonlikni, yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarimizning siyosiy madaniyati va faolligini oshirishni ta'minlashda fuqarolik jamiyatni institutlarining rolini yanada kuchaytirishi muhim vazifa bo'lib kolmoqda»<sup>2</sup>.

Yoshlar hamma zamonlarda ham millat suyanchi, xalqning tayanchi bo'lib kelgan. Shuni nazarda tutib, xalqimiz «Yoshlar – Vatanimiz kelajagi», deydi. O'zining kelajagini o'yaydigan har qanday davlat avvalo yoshlar tarbiyasiga katta e'tibor beradi.

«Men yoshlarimizga qarab aytmoqchiman: agarki qachon biz xohlagan zamon kelsa, ana o'shanda murodimizga yetamiz degan fikr bilan bemalol yuradigan bo'lsak, bilib qo'yinglar, bunday zamon hech qachon o'z-o'zidan kelmaydi»<sup>3</sup>.

Tinchlikka hech qachon osonlikcha erishib bo'lmaydi. Tinchlikka erishish, uni asrab-avaylash uchun tinimsiz mehnat qilish, kurashish, doimo hushyor va ogoh bo'lib yashash talab etiladi. Ozgina loqaydlik va beparvolikka yo'l qo'yilsa, tinchlikka putur yetadi. Negaki, tinchlik-totuvlik Vatan ravnaqi, xalq farovonligining asosiy belgisidir.

«Bugungi kunda dunyoda sodir bo'layotgan voqealarни xolisona baholar ekanmiz, keskinlik va xavf-xatarlarning tobora o'sib, geosiyo-siy qarama-qarshiliklar, o'z ta'sir doirasini kengaytirishga qaratilgan kurashning, radikalizm, terrorizm va ekstremizm kabi tahdidlarning kuchayib borayotgani barchamizni tashvish va xavotirga solmasdan qo'ymaydi, albatta»<sup>4</sup>.

Bugungi hayot shunchalik murakkabki, Vatanimizning kelajagini ko'rolmaydigan, uning buyuk davlatlar qatoridan joy olishini ista-

<sup>1</sup> Islam Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish — olyi saxdatdir. — T.: «O'zbekiston» 2015, 276-bet.

<sup>2</sup> O'sha yerda, 275-bet.

<sup>3</sup> O'sha yerda, 30-bet.

<sup>4</sup> O'sha yerda, 273-bet.

Ma'rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy shunday deydilar: «Har bir kishining tug'ilib o'sgan shahar va mamalakati shul kishining vatanı deyilur. Har kim tug'ilgan, o'sgan yerini jonidan ortiq suyar. Hatto bu vatan hissi hayvonlarda ham bor. Agar bir hayvon o'z vatanidan, uyuridan ayrilsa, o'z yeridagi kabi rohat-farog'at yashamas, maishati talx bo'lib, har vaqt dilining bir go'shasida o'z vatanining muhabbati turar».

Biz o'z oldimizga buyuk maqsad – yurtimizda huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyati barpo etish vazifasini qo'ygan ekanmiz, uni amalga oshirish uchun, albatta, milliy g'oyamiz tarkibida yurt tinchligi masalasi bиринчи о'rinda turibdi. Chunki tinchlik dunyodagi eng buyuk boylik hisoblanadi. Agar tinchlik bo'lsa, hamma erkin nafas oladi. oila qurish, farzand o'stirish, to'y-u tomoshalar qilish, bir so'z bilan aytganda, nimaiki ezgu niyati bo'lsa, ularning barchasini amalga oshirish imkoniyati paydo bo'ladi.

«Bizning qariyalarimiz, yuzdan oshgan otaxon va onaxonlarimiz yurtimiz tinch va osoyishta, hayotimiz farovon bo'lsin deb, bugungi kunimizga shukronalar aytadi. Chunki o'zbek xalqiga tinchlik va omonlik kerak»<sup>1</sup>.

Tinchlik bo'limgan joyda fayz-u baraka ham, rivojlanish ham bo'lmaydi. «Bir kun janjal chiqqan joydan qirq kun fayz-u baraka ko'tariladi», degan maqol bejiz aytilmagan. Bu – xalqimizning necha asrlar davomida tinchlikning qadr-qimmatini har tomonlama chuqur anglab chiqargan haqqoni xulosasidir.

«Agar tinchlik-osoyshtalik bo'lmasa, mehr-oqibat bo'lmasa, biz orzu qilgan va intilayotgan erkin va farovon hayotni qurib bo'lmaydi»<sup>2</sup>.

Tinchlik eng ulug' ne'mat, bebafo boylik sifatida milliy qadriyatlarimiz, urf-odat va an'analarimiz, butun turmush tarzimizning ma'no-mazmuniga singib ketgan.

Yurtimizdagи har bir xonadonda, har qanday yig'in va ma'rakada ezgu niyatlar bilan fotihaga qo'l ochganda yosh-u qari, erkag-u ayol, barcha yurtdoshlarimiz Yaratgandan tinchlik-xotirjamlik berishini so'raydi.

«Biz uchun tinchlik va omonlik kerak. Haqiqatan ham, yurtimizdagи qaysi xonadonga kirmang, qariyalarimiz duoga qo'l ochib, Yaratgandan avvalo, el-yurtimizga tinchlik va omonlikni so'raydi. Chunki xalqimiz

<sup>1</sup> Islom Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. –T.: «O'zbekiston», 2015, 280-bet.

<sup>2</sup> O'sha yerda, 227-bet.

tinchlik bo'lsa, farovonlik va taraqqiyot bo'lishini yaxshi biladi, tinchlikning qadr-qimmatini yaxshi anglaydi»<sup>1</sup>.

Bugungi kunda dunyo ahli yurt tinchligi taraqqiyotning asosiy sharti, garovi ekanini anglab yetmoqda. Shuning uchun Yer yuzida tinchlik va barqarorlikni asrash har bir xalqning, mamlakatning, balki butun insoniyatning muqaddas burchiga aylandi.

«Yurtimizda hukm surayotgan tinchlik va barqarorlik, millatlararo va fuqarolararo hamjihatlik, o'zaro hurmat muhitini saqlash, huquqiy savodxonlikni, yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarimizning siyosiy madaniyati va faolligini oshirishni ta'minlashda fuqarolik jamiyatni institutlarining rolini yanada kuchaytirishi muhim vazifa bo'lib kolmoqda»<sup>2</sup>.

Yoshlar hamma zamonlarda ham millat suyanchi, xalqning tayanchi bo'lib kelgan. Shuni nazarda tutib, xalqimiz «Yoshlar – Vatanimiz kelajagi», deydi. O'zining kelajagini o'yaydigan har qanday davlat avvalo yoshlar tarbiyasiga katta e'tibor beradi.

«Men yoshlarimizga qarab aytmoqchiman: agarki qachon biz xohlagan zamon kelsa, ana o'shanda murodimizga yetamiz degan fikr bilan bemalo'l yuradigan bo'lsak, bilib qo'yinglar, bunday zamon hech qachon o'z-o'zidan kelmaydi»<sup>3</sup>.

Tinchlikka hech qachon osonlikcha erishib bo'lmaydi. Tinchlikka erishish, uni asrab-avaylash uchun tinimsiz mehnat qilish, kurashish, doimo hushyor va ogoh bo'lib yashash talab etiladi. Ozgina loqaydlik va beparvolikka yo'l qo'yilsa, tinchlikka putur yetadi. Negaki, tinchlik-totuvlik Vatan ravnaqi, xalq farovonligining asosiy belgisidir.

«Bugungi kunda dunyoda sodir bo'layotgan voqealarни xolisona baholar ekanmiz, keskinlik va xavf-xatarlarning tobora o'sib, geosiyo-siy qarama-qarshiliklar, o'z ta'sir doirasini kengaytirishga qaratilgan kurashning, radikalizm, terrorizm va ekstremizm kabi tahdidlarning kuchayib borayotgani barchamizni tashvish va xavotirga solmasdan qo'ymaydi, albatta»<sup>4</sup>.

Bugungi hayot shunchalik murakkabki, Vatanimizning kelajagini ko'rolmaydigan, uning buyuk davlatlar qatoridan joy olishini ista-

<sup>1</sup> Islom Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng olyi sahbatdir. – T.: «O'zbekiston» 2015, 276-bet.

<sup>2</sup> O'sha yerda, 275-bet.

O'sha yerda, 30-bet.

<sup>4</sup> O'sha yerda, 273-bet.

maydigan qora kuchlar ham yo'q emas. Ular, avvalo, yurtimiz kelajagi bo'lgan yosh avlodni o'z ta'siriga olmoqchi, shu tariqa mamlakatimiz kelajagiga bolta urmoqchi bo'ladi. Bunday xavf-xatarlarga xalqaro terrorchilik va ekstremizm, diniy aqidaparastlik, har xil mafkuraviy oqimlar, axloqsizlik, soxta madaniyat, giyohvandlik, kashandalik kabi illatlar kiradi.

«Men bugungi imkoniyatdan foydalanib, butun xalqimizga qarata aytmoqchiman: mana shunday o'ta tahlikali zamonda biz tashqi siyosatimizni o'tkazishda ogoh va sezgir bo'lib. shu yo'lida harakat qilishimiz har qachongidan ham muhimdir. Chunki yon-atrofimizda bo'layotgan voqealar bizdan shuni talab qilmoqda»<sup>1</sup>.

Dunyoda tinchlikni buzish, ming-minglab bolalarni yetim va qarovsiz qoldirish, odamlarni boshpanasiz, och-nahor, sarson-sargardon qilish orqali g'arazli maqsadlariga yetishishni o'ylaydigan yovuz kimsalar, vahshiy kuchlar hamma zamonda bo'lgan va ular hozirgi kunda ham o'z qiyofasini o'zgartirib yovuz maqsadlarini amalga oshirishga urinib kelmoqda. Biz jahoning turli burchaklarida sodir bo'layotgan terrorchilik, ekstremizm, millatchilik, shovinizm, aqidaparastlik, giyohvandlik, ommaviy madaniyat kabi illatlarni o'z ko'zimiz bilan ko'rib, guvohi bo'lib turibmiz. Ular islam dinini o'ziga niqob qilib olib, aslida dinga butunlay teskari bo'lgan yot g'oyalar bilan insoniyat hayotiga xavf solib kelyapti. Keyingi kunlarda jamoatchilik foydalanadigan transport vositalari, uy-joylar, ma'muriy va madaniy binolarni portlatish, begunoh insonlarni garovga olish, ularning hayotiga qasd qilish holatlari tez-tez uchrab turibdi. Bunday ofatlar tufayli odamzod azob-uqubat girdobida, urush-qirg'inlar orasida qolib ketmoqda. Jahonning turli joylarida: Iraq, Afg'oniston, Liviya, Suriya, Ukraina, Nigeriya, Isroiil, Falastin kabi mamlakatlarda ro'y berayotgan dahshatli urush manzaralari. mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlikning qadriga yetish, uni asrab-avaylashdek shukronalik tuyg'usini qalbimizga muhrlaydi. «Dunyoda yashayotgan ko'pchilik xalqlar qatori bizning xalqimiz ham urush qaytarilmasligini istaydi. Shuning uchun bizning qilayotgan barcha harakatlarimiz, davlatimiz, hukumatimiz, rahbariyat amalga oshirayotgan ishlar, albatta, nimaga qaratilgan, deb so'rasak, mana

<sup>1</sup> Islam Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng olyi sandatdir. –T.: «O'zbekiston» 2015, 277-bet.

shu tinchlikni saqlash uchun, deb javob berish har tomonlama to'g'ri bo'ladi<sup>1</sup>.

Agar urush qirg'inlar bo'lmasa edi, insoniyat taraqqiyotida ancha ilgarilab ketgan bo'lardi. Chunki har bir urush va janjal odamzodga qarshi qaratilgan, uni rivojlanishdan yuz, ming yillar orqaga surib yuboradigan katta osfatdir. «Biz nimani istaymiz ona Vatanimizda tinchlik va omonlik bo'lishini istaymiz. Boshqalarga ham shuni tilaymiz»<sup>2</sup>.

Bizning mamlakatimizda tinchlik va barqarorlikni asrab-avaylash mustaqilligimizning birinchi kunlaridan boshlab eng muhim ustuvor masala bo'lib kelmoqda. Biz, o'z oldimizga buyuk maqsadlar qo'yib yashayotgan xalqmiz. Bu jamiyatning qiyofasini siz-u biz kabi ozod va obod Vatan bag'rida yashayotgan, har tomonlama barkamol, aqli va iste'dodli, kuchli va g'ayratli insonlar belgilab beradi. Davlatimiz mamlakatimizda yashayotgan har bir insonning tinch va osuda hayot kechirishi uchun barcha chora-tadbirlarni ko'rmoqda. Chunki tinch yashash va mehnat qilish Konstitutsiyamiz va qonunlarimizda insonning eng muqaddas huquqlaridan biri sifatida muhrlab qo'yilgan.

Vatan ajdodlardan avlodlarga beba ho me'rosdir. Shuning uchun Vatanning roziligi ajdodlar roziligi ifodasidir. Haqiqiy farzandlar Vatanni rozi qilishga intiladi. Vatan roziligi avvalo unga munosib farzand bo'lish bilan ado etiladi.

## DAVLATIMIZ VA XALQIMIZ HAYOTIDA TINCHLIK VA OSOYISHTALIKNI TA'MINLASHNING ZARURATI VA DOLZARBLIGI

J. Oripov,  
*SamVXTXQTMOI*  
*ijtimoiy-iqtisodiy fanlar kafedrasi assistenti*

Olamda millat, xalq va davlatlar juda ko'p. Ana shu har bir millat va xalqning o'ziga xos manfaatlari, maqsad va orzu-umidlari bor. Ana shu orzu-umidlari, maqsadlarni amalga oshirish va ro'yobga chiqarish jamiyatda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalik bilan bog'liq. Chunki tinchlik, osoyishtalik hukm surgan davlatda har qanday islohotlarni

<sup>1</sup> **Islam Karimov.** Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng olyi sandatdir. –T.: «O'zbekiston» 2015, 276-bet.

<sup>2</sup> O'sha yerda, 277-bet.

amalga oshirish imkoniyatini yaratish bilan birga, jamiyat hayotidagi tub ijobiy o'zgarishlar va yangilanishlarga zamin yaratiladi. Ana shuning uchun ham bugun yurtimizda tinchlik va osoyishtalikni saqlash davlatimiz siyosatining ustuvor va dolzarb vazifalaridan bo'lib kelmoqda.

Hozirda dunyoning goh u burchagida, goh bu burchagida sodir bo'layotgan urushlar yoki turli diniy ekstremistik guruhlар tomonidan amalga oshirilayotgan terrorchilik harakatlari insoniyatning boshiga tashvish keltirmoqda. Urushlar, sodir etilayotgan qo'poruvchilik harakatlari, davlat va jamiyatning rivojlanishiga va barqarorligiga putur yetkazish bilan bir qatorda moddiy-ma'naviy taraqqiyotiga to'sqinlik qilmoqda.

Xalqimizda «Bir kun janjal chiqqan joydan qirq kun fayz-u baraka ko'tariladi», degan hikmatli so'zlaridan, jamiyat hayotida muhim bo'lган iqtisodiy-ijtimoiy va moddiy-ma'naviy boyliklarning talon-toroj bo'lishi, mehnat maromining buzilishi, inson omilining intellektual salohiyatini ro'yobga chiqarishga to'sqinlik qiluvchi salbiy holatlar nazarda tutiladi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Shu o'rinda alohida urg'u berib aytish kerakki, har qanday urushning natijasi qon to'kish, zulm, zo'ravonlik, yovuzlik, axloqsizlik, shafqatsizlik va qo'poruvchilikdir.

Hammamizga yaxshi ayonki, urush, notinchlik, janjal-to'polonlar, avvalo, inson qalbi va ma'naviy olamini izdan chiqaradi. Ana shunday sharoitda ulg'ayayotgan diydasi qotgan yosh avlodda mehnat qilish, ilm olish, ezgulik, nafosat, yuksak ideallar va komillik kabi yuksak fazilatlarga qiziqish uyg'otish, ishontirish mushkul. Ularning yagona maqsadi qanday, qaysi yo'll bilan bo'lmasin faqat tirik qolishdan iborat bo'ladi.

Bugungi kunda, dunyoda tobora keskinlashib borayotgan qaramaqarshiliklarni, yaqin va uzoq atrofimizda qonli to'qnashuvlar yoki dunyoning turli burchaklarida sodir etilayotgan terrorchilik harakatlari kuchayib borayotganini, bir so'z bilan aytganda, bunday ofatlar tinchlik va osoyishtalikka nisbatan o'ta jiddiy xavf va tahdid solayotganini tinch va osoyishta yashayotgan xalqimiz guvohi bo'lmoqda, juda xavotir bilan kuzatmoqda. Yurtboshimiz Islom Karimov: «... biz barqaror taraqqiyot va farovon hayotga erishish yo'lida o'z oldimizga qanday reja va dasturlarni qo'ymaylik, barcha oliyanob orzu-intilishlarimizni amalga oshirishning yagona sharti va garovi – bu tinchlik va osoyishtalikdir!»<sup>1</sup> – deb ta'kidlagan edi.

<sup>1</sup> Islam Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2015, 72–73-betlar.

Yurtboshimizning ushbu fikrlaridan yosh avlod shuni anglab olishi lozimki, yurtimizdagi bugungi tinchlik, osoyishtalik va barqaror taraqqiyotni ta'minlash shunchaki o'zi bo'layotgani yo'q. Bu hukumatimiz rahbari va qanchadan qancha shaxslarning jonbozligi, sa'y-harakati natijasidir.

«Bizga qo'shni Afg'onistonda 35 yildan buyon beqaror vaziyat hukm surmoqda va hali-beri uning oxiri ko'rinxmayapti. Ekstremizm, terrorizm deb nom olgan, tobora kengayib borayotgan xatarlar, fashizm degan balo yana maydonga chiqayotgani barcha-barcha yurtdoshlarimizda tashvish uyg'otmoqda.

Bunday murakkab va tahlikali vaziyat, boshimizdan kechirayotgan shiddatli zamon, so'zsiz, barchamizdan doimo sezgir, ogoh va hushyor bo'lib yashashimizni talab qilmoqda»<sup>1</sup>, deb ta'kidlaydi Prezidentimiz Islom Karimov.

Yurtboshimizning ushbu chaqiriqlari, yosh avlod va yurtimizda yashayotgan barchani, hozirgi zamondagi sodir bo'layotgan u yoki bu jarayonlardan ogoh bo'lishga undaydi. Qolaversa, ogohlilik globallashuv jarayoni kechayotgan bugungi davr talabi ekanini barchaning yodiga solib qo'ymoqda.

Ana shu hayotiy haqiqatdan kelib chiqqan holda Yurtboshimiz Islom Karimov: «Bugungi kunda yoshlarimiz nafaqat o'quv dargohlarida, balki radio-televidenive, matbuot, Internet kabi vositalar orqali ham rang-barang axborot va ma'lumotlarni olmoqda. Jahon axborot maydoni tobora kengayib borayotgan shunday bir sharoitda bolalarimizning ongini faqat o'rab-chirmab, uni o'qima, buni ko'rma, deb bir tomonlama tarbiya berish, ularning atrofini temir devor bilan o'rab olish, hech shubhasiz, zamonning talabiga ham, bizning ezgu maqsadlarimizga ham to'g'ri kelmaydi»<sup>2</sup>, – deb ta'kidlagani, bizning yuqorida bildirgan fikrlarimizning isbotidir. Chunki o'quvchi-yoshlarga ana shunday bir tomonlama tarbiya berish, ajdodlarimizdan bizga meros bo'lib qolgan ta'lim va tarbiya uzviyligi, degan tamoyilga ham mos kelmaydi.

Inson qalbi va ongiga hayot haqida falsafiy, siyosiy, huquqiy, diniy, estetik, axloqiy, badiiy, kasbiy tushuncha va qarashlarni, ezgulik va

<sup>1</sup> Islom Karimov. Tinchlik va osoyishtalik – barcha yutuqlarimiz asosi. // «Zarafshon» gazetasи. 2016-yil 11-may

<sup>2</sup> Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: «Ma'naviyat». 2015. 114-bet.

yovuzlik, bunyodkorlik va vayronkorlik o'rtasidagi azaliy ziddiyatlarni tushuntirish, muayyan g'oya va mafkura tamoyillarini innovatsion pedagogik texnologiyalarni ijtimoiy fanlar tizimiga joriy etish orqali bosqichma-bosqich singdirib borishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yurtimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalikni ta'minlashning asosiy garovi yosh avlodni turli tahdidlarning mohiyatini tushunib yetishlari uchun, eng avvalo, ularda mustaqil fikrlash va keng dunyoqarashni shakllantirishni talab etadi. Bu jarayonni samarali tashkil etishning yagona yo'li tushuntirish, targ'ibot va tashviqot ishlarini kuchavtirish, tinchlik va osoyishtalikni ta'minlashning yo'naliishlari va mohiyatini anglab olishlari uchun zamin yaratishdir. Ya'ni ta'lim-tarbiya maskanlarining barcha yo'naliishlarida, ushbu masala yuzasidan munosabatlar doirasi qamrovini yanada kengaytirish, oila va mahalla faollari tomonidan ham ushbu masala yuzasidan targ'ibot ishlarini yanada takomillashtirishni taqozo etadi.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАР КАМОЛОТИ ВА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

М. Шарипова,  
БухМТИ уқитувчisi

Буғунги кунда истиқлол аталмиш буюк бир неъматнинг шарофати билан биз ҳар жабҳада улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Шукроналик ҳисси билан шуни айтишимиз мумкинки, обод Ватанимиз мустақиллиги қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб, аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган бой маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклашга алоҳида зътибор қаратилди. Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни жадал суръатлар билан бораётган ҳозирги шароитда ҳар бир мутахассисдан юксак маънавий-ахлоқий салоҳият, мукаммал билим, юқори малака ва маҳорат талаб этилмоқда.

Истиқлол шарофати билан халқимиз ўз тақдирни ва тарихининг ҳакиқий эгаси, ўзига хос миллий қадриятларнинг, маданиятнинг ижодкори эканини яққол намоён этмоқда. Ҳакиқатан ҳам, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч»

асаридат таъкидлаганидек, бу йулда эришаётган ютуқларимизни ҳалкаро ҳамжамият тан олгани, катта имкониятларнинг барчасини айнан мустакиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаб турибмиз.

Мустакил диёримизда ҳар жабҳада кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугун юксак маънавий-ахлоқий салоҳият, юкори малакага эга бўлган мутахассис-кадрларни тайёрлашни замон таълаблари даражасига етказиш борасида республика жамоатчилиги салмоқли ишларни амалга оширилмоқда. «Таълим тўгрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда муайян имкониятлар яратилган. Жумладан, республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилган, билим олиш, ўз касбий тайёргарлигини юксалтириш учун таълим муассасаларида ёшларнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий ҳақ-хукуклари конун билан кафолатланган, ёшларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ривожлантириш устувор масала қилиб белгиланган. Зоро, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз олдимизга қандай вазифа кўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охироқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг келажаги бўлажак мутахассисларнинг касбий маҳоратига, ижтимоий-маънавий фаоллигига, ақлий, ахлоқий, эстетик, руҳий ва жисмоний тайёргарлигига ҳамда ҳар томонлама баркамоллигига боғлиқ. Маълумки, инсон баркамоллигининг мухим таркибий қисмларидан бири, ўзида гўзал табиат, мукаммал жамият ва ижтимоий ҳаёт, сермаҳсул меҳнат тўгрисидаги тасаввурларини акс эттирадиган, инсоннинг оламга, ишлаб чиқаришга, турмушга, фаолиятга муносабати, дунёдаги ўрни, ижтимоий йўналиши ва ўзлигини англашга даъват этувчи – ахлоқий-эстетик дунёқараш хисобланади. Бунда фақатгина ахлоқий меъёрлар асосида яшаш, ғузаллик қонунлари асосида фаолият юритиш тушунилмайди, бал-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: «Ўзбекистон», 1999, 18-бет.

ки инсоннинг воқелик тұғрисидаги шундай ахлоқий-эстетик мұнодабынандағы мәннен білбіл, уннан таъсирида умуминсоний гоялар, идеаллар, билимлар, зытиқодлар таркиб топады, ривожланады да амалда құлланилади. Инсонга хос бұлган табиат, жамият, тафаккур, фоалиятнинг ривожланишидеги бош масалаларни англана, га қаратылған қараашлар, зытиқодлар, идеаллар тизими деганды дүнекараашни тушунамыз да у инсоннинг маңнавий оламини бойитиб боради. Ҳар қандай инсоннинг дүнекараши мұкаммаллапиб борган сари ўз олдига эзгу мақсадлар күяди, унга эришиш учун тиңмай ижодий мәннат қылади, келажак авлодни иймонли, зытиқодты бўлишга, она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатининг ошишига, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишида фаол иштирокчи булишга ундаиди.

«Дүнекарааш – табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фоалияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қараашлар да зытиқодлар тизимиdir. Мазкур тизим доирасыда ижтимоий-гоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маңнавий-ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий да экологик билимлар негизида шаклланған зытиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади»<sup>1</sup>. Дүнекарааш шахснинг онги равишда тўпланган, изохланган, маңнавий-моддий ҳаёт учун зарур бўлган билимлар йигиндинини ташкил этади. Инсон ўз дүнекараши ёрдамида олам ва одам тұғрисидаги маълумотларга эга бўлиб, соғлом ақлга, тафаккурга, мұкаммал ҳаёт ҳақидаги билимларни эгаллайди. Унни инсон да жамият тараққиётидеги үрнини, ахамиятини англастанади. Шу маънода дүнекарааш одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, ахлоқ-одоби, маңнавияти да маданиятини ўзида мужассамлаштырган билимлар манбаи сифатида намоён бўлади. Дүнекарааш тарих, ҳуқуқ, ахлоқ, экология, нафосат каби тушунчалар билан бевосита алокадордир. Педагог олимлар С. Шермуҳаммедов, К. Зарипов, М. Очилов, Ж. Ҳасанбоев, файласуфлар И. Эргашев, Э. Юсупов да бошқалар ҳам миллий мустақилликни ривожлантириш йилларидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маңнавий, ҳуқуқий-маърифий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда тақомиллаштиришди

<sup>1</sup> Педагогика (Педагогика назарияси ва тарихи): М.Х. Тохтаходжаева, С. Нишонова, Ж. Ҳасанбоев ва бошк. – Т.: «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти» нашрияти, 2010, 231-бет.

мехнаткашларнинг илмий дүнекараашини юксалтириш мұхим ижтимоий-фалсафий да рухий-педагогик ахамият касб этишини алоҳида таъкидлаб үтадилар. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолатпешалик, иймон-зытиқодлилик, табиатни асрар, жамият қонунларига ҳурмат, мамлакат мустақиллигини құллаб-куватлаш, урф-одатларимиз, умуминсоний кадриятлар, расм-русумларга садоқатли бўлиш каби фазилатларнинг ҳаммаси дүнекарааш билан boglik. Ахлоқ да дүнекарааш ўзаро алокадор бўлиб, ёш авлодда аҳиллик, ҳамкорлик, ҳалоллик, поклик, бурч, виждон, зытиқод, иймон, олийжаноблик, фидойилик. Ватанга муҳаббат, элни эъзозлаш, ростгўйлик, ўз шарьни, гурурини ҳимоя қилиш каби инсоний фазилатларни тарбияловчи омиллар бўлиб хисобланади.

Ёшларнинг ахлоқий дүнекараашини ривожлантиришда фан ютуқлари, миллий да умуминсоний кадриятлар, маңнавий мерос, диний манбалар да иқтисодиётнинг тараккиёт қонунларига таяниш максадга мувофиқдир. Ахлоқан баркамол инсон – эстетик онг, эстетик хис-туйгу, эстетик идеалга эга бўлган шахс ҳамдир. Эстетик идеал мазмунида ҳалоллик, ёркесварлик, нафосат, мұкаммаллик, адолат, олийжаноблик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, ҳалқесварлик каби фазилатлар мужассамлашган. Ёшларда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида гузал ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, мұкаммал жамият, ёт мағкуравий қараашларга муросасизлик каби хислатларни тарбиялашимиз лозим. Бу орқали биз бевосита ҳалқимизнинг удумлари, урф-одатлари, анъаналари, маңнавий мероси, тили, тарихи, рухий-иродавий ҳусусиятларини асрар-авайлашни ривожлантирамиз. Бугунги кунда барчамиз миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишини таъминлаштыраш ҳисса қўшишимиз зарур да бунинг учун янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маңнавий муносабатларнинг карор топа бориши, мамлакатда амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилишининг йўлга кўйилгани ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш давлатимизнинг устувор вазифасига айланганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳуқуқий демократик давлатни куришни тақомиллаштириш да фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ҳалқ иродасига, рухиятига, миллий туйгуларига, орзу-интилишларига мос бўлишини таъминлашнинг лозимлиги барчамизга маълумдир. Миллат ва Ватан манфаатлари,

келажак режалар, миллий анъаналаримиз мазмуни инсон рухиятига мос ҳолда ривожланади. Мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, тараққиётнинг турли жабҳалари (сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий ва ҳ.к.)даги ижобий ўзгаришларга ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар тўғри муносабатда бўлиши лозим. Эндиликда олдимиизда турган энг муҳим вазифа маънавий покланиш ва юксалишнинг иқтисодий ривожланиш билан ўйғунлашиб бориши учун миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсад ва гояларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида хизмат килишдир. Зоро, ҳуқукий жамият ва маърифатли, баркамол авлод тушунчалари ҳамоҳангдир.

Мамлакатимиз маданияти, маънавияти, тафаккури ҳазинасига улкан хисса күшган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Накшбанд, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари юзлаб аждодларимиз мамлакатимизни бутун дунёга танитишди. Уларнинг фалсафий-педагогик тафаккур маҳзанида яратилган, маънавиятлилик, адолатпарварлик, инсонпарварлик гоялари билан сугорилган ва Шарқ педагогикаси асосини ташкил этган таълимотларини ёшлар онгига сингдириш, уларда илм-фанга интилиш хиссиятларини тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Глобаллашув даврида мамлакат мустақиллиги ва тинчлигини асрash, унинг меҳнаткашлари тотувлигини, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ёшлар камолоти, жамият ҳаёт тарзига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши огоҳлик ҳамда фидойиликни кучайтиришда ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунидаги маълумотларнинг ўрни бекиёс. Шу боис, ушбу маълумотлардан ёшларимизни ўз ҳалқи тарихи, ўзлиги, миллий маънавияти, урф-одатлар, анъаналар мазмунини чукур ўзлаштиришда фойдаланишга ўргатишга ҳар бир устоз-мураббий масъулдир.

## **2-ш ўъба.**

# **ДУНЁДА СОДИР БУЛАЁТГАН НОХУШ ВОҚЕАЛАР, АЙНИҚСА, МУСУЛМОН ДУНЁСИДАГИ КАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИНИ ЁШЛАРГА ТУШУНТИРИШ МАСАЛАСИ**

**ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА  
ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ  
ТУШУНЧАЛАРИНИ СИНГДИРИШ ЗАРУРИЯТИ**

**У. Ҳамидов,  
ТВХТХҚТУМОИ ижтимоий-иқтисодий  
файлар кафедраси катта ўқитувчиси**

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида тез-тез номи тилга олинаётган, дунёнинг турли ҳудудларида қўпорувчилик ҳаракатларини содир этаётган, ўз сафларига кўплаб мамлакатлардан аъзоларни ёллаётган ва ўзларини «Ислом давлати» деб атаётган террорчилик ташкилоти дунё тинчлигига рахна солаётган кучга айланниб улгурди.

Дастлаб, мазкур ташкилот 2003 йилда Ироқда «Ироқ ал-Қоидаси» номи билан ташкил этилади. Унинг асосчиси иорданиялик Аҳмад Фадил Халейла бўлиб, Абу Мусаб аз-Зарқавий номи билан танилган. Абу Мусаб аз-Зарқавий дастлаб «Мужоҳидлар кенгашини» ташкил қиласди. Кенгаш таркибига бир нечта маҳаллий-диний гурухлар бирлашади. 2006 йилга келиб бошқа радикал исломий гурухлар билан қўшилиши натижасида ташкилотнинг номи «Ироқ ислом давлати» (ИИД) деб ўзгаради. ИИДнинг биринчи раҳбари этиб Абу Умар ал-Багдодий тайинланади.

2013 йил 9 апрелда «Ироқ ва Сурия ислом давлати» (базан Ироқ (Шом), Левант ислом давлати) (ИШИД) деб ўз номини ўзгартиради. Чунки айнан шу вактларда «Ироқ ислом давлати» жангарилари Суриядаги фуқаролар урушида мустакил куч сифатида қатнаша бошлаган эди.

2014 йилнинг ёзида ташкилот Ирокнинг шимоли-шаркий районлари, шунингдек, шимолий Сурия (Курдистон)да кенг кўламли ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборганидан сўнг, дунё жамоатчилигига анча «танилиб» қолади.

2014 йил 29 июнь куни жангарилар «Халифалик» тузишганини эълон килишади. Унинг таркибига Сурияning шимолидаги Ҳалаб шаҳридан Ирок шарқидаги Диала провинциясигача бўлган ҳудудлар киритилган эди. Жангарилар раҳбари Абдулла Иброҳим ас – Самарий (у Абу Бакр ал-Багдодий номи билан маълум) халифа деб эълон қилинади. Халифалик эълон қилингач, гуруҳ аввалги географик номи (Ирок Шом ислом давлати) ни олиб ташлайди.

Хуш, нима сабабдан «Ислом давлати» бир гуруҳ жангариларнинг оддийгина йигилишидан (2003 йил) қисқа вақт ичидаги бутун дунёга даҳшат солаёттан улкан хавфга айланди? Бунга қандай ички ва ташки омишлилар таъсир кўрсатди?

Баъзи оммавий аҳборот воситаларида «Ислом давлати»нинг пайдо бўлиши ва ривожланиб боришига қўйидаги омиллар сабаб қилиб келтирилади:

1. Ирокда давом этаётган нотинчлик.
  2. Суриядаги фукаролар уруши.
  3. Ал-Қоиданинг сиёсий майдондаги сустлашуви.
  4. Катта нефть захираларининг террорчи ташкилот тасаррӯфига ўтиши.
  5. Ўз вақтида бу ташкилотта нисбатан писанд килмаслик кайфиятининг бўлиши.
  6. Мутаассиб шахсларнинг «Ислом давлати» сафларига кўшилишлари тугамаётгани.
  7. Кучли тарғиботнинг мавжудлиги ва бошқа сабаблар<sup>1</sup>.
- Ирокда давом этаётган нотинчликлар 2003 йилда бошланган Ирок уруши кетидан авж олиб кетган эди.
- Уруш Ирок иқтисодий аҳволига ва аҳолининг турмуш-тарзига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Инфраструктура ишдан чиқди. Жорж Бушнинг Ирокдаги ноиби Пол Бремер ҳукумати эски иқтисодиётни тиклашга ҳаракат килди. Аммо бирор ўзгариш юз бермади, аксинча, янги муаммолар вужудга келди.

<sup>1</sup> <http://www.qadriyat.uz>

Ислом давлати гурухининг кучайиб кетиш сабабларидан яна бири Суряда бошланиб кетган фуқаролар уруши бўлди. Араб баҳори тўлқинларидан илҳомланган ҳукуматга қарши кучларнинг намойишлари 2011 йил мартаидан Суряянинг турли шаҳарларида оммавий норозиликларга айланиб кетади. Ёзга келиб эса кенг кўламли куролли тўқнашувлар ҳам юз бера бошлади. Мухолифатчилар ва ҳукумат ўртасидаги зиддиятлардан диний мазмундаги турли гурухлар унумли фойдаланиб қолишиди. Вакт утиши билан дунёвий мухолифатнинг мавкеи пасаяди ва диний гурухларнинг роли ошиб боради. Улар орасида энг таъсири кучли бўлганлари: «Жабхат ан Нусра» ва «ИШИД» каби террорчи ташкилотлардир.

Суряда давом этаётган уруш мамлакатни бутунлай харобага айлантириди. Аҳолининг кўпчилик қисми қочқинларга айланди. Тинч аҳоли вакилларидан кўплаб қурбонлар берилди.

«Ислом давлати» бугунги кунда Сурядаги 50–60 фоиз нефтга эгалик қилмоқда. Нефть хомашёси бозор нархларидан арzon баҳода Яқин Шарқ давлатлари, хусусан Ирок ва Суряянинг ўзига ҳам сотилмоқда. Маълумотларга кўра, «Ислом давлати»нинг нефтдан оладиган бир кунлик даромади 3 миллион долларни ташкил қиласди. Иш шу даражага бориб етдики, Forbes журнали Ислом давлатини «энг бой террорчи ташкилот» деб атаган<sup>1</sup>.

Ирок энергетика институтининг маълумотига кўра, «Ислом давлати» Ироқдан суткасига 30 минг, Сурядан 50 минг баррель нефть қазиб олмоқда.

Мазкур ташкилот «давлат» даражасига кўтарилигунга қадар. дунёнинг етакчи давлатлари унинг олдини олиш борасида етарли дарајада амалий ҳаракат қилмади.

2014 йилда Ироқдаги сайловларда шиалардан Маликийнинг галаба қозониши Саудияни ташвишлантириб қўяди. Чунки Маликийнинг Эрон, Россия ва Суря билан яқинлашуви Техрондан Байруттacha «шиалар занжири»ни юзага келтириши мумкин эди. АҚШ ҳам Ироқдаги таъсирининг камайишидан хавотирга тушиб қолади. Бир вактнинг ўзида Украина шарқида вазият кескинлашуви ҳамда АҚШнинг Эрон билан яқинлашиш воқеалари юз беради. Украина

<sup>1</sup> <http://www.voprosik.net/22/01/2015/otkuda-deagi-u-igil/>

ва Эрон АҚШ учун Москвани иқтисодий жиҳатдан сикувга олиш, хусусан уни Европа газ бозоридан узиб қўйиш учун зарур эди<sup>1</sup>. Дунё етакчиларининг бу каби «банд» лигидан ИШИД усталик билан фойдаланади.

Юқоридаги ҳолатлар таҳлили шуни курсатадики, Араб давлатларида содир бўлаётган воқеалар замирида бир гурух кучларнинг бойлик ва ҳокимиятни згаллашга бўлган хирси юз минглаб одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмоқда. ИШИДнинг бугунга келиб бундай жиддий хавф-хатарга айлангани, аввало, Ироқ ва Сурия ҳудудларида носоғлом мұхитнинг ҳукм сурини, мамлакатларда аҳолининг жипслигини таъминловчи ягона миллий мағкуранини мавжуд эмаслиги, низоларга диний тус берилиши, ташки кучларнинг геосиёсий мақсадлари ва маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг уйғунлашиб кетгани билан боғлиқ. Бундай ҳолатда ҳокимиятга интилаётган мутаассиб кучлар йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолардан усталик билан фойдаланишга, «адолатли жамият»ни барпо қилиш каби ваъдаларни эътиқод билан уйғунлаширишга ҳаракат қиласи.

Минг афсуски, «Ислом давлати» жангарилари сафида бизнин ёшларимизнинг борлиги жуда ачинарли ҳолат. Бундай ҳолатларнинг асосий айбдорлари, биринчи навбатда, ёшларнинг ўзи десак, масалага юзаки ёндашган бўламиз. Вояга етмаган фарзандларимизнинг назоратсиз қолиши, буш вактларининг тўғри ташкил этилмагани, таълим муассасаларида ва маҳаллаларда тушунтириш-тарғибот ишларининг етарли даражада йўлга қўйилмагани шундай салбий ҳолатларнинг юзага келишига йўл беради.

Ёшларимизга таълим-тарбия бериш жараённада юртимиздаги тинчликнинг қадрига етиш, унинг бардавомлигини таъминлаштира ҳар биримиз масъул эканимизни қайта ва қайта уқтиришдан тұхтамаслигимиз керак. Зоро, миллатнинг келажаги соглом фикрловин ёшларимиз қўлида.

<sup>1</sup><http://www.ru.journal-neo.org/2014/10/16/kto-stoit-za-islamskim-gosudarstvom-kuda-dvizhet-siya-konflikt-na-blizhnem-vostoke/>

# ДИНИЙ МУТААССИБЛИК ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Б. Султанов,

*Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиши  
мустақші институты Тошкент шаҳар ҳудудий  
бўлинмаси етакчи мутахассиси*

*Мањнавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳ-  
дид ўз-ўзидан мамлакат ҳафси гигини, унинг миллий  
манфаатларини, соглем авлод келажаганини таъмин-  
лаш йўлидаги жиҳдий хатарлардан бирига айтанини  
ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши  
мумкин.*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Цивилизациялар тўқнашуви кескин тус олиб бораётган ҳозирги даврда, баразгўй кучлар томонидан инсонлар онгини ўз манфаати йўлида бошқаришга интилиш тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, диний экстремистик ва террористик гурӯҳлар томонидан турли ахборот ташувчи воситалар орқали мутаассибликни тарғиб қилувчи ахборотлар тарқатилмоқда. Мазкур ахборот хуружлари давлат, жамият ва фуқаролар тинчлиги ва осойишталигига турли кўринишдаги таҳдидларни юзага келтирмоқда.

Мутаассиблик – бирон-бир фикр ёки гояга кўр-кўрона эргашиш, унинг чуқур моҳиятига етмасдан бутун фикри-зикри ва вужуди билан қаттиқ ишониш, уни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиш. ҳар қандай ҳолатда ҳам инкор этмасликка ҳаракат қилиш ҳамда унга күшилмайдиганиар ва рад этувчиларга баразгўйлик билан қарааш.

Аксарият адабиётларда «мутаассиблик» сўзи ўрнида «фанатизм» тушунчасини кўпроқ қўлланилишини кузатишимиз мумкин. Фанатизм лотинча «fanatismus» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «ҳаддан зиёд асабийлашиш», «қаттиқ жазавага тушиш» маъноларини янглатади. Фанатизм – диний эътиқодларга, хурофотга ёки бирор назарий қарашларга қаттиқ ёпишиб олиб, ҳар қандай қарашларни рад этиш, ўтакетган мутаассиблик, бошқа фикр ва гояларга нисбатан баразгўйлик, жохиллик демакдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> К. Жўраев. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли лугати. –Т.: ЖИДУ, 2005.  
78–79-бетлар.

Ушбу тушунчага «Миллий истиқлол гояси: қисқа изоҳли тажрибавий лугат»ида қўйидагича таъриф берилган: «Фанатизм – муайян гояларнинг тўғри эканига қаттик ишониш, уларга муккасидан берилиганини, узгача қараш ва гояларга муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти-ҳаракатлар тизими. Фанатизм аввалин инсоннинг ҳиссиятидан, бирор-бир нарсага ўта берилувчалигидан келиб чиқади. Масалан, динга муккасидан берилиш ҳам фанатизм нинг бир белгисидир. Инсон ўзи қилаётган хатти-ҳаракатларини тўғри деб ҳисоблайди, айтилган ҳар қандай тенбех ва эътиrozларни мутлақо тан олмайди. Бунда инсоннинг илмсизлиги ва жоҳиллиги намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Мутахассис олимлар фанатизмни бир қанча турларга ажратишади. Улар қўйидагилардир: майший руҳдаги фанатизм (масалан, автомобиль русуми, вегитарианлик, футбол жамоаси), шахсга нисбатан фанатизм, сиёсий фанатизм (сиёсий қарашлар ва гояларга фанатиклик), миллатчилик руҳдаги фанатизм, ирқий айрмачилик руҳдаги фанатизм, диний фанатизм. Алоҳида таъкидлаш лозимки, инсонлар онгода фанатизмнинг барча қўринишлари жамоавий мухит ва ундаги ахборот аламашинуви таъсирида юзага келади. Фанатизмнинг энг хавфли қўринишларидан бири – бу диний мутаассиблик булиб, у диний экстремизмнинг бошлангич нуқтаси ҳисобланади. Шунингдек, француз руҳонийси Жак-Бенинь Боссюэ илк маротаба «фанатизм» тушунчасини диний мутаассибликка нисбатан қўллаган ва XVII асрда ушбу тушунчани диний адабиётларга олиб кирган. Жак-Бенинь Боссюэ динлараро муросасизликнинг тарғиботчиси бўлган. У ўз қарашларида ҳар бир шахсга «эътиқод ўлати»ни (фр. «la peste spirituelle») юқтириш ва уни фанатикка айлантириш зарурлигини таъкидлаган. Жак-Бенинь Боссюэнин юқоридаги қарашлари турли диний-экстремистик оқимлар томонидан амалиётга кенг татбиқ этиб келинаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Диний мутаассиблик инсон онгода ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. унинг ҳосил булиши қатор ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқдир. Ушбу омиллар сифатида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

<sup>1</sup> Т. Рисқиев. Миллий истиқлол гояси: қисқа изоҳли тажрибавий лугат. –Т.: «Ян» аср авлоди», 2001, 180–181-бетлар.

- шахснинг атроф-муҳит ва жамиятдаги ўзгаришларга ло-  
кайдлиги;
- карор қабул қилиш қўникмаларининг нотўғри шакллангани;
- шахслараро муносабатга кам киришиш ёки ундан ҳайикиш;
- билим даражасининг пастлиги;
- шахснинг ўзига бўлган ишончининг сустлиги;
- инсон ҳис-туйғуларида қўркув хиссининг устунилиги;
- шахснинг ҳаётда маълум бир максадга эга эмаслиги;
- аниқ йўналтирилган диний мутаассибликни тарғиб килувчи маълумотларни тўғридан-тўгри қабул қилиш;
- диний мутаассиблик руҳидаги жамоа ва етакчисининг таъсири.

Юкоридаги маълумотларга асосланган ҳолда қайд этиш лозимки, ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган, дунёкараши тұла ривожланмаган ва ўз олдига аниқ максад кўймаган инсонларнинг диний мутаассиблик гоялари таъсирига тушиб эҳтимоли юқорироқдир. Диний мутаассиблик асосида инсонлар онгини манипуляция килиш осон бўлган демографик гурух бу шубҳасиз ёшлардир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ёшлар энг кўп фойдаланувчи ахборот тармоклари орқали диний мутаассиблик руҳидаги, улар онгини заҳарловчи маълумотлар диний ақидапараст ва экстремистик кучлар томонидан тарқатилмокда. Ушбу гаразгўй кучлар даставвал, ёшларда ўзларининг диний қарашларига кизиқиш уйготувчи reklамалардан фойдаланадилар. Сўнгра улар томонидан ўз гоя ва қарашларини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган маълумотлар давомий тарзда бериб борилади. Бошқача қилиб айтганда, «эътиқод ўлати»ни юқтиришга ҳаракат қилинади. Кейинги босқичда, гаразгўй кимсалар онги заҳарланган ёшлардан ўз максадлари йўлида фойдаланишга ўтишади.

Шунингдек, ёшлар онгининг заҳарланишига айрим ҳолларда диний мутаассиблик гоялари таъсирига тушиб қолган ота-оналарнинг фарзандларини сохта қарашларга кўр-кўrona эргашишга мажбурашлари ҳам сабаб бўлади.

Бундай инсонлар бир қанча сифатлари билан жамиятнинг бошка аъзоларидан ажralиб туради. Улар куйидагилардан: ташки куриниши, кийиниши ва муомласида ўзининг диний қарашларини ифода этиш: онгини заҳарлаган диний қарашларни тўғри деб билиш

ва ундан ҳеч қачон қайтмаслик; ўзининг эътиқод шаклидан бошқа барча дин ва мазҳаблар ҳамда уларнинг вакиллари билан муросасиз бўлиш; миллий ва умумхалқ байрамлари, шунингдек, туғилган кунларни нишонламаслик; дунёвий билимларни ўзлаштиришда ўз-ӯзига чекловларни кўйиш; оммавий, маданий ва қўнгилочар тадбирларда иштирок этмаслик; санъат турларини (хусусан: мусика, кино, театр, рассомчилик в.б.) рад этиш; кундалик ҳаётда ўзи билан ҳамфикр инсонлар билангина сухбатлашиш; ибодатларни амалга оширишда ўзига хосликнинг намоён бўлиши ва ибодатни ўз уйларида ёки турли ҳужраларда амалга ошириши; давлат муассасалари ва ташкилотларида ишлашни хоҳламаслик ҳамда айрим ҳолларда давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ёрдамларни рад этиш; аёлларнинг меҳнат қилишини қатъий ман қилиш; расмий дин уламоларига эргашмаслик ва уни тарғиб қилишдан иборатдир. Юкорида санаб ўтилган сифатлар ўз навбатида ёшларнинг ижтимоий мослашувчанлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамdir.

Ҳар бир ёш ижтимоий мослашув жараёнида ўзи яшаёттан атроф-муҳитни англайди, унга мослашади, унда устун бўлган қонун-қондаларга амал қиласди ва умумэътироф этилган хулқ-атвор меъёрларини қабул қиласди, анъана, қадрият ва урф-одатларни ўзлаштиради. Энг муҳими, ушбу жараёнда ёшларда давлат ва жамият ҳаётига дахлдорлик хисси шаклланади. Шу сабабли ҳам, турли ғаразгўй кучлар мустақил ҳаётий позицияси шаклланиб келаётган ёш фуқароларимизнинг онгини ўзгартириш орқали Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликка рахна солишга ҳаракат қилиб келмокдалар.

Кўплаб мутахассислар диний мутаассибликка диний экстремизм ва фундаментализмнинг бошланиш нуктаси сифатида қарашади. Чунки, онги заҳарланган ёки фанатга айланган шахслар қилаёттан ишларини тўғри деб ҳисоблаган ҳолда, ўзларининг қабих мақсадлари йулида ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош торгмайдилар. Колаверса, психолог С. Хассен ўз тадқиқотлари якунида диний мутаассиб шахсларда ўз жонига қаsd қилишга уриниш истаги руҳий касалларга нисбатан бир неча баробар юкори бўлишини аниқлаган. Шу ўринда, француз файласуфи Волтернинг «диний мутаассиб – шундай инсонки, у ўз аҳмоқлигини ўзи тугатмагунча (ўлдирмагунча) кўллаб-куватлади», – деган фикрини эслаш жо-

издир. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида диний мутаассибликни одамлар онгига сингдиришдан мақсад фанатик инсонлардан тирик қурол сифатида фойдаланиш эканини яна бир бортақидламоқчиман.

Юзага келиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларни олдини олиш ва ёшларимизни мутаассиблик гоялари таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган кўйидаги таклифлар ўз аҳамиятига эгадир:

– диний мутаассибликка мойиллик жамоавий таъсири асосида юзага келишини инобатга олган ҳолда, улар таъсирига тушган ёшлар онгини согломлаштиришга қаратилган психологик даволаш методларини кенг жорий килиш;

– таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи психологларнинг диний мутаассибликка мойиллиги бўлган ўқувчи-ёшлар билан ишлаш борасидаги касбий билим ва маҳоратларини ошириш;

– таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи психологлар ёрдамида диний мутаассибликка мойиллиги бўлган ўқувчи-ёшларни аниклаш, мойилликнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини ўрганиш ҳамда ўрганиш яқунлари асосида мазкур ёшлар ўртасида психологик тузатиш ишларини олиб бориш бўйича методик кўлланмалар ишлаб чиқиш.

Бугунги таҳликали замонда мамлакатимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигига ҳавф тұғдириши мумкин бўлган ҳар қандай иллатни ўз вактида аниклаш ва уни бартараф этиш ҳар биrimizning фуқаролик бурчимиздир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, турли маънавий таҳдидларга карши курашишда мухтарам Президентимиз томонидан билдирилган кўйидаги фикрларни ҳар доим онгу шууримида саклашимиз лозим: «Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши кўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар кайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чукурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустакил фикрлаш ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яشاши зарур, деб жавоб берган бўлардим».

## «БОЛТА» ФАЛСАФАСИ ЁКИ МИССИОНЕРЛИКНИНГ АСЛ МАҚСАД-МУДДАОЛАРИ

Ж. Шуҳратон

Фуқаролик жамияти шактанишини мониторинг  
қитиши мустақил институти Навоий ҳудудий  
булинмаси етакчи мутахассиси

Қалин ўрмонзор сукунатини узоқдан эшитилаётган болтанини  
такиллаши-ю, аллақандай аламли нола бузиб юборди.

— Эй Чинор, шу ёшга кириб биздек ниҳолларга ҳаётни, дўст  
душман ким эканини ўргатганинг учун сени кадрлаймиз. Аммо, бу  
гун бизни ҳайрон қолдиряпсан? — сўради ёш карагайлардан бири.

— Нима сени ҳайрон қолдирди, айт жавоб берай, — деди танаси-  
даги азобдан қийналаётган чинор.

— Ахир сени танангни болта чопиб ташляяпти. Вужудинг титра-  
япти. Нега жимсан? Нега ҳеч кимдан најот сўрамаяпсан? — дебди  
раҳми келиб карагай.

— Эй дўстим, карагай! Пастга қара, ўша болтанинг дастаси ким-  
нинг шохига ухшаркан? — сўрабди чинор.

— Наҳотки! Ахир сени чопаётган болтанинг дастаси кеча сен  
вужудингдан узиб берган мустаҳкам шохингдаги новда-ку, — ажаб-  
ланибди карагай.

— Ҳамма гап шунда, карагай дўстим. Ўзимники бугун илдизимни  
чопяпти. Дардимни кимга айттай. Эшиитмаганимисан, бу дунёда шун-  
дай гап бор. «Ўзимдан чиқкан балога, қайга борай даъвога», — деб  
нола қилган экан чинор.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Ушбу ривоятнинг бугунги кундаги  
энг долзарб мавзу бўлган миссионерлик ва прозелитизмга қандай  
алокаси бор? Бизнингча, мақолани ёритиш мобайнида миссионер-  
ларнинг улкан чинорларни қулатишида айнан шундай усуслардан  
фойдаланаётгани ойдинлашиб боради.

Миссионерлик бошқа бир динга эътиқод қилувчи инсонни ўз  
дининга чақириш, даъват қилишга бўлган таргигбот усулидир. Мис-  
сионерликнинг узвий қисми бўлган прозелитизм — тўғридан-тўғри  
бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга  
динни қабул қилишга мажбур қилишни англатади. Бугун дунёда  
амалга оширилаётган миссионерлик ҳаракатининг 80 фоизи хрис-

тиан динини тарғиб қилишга қаратилган турли хил пухта режали тарғибот-ташвиқот усулларидан иборат. Мъълумотларга кўра, замонавий миссионерликда христианлик динининг протестантлик йўналиши асосий ҳомий бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳомий давлатларга АҚШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея давлатларини курсатишимиш мумкин. Гарчи энг қадимги буддавийлик динида миссионерлик фаолияти христиан миссионерларигидан анча олдин, милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган бўлса-да, ҳозирда буддавийлик эътиқоди кенг ёйилган кўплаб минтақаларда христиан миссионерларининг самарали фаолияти натижаларини кўриш мумкин. Жумладан, Жануби-Шарқий Осиёдаги Жанубий Корея, Филиппин, қарийб 150 миллион мусулмон аҳолиси бўлган Индонезиядан ажратиб олиніан Шарқий Тимор аҳолисининг катта қисми христиан динига эътиқод қилаётгани ҳам айнан бугунги кунда миссионерларини бутун бир миллатни дини билан қўшиб, ўзлари хоҳлаган қолипга солишда куч-кудрати етишидан далолат беради. Шунингдек, бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динлар ёки конфесияларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаетгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Қарийб аҳолисининг 90 фойиздан ортигини араблар ташкил этадиган, расмий тил араб тили сифатида қабул қилинган Ливандаги аҳолининг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (мароний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Худди шундай сиёсий-диний найранглар оқибатида Африка китъасидаги аксарияти мусулмон бўлган Судан давлатининг иккига ажралгани, турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилиб келган Югославиянинг бутунлай парчаланиб кетгани ҳам этноконфессионал зиддиятлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг ҳаётий-амалий ифодасидир. Қолаверса, бутун дунё жамоатчилигини даҳшаттага солаётган Суриядаги динлараро зиддиятлар, улкан туризм потенциалига эга бўлган, ҳозирда бекарорлик сабаб хавфли ҳудудга айланиб улгурган, оқибатда иқтисодий инқирозга учраётган Мисрдаги «араб баҳори»

вокеаларининг асосий негизида ҳам ўша миллат тараққиётини та-  
наззулга бошлаш, ҳокимиятни заифлашириш орқали давлатни  
ер усти ва ер ости, энг асосийси бебаҳо бойлиги бўлган ёшлар он-  
гини эгаллашни мақсад килгани барчамизни, айниқса, биз ёшлар  
ни бир лаҳза бўлса-да, мудрамасликка чорлайди. Масаланинг а-  
шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари орти-  
да диний заминда миллатни ичидан булиб ташлашга қаратилган  
ғарозли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган  
фожиаларни англаб етиш мумкин. Бу эса бугунги кунда ҳеч би-  
митака, ҳеч бир давлат миссионерларнинг ёвуз ниятларидан четда  
қолмаётганини кўрсатади.

Масаланинг яна бир томони шундаки, ҳозирда миссионер-  
лар ўзлари фаолият олиб борадиган мамлакатга хос энг нозик  
ижтимоий жараёнларни умуман четда колдиришмаяпти. Бу эса  
уларнинг бегона миллат билан фикрлашишига, уларнинг маи-  
ший ҳаётига кириб боришларида энг сирли муомала воситасини  
утамоқда. Масалан, мухтоҷ оиласарга «бегараз» моддий ёрдам  
беришга, «ичимлик сувининг сифатини яхшилаш», «экологик  
вазиятни барқарорлаштириш», «болалар ва оналар саломатлиги-  
ни мустаҳкамлаш», «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишти-  
ришни оқилона ташкил этиш» деган турли шиорлар ва тамоили-  
лар остида иш олиб боришга ҳаракат қилишларини алоҳида қайл  
етиш лозим. Бундан ташқари, табнатан ишонувчан, ташқи таъ-  
сирга мойил бўлган ва айни пайтда, ҳаётда сабр-бардошли ва фи-  
дойи бўлиш билан бир қаторда ҳамиша мъянавий-рухий кўмак-  
ка, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган аёллар, ёшлар ҳамда  
карияларга ҳам алоҳида эътибор қарататётганини, оиласада битта  
бўлса ҳам прозелит аёлни тарбиялашга интилиш ортида жами-  
ятда бекарорликни келтириб чиқариш, ижтимоий ва миллий то-  
тувлик асосларига рахна солишдек мақсад-муддаолар ётганини  
эсдан чиқармаслик шарт.

Энг асосийси, ривожланаётган давлатларда ёшларнинг фаол-  
ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг тур-  
ли мафкуравий таъсир ва тазиикларнинг нишонига айланишига-  
жамиятда ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга  
тез берилувчан ҳамда энг ҳаракатчан қатлами экани миссионерлар-  
нинг ёвуз мақсадларини амалга оширишда қўл келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миссионерларнинг асл максади  
ва муддаоси ҳокимият ва бойлик экани, миллатнинг тарих синов-  
лирилан ўтган асл маданияти, миллий ўзлиги, иймон-эътиқодидан  
буниёд бўлган улкан чинорни қулатишда ташқи кучлар кўли билан  
эмас, айнан ўша миллат ёшлари орқали амалга оширишга интилаёт-  
ганини аюл кўзи очик ҳар бир инсон кўриши мумкин. Ёшларимиз  
онти ва дунёқарашини дин даллоллари бўлган миссионерларнинг  
захарли мафкураларидан асрasha уларни миллатлараро тутувлик  
ҳамда диний бағрикенглик руҳида тарбиялашимиз, сиёсий-диний  
саводхонлигини оширишимиз лозим. Улкан илдизга эга бўлган чи-  
норни қулатишга уринаётган ёвуз кучларга қарши қурол сифатида  
вояга етиб келаётган ёш авлоднинг соглом дунёқараши ва ўз юргига  
бўлган дахлдорлик хиссини кучайтириш, мамлакатда амалга оши-  
рилаётган ҳар қандай ислоҳотларда, албатта, ёшларнинг ҳам ўрни  
ва фикри мухим эканини улар онгига сингдириш вазифаси ҳар со-  
нияда ойдинлашиб бормоқда. Зоро, бугунги замон ва охири кўрин-  
маётган дунёнинг мафкуравий манзараси барчамиздан теран фикр  
ҳамда аник фуқаролик позициясига эга бўлишдек салоҳият ва кучли  
тафаккур эгаси бўлишини талаб қилмоқда.

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Н. Джанибекова,**  
*Гулистан давлат университети тағаббуси*

Инсоният хавфсизлигига дахл қиладиган жиноий ҳаракатлар  
иЧида диний экстремизм ва терроризм ўзининг салбий таъсирига  
кўра тинчликни бузувчи энг оғир ҳаракатларга киради. Айниқса,  
глобаллашув жараёнлари жадал ривожланаётган даврда бу каби ил-  
латлар дунёда яшайдиган барча халқларга қатор мусибатлар олиб  
келди. Бугунги дунёда кечётган мураккаб жараёнлар, айрим мам-  
лакатларда авж олган ирқчилик, миллатчилик, диний экстремизм  
куринишдаги жиноятларнинг бутун инсониятни хавотирга солади-  
ган жиҳати шундаки, дастлабки босқичда уларни оммавий тарзда  
англаб етиш мураккаблашиб, вакт утиши билан таъсир кучи кен-  
гайиб, оммавий тус олиб, таҳдид даражасига кутарилмоқда.

Интернетда ижтимоий тармоқларнинг кўпайиши эса террористик ва экстремистик гурухларнинг жаҳон миқёсида ўз тарғиботни олиб боришига янада қулайликлар яратиб беради. Террористик ва экстремистик ташкилотлар мутлақликка даъват этадилар ва улар хар қандай вазиятда муросасизлик хосдир. Мазкур ташкилотлар нинг асосий мақсади – давлатда қонун билан ўрнатилган тузумни ағдариш ҳисобланади. Бунга эришиш учун улар хар қандай воситалярдан фойдаланишга тайёрлиги билан тавсифланади. Биринчи навбатда, ўз ҳаракатлари орқали омма орасида кўркув пайдо қилиш учун портлашлар, диверсиялар, одам ўғирлаш, сотиш каби жиноятларни содир этадилар. Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали мамлакат, унинг ҳокимияти түгрисида ёлғон маълумотлар тарқатишни бошлайдилар ва фуқароларда давлатга нисбатан ишончсизлик ўйготишга ҳаракат киладилар. Учинчидан, фуқаролар айниқса ёшлар ва аёллар ўргасида тарғибот ишларини олиб бориб экстремистик гояларини сингдириб борадилар. Бунинг учун курол-ярог ва наркотик моддаларни сотиш, одам савдоси орқали тўплangan катта микдордаги молиявий манбалардан фойдаланадилар. Ҳокимият учун ноқонуний йўллар билан курашда террористик ва экстремистик ташкилотлар кучли мутахассисларни жало этадилар курол-ярог, заҳарловчи ва портловчи моддалардан фойдаланадилар энг замонавий алоқа ва транспортга эгалик қиладилар, бу ўз навбатида мазкур ташкилотларнинг вақтинчалик бўлса ҳам кучайишига олиб келади.

Инсоният ривожига таҳдид солиб турган терроризм ва экстремизмнинг хусусиятидан бири унинг иштирокчилари Ватантуйгуси, ватанпарварлик, миллий ғурур каби тушунчалардан узокда бўладилар. Улар учун қариндош-уругчилик удумлари, оиласа қадриятлари ва миллат анъаналари бегонадир. Шунинг учун нафака бегоналарни, балки ўз оиласини ҳам писанд қилмайдилар, вазиятакозо этса оила аъзоларини ҳам ўз гайриинсоний мақсадларига эришиш йўлида курбон қиладилар. Бир сўз билан айтганда, зомбилашган, манкуртга айланган, одам қиёфасида бўлган, аммо факат ҳайвоний ҳирслари кучли бўлган мафкуравий носоғлом террорист ва экстремистлар халқ тинчлигига, ёшлар мафкурасига хавф тугдирувчи катта кучга айланади. Шундай экан, барчамизнинг оддимиздаги асосий вазифа – оммага, айниқса, ёшларга дунёда содир

булаётган нохуш воқеаларнинг асл сабабларини тұғри таҳлил қилиб тушунтириб бериш, диний экстремизм ва халқаро миқёсида авж олган терроризмга карши мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборатдир.

Хар қандай таълим биринчи навбатда тарбиядан бошланади. Ёшларга чукур билим беришда маънавий замин катта ўрин эгаллади. Оиласини, халқини, Ватанини асрраб-авайлайдиган инсонгина воқеликда фаол иштирок эта олиш қобилиятига эга бўлади.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсак-кина, олдимизга кўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараккиёт карор топади». Албатта, таълим-тарбия жараёнда «оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлигини ўрнатиш мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мухим аҳамият касб этади.

Хар бир инсон илк тарбияни оиласдан олади. Оила аъзолари қанчалик аҳил бўлса, бир-бирига меҳр ва ҳурмат шаклланган бўлса, болада табиий равишда ота-онага ҳурмат ва муҳаббат ўйғонади. «Нима эксан; шуни ўрасан», деган нақл бежиз эмасдир. Оиласда шаклланадиган хусусиятлардан бири – бағрикенглик, толерантликдир. Бағрикенглик хилма-хил эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир Ватанда, эзгу ниятлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб яшашни англатади. Бағрикенг инсон дунё маданиятларининг хилма-хиллигини тан олади ва барча инсонларни ирқи, миллати, дини, жинси, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволидан қатъи назар тенг кўради. Ўз навбатида, бағрикенг инсон ушбу тамойилларни менсимайдиганларга, терроризм ва экстремистик гояларини тарқатувчиларга бутун кужуди билан карши чиқади.

Инсон оиласда олган тарбияни маҳаллада намоён килади. Бир болага етти маҳалла тарбиячи деган ақида халқимизнинг азалий қадриятидир. Бекор юрган ёки нотўғри йўлга киришни бошлаган ёшларни вақтида қайтариш ҳам маҳалланинг асосий вазифасига саналади. Маҳалла фаоллари мафкуравий профилактикага оид билимларга эга бўлиши зарур. Лекин ушбу билимлар ва кўникмалардан ўз ўрнида фойдаланилмаса, маҳалла ёшлари турли оқимларга ойлмаган ҳолда кириб кетиш эктимоли кўпаяди. Нима килиш керак? Биринчи навбатда, ёшлар ўргасида соғлом турмуш тарзини

шакллантириш максадида маҳаллаларда турли тұғараплар очи-  
лиши, маңнавий-маърифий кечалар уюштирилиши, танловлар өз  
мусобақалар ташкил этилиши мақсадға мувофиқдир. Турли сабаб-  
ларга күра маҳаллада оиланинг доимий назоратисиз юрган ёшлар  
мавжуд. Бундай оиласларни аниқлаб, улар билан алоҳида ишлар  
олиб бориш лозим. Ёшларда муаммолар пайдо бўлиши билан улар  
енгил ечимни излашни бошлайдилар. Мазкур ҳолатда нопок ким-  
салар вазиятдан, ёшларнинг мағкуравий билимсизлигидан ёки ат-  
рофдагиларнинг лоқайдигидан фойдаланиб, ўз максадлари йўлида  
жиноятларига шерик қилиши осондир. Чунки ким муаммоларини  
ҳал қилса ёшлар учун ҳалоскорга айланишни бошлайди ва бундай  
ҳолатда ёшларга қандай вазифани буюрсанг бажаришга тайёр була-  
ди. Шунинг учун ҳам маҳаллада мавжуд муаммоларни ўрганиш  
уларни бартараф этиш, ёшларга тадбиркорликни ўргатиш, ишларни  
бамаслаҳат бажариш каби қатор вазифалар белгиланиши зарур. Ҳар  
бир маҳаллада бепул психолог маслаҳатхоналари, кечгача ишлайди-  
ган бепул ахборот ресурс марказлари фаолият олиб борса максадга  
мувофик бўлар эди.

Ахборотдан тұғри фойдаланиш, уни талкин қилишни ўрга-  
ниш, ахборот истеъмол маданиятини шакллантириш ҳам ахборот  
хуружлардан ҳимояланишнинг бир йўлидир. Ёшлар «ургимчак  
тўри» ҳисобланмиш Интернетдан фойдаланганда, қайси маълум-  
лар ишончли, қайси маълумотлар ёлғон эканини ажратса олиш  
қобилиятига эга булиши керак. Ёшларнинг билими қанча чукур  
бўлса, қанча кўп классик китобларни мутолаа қилган бўлса, унини  
онгини заҳарлаш шунча кийин булади. Бу борада мактаблар ва  
бошқа таълим муассасаларининг ўрни катта. Таълим муассасалар-  
ида нафақат фан бўйича дарсларни янги педагогик технологиялар  
асосида олиб бориш зарур, балки дарсдан кейинги маңнавий-тарбия-  
вий тадбирлар ҳам мағкуравий пухта тайёрлангани билан ажralиб  
туриши лозим. Чунки бугунги глобаллашув жараённада мағкуравий  
полигонларда олиб бораётган ҳаракатларимизда зарар кўришимиз  
асло мумкин эмас.

# ЁШЛАР ОРАСИДА МУТААССИБЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ – БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

С. Сандқодиров,  
*ФЖШМҚМИ етакчи мутахассиси*

Бугунги кунда диний ақидапарастлик, мутаассибликнинг илдиз отиши ва жамият тараккиётига зид жаҳолат гояларининг пайдо булишига қарши илмий асосда кураш олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, диншунос ва исломшунос мутахассислар олдиғаги муҳим вазифа – «ХХI аср вабоси» дея баҳоланаётган диний экстремизмнинг пайдо булиши, экстремистик ташкилотлар, уларнинг фаолияти, хавфи ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини чукур ўрганиш ҳисобланади. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ҳозирги кунда диний экстремизм мағкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айникса, ёшлар билан олиб бориладиган гаргибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чукур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсиричанлигини кескин кучайтиришни буғун бошимиздан кечираётган хаётнинг ўзи тақозо этмоқда».

Инсоният хавфсизлигига дахл қиласидиган жиноий ҳаракатлар ичидаги диний экстремизм ва терроризм ўзининг салбий таъсирига кўра тинчликни бузувчи энг оғир ҳаракатларга киради. Айникса, глобаллашув жараёнлари жадал ривожланаётган даврда бу каби иллатлар дунёда яшайдиган барча ҳалқларга қатор мусибатлар олиб келди. Бугунги дунёда кечайётган мураккаб жараёнлар, айрим мамлакатларда авж олган ирқчилик, миллатчилик, диний экстремизм кўринишидаги жиноятларнинг бутун инсониятни хавотирга соладиган жиҳати шундаки, дастлабки босқичда уларни оммавий тарзда англаб этиш мураккаблашиб, вакт ўтиши билан таъсир кучи кенгайиб, оммавий тус олиб, таҳдид даражасига кутарилмоқда.

Диний экстремистик ташкилотларнинг асосий фаолият услублари: экстремистик руҳдаги адабиёт, видео ва аудио тасмалар, электрон диск ва мобил телефон хотира карталарини тарқатиш хуфия 'Уруҳ (жамоат, ҳалқа)лар тузиш яширин диний «хужралар»нинг фаолиятини йўлга кўйиш республикадаги ижтимоий-сиёсий вази-

ятни кескин коралаш, давлат ва диний идора вакилларини обрүсилантиришга қарагилган ҳаракатларни амалга ошириш террорчилик ҳаракатлари ўтказишдан иборат.

Бугунги глобаллашув жараёнида турли гоялар кураши, ахборо хуружлари, мафкуравий тазиклар тобора авж олаётгани ҳам сир эмас. Бундай шароитда айрим ёшлар воқеа-ходисалар уммонидан адашмоқдалар, уларни баҳолашда ақлга эмас, факат ҳиссиётта суюниш оқибатида нотўғри хулоса чиқармоқдалар. Баъзи кишилар террорчилик йўлига кириб қолишини моддий кийинчилик, оиласадаги етишмовчилик, ишсизлик, кам таъминланганлик, аламзадалик, сиёсатдан норизолик каби қатор ижтимоий ҳолатлар билан боғлаштириладилар. Аслида эса экстремистлар инсонларнинг маънавий руҳий оламига хос хусусиятлардан усталик билан фойдаланаётганларини куриш мумкин.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишининг яна бир сабаби уларнинг диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқишилари ва интилишлари ҳамда ишонувчанликларидир. Экстремистлар буни яхши билган ҳолда, ёшларга гўёки соф исломни ўргатамиз, деб ўзларининг сохта, бузгунчи мақсадга йўналтирилган гояларини тикиштирмоқдалар.

Шу билан бирга, диншунос, исломшунос ва психолог мутахассислар томонидан ёшларнинг диний экстремистик оқим нағранлирига алданиб қолишиларига куйидаги омиллар сабаб булаётгани таъкидланади:

- максимализм балоси. Экстремистлар баъзи ёшларни бирданига ҳамма нарса бойлик, шон-шухрат, мартабага осонгина эга бўлишга қаҳрамон сифатида танилишга, гўёки шарафли ишни бажараётганиларига ишонтиришлари;

- экстремистлар ўзларига аъзо бўлганларга индивидуал тарзда ёндашишлари ва уларнинг бошқа нарса билан чалгиб қолишиларига умуман имкон бермасликлари;

- экстремистлар ўз гояларини тарғиб этишида, эътибордан четда юрган, ҳаётда кўп нарсага эришмаган, ўз иктидорини юзага чиқаришга интилмаган, ўзини гўёки камситилган деб ҳисобловчи кишиларни ўзларига жалб қилишлари;

- диний кўринган, аслида оқим гояларини акс эттирувчи брошура ва китобларни турли йўллар билан бепул таркатиб, мустакни

фикри умуман шаклланмаган, бефарқ ва лоқайд кишиларни йўлдан уришга ҳаракат қилишлари;

- аёллардаги тез ҳиссиётга берилувчанлик, таъсиричанлик, ишонувчанлик, раҳмдишлиқ, қизиқувчанлик каби туйгулардан ўзларига жалб қилиш йўлида фойдаланишлари;

- руҳан эзилган, яқин кишисидан ажралиб қолган, ҳаёт зарбасига учраган, бедаво дардга чалинган аёллар ёки ёшларни аклан ва жисмонан кучсизликларидан фойдаланиб, уларга жисмоний зулм ўтказиш, калтаклаш ёки наркотик моддаларга қарам килиб ўз мақсадлари йўлида кўғирчоққа айлантиришлари;

- экстремистлар ўзларини «бегараз ёрдам», «ғамхўрлик» қидувчи кишилар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилиб, бунинг учун эҳтиёжманд оиласарни, тури касалхоналарни, меҳрибонлик уйларини топиб, «хайрия тадбирлари»ни ўтказиб уларнинг ишончига киришга ҳаракат қилишлари.

Бинобарин, маънавий қадриятларимизга таҳдид солаётган ушбу муаммоларни ҳал этишда, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодда бундай тажовузларга қарши иммунитетни шакллантириш, баркамол шахсни тарбиялашнинг маънавий-маърифий йўллари ҳамда усула-рини тақомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш муҳим омил савалади. Шунинг билан бирга, мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги ва информацион хуружлардан саклаш масалаларининг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам тадқиқ этиладиган мазкур муаммонинг долзарб эканидан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тугрисида»ги Конунининг 14–15-моддаларида давлат ва жамиятни ахборот хавфсизлиги ва информацион хуружлардан химоя қилиш куйидаги йўллар билан таъминланиши белгиланган: жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш; миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, миллатларро ва конфессиялараро тутувликни бузишга қаратилиган ахборот экспансиясига ҳаракат тизимини барпо этиш; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб

олишга ёки қонуний равишида сайлаб қўйилган ёхуд тайинланған ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат туғрикни мига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очик даъват этишини ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш; урушини ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризмни ва диний экстремизм гояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш. Шунингдек, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ёшлар орасида носоғлом ахборотларни тарқатиши қилишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар тақиқланади.

Зеро, глобаллашув жараёнида ахборотларни тезкорлик билан тўплаш, тарқатиш ва истеъмол қилишда кўплаб ижобий томонлар билан бирга гаразли кучларнинг гоявий кураш йўлида амалга ошираётган ахборот хуружлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, биргина ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилган тартибсизликларнинг салбий оқибатларини 2011 йилнинг бошларида бир қатор араб давлатларида юз берган «твиттер инкилоби» воқсаларида куриш мумкин. Хусусан, ташки кучлар томонидан Facebook, Twitter, ижтимоий тармоқлари ва прокси-IP хизматидан фойдаланган ҳолда Тунис, Миср, Ливия, Баҳрайн, Эрон, Суриядаги тартибсизликлар назорат этиб турилган. Ижтимоий тармоқларнинг жамият учун хавфли томонларини англаб етган қатор мамлакатлар салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-талабирлар ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, бузғунчи кучлар мамлакат ҳудудида Интернет ва бошқа ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини чеклаб қўйган ҳолатда ҳам ўзаро алоқани таъминлашнинг янги усул ва воситаларини ишлаб чиқишишмоқда.

Дин ҳакидаги мантиқий асосланган билимларни шакллантириш ёшларда динга нисбатан соглом муносабатни ҳосил қилиш, уларни турли экстремистик гурухларга аъзо бўлишларининг олдини олиш умуман ёшлар орасида мутаассибликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларга қарши кураш – бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Ш. Ҳамроев,  
*ТВХТХМОИ катта уқитувчиси*

Инсоният асрлар давомида уруш ва низоларга барҳам бериш учун курашиб қелади. Бутун инсоният тарихи давомида сайёрамизда 15 мингдан ортиқ уруш бўлиб ўтган. Бу урушларда 3,5 миллиард атрофида одам ҳалок бўлған. Шунинг учун ҳам кишилар вужудга келган муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳакида бош котирадилар. Афсуски, ҳозирги асримизда ҳам тинчлик неъмати баъзи мамлакатлар учун ҳамон орзу бўлиб қолмоқда. Бунга 2011 – 2014 йилларда бир нечта араб мамлакатларида рўй берган ва ҳамон давом этаётган сиёсий инқизолар оқибатида юзага келган қонли тўқнашувлар мисол бўла олади. Мазкур оммавий тартибсизликлар туфайли Тунис, Миср, Ливия, Сурия, Ироқ каби давлатларда ҳар иили минглаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлмоқда. «Араб баҳори» номи билан бегуноҳ инсонларнинг ёстигини қуритаётганлар аслида сиёсий мақсадларни кўзлаб, динни никоб қилиб олган бузгунчи кучлар экани, улар экстремистик оқим ва террористик гурухлардан фойдаланаётгани ҳам хеч кимга сир эмас. Юртбошимиз бу ҳақда: «Ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва гояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланниб ултурмаган фарзандларимизни ўзининг қабиҳ тузогига илинтириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани сизларга яхши маълум»<sup>1</sup>.

Бундай ҳолат айникса, ҳозирги кунда бутун дунёга таҳдид со-лаётган «Ироқ ва Шом ислом давлати» («ИШИД») мисолида ўз аксини топмоқда. Яқин Шарқдаги бир неча террорчи гурухларни бирлаштирган ташкилот 2006 йил 15 октябрда «Ироқ ислом давлати» номи остида Ироқда тузилган. БМТ Хавфсизлик кенгаши маълумот-парига кўра, дунёдаги энг хавфли ҳисобланган «ал-Қоида» фаолли-

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон уқитувчи ва мураббийтарига байрам табриги»дан. «Маърифат» газетаси, 2015 йил 1 октябрь.

гининг камайиши унданда кучлирок террорчиллик ташкилотлари хусусан «ИШИД»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Узининг бўйи максади сифатига «ИШИД» Ироқ ва Сурия мамлакатлари негизидан сунний мусулмонларнинг ягона давлати бўлган «халифалик» барти этиб, уни босқичма-босқич Яқин Шарқ, Шимолий Африка мамлакатлари ва Марказий Осиё ҳудудигача кенгайтириш режасини зълон қилди. Сурияда кечайтган мажароларга мустакил армия сифатидан келиб қўшилганидан сўнг, 2013 йил 9 апрелдан бошлаб ташкилот «Ироқ ва Шом ислом давлати» деб номланди. 2014 йил 29 июня ташкилот раҳбарлари томонидан Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида халифалик тузилгани зълон қилинди. Шу йилдан, «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади.

Бугунги кунга келиб, ИШИД энг хатарли террорчи гурӯхга айланди. Унинг таркибида юз мингга яқин жангари бўлиб, уларнинг асосий қисмини дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан келган хорижлик ёшлар ташкил этади. Хориждан келиб, урушга қўшилган қанчадан-қанча гўр ёшлар шу ерда ҳаёт билан видолашди. Омон қолганлари эса юргита қайтиб боргач, қўпорувчи гоялар манбаига айланади. Ўз мамлакатида ҳам бузгунчилик кайфиятида яшайди. Айримлари амалий фаолиятга ҳам киришади. Бундай террорчиллик ташкилотлари бутун бир мамлакат учун каттагина муаммога айланниб, тинчлик ва барқарорликка хавф солмоқда.

Дунёдаги бирорта ислом дини уламоси бу «давлат»ни тан олмади. 2014 йил сентябрь ойида дунёга машхур 126 нафар уламо қўпорувчи ташкилот бошчисига Очик ҳат ёзди. Унда ИШИДчилар амалга ошираётган ҳаракатлари Қуръон ва ҳадисга тамоман зид экани айтилиб, инсонийликдан йирок, манфур жиноятлари қораланди.

«Ислом давлати» шиори остида четдан туриб бошқарилаштириш ушбу туда ўзини гўёки ислом тартиб-қоидаларига «тўлик» риоя этувчи қилиб курсатиб, динимизга буткул зид ишларни амалга оширмоқда. Ўзини халифа деб атаган тұдабоши Абу Бакр Бағдодий ён-атрофдагиларини зуравонлик, ваҳшийлик билан ушлаб туради. У Интернет орқали танилгани учун «твиттер халифа» деган лақабни олган. Бу лақаб унинг фаолияти виртуал эканини билдиради.

ИШИДчи газандалар қилаётган ваҳшийликлари оқибати миллионлаб бегуноҳ инсонлар қочоққа айланди. Масалан, яқинидан телевидение орқали берилган хабарда, сахро ва чўлларда 1 милион

шын 800 минг одам, айниқса, оч-нахор болалар чодирларда аянычи холатда күн кечираётгани күрсатилди. ИШИДчилар 2014 йил 14 шоң куни жиной ишларини маъқулламаган 12 нафар уламони Мосул шаҳридаги «ал-Иср» масжиди ёнида намойишкорона катл этиши. Сўнгги вактларда масжид, метро, автобус, бозор каби одамлар гавжум бўладиган жойларда камикадзелар томонидан мудхиши кўпорувчилик ишлари содир этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Улар ўзларининг бу жирканч жиноятларини «шаҳидлик» деб даъво килишмокда. Ҳаттоқи, Ирок ва Сурияда асиralар бозорлари ташкил этилиб, уларда асирга олинган аёллар жангариларга жория ва хизматкор сифатида сотилмоқда. ИШИД эндиғина 8 ёшга тўлган болаларни ҳам жангарилар сафиға кўшмокда. Энг даҳшатлиси, ҳали жуда ҳам кичкина, бегубор болаларни ИШИД қонхўрлари «Жаннат күшчалари» дея атаб, уларнинг белларига портловчи моддаларни боғлаб, алдаб, одамлар гавжум жойларга юбориб, кўпорувчилик воситаси сифатида портлатиб юбориши мокда.

2015 йил январь ойининг охирида Ироқнинг Мосул шаҳрида жангарилар 13 нафар ўғил болани Ирок ва Иордания терма жамоалари уртасидаги учрашувни кўргани учун пулемётдан отиб ўлдиришади, шунингдек, одамларни тириклайн ёқиб ёки кўмиб юбориш жиноятларини ҳам содир этиши мокда. Ваҳшийларча ўлдирилган бегуноҳ одамларнинг кесилган бошларини копток килиб отиб ўйнаш ва тирик асиirlарга қарата ўқ узиш ёки бўйнига пичок тортиб, кўй каби бўғизлашга ёш болаларни ундаш каби инсонийлик чегарасига сигмайдиган жиноятлар ИШИД газандалари амалга ошираётган ёзузликларининг айримларигина холос.

Бутун дунё мусулмон уламолари кенгаши ўз баёнотида ИШИДни энг ваҳший террорчи ташкилот, унинг исломга умуман алоқаси ўй, ҳатто бу тўда аъзолари инсон зотидан эмас, деб таъкидлади. Шунингдек, улар эълон қилган «халифаликни» шаръян ботил деб фатво берди.

Ўйлаб кўринг! Ҳокимият ва бойлик ортириш илинжида ҳар кандай тубанликдан қайтмайдиган, ислом тарихидан мутлақо бехабар, ўзи террорчи жамоалар таъсирида улгайиб, Ғарбнинг қора нияти кучларининг қўғирчоги вазифасини бажараётган Абу Бакр Багдодий бошлигидаги жангарилар тўдасини «халифалик» деб буладими? Одам савдосидан тортиб автомашиналарни ўғирлаш,

банкларни үмариш, одамларни қўрқитиб пул талаб килиш, боқинчилик билан эгалланган ҳудудлардаги нефтни сотиш, аҳоли мол-мулкларини талон-торож килиш кабилар ИШИДнинг кинни даромадлари манбаларидир. Бундан ташқари, дунёнинг турли жойларидаги ИШИД тарафдорлари бундай кабих ишларни молиялаштириш учун маблаг ажратишмоқда.

ИШИД ўз таркибига бутун дунёдан юкори малакали мутахасисларни жалб этмоқда. Манфаати тегадиган баъзи одамларни пора бериш йўли орқали ўзига оғдириб олган. Масалан, молиз ишларини асли австралиялик бўлган шахс бошкармоқда. Кузатувчиларнинг таъкидлашига кўра, ҳар ойда ИШИД таркибига турили мамлакатлардан кўплаб жоҳил кимсалар келиб қўшилмоқда. Ҳатто, жангари аёллар тўдалари ҳам пайдо бўлган. ИШИД жангарилирида заррача раҳм-шафкат йўк, одамларни ваҳшийларча катал қилаётгандарини кўриб, кишида уларнинг инсон зотидан эканига шубҳа уйгонади.

ИШИД жангариларининг дастлабки тарқатган видеолавҳаларида бегуноҳ одамларни қўйдек бўғизлаш каби ваҳшийлик акс этирилган бўлса, энди бу конхўрлар тарқатётган сўнги видеолавҳаларда бундай даҳшатли тасвирлар йўк. Чунки жангариларнинг ушбу ваҳший тасвирларини халқаро ҳамжамият, хусусан оммавий ахборот воситалари уларнинг зарарига қўлламоқда. Шунинг учун бугунги кунда жангарилар, гўё ислом йўлида «курбон» бўлаётгандарি акс этган фотосурат ва видеолавҳалардан тарғибот мақсадида фойдаланишмоқда. ИШИД видеолавҳалари юкори сифат ва профессионал маҳорат билан ишланган. Бу ишга катта малака ва тажрибага эга бўлган европалик мутахассислар жалб этилган. Ҳар сафар жангарилар томонидан чиқарилган видеолавҳа аввалгисидан фарқ килади. Бундай лавҳалар халқаро жамоатчиликка қандай таъсир этишини кўриб, кузатиб, шунга яраша иш тутилмоқда.

ИШИД ва унинг Farbdagi кора ниятли ҳамтоворларининг яширин мақсадларига куйидагилар киради:

- ислом маърифати тарқалишига тўскинилик қилиш;
- бутун оламни ислом динидан қўрқитиши ва чўчиши;
- ислом динига нисбатан оммавий нафратни пайдо қилиш;
- ислом дини ва мўмин-мусулмонларни ёмонотлик қилиш;
- «Жиҳод» шиори остида ёшларнинг умрини ҳазон қилиш;

— ислом уламоларини коғирга чиқариш йўли билан йўк килиш;  
— мусулмон ўлкаларида таҳликали фитналарни уюштириш ва  
низо чиқариш.

Худлас, бугун дунёда тинчлик ва тараққиётга таҳдид солаёт-  
ган бузгунчи кучлар ўз максад ва манфаатлари йўлида ҳар қандай  
котиллик, тубанлик, бўхтон ва ваҳшийликлардан тап тортмасдан  
бор имкониятларини ишга солмоқда. Шунинг учун ҳам юртимиз-  
даги тинчлик ва баркарорликни асраб-авайлаш, ёшлиаримизни тур-  
ли соявий, мафкуравий ва информацион хуружлардан ҳимоя килиш  
масаласи бугунги давр талабига айланмоқда.

## DUNYODA SODIR BO'LAYOTGAN NOXUSH VOQEALAR, AYNIQSA MUSULMON DUNYOSIDAGI QARAMA-QARSHILIKLARNING KELIB CHIQISH SABABLARINI YOSHLARGA TUSHUNTIRISH MASALASI

D. Egamov,

*Xorazm viloyati Bog'ot tumani 19-son umumiy  
o'rta ta'lif maktabi o'qituvchisi*

Bugungi kunga kelib musulmon dunyosida sodir bo'layotgan mud-  
hish voqealar hech kimni besarq qoldirmaydi, albatta, hammamizga  
ayonki, islom dini necha asrlardan buyon insonlar o'rtasida mehr-  
oqibatiliklikni, tinchlik-osoyishtalikni, inson Olloh tomonidan yaratil-  
gan eng muqaddas mavjudot ekanini targ'ib etib keladi. Shunga  
qaramasdan ayrim insoniylik chegarasidan chiqqan noplak kimsalar  
muqaddas dinimizni buzib, tanqid qilib kelishmoqda. Bugungi kunda  
dunyoning bir qancha hududlarida, yon qo'shni davlatlarda sodir  
bo'layotgan diniy kurashlar hech kimni taajjubga solmay qo'ymaydi.  
Shu o'rinda Prezidentimizning quyidagi so'zlariga bir qulqoq tutsak:  
«Bugungi kunda dunyoning turli mintaqqa va hududlarida avj ola-  
yotgan qarama-qarshilik, jumladan, Yaqin Sharqda, Iroq va Suriya  
mamlakatlarida bo'layotgan qonli to'qnashuvlar, musulmon dunyosidagi  
turli mazhab va oqimlar o'rtasida kuchayib borayotgan o'zaro nizo va  
ziddiyatlar, begunoh odamlarning qurbon bo'layotgani barchamizni  
tashvish va xavotirga solmay qo'ymaydi.

Diniy qadriyatlar, ezzulik va insoniyatning dushmani bo'lgan yot  
oyalarning asl mohiyatini ochib berish, buzg'unchi oqimlarni jilovlash.

jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashish, mana shunday tinch, musall<sub>o</sub> osmon ostida bунyodkorlik mehnati bilan band bo'lib, shukrona keltirib yashayotgan olижаноб xalqimizning tinch hayotini har qanday balо, qazolardan asrashга o'z hissamizni qо'shish – bugungi kundagi eng dolzarb vazifamiz bo'lishi kerak».

Bugun O'zbekiston diniy bag'rikenglik (tolerantlik) va dinlararo mu-rosa borasida nafaqat MDH davlatlariga, balki butun dunyoga namuna bo'lmoqda. Bu haqda Moskva va butun rus patriarxi Aleksey II, AQSh senatori Xillari Clinton xonim va sobiq AQSH davlat kotibi Madlen Olbraytlar yurtimizga ziyoratlari vaqtida ta'kidlab o'tdilar. Albatta xalqimizga azaldan xos bu xislat bir zumda paydo bo'lgan emas, u uzoq tarixga ega. IX asrdan boshlab hozirgi O'zbekiston hududida islom dini sunna yo'naliшining hanafiy (Imom A'зам) mazhabи qoror topdi. Bu ham bejiz bo'lmasa kerak, zero, Imom A'зам mazhabи o'zga dinlar va mahalliy urf-odatlarga nisbatan erkinlik berish bilan boshqa mazhablardan ajralib turadi. Mustaqillik tufayli o'zligimizni anglash, ma'naviy qadriyatlarimizni tiklash jarayoni kechayotgan hozirgi paytda umuman dinga, ayniqsa, ota-bobolarimiz dini bo'lib kelgan islomga munosabat tubdan o'zgardi. Bu sohadagi yutuqlarni sanab o'tishga hoja yo'q deb o'yayman, ularni ko'rmaslik mumkin emas, ko'rolmaslik mumkindir, balki. Siyosiy mustaqillikka erishgan barcha yosh davlatlarda yuz bergani kabi bizning mamlakatda ham xalq ta'limi yo'naliшlarining o'zgarishi, davlat tili, an'analar, milliy madaniyatga e'tiborning ortishi, bularning hammasi, obyektiv ravishda diniy omil ahamiyatining yuksalishiga olib keldi. Mustaqillik yillarda kutilmagan vogeliklarga ham duch kelindi. Bu – ba'zi qо'shni mamlakatlarda siyosiy va diniy barqarorlik mavjud bo'lмагани bois diniy ekstremistik guruhlarning ko'payib ketgani va ularning mamlakatimizga bevosita tahdidi vujudga kelganidir. Diniy ekstremizm xalqaro terrorizm bilan uyushib ketdi va endilikda bu muammoning yechimi muayyan bir mamlakatning qо'lida emas, balki u umumbashariy miqyosda sa'y-harakatlarni talab qiladi. Dunyoda islom dinini niqob qilib olgan bir qancha guruhlar mavjud.

Vahobiylarning bosh maqsadi: Ular fuqarolarni o'z tomonlariga og'dirib olish uchun dastlab insonga yoqadigan fikrlardan keng foy-dalanadilar. Vahobiylar o'zlariga qо'shilmaganlarni, hatto, ularning qarindosh-urug'larini ham musulmon emas, deb e'lon qiladilar va h.k.

«Hizbut-tahrir»ning maqsadi: hozirgi kunda VII asrdagi xalifalikni tiklash va h.k.

«Iraq va Shom islom davlati» tashkilotining maqsadi: «Xalifalik qurish» shiori ostida hokimiyatni qo'lga kiritish. Bu tashkilot «xalifalik» iddaosi bilan zo'ravonlik va zulm o'tkazish kabi mal'un ishlarni qilmoqda.

Aqidaparast oqimlar va diniy siyosiy partiylar qanday nom bilan atalmasin, ularning mohiyati bir xil, ya'ni «dinni tozalash», «poklash» niqobi ostida davlat hokimiyatini qo'lga kiritish va shu orqali islom davlatini tuzishdir. «Muayyan siyosiy kuchlar musulmonlarga «xalifalikni tiklash» g'oyasini 60 yildan beri tiqishtirib keladi. Ularning niyatiga ko'ra, mabodo musulmonlar xalifa tiklash uchun ommaviy harakat boshlasa, xalifani qaysi yurt va qaysi millatdan saylash muammosining o'zi musulmonlararo qirg'inbarot janglar keltirib chiqaradi.

Ana shundan keyin islom dushmanlari boshlarini og'ritib kelayotgan katta bir tashvishdan qutuladi, islomning XXI asrda taraqqiy etishining oldi olingen bo'ladi. Hech qanday qurol va xarajatsiz islom dini inqirozga uchrab, uning ustidan g'alaba qozoniladi. Mana, ularning hiylasi-yu, musulmonlarning aldanuvchanligi! «Aqidaparastlik qator davlatlar kabi O'zbekistonga ham tahdid solmoqda. Shuning uchun ham Prezidentimiz Islom Karimov doimo O'zbekiston fuqarolarini kuchayib borayotgan diniy aqidaparastlik va ekstremizm xavfidan ogoh bo'lishga, hushyor bo'lishga da'vat etib kelmoqda. Yurtboshimiz Islom Karimov «O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida» nomli asarida aqidaparastlik tahdidi O'zbekiston uchun quyidagilarda namoyon bo'layotganini ta'kidlagan:

– Eng avvalo, aqidaparastlar dindor musulmonlarning islohotchi davlatga bo'lgan ishonchini yo'qqa chiqarishga urinmoqdalar.

Nega shunday qilmoqda? Bir jamiyat o'mliga ikkinchisini qaror loptirish uchun o'tkazilayotgan islohotlar odamlar istaydilarini, yo'qmi baribir muayyan qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Bu aholining tabaqalanishida, ayni paytda, aholi ma'lum qismi turmush darajasining pasayishida namoyon bo'ladi. Aqidaparastlar bu vaziyatda islomning ommaga yoqadigan tenglik g'oyalarini ilgari suradilar. Islomning ma'naviy-axloqiy me'yorlariga qattiq rioya etishni talab qiladilar. Bu o'rinda iqtisodiy qiyinchiliklar – vaqtinchalik hodisadir.

– Aqidaparastlikning tahdidi mamlakatimizda boshlangan islohotlar muvaftiqiyatining garovi: siyosiy barqarorlikni, milliy, fuqarolararo va millatlararo totuvlikni buzishga urinishda namoyon bo'lmoqda.

– Aqidaparastlar dunyoviy davlatni, ko'pmillatli va ko'p dinli davlatni obro'sizlantirishga urinmoqdalar.

– Aqidaparastlarga ko'r-ko'rona ergashayotganlar – ular irodasi qilib bo'layotganligi ham tahdid solmoqda. Chunki aqidaparastchi tashkilotlari o'z azolariga umumiy maqsad yo'lida also chekinmaslik, o'z molidan va jonidan kechish majburiyatini yuklaydi hamda qasam ichtiradi. Natijada, ular tashkilotning shafqatsiz va fonatik jangarisiga aylanadi.

– Aqidaparastlik fuqarolarni «haqiqiy» va «soxta» dindorlarga ajratib, tahdid solmoqda. Buning qanday oqibatlarga olib kelishi Afg'oniston va Jazoir tarixi voqealaridan bizga ma'lum.

– Aqidaparastlik O'zbekistonning janubiy qo'shnilar bo'lgan davlatlarda davom etayotgan fuqarolar urushi va ichki siyosiy inqirozning hamon davom etayotgani bilan ham tahdid solmoqda.

– Aqidaparastlik musulmon va musulmon bo'lмаган мамлакатлар, ularning jamoatchiligi orasida O'zbekiston haqida ko'ngilsiz fikrlarni tarqatish bilan ham tahdid solmoqda.

## ДУНЁДА БОЛАМ, ДЕБ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК

И. Бобоҷонов,

*Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги  
10-сон умумий ўрта таълим мактабининг  
она тили ва адабиёти фани ўқитувчи*

Мустакил юртимизда амалга оширилаётган инсон манбаатларини кўзлаган ислоҳотлар, соглом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган зътибор, шахару қишлоқларни обод этиш замирида баҳт, мустаҳкам оилани барқарор этишдек улкан бир мақсад ётади. Дарҳақиқат, Юрғбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек. «Бу ёргуғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан ҳаёт авадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан. одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди...»

Ўсиб келаётган ёш авлодни тинчлик аталмиш буюк неъматнинг қадрига этиш руҳида тарбиялашни ҳамиша дикқат марказимизда тутмогимиз даркор. Огоҳлик давр талабига айлангани боис Ватанимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлодга дунёда бўлаётган ноҳуш воқеалар, айниқса, мусулмон дунёсидаги қарама-каршиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунириш лозим.

Тинчлик – барча халкларнинг, шунингдек, ўзбек халқининг ҳам азалий орзуси булиб келган. Тинчлик инсонпарвар ва бағрикенг халқимизнинг тили ва дилидан мустаҳкам жой олган энг олий қадрият ҳисобланишини алоҳида қайд этиш лозим.

Инсон вужудидаги саломатлик етмиш икки томиридаги қон айнишининг мұттадиллиги билан баҳоланса, унинг жамиятдаги обру-эътибори, одамийлик қиёфаси иккита асосий мезонда үлчана-ди. Зеро, иймони пок одам эзгуликка мойил бұлади. У ҳар доим ён-профидалық инсонларга, демакки юртига, Ватанига хизмат қилишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади. Виждон уйғоқлиги эса кишини сергакликка, ўзи тугилиб ўсган юртига оид ҳар қандай жа-раенга дахлдорлик ҳиссини тарбиялади. Бу хислатлар ватанпар-варлардан далолаттады.

2010 йил декабрь ойида бошланған норозилик ҳаракатлари тез орада Тунис, Ливия, Миср, Яман, Сурия ва бошқа мамлакатларни камраб олды. Шундан буён давом этиб келаётган мажаролар ҳали-хануз ўз ечимини топгани йүқ. Қанчадан-қанча одамлар қурбон булиб, шаҳар ва кишлоқлар вайронна ҳолга келтирилди. Араб давлатларининг бошига тушган кулфатлардан ер юзидағи хур фикрли инсонларнинг барчаси маҳзундир.

Бугунги кунда юқоридаги давлатларда содир бұлаётган хунрез-лиklär ортида диний экстремизм ва терроризм гояларини тарғиб килувчилар турибди.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бұлған диний қадриятлар ва акидавий ажкомларни рад этиш ва ўз гояларини мұрасасизлик ва зўрлик билан тарғиб қилишdir.

Терроризм – қўрқитиш ва зўравонлик ишлагиши англатувчи ижтимоий феномен, муайян сиёсий мақсадларда, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш ҳамда аҳолининг кенг қатламларида шахима ва кўркув уйғотиш учун зўравонлик ишлатиш ёки зўравонлик ишлатиш билан қўрқитиш.

Терроризм – сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга тиришиш учун шахснинг ҳаёти, соглигига хавф түғдирувчи, молмұлк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга,

халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суннитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, ҳавфсизлигига пултукказишга, куролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарлик қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиннат кодексида жавобгарлик назарда тутилган ўрлик, зўрлик иштиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар.

«Ал-Қоида» («Асос») трансмиллий диний-сиёсий гурухини дастлабки структуралари 1988 йили Усама бин Лоден раҳбарлиги Покистоннинг кўшни Афғонистон билан чегарадош ҳудудида очиған «Мактаби Хидомат» ташкилотига келган жангарилар асоси вужудга келган.

«Толибон» харакати 1990 йилларда Покистонда вужудга келған ҳарбий-сиёсий ташкилот. Унинг бош мақсади – Афғонистон ва Покистонда уруш йўли билан ислом халифалигини тиклаш.

Экстремистик оқим вакиллари ўз мақсадлари йўлида аёллар болаларни, уларнинг ҳаёти ва келажаги билан ҳисоблашмай, қурбон қилишмоқда. Минтақада ҳозирги кунда фаолияти кузатилаётган диний экстремистик гурухлар қаторига «Туркистон ислом ҳаракати», «Ислом жиҳоди иттиҳоди» ва бошқа «Жиҳодчилар» жамоатлар «Салафийлар» гурухлари, шунингдек, «Ҳизбут-таҳрир», «Нурчилар» ва «Таблиғчилар» киради.

Бугунги кунда Сурия давлатида юз берәётган воқеалар ҳам аниш кучлар ҳаракати экани сир бўлмай қолди. 2016 йил Сурияда «Ислом давлати» деб номланган террористик ташкилот барпо қилинга бўлиб, шу асосда ер юзида «халифалик» барпо қилишни режалаштирган.

Мехнат қилиш учун чет давлатларга чиқиб кетаётган иродаси бўш, диний ва дунёвий билимлари саёз, тор дунёқарашга эга бўлган фуқаролар одам савдоси жиноятидан жабрланиб, диний экстремистик гурухларга кўшилиб қолмоқдалар.

Шунингдек, жиноий ташкилот аъзолари айрим фуқароларни Туркия ва қўшни давлатларда катта пул тўланадиган иш борлигига ишонтириб, у ердан ноконуний равишда Сурия давлатига ўтиш жангарилар сафига кўшилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда хорижда меҳнат қилаётган айрим юртдошларимиз онгига тажбири мусулмон киши «Хижрат», «Шахид», «Жиҳод» қилишларидан

амал қилиши кераклиги ҳақидаги нотуғри даъватлар сингдирилиб, алдов йўли билан Сурияга олиб кетилмоқда.

«Жиҳод» сўзи «Жадду-жаҳд», яъни инсон ўз мақсади йўлида бор имкониятларини ишга солиш маъносини билдиради. Иномат Термизий Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан ривоят кунгандан ҳадисда «Жиҳоднинг афзали ўз нафсингга қарши жиҳод килмогингдир», дейилган.

Шахид – ислом динига кўра, Оллоҳнинг ризоси йўлида фидойини килган, имони, эътиқодини Ватан озодлигини ҳимоя қилиш йўлига бахшида қилган ва жаннаттага киришга шаҳодат (въда) қилинган кишидир. Ўз жонига қасд қилиш ва бошқа одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш шаҳидлик амалларидан ҳисобланмайди, аксинча, ислом асосларига кўра, оғир гуноҳдир.

«Хижрат» сўзи изоҳли лугатда бирор нарсадан ажраш, шарифатда эса Пайғамбаримиз Маккани тарқ этиб, Мадинага боришига, киёсан ислом дини йўлида мусулмонларнинг яшаб турган ерларини ташлаб, бошқа юртларга кўчиб кетиши назарда тутилади. Ҳозирда ислом дини ақидасини бузиб, аслида ғаразли мақсадларни кузлаётган кимсалар «хижрат қилмаганлар коғир» деган соҳта давволар билан одамларни алдаб, хориждаги жангарилар тайёрланадиган марказларга жўнатишга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда Сурия давлатида юз берәётган воқеалар ҳам аниш шундай кучларнинг саъй-ҳаракати экани намоён бўлмоқда. Тасаввур қилинг; Туркиянинг Сурия билан чегарадош Ақчақалъа ҳудудига Сурия томонидан ҳарбий снаряд келиб тушган ва 5 нафар киши ҳалок бўлган. Афсуски, бунинг ташкилотчиси ким экани ва нима учун бундай ишни амалга оширганини ҳеч ким билмайди. Вабуни топиб, тинчликни барқарор этишга ҳеч ким ҳаракат қилгани ҳам йўқ. Халқаро муносабатлар эса уларни ҳаспушлаш ва уруш оловини авж олдиришдан бошқа нарса эмас.

Дунёда содир бўлаётган нохуш воқеалар, айникса, мусулмон дунёсидаги қарама-каршиликларнинг келиб чиқиш сабаблари, мустакиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикини саклаб қолиш, униб-усиб келаётган ёш авлодга тушунтириш масаласида қўйидагиларга эътибор қаратмок даркор:

– тарбияни фақат ота-она, устозлар ва маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга оқсокол ва онахонлардан олиш;

– Президент Ислом Каримов асарлари тўпламларида келтиришган демократияга оид маъруза ва нутқларнинг мазмунини таҳлилишига қаратилган семинар, давра сұхбати, конференция ва түннілар ўтказиш;

– дарсларни пухта ўзлаштириш, асосий эътиборни чуқур олиш ва жисмоний ривожланишга қаратиш;

– диний экстремистик оқимларнинг фаолияти мусулмонларни шига кулфат, низо ва ривожланишдан ортда қолишини олиб келаётганини теран англаш ва тенгдошларига хам тушунтириш;

– ўкувчи ва талабалар ичida ноконуний тарзда чоп этилган ликий мазмундаги адабиёт, диск, мобил телефонлардаги маъруза ва лавҳаларни тарқатмаслик, уларни «мутлақ ҳақиқат» сифатида қабуқилиш на ислом динига, на амалдаги қонунларимизга тұгры келмағынни қаттый англаш;

– ёшларда ҳуқуқий демократия ва миллий қадрияларимизга оид тушунча ва кўникмаларни ривожлантириш;

– мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш беришга оид тадбирларда ёшларнинг мунтазам иштирокини таъминлаш;

-- таълим муассасаларида ўтказиладиган маънавият ва ахборот соатларида мазкур мавзуга оид янгиликлар ва тушунчаларни етказишида турли кўргазмали воситалардан фойдаланиш;

– ёшлар ўртасида маънавий, гоявий-сиёсий қарашларга оид социологик сўровлар ўтказиб туриш;

– «коммавий маданият» кириб келиши ва кенг кўламда ёйинишининг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар уюштириш ва ёшларнинг бўш вактини самарали ўтказишга қаратилган қизиқарали тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш;

– интернетдаги ижтимоий тармокларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ёшларга тушунтириш ва алдовларга ишонмасликлар даъват қилиш;

– ёшларда ахлоқий бузуклик, зўравонлик, индивидуализм каби иллатлар шаклланишига қарши тарғибот-ташвиқот ва маърифий ишларни олиб бориш зарур.

Таълим-тарбия жараённада ёшлардаги миллий гурур туйгусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши глобалда-

шув шароитида тарбия жараёнининг муваффакиятини таъминлайди. Халқимизда асрлар давомида сайджалланиб, янада ёрқинлашиб келгетган маънавий-ахлоқий қадриятларимиз ёшлар учун қалқон булиши, мамлакатимизнинг юксалишига хизмат килиши шубҳасиз.

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

С. Бахритдинов,  
ФЖШМҚМИ Жиззах ҳудудий булинмаси  
етакчи мутахассиси

Ўзбекистон мустақилликнинг ilk қунларидан бошлаб динга бўлган муносабатини аниқ ва принципial белгилаб олди. Жамият ҳаётида диннинг ўрнига ва буюк аждодларимиз томонидан ишлаб чиқилган қадриятларни тиклашга эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддасида виждан ва эътиқод эркинлиги тўлиқ кафолатлаб кўйилди, диний русумларни тусиксиз амалга ошириш ва энг муҳими, хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод кильмаслик эркинлиги белгиланди.

Истиклол йилларида Ўзбекистондаги диний бағрикенглик сиёсати ва барча динларга етарлича шароит яратиб берилганига қарамасдан, ўзларича ислом давлатини куришни мўлжаллаган, амалда тинч ҳаётимизга рахна солишни мақсад қилган турли ёт оқим тарафдорлари ҳали ҳаётий позициясига эга бўлмаган ёшларни ўз томонига оғдиришга харакат кила бошлади. Бир гурӯх экстремистлар алоҳида шахсларни ўзига оғдиришга ва улар орқали жамиятга тўлиқ таъсир ўтказишга интилишиди. Экстремистлар ҳар хил диний оқимлар ва гояларни олиб киришга уринди. Уларнинг очик намойиши ҳалқ ўртасида қўллаб-кувватланмаганидан кейин, экстремистлар маънавий зарар кўрсатиш мақсадида ваҳобийликнинг синалған усуулларига мурожаат қилишди. Бугун эса Интернет тармоқлари экстремистлар тарғиботининг хавфли воситасига айланди.

Экстремизм ҳар доим радикал кайфиятни намоён этиб келган. Бир неча давлатлар тарихидан келиб чиқиб айта оламизки, ҳар

кандай ҳудудда бу оқим тарафдорлари кескин каршиликка учрашып Бунга жавобан экстремистлар нөконуний харакат қилишга ўтиб ўзининг фаолларидан, ҳатто уларни курбон қилиб бўлса-да, «халқ қаҳрамон»нини яратишга харакат қилишди. Афғонистон, Ирок, Суряядада ҳукуматга эгалик килиш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан бирлашиб, ўзларига ҳомийлар топишли ва ўзининг давлатига қарши қуролли қўзголон кўтариб, уни жиход деб эълон қилишди.

Экстремизмни жамият учун ниҳоятда хавфли эканини куидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, бундай кимсалар ўз дормаларида (жамиятда фагатгина диний тартибни катъий ўрнатиш билан боғлик) туриб олади ва таракқиётта интиладиганлар билан келиша олмайди.

Ижтимоий тараққиёт узлусиз жараён. Уни тұхтатиш ёки бунга интилиш халқни умумжахон тараққиётидан узоклаштириб, колокшаштиради. Ўттан асрда шўролар халқимизнинг олди зиёлиларини қатағон қилиш ҳисобидан халқ тараққиётини тұхтатишга уринган, миллий бирдамликни йўққа чиқарган эди. Экстремистлар айнан тараққиётга тоқат кила олмайди. Буни Афғонистондаги сўнгги 35 йилдан бўён давом этатиган халқнинг оғир аҳволи, колок иқтисодиёти мисолида асослаш мумкин. Айни пайтда бу ҳудудда асосий бойлик наркотик бўлиб қолмоқда ва иқтисодиётнинг реал тармоқлари ривожланмаяпти.

Ижтимоий тараққиётни таъминлайдиган энг муҳим омил, бу таълимдир. Таълим тизими ривожланган давлатларда ишлаб чиқаришида юксалиш бўлади. Интеллектуал салоҳият энг муҳим бойлиkdir. Бугун Ирок ва Суряядада жангарилар маҳаллий болаларнинг мактабга боришига, телевизор кўришига, Интернет билан мулокот қилишига тўсқинлик қилишмокда. Ҳаттоқи, уларнинг мактабга боришига йул кўймаслик учун ваҳшийликлардан ҳам қайтмаяпти. Болаларни мактабдан чеклайдиган бундай манфурлардан яна нима кутиш мумкин?

Иккинчидан, экстремистлар мусулмонлар ўргасида можаролар келтириб чиқаради, аммо диний бағрикенгликка тоқат кила олмайди.

Ер юзида турли миллат ва элатлар яшайди. Ҳар бирининг ўзига хос эътиқоди бор. Тўгри, Ер шарининг аксар ахолиси ислом-

христианлик, буддизм ва хиндуйликка эътиқод қилишади. Аммо кам сонли ҳалқлар эътиқод киладиган динлар ҳам уларнинг ўзлари учун диний-рухий озуқа манбаидир. Экстремистлар диний бағрикенгликни қабул қиласлик билан бирга, мусулмонлар ўртасида ҳам келишмовчилик ва зиддиятлар келтириб чиқармоқда. Масалан, Афғонистон, Ирок, Сурия каби давлатлар аҳолиси бу ҳудудларда экстремистлар жойлашиб олгунга қадар ҳам ислом дининга эътиқод қилишар эди. Демак, экстремистларнинг мақсади ислом динини ёйиш эмас, балки адоват. Кон тўкиш ва аллақандай халифаликдир. Бундай мақсаддаги террорчилик ҳаракатлари бир неча йилдирки миллионлаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, экстремистларнинг ўзлари бир-икки диний қоидани ёдлаб олиб, ҳаммани диндорликка ундейди, лекин Куръонни ва исломнинг ҳакиқий маъносини биладиганларни ислом динини тушунмайди, деб ҳисоблади.

Ислом дини ҳеч қачон одамларни ёмонликка чорламайди. Кон тўкиш, бирорга озор етказиш, ҳаттоқи бирорвнинг орқасидан гийбат килишини тақиқлади. Бизнинг аждодларимиз ҳакиқий ислом қоидаларини саралаб, ислом маърифатига бекиёс ҳисса қўшган. Шундай улуғ зотлар вояга етган бу юртнинг айрим ёшлиари Интернет тармоқлари оркали соҳта диндорларнинг алдовига эргашаётгани умуман тушунарсиз ҳолдир.

Тўртингидан, экстремистлар тарихий қадриятларга, ҳалқ меросига токат қила олмайди. Улар учун тарих – халифалик.

Аслида ҳар бир ҳалқнинг узоқ ва бой тарихи бор. Узига хос урф-одатлари, қадриятлари мавжуд. Тарихни ҳалқ яратади, унинг Каърида минг йиллар давомида ҳалқнинг кечмиши, маънавияти, маданий қадриятлари, урф-одатлари мужассам. Экстремистлар учун бундай мерос сарик чақага ҳам арзимайди. Аслида ҳалқ хотира билан, тарих билан тирик эмасми? Ҳалқнинг тарихидан жудо ўзлиш ўзлигидан жудо қилиш билан тенг. Чингиз Айтматовнинг манкурт образини кўпчилик яхши эслайди. Бундай кимсалар хотирадан ажralган, ҳаттоқи ўз онасиға қарши қўл кўтарадиган кимсалардир. Бугун ўз Ватанига қарши қурол кўтараётган кимсаларнинг манкуртдан нима фарқи бор?

Афғонистонда, Ироқда, Сурияда ЮНЕСКО рўйхатига кири-  
тилган меъморий-тариҳий обидалар мавжуд эди. Минг афсуслари  
бу халқларнинг маънавий мулки бўлган тариҳий обидалар бир-  
гуруҳ жангарилар томонидан йўқ қилинди.

Бешинчидан, мазкур «диндорлар»га янги масжидлар барпен  
этадиган, ислом дини ривожланишига барча шарт-шароитни яра-  
тиб берадиган ҳуқуматни ўзларига муҳолифат деб ҳисоблайди  
ва ҳокимиятга эгалик қилиш мақсадида одамларни тўғри йўлдан  
уришга уринади.

Экстремистларнинг бутун дунёда бажараётган хатти-хара-  
катларини таҳлил қилсангиз, уларнинг асл нияти конституция-  
вий тузумни эгаллаш бўлиб чиқади. Ёт оқимга қўшилганлар бун-  
дай қабиҳ ният ортида турган ҳомийларнинг асл мақсадларини  
билимикан? Яна шуни ҳам англаб олишлари керакки, амалдаги  
ҳокимиятга таъсир этиш орқали мамлакатда ҳарбий полигон яра-  
тиш, халқнинг мулки бўлган ресурсларни талаш ва наркотрафия-  
ни авж олдириш, курол-ярог савдосига шароит яратиб бериш каби  
манфур ҳаракатлар афғон, суря ва ироқ халқига беҳисоб азият ва  
зарап келтирмоқда. Бу Афғонистон, Сурия ва Ироқ мамлакатларини  
узоқ ўн йилликлар давомида қайта тикланишини қийинлаштириб  
юборди. Демак, бундай зўравонликлардан «ҳомийлар»дан бошқа  
хеч ким наф кўрмайди.

Тарихни улуғ мураббийга ўхшатишади. Инсоният ўтган аср-  
да ва янги асрнинг бошларида минглаб террорчилик актларининг  
гувоҳига айланди. Тарих шуни ўргатмоқдаки – экстремизм тараққиёт  
душмани. Ёт оқимлар инсонийликка ёт бўлган ҳаракатлар асосига  
курилган. Агар шундай бўлмагандан, тинч аҳоли орасида террорчи-  
лик хуружларини амалга ошириш, ўз Ватанига қарши курол кута-  
риш, ўзининг энг яқин одамларини экстремистта айлантириш син-  
гари жирканч ҳаракатлар содир этилмасди, албатта.

## **INTERNETDAGI MAFKURAVIY TAHDIDLAR XAVFI**

**X. Shahobiddinova,  
Toshkent islom universiteti talabasi**

*Bu dunyoda, tabiatda ham, jamiyatda ham bo'shliq  
bo'lmaydi. Qayerdadir bo'shliq paydo bo'ldimi, hech  
shubhasiz, uni albatta kimdir to'ldirishga harakat qiladi.*

**ISLOM KARIMOV**

Bugungi kunda mamlakatimizda ma'naviyat sohasida asosiy e'tibor unib-o'sib kelayotgan yosh avlodning qalbi va ong-u shuurini buzg'unchi, yot, vayronkor g'oya va mafkuralar ta'siridan saqlash va himoya qilishga qaratilmoida. Chunki «...shaxsn ni manqurtga aylantirish uchun Chingiz Aytmatov yozganidek, tuya terisini odamning taqir boshiga kiydirish shart emas. Endi sodir bo'ladigan urushlar jang maydonida emas, balki mafkura poligonida yuz beradi. Shu jihatdan qaraganda, yoshlarning ko'p vaqtini internetda behuda sarflashi katta sojiadir»<sup>1</sup>. Sababi, endigina mustaqil hayotga qadam qo'yayotgan, hayot tajribasi yetarli bo'Imagan, shamol qay tomonga essa shu tomonga og'ishga moyil bo'lган bu yosh nav-nihollar turli guruh va oqimlar ta'siriga tushib qolmasligiga qarshi hali internetda ham, ijtimoiy tarmoqlarda ham himoya tizimi to'la shakllanmagan. Ayni davrda yoshlarni soxta g'oya va mafkuralardan xoli, mustaqil, sog'lom fikrga ega, oqni qoradan ajrata oladigan, yuksak ma'naviyatli qilib kamol toptirish davr talabi. Zero, ma'naviyatni buzishga qaratilgan har qanday tahdid o'z-o'zidan mamlakat xavfsizligini, uning milliy manfaatlarini, qolaversa, porloq kelajagini ta'minlash yo'lida jiddiy to'siqlardan biriga aylanadi.

Diniy ekstremistik oqimlar va guruhi lar esa o'z faoliyatlarini kengaytirishda turli dasturlar yaratib, Internet tarmog'idan muntazam soy-dalanib kelmoqdalar. Chunki muloqotning bu usulida hech qanday chegara va to'siq yo'qligi, undan uzatilayotgan ma'lumot va axborotlar inson dunyoqarashiga kuchli ta'sir qilishi, faoliyatning maxfiyligi, cheksiz auditoriya va aloqaning tezkorligi bilan tajovuzkor guruhi lar soydasiga ishlamoqda. 2015-yil ma'lumotlariga qaraganda, g'araz maqsadda bo'lgan

<sup>1</sup> Internetdagi tahidlardan himoya. –T.: «Movarounnahr», 2016, 5-bet.

buzg'unchi, ekstremist-terroristik maskura va g'oyalarni targ'ib qiluvchi web-saytlar soni 10 mingga yetgan. Birgina, «Al-Qoida» diniy ekstremist oqimi o'z targ'ibotining 99 foizini Internet orqali amalga oshiradi. Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlar foydalanuvchilarining soniga nazar tashlashi

– «WhatsApp» ijtimoiy tarmog'ining kunlik foydalanuvchilar sonini eng yuqori natija 200 milliondan ko'p;

– «Telegramm» messenjeri 2015-yil ma'lumotlariga qaraganda foydalanuvchilar sonini 50 millionga yetkazgan;

– «Instagram» dan foydalanuvchilar 2011-yilda 5 millionga yetkazgan, bo'lsa, 2014-yilda esa 200 million iste'molchi ro'yxatga olingan. Ularning 90 foizi 35 yoshdan kichik yoshdagilar va 68 foizi xotin-qizlardir;

– «Viber» messenjeridan esa 2014-yil 280 million foydalanuvchilar ro'yxatga olingan;

– «Skype» dasturi 28 xil tilda uzatilib, foydalanuvchilarining sonini 2015-yilda 300 millionga yetkazgan va tarmoqning 25 foiz aloqal videoqo'ng'iroqlar;

– «Odnoklassniki» saytingining a'zolari birgina mamlakatimizda 3 millionga yetgan. Bu tarmoqlarning kattagina qismini yoshlar barchasidan ko'z yumib bo'lmaydi, albatta. Bularning barchasini inobat qilish olsak, muammoning naqadar jiddiy tus olganini ko'rish qiyin emas. Chunki mamlakatimiz aholisining 60 foizdan ortiq qismini yoshlar tashkil etishini inobatga olib, masalaga jiddiy yondashish lozim.

O'rgimchak to'rida uya qurban bir guruhi qo'poruvchilar o'z g'aradagi maqsadlarini amalga oshirish uchun o'zlarini «hidoyatchilar» deb ko'rsatib, diniy aqida va ilmlarni chuqur egallamasdan turib, din-u davra nat haqidagi sayoz fikrlari-yu xitoblari bilan butun bir dinga, sofe'tiqod qarshi chiqmoqdalar. Bu kabi johilona faoliyatdan ogohlantirilishi Qur'oni karimda Olloha taolo: «(Ey inson!) O'zing (aniq) bilmagan narsaga ergashma! Chunki qulqoq, ko'z, dilning har biri to'g'risida (har bir inson) mas'ul bo'lur (javob berur)», – deya xitob qilgan (Isro. 3 oyat).

Yoshlarimizni mana shunday buzg'unchi guruhlari domiga tushish masliklari uchun har bir maskanda, ilm dargohlarida ma'naviy-ma'rifiy targ'ibot va tashviqot tadbirlarini, tarbiyaviy ishlarni izchillik bilan hech qanday sustkashliklarsiz, muntazam olib borish muhimdir. Internet tarmog'idan foydalanishda, avvalo, axborot iste'moli madaniyati o'rgatish, ma'lumotni to'g'ri tahlil qilish ko'nikmasini shakllantirish

Internet tarmoqlardan qanday va nima maqsadda foydalanayotganini nazorat qilib, ularni qiziqtirgan savollarga esa «uz» domeni asosida faoliyat yurituvchi rasmiy saytlardan javob olishlari mumkinligi haqida tushuncha va ko'rsatmalar berib borish lozim.

Bu borada, oila – mahalla – maktab hamkorligini ta'minlagan holda, yosh avlod masalasida hushyor va e'tiborli bo'lishga chaqirish, maktab, kollej va oliy o'quv yurtlarida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni, yoshlar o'rtasida tushuntirish ishlarni olib borib, bolalar va yoshlarning bo'sh vaqtini unumli va foydali o'tkazish uchun turli to'garaklar va sport mashg'ulotlariga jaib etish maqsadga muvofiqdir.

Ommaviy axborot vositalari bu borada aholini ogohlikka da'vat etuvchi turli ijtimoiy reklama va videoroliklarni yaratib, ularni muntazam namoyish etib borishlari, turli davra suhbatlarini o'tkazib, din va hoshqa sohalarda yuzaga kelgan savollarga o'z mutaxassislaridan javob olishlarni tashkil qilishlari zarur bo'ladi.

Xulosa o'mida shuni aytish mumkinki, bugungi davrda yoshlarni jahon hamjamiyatida sodir bo'layotgan voqe'a-hodisalardan ogoh, xabardor etib borish, ularni Vatanga muhabbat, jamiyatimizga daxldorlik, tarixiy o'tmishimiz hamda merosimizga hurmat ruhida, sofe'tiqodli qilib tarbiyalash har birimizning insoniy burch va mas'uliyatimizdir.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МА'НВАЙИ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАР

Я. Турдимуратов,  
Олмазор Енгил саноат касб-хунар коллежи  
олий тоифали тарих фани ўқитувчisi

Ҳар бир мамлакат ўз мустақиллигига эришгач, ўзининг миллий тарixий негизларини, аждодларининг авлодларга қолдирган бойчамъоний-ахлоқий меросини тиклашга, уларни янада ривожлантиришга харакат килади. Шу асосда ўзининг стратегик тарақкиёт шулини белгилаб, уни амалга ошириш учун бу негизлардан кенг фойдаланишга интилиб, асрлар давомида ота-боболари орзу килган оҳидлик ва эркинлик асосида ўзлигини англашга, жаҳонда ўзининг мустаҳкам ўрнини топишга бел boglайди. Мустакиллик туфайли жамъиятимизда sodir bўlaётgan sifat ўзгаришлари ёшлар онги,

дунёқарашига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан, мамлакат тараккётида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларда юриш-туриш одоби, мулоқот кийиниш маданиятида меъёри саклай билиш кўникмасини ҳосиллашиб учун миллийлик билан замонавийлик уйғунылигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига багишлиган таңтанилийни йигилишида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «ҳозирга даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда факат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига ўз бўлган халклар ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагига ўз кўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади».

Дарҳакиқат, бизнинг ота-боболаримиз ҳеч қачон Хитой, Хинчестон, Гречия, Рим, Европа каби маданиятлар орқасидан кўркуна эргашмаган. Бизнинг ўз маданиятимиз, ўз танлаган йўлимизда уни амалга оширадиган иктидорли ёшларимиз бор.

Бугунги дунё бошидан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Лекин, дунёдаги айрим кучлар мураккаб дунёни янада мураккаблаштиришга бермоқдалар. Хусусан, доимо зўравонлик ва гегемонлик ҳисобида бойлик ортириб келган кучлар «оммавий маданият» шиори остида турли салбий гояларни кенг тарғиб қилмоқдалар.

Бу жараён бугун рок ва поп мусика, видео ва турли жанрдаги фильмлар, сериаллар, ранг-баранг кўнгилочар шоу-томошалар ўйинларни камраб олмоқда. Оммавий маданият никобида аксий маданият пайдо бўлиб, тобора кенг ёйилиб бормоқда. Социологлар таъкидлаганидек, «оммавий маданият» этагини тутганлар йўрик-йуналишсиз оқим бўйича сузаётган одамлардир. Шунинг учун улар қобилиятлари, имкониятлари катта булишига қарамай ҳеч нарса яратмайди. Оммавий одам ахлоқдан маҳрум, чунки уни онг-тафаккури бу ҳаётда факат ўйнаб-кулиб қолишга интилади.

Ўз-ўзидан равшанки, «оммавий маданият» асосан ҳаётий тажрібаси камрок ёшларни оҳанрабодек ўзига тортади. Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида ҳаёткравишида таъкидлаганидек: «Табиийки, «оммавий маданият» дега

никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди».

Оммавий маданиятни никоб қилиб, бузуклик ва зўравонлик сингари инсон шахсини руҳан емирадиган гояларни тарғиб этадиган асарларнинг ҳақиқий маданиятга ҳеч қандай алокаси йўқ. Ушбу маданиятнинг асосида аввало тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини замонавий фан ҳам эътироф этмоқда.

Шундай экан, оммавий маданиятга эмас, балки оммавий маданиятни никоб қилиб олган аксил маданиятга, унинг дидсизлигига ва ахлоқсизлигига, инсонни ҳакоратловчи, тубанлаштирувчи маҳсулотларга карши курашиш давр талашибидир.

Мустакил ривожланиш йўлини танлаб янги жамият қураёттан ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни саклаш ва янада ривожлантириш – энг долзарб ва устувор вазифадир. Глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўtkазаётган салбий таъсири информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида Интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши, бу воситалар орқали таклиф этилаётган «қадриятлар» кўп ҳолларда ёшларимизни ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоклаштириб кўймокда. бошқача қилиб айтганда, ўзига хос «илдизи йўқ индивид»ларнинг шаклланишига олиб келмокда. «Оммавий маданият»нинг турли хил кўринишлари ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши булар асосан кийиниша, кизикишларда, бўш вақтни ўтказиша, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмокда. Булар эса беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармокда.

Бугунги кунда ёшлар орасида таклидчилик ҳолатларининг кучаяётгани ва янада авж олаётгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозалари кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини маълум маънода заҳарлаёттанини сезиш кийин эмас. Ёшлар ўртасида китоб ўкишдан кўра компьютер ўйин-

ларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хизматларни жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқла.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда қабул қилинган катор меътирий-хукуқий хужожатларда ёшларни маънавиятимиз, соглом турмуш тарзимизга ёт ғоялар, айниқса, «коммавий маданият» таъсирини тушиб қолишдан асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази томонидан ўзбек ва рус тилларида «Онлайн мухитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма» ишларни чиқилди.

Мазкур қўлланма Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 7 апрелдаги кўшиш қарори асосида тасдиқланди. Қўлланманинг тасдиқланиши, шунингдек, Республика Маънавият тарғибот маркази ва Республика «Камолот» ЕИХ Марказий қенгаши билан келишилди.

«Онлайн мухитда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма» вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган бўлиб, унда болаларни Интернет тармогидаги хавф-хатарлардан асраш ва уларнинг ахборот хавфсизлиги меъёрларига риоя қилишлари бўйича тавсиялар мавжуд. Жумладан, қўлланмада вояга етмаганлар 3 тоифага (7 ёшдан 10 ёшгача, 10 ёшдан 13 ёшгача, 13 ёшдан 16 ёшгача) бўлинган ҳолда, уларга ва уларнинг ота-оналарига бир-биридан алоҳида тарзда таклифлар ва тавсиялар берилган.

Умуман олганда, глобаллашувнинг салбий оқибатларини, «коммавий маданият» никобидаги аксилмаданият ва турли гараззли, ноҳолис ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгини, хукукий, ахлокий, эстетик маданиятини юксалтириш талаб этилади. Навқирон авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга, маданият дурдоналарига болаликдан бошлаб ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда «коммавий маданият»га хос айрим курнишларга танқидий муносабатни, аксилмаданиятга, турли бузгунчи ғоялар ва ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

### З-ш уъб а.

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ ВА АКИДАПАРАСТЛИК КАБИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРИШ, УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ.

### БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТУРЛИ ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ВАЗИФАЛАРИ

У. Қосимов,

Буҳоро вилояти ҳалқ таълими ходимларини қўйта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси мудири, п.с.ф.и.

Бугун биз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинчосойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига гаяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни кўлга киритаётган жаннатмакон мамлакатда яшамоқдамиз.

Хозирги глобаллашув шароитида оммавий маданиятниң ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келиши боис, ёшлар онгига ёт ғоялар сингдирилишининг олдини олиш, бу ҳолатларга карши самарали психологик муҳофаза механизмларини шакллантириб бориш педагогика ва психология фанининг долзарб вазифасига айланиб бормоқда.

Таълим-тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан тортуб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воеа-ходисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганини белгилайди. Бугунги глобаллашув шароитида, оммавий маданият кенг кулоч ёйган вазиятда таълим муассасалари олдида турган энг долзарб муаммолардан бири салбий таъсириларнинг олдини олишга қаратилиши лозимдир. Айтиш жоизки, ўкувчиларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг самара-

ли психологик усулларини ишлаб чиқиш, уни ўз вақтида самараلىң күллаб бориш орқали ўқувчиларнинг онгига гоявий бүшлик пайдо булиши олдини олиш мумкин. Ушбу жараёнда умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасаларида психологик хизматнинг ролини кучайтириш уларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш талаб қилинади. Яъни, бу борада таълим муассасаларида психопрофилактик, психокоррекцион, психодиагностик психологик хизматларни ўз вақтида узлуксиз йўлга қўйиш орқали, уларнинг психологик ҳолатларини, қизиқишларини, характер хусусиятларини, мойилликларини, дунёкарашларини ўз вақтида аниқлаб бориш ва таҳлил қилиш орқали илмий, диний, ахлоқий томондан асослаб, жамият тараққиётини белгиловчи бунёдкор гояга йўналтиришга эришмогимиз зарур. Бу борада оила, маҳалла, таълим муассасалари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ташкilotлар, диний идоралар, радио, телевидение билан ҳамкорликда ўқувчи ёшлар онгига ёт гоялар таъсирининг оқибатлари, унинг домига тушиб колғанларнинг аянчли ҳаётини акс эттирувчи кинофильмлар, видеороликлар, радиороликлар намойишлари, маънавий-маърифий тадбирлар, семинарлар, тренинглар ташкил қилиш орқали педагогик-психологик профилактик ишларни олиб бориш зарур. Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай дейилади: «Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади». Шуннинг учун ўрта маҳсус таълим муассасаларида олиб борилаётган барча ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиши жараённада диний экстремизм ва терроризм ҳамда оммавий маданиятнинг ўқувчи ёшлар дунёкарашига салбий таъсирини олдини олишнинг педагогик шарт-шароитларини очиб бериш, жаҳон ва Шарқ педагогик тафаккурида соглом авлод камолоти ҳакидаги гояларнинг шаклланиши, диний экстремизм ва терроризм салбий таъсирининг олдини олишнинг мафкуравий профилактикасини миллий гоя ва қадриятларимиз нуқтаси назаридан ёритиш, оммавий маданиятнинг салбий таъсирига қарши ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш айрим ёшларнинг диний экстремизм ва терроризмнинг заарли таъсирига тушиб қолиш сабабларини таҳлил этиш каби мухим вазифаларни бажаришмиз лозим. Шундагина ўқувчи ёшларнинг тарбиясида ижобий ўзгаришлар бўлиб, уларнинг дунёкараши кенг ва маънавий юксак

булиштига эришилди. Шуни таъкидлаш керакки, бунинг учун бир катор таълим муассасаларида илғор тажрибани ўрганиш, тажрибасинов ишларини ташкил этиш, уларнинг натижаларини ўрганиб, самарали усулларни жорий этиш яхши натижаларга олиб келади.

Юкоридагиларга асосланиб, қўйидаги педагогик ва психолого-  
кайфаларни амалга ошириш жоиздир:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг «Дунё динлари тарихи»  
фани ўкув модулига «Ёшларга диний экстремистик, ақидаларастлик  
ва миссионерлик оқимлари ва заарли гояларга қарши мағкуравий  
иммунитетни шакллантиришнинг педагогик-психологик йўллари»  
мавзусини киритиш ва 2 соат ажратиш.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари, лицей ва коллеж психолог-  
парининг бу борадаги психопрофилактика, психокоррекцион ва пси-  
ходиагностик ва психологик маслаҳат ишларини кучайтириш.

3. Бу борада оила маҳалла, мактаб, лицей, коллеж, олий таълим  
муассасалари, ҳукукни мухофаза қилувчи ташкилотлар, диний  
идоралар, радио, телевидение билан ҳамкорликда терроризмнинг  
мудхиш оқибатлари, унинг домига тушиб колганларнинг фожи-  
али ҳаёти, ҳар хил оқимлар, жумладан, динни ниқоб қилиб олиб,  
узининг ғаразли ниятларини амалга ошираётган «ваҳобийлар»,  
«хизбут-тахрир»чилар, «акромийлар», «нурчилар» каби ватанфу-  
рушларнинг асл мақсадларини акс эттирувчи кинофильмлар, видеоро-  
ликлар, радиороликлар намойишлари, маънавий-маърифий тад-  
бирлар, семинарлар, тренингларни узлуксиз ташкил қилиш.

4. Бу борада таълим муассасаларида, оммавий ахборот восита-  
ларида яхлит, илмий асосланган профилактика тизимини яратиш.

## МАЪНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ГАРОВИДИР

Б. Абду самадов,  
*Тошкент ирригация ва мелиорация  
институти 1-босқич талабаси*

Бугунги мураккаб глобаллашув даври маънавият соҳасида ву-  
худга келаётган долзарб муаммолар, хусусан, дунёнинг айрим  
минтақаларида тобора кучайтиб, илдиз отиб бораётган маънавий  
инқироз хавфи халқимиз маънавиятини асраш баробарида уни юк-  
салтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли

ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишни талаб қилмокла Албатга, бундай маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружлар мидлий ва диний томирларимизга болта уриши, улардан айниқса, фарзандларимиз кўпроқ азият чекиши мумкинлиги ёшларда мафкуравий иммунитет ва гоявий курашчанлик руҳини янада кучайтириш лозимлигини тақозо этмоқда. Ёш авлод ўртасида маънавий тарбиянинг долзарблиги хусусида фикр билдириб. Президент Ислом Каримов: «... маънавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирилити мизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йулидан четга чиқиб қолишимиз мумкин», деб таъкидлайди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маънавий тарбиянинг ўрни масаласига алоҳида тұхталиши, бу масаланиң бугунги күн учун ҳам ҳаёт-мамот даражасида ўта муҳимлигидан далолат беради. Маънавий олам, маънавий борлик жамият ва инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланиб, у жамият тараққиётининг барча жабҳаларида содир бўлаётган жараёнлар билан узвий алоқадорликдадир. Жамият ҳаётининг ундан холи бўлган бирон-бир соҳаси йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Жамиятнинг маънавий ҳаёт қамрови ниҳоятда кенг, мазмунан чукур, шаклан хилмажилдир. Маънавий ҳаёт инсон ақл-идроқи ва тафаккурининг барча маҳсулларини жамият томонидан тупланган маданий бойликларида ифодаланган ютукларини, ижтимоий онг шаклларини, кишиларниң гоялари, қараашлари, тасаввурлари, дунёқараши, одоб-ахлоқи, бутун маънавий оламни камраб олади. Инсонлар томонидан узоқ тарихий тараққиёт жараённида яратилган ва ривожлантирилган маънавий бойликлар, ижтимоий онгнинг илмий, бадиий, хукукий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шакллари, дунёқарашнинг бутун соҳасини ҳам, бадиий асарлар, эстетик қараашларни ҳам жамият маънавий ҳаётига киритиш мумкин. Жамият маънавий ҳаётни бошқача айтганда, умуман маънавий ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Маънавий ишлаб чиқариш жараённида инсон тафаккури ме-

валари – гоялар, карашлар, назариялар, таълимотлар, концепциялар, гаълим-тарбия тизимлари, диний ва бадиий образлар, ижтимоий меъср ва қонун-коидалар, ясок ва тузуклар, панду насиҳатлар, йул-йўриклар, режалар, дастурлар яратилади. Маънавий ишлаб чиқариш махсуллари кўлёзмалар, китоблар, тошлардаги битиклар, ёзувлар, рисмлар, чизмалар сингари бошқа шаклларда ҳам намоён бўлади.

Маънавий тарбиянинг илдизлари асрлар каърига бориб та-  
калади. Дунёдаги қадимий цивилизациялардан бири бизнинг  
минтакамиизда, Турон заминда пайдо бўлган, десак, ҳеч муболага  
бўлмайди. Халқимиз маънавияти, маънавий ҳаёти шаклланиши ва  
ривожланиши тарихига назар солсак, унинг заминлари ниҳоятда  
мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қиласиз.

«Хозирги Узбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Вата-  
нимиз, – дейди Ислом Каримов, – нафакат Шарқ, балки умумжаҳон  
цивилизациясидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу  
қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузало-  
лар, олиму уламолар, сиёsatчилар, саркардалар етишиб чиқкан. Ди-  
ний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган,  
сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув  
иншиоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган  
осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимиизда дехқончилик,  
хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шахарсозлик санъ-  
ати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовлари-  
дан омон қолган, энг қадимги тош-ёзувлар, битиклардан тортиб  
буғун қутубхоналаримиз жавонида сакланаётган 20 мингдан ортиқ  
кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat,  
ахлок, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия,  
меъморчилик, дехқончиликка оид ўн минглаб асрлар бизнинг  
бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта ме-  
росга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу  
борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша  
олиши мумкин, деб дадил айта оламан».

Узбекистонда илм-фан, маданият ва маънавиятга, инсон ақл-  
заковатининг ноёб ва гўзал бойликларига бундан бир неча асрлар  
илгари асос солинган. Мамлакатимиз фани, санъати, маданияти  
жуда қадим замонлардан юксала бошланганини, унинг илдизла-  
ри, заминлари чукур, кудратли ва қадимийлигини яхши биламиз.

Маънавий бойликлар, илм-фан, ақл-заковат асрлар давомида ўзбек милилатига, бутун инсониятга табиат сир-асрорларини ўрганишда тиббиёт, фалсафа, хукукшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик, хизмат килиб келмоқда. Илмлар хазинасини очган буюк ажодъ римизнинг номларини бутун дунё билади. Бу бизлар учун ческин фаҳр-ифтихордир. «Токи бизнинг қонимиизда, бизнинг сугумизда бизнинг наслимиизда қандай улуғ маданият бўлганини, биз нечоғлий буюк маданият ворислари эканимизни дўстларимиз ҳам билишсин. Бу мақсадни амалга оширишни шахсан ўзим ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблайман», – деб бежиз таъкидламаган Президентимиз.

Ёшларга бўлган эътиборнинг кучайиб бориши, колаверса, маълакатимиизнинг мустакиллик бошлаб берган ўзига хос ва ўзига мос тараккиёт йўлидан буюк келажак сари тезкорлик билан илгарилаб бориши учун халқ маданияти, маънавияти, маърифатини доимий равишда юксалтириб бормоқ, маънавий ривожланишга алоҳида эътибор бермоқ мақсадга мувофиқдир, чунки таракқиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук ёш авлод ҳал қиласди.

Маънавият инсоннинг ҳаёт тажрибаси, меҳнати, билими, ахлоқ ва одоби, авлодлар ўгити асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг ҳаёти ҳамда фаолиятига мақсад ва йўналиш беради. Маънавият инсоннинг ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва нацифаларини чуқурроқ билиш ва тушуниб етишига ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун ҳам, халқ, элат ва міллат учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам ўта зарур ва муҳимдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий етук, ахлоқан пок ва мукаммал инсонларсиз жамият ва міллат ҳам бўлмайди.

Тарих сабоқларидан шу нарса аниқ ва равшанки, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларига ишониб, асосий эътиборни фақат уни кўпайтиришга қаратиб, халқнинг маданиятини инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишини ўйламас экан. У албатта, инқирозга юз тутади. Ўзбекистон мустакил Республика деб эълон қилинган биринчи кунларданоқ инсоннинг одоб-ахлоқи, билими, дунёкараши, маънавияти ривожига катта аҳамият берилганилиги унинг келажаги буюк эканига яққол далилларидир. Маънавият камолот, билим, одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод, фалсафий дунёкараши инсон учун ҳам, жамият учун ҳам бебаҳо бойлиkdir.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ янги тарихий шароитда ўзгариб бораётган жамият учун муносиб бўлган, хар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш кун тартибидаги долзарб муаммолардан бири сифатида белгиланди. Бу мухим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими зиммасига улкан маstryулият юкланиб, бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларни юмил инсон қилиб тарбиялаш машаққатли, аммо натижаси барчамизга ҳузур бахш этувчи заҳматли вазифадир. Зоро, Президентимиз айтиб ўтганидек: «Бугун олдимизга турган ўта мухим, улкан вазифалардан яна бири — бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёкарапи, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир».

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ ВА АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Р. Боймирзяева, М. Тұхтасинов,

*Наманған вилюят ҳалқ таълими ходииларини қайта тайёрлаш ва уларнинг матакасини ошириш институти ижтимоий-иктисодий ғанлар кафедрасы үқитувчилари*

Таҳдид хакида гапирад эканмиз, энг аввало, дикқат ва эътиборимизни XX аср охирига келиб кучайган умумсайёравий муаммоларга қаратмогимиз лозим. Ҳозирги кунда ана шундай муаммолар қаторида террорчилик, гиёхвандлик, диний экстремизм ва қадапарастлик каби иллатларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Расмий маътумотларга кўра, бугун дунёда 500 дан ортиқ террорчилик ташкилотлари мавжуд. Улар 60 та давлат ҳудудида ўз тармоқларини ёйишга муваффақ бўлдилар. Айни даврда 84 та давлат фуқароларига қарши террорчилик харакатларини амалга ошироқдалар<sup>1</sup>.

Мутахассислар фикрича, жаҳоннинг турли мамлакатларида солир этилган қупорувчилик харакатларининг 47 фоизи — портлаш

<sup>1</sup> Р. Жумаев, Давлат ва жамият: демократлаштириш йулида. —Т.: «Шарқ», 1998.

(улардан 13,7 фоизи бомбалар ёрдамида), 7,4 фоизи – котиллийк 7,5 фоизи – фукароларни ўгирлаш, 5,5 фоизи – қуролли тажовузлар орқали амалга оширилган экан<sup>1</sup>.

Дарҳакиқат, терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланаб, ҳалқаро микёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузликка қарши самарали кураш олиб бориш учун янги, ноанъанавий шаки ва усулларни ишлаб чиқиш зарур. Хусусан, Президент Ислом Каримов ушбу жиддий хавфга етарлича баҳо берилмаёттанини, унга юзаки ёндашиши жиддий сиёсий хато эканини кайд этган ҳолда «ҳар кандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соглом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда...»<sup>2</sup>, – деб ҳақли таъкидлаган эди.

Терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа максадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соглиғига хавф тугдирувчи, молмулк ва бошка моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи хамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур килишга, ҳалқаро муносабагларни мураккаблаштиришга, давлатнинг сувренитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб игвогарликлар килишга, ахолини кўркитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган. Узбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (155-модда)да жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўркитиш ёки бошка жиноий қилмишлардир.

Диннинг сиёсийлашуви инсоният ҳаёти учун ҳар доим хавф солиб келган ва яқин келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин. Замонавий муаммо ва ечимини кутаёттган масалалар нуқтани назаридан келиб чикадиган бўлсак, ҳозирги пайтда бу ҳаракатлар

<sup>1</sup> Стабильность в Центральной Азии в постконфликтный период. – Т.: Редакционно-издательский комплекс ИСМИ при Президенте РУз., 2002: Предупреждение терроризма//Общественные науки и современность. – М.: «Наука». 2004, 1-сон, 89–95-бетлар

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ватанимиз тинчлиги ва хаяфсизлиги ўз куч-кудратимизниа, халқимизнинг ҳамжихатлигиги ва букилмас иродасига боғлиқ // Тинчлик ва хаяфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. 12-жил. – Т.:«Ўзбекистон», 2004. 266–267-бетлар.

бутун инсониятнинг фаровон ҳаёти учун ҳеч қачон бугунгидек сеналарли даражада ҳавф түгдирмаган. Бу оқим ва ҳаракатларниң шоссий моҳияти ҳамда мазмуни тарафдорларининг мутаносиблигидә, гайриминсоний гояларни құллаб-күвватлашида, бошқа диний әзтиқодларга муросасиз муносабатда бўлишида ифодаланади. Ўз ҳаклигини исботлаш йўлида бундай кимсалар зўравонликка, котилликка мурожаат қилишади, яъни мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан воз кечмайдилар. Террорчилик, экстремизм, ақидапарастлик бугунги кунда умумжаҳон муаммо даражасига кўтарилиган<sup>1</sup>.

Диний ақидапарастлик терроризм билан қўшила бориб, натижада ўзини ва юзлаб бегуноҳ одамларни ўлдириш ҳодисалари содир бўла бошлади.

Ақидапарастларнинг ёшларни ўз гоялари руҳида тарбиялашда ишлататиётган – «дини ислом йўлида ота-онадан ҳам воз кечиб юбориш мумкин», деган гояси Пайғамбаримиз томонидан айтилган «Ота-оналарининг ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннати булиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин», деган ҳадисга мутлақо зиддир.

Диний экстремист ва террористларнинг гумашталари Оллоҳнинг шигланларига қарши ишларни қиладилар. Далилмизни бобокалонимиз Имом Бухорийнинг 600 минг ҳадисдан саралаб олган саҳих, яъни факат тўғри, ишонарли ҳадисларнинг биридан оламиз: «Бир киши ўзини ўзи жароҳатлаб ўлдириди. Шунда Оллоҳ таоло: «Бандам ўзини ўзи ўлдириб шошди, энди мен унга жаннатимни абадий ҳаром килдим!» деди. Яна: «Кимки ўзини темир билан ўлдирғайдир, ўшал темир бирлан унга жаҳаннамда азоб берилғайдир»<sup>2</sup>.

Бу ўринда гап оиласда болаларни ёт гоялардан ҳимоя қилиш учун тартилган шароит, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соглом этиб тарбиялаш ҳақида бормоқда.

<sup>1</sup> III. Пахрутдинов, «Таҳдид» тушунчаси: нағария ва амалиёт. –Т.: Абу Али ибн Сию. 1998; А. Сильнов, В. Луисев, В. Петрищев, Концептуальные основы обеспечения информационной безопасности объектов науки и промышленности и современные формы участия государства в соответствующей деятельности // Социальные и психологические проблемы борьбы с международным терроризмом. –М.: «Наука», 2002.

<sup>2</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исаомил ал-Бухорий. Ҳадис I. (Ишонарли түпнам). –Т.: Комуслар бош таҳририяти, 1991, 371–372-бетлар.

Оилада соглом маънавий-ахлоқий мухит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор.

Ушбу йўналишнинг ҳал қилувчи вазифаларидан бири – бу хотин-қизларнинг мафкуравий таълим ва малака даражасини оширишдир. Маҳалла маслаҳатчиларидан диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш учун ўз маҳаллаларида аҳоли айниқса, хотин-қизлар ва уюшмаган ёшларнинг манфаат ҳамда эҳтиёжларини, нимага қизикишлари ва қандай фаолият билан машғулликларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Хусусан, қўйида-гиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- маҳаллалардаги ички имкониятлардан келиб чиқиб, хотин-қизларни, айниқса, уюшмаган ёшларни турли тўгаракларга, спорт мусобақалари жалб этиш;
- соглом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида танлов ва мусобақалар ўтказиб бориш;
- маданий-маърифий тадбирлар давомида уларни Ўзбекистонда кечётган демократик жараёнлар билан таништириб бориш;
- маҳаллаларда (туман/шахар, вилоят, республика) истиқомат қилаётган энг ибратли, обру-эътиборли кишилар – олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан ёшларнинг учрашувларини, давра сұхбатлари, мулокотларини ташкил этиш;
- маҳалла фуқароларининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини чуқур ўрганиш ва аниқланган муаммоларни тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш борасида жонбозлик курсатиш;
- маҳаллаларда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда, тўй-маросимларда, умуман маҳалла ҳаётида диний ва дунёвий қарашлар қарама-каршилиги юзага келишига мутлақо йўқ кўймаслик имкониятларини излаш;
- фермерлик, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини тъминлантига хисса қўшиш;

– ёшларимизнинг маданий-тарихий анъаналарга ҳурмат. Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялари мақсадида ота-оналар ва ёшлар билан алоҳида-алоҳида учрашув ва сұхбатлар ўтказиб бориш;

кизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш ишлари билан тъгулланиш:

– «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги концепциясидаги барча талаб ва тадбирларни ўз вақтида бажарилишини тъминлаш;

– маҳалла ёки туман имом-хатиби ва тумандаги отинлар билан учрашув ҳамда давра сұхбатлари, очиқ мулокотлар ўтказиб бориш.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳалладаги хотин-қизлар, айниқса, уюшмаган ва ишсиз ёшларнинг буш вақтларини самарали ўтказишларига кўмаклашиш зарур.

## ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК – ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Т. Тогайқулов,

Тошкент вилоят XTXKTMOI  
ижтимоий-иқтисодий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси

Бугунги кунда огоҳлик давр талабига айланмоқда. Чунки ён-атрофимиэда ва биздан анча олис мамлакатларда содир булаётган дин никоби остидаги хунрезликлар бизни янада ҳушёрроқ булишга, тинчлик ва барқарорликни кўз қорачигидек асрashiga унданмоқда. Зоро, огоҳлик ва ҳуашёрлик бор жойдангина турли бало-офатлар чекинади. Огоҳлик йўқолган жойда эса барча пушаймон ва кулфатларнинг сабабчиси бўлган лоқайдлик ҳукм суради. Лоқайдликка берилган миллат ва жамият ўзининг ҳимоя қобилиятини йўқотади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани – аввало, огоҳ булиш дегани. Бемаъни ишларни, кабиҳ ниятларни сездингми, ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатини, башарасини кўрдингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулав тифайли сенинг бошингга кулфат тушиши мумкин»<sup>1</sup>.

Ҳакиқатан ҳам, огоҳлик – хавфсизликнинг энг муҳим шарти бўлиб, огоҳликсиз хавфсизлик бўлмайди. Бугунги глобаллашув ҳараёнлари кучайган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган, диний экстремизм,

Ислом Каримов. Танланган асарлар, 8-жилд, 7-бет.

терроризм, ақидапарастлик, «коммавий маданият» каби бузғунчи таҳдидлар бутун инсониятга хавф солаётган ахборот-коммуникация технологиялари асрида Ватан факат қурол билан эмас, балки ҳар бир одамнинг ўз атрофидағи воеа-ходисаларга ўта ҳушёр синчков муносабати ҳамда ёш авлод қалбига миллий ва умуминең қадриятларни ҳәёттің үгитлар орқали чуқур сингдириши билан ҳам ҳимоя қилинади. Чунки бутун дунёга кенг тарқалиб бораётпаш масофа, чегара билмайдиган мағкуравий урушнинг энг хавфли томони шундаки, «...бунда нишонга олинган мамлакатнинг ёшлари босиб келаётган ёвнинг аскарларига айлантирилади»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда ўзга мамлакатларни забт этиш учун қуролли ҳужум қилиб, уларнинг аҳолисини жисмонан йўқ қилиш шарт эмас. Забт этиш мўлжалланган ҳудуд аҳолисининг қалби ва онги душманга фойда келтирадиган йўналишга ўзgartирилса бўлди, кейин таҳлили замонда юргиздаги тинчлик ва барқарорликни асрабайлаш, ёшларимизни турли бузгунчи мағкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилиш энг долзарб масалага айланган. Шу сабабли ҳам ўзини шу Ватан фарзанди деб хисоблайдиган ҳар бир инсон мавжуд хавфларнинг моҳиятини чуқур англаб, улардан огоҳ бўлиб, ўзида мағкуравий иммунитетни, «Фикрга қарши – фикр, гояга қарши – гоя, жаҳолатга қарши – маърифат» билан курашишни тарбиялаб бориши шарт. Чунки бузгунчи кучлар инсонларнинг диний хистуйгуларидан ўз гаразли мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида: «Ақидапарастлик қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар – бу диний ақидапарастлик буладими ёки коммунистик ақидапарастлик буладими – ўз мағкурасига, ҳәёт қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва «кимки биз билан эмас экан, демак, у бизга қарши» деган тамойил асосида иш кўради», деб таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам ақидапарастлар ўзлари ишонган коида ва тартибларни кўр-кўrona қўллашга уриниб, бошқаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўладилар. Фақат ўзини ҳақ деб билиш, ўзидасидан бошқа ҳақиқатни тан олмасликка асосланган манманлик са диний экстремизмни келтириб чиқаради.

Диний экстремизм – экстремизмнинг дин ниқоби остида нағоҳ бўлиш шакли бўлиб, у ўта хавфли чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёкловчи вайронкор гояни англатади. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади ҳокимиятни кўяла олиш бўлиб, бунга ўзаро низолар, кон тўкиш ва зўрлик билан ҳушишни кўзлайди. Бу йўлда улар энг жирканч усувларни, жумадан террорни қўллашдан ҳам тап тортмайди. Одамларни гаровга-

<sup>1</sup> Мұхаммад Куронов. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. –Т.: «Маънаний», 2015, 40-бет.

олиши, ўлдириш, портлатиш, күркитиш ва даҳшатга солиш оркаш  
ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хос бўлиб, мамлакатинчлиги ва тараққиётига катта хавф солади.

Бугунги кунда диний экстремистлар ва террорчилар Интернетдаги ўзларига тегишли сайтларида одамларни алдаб ўз томонига оғдириб олиш ва кенг ахоли катлами томонидан кўллаш, кувватланишга эришини мақсадила куйидаги тарғибот усулларидан бор кучи билан фойдаланмоқда:

- улар ўзларини ягона тўгри йўлда юрувчилар деб ҳисоблаб, ўзларига эргашмаганларни кофир санашибади;
- имон келтирмаган ёки бошқа динга эътиқод қиласиган ҳандай кишини душман деб айтишибади;
- Ер юзида адолат ўрнатишнинг ягона йўли – исломий даври куриш ва шу мақсадда «ҳижрат» ва «жиход» килиш ғояларини илтири суришибади;
- ўзларининг жиноятчи тўдабошиларидан бошқа олимларни коралаб, уларни хақоратлашибади ва ёмонотлик қилишибади;
- давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва мавжуд камчиликларни бўрттириб кўрсатиш оркали одамларни ваҳимага солишади;
- ҳалқ билан гўёки яқинлигини билдириш мақсадида уларни қийинчилиги ва ташвишига ўзларини «шерик» килиб кўрсатишади аслида эса уларнинг диний туйғуларидан усталик билан фойдаланишибади;
- ихтилоф чиқарадиган масалаларни ўз сахифалари оркали сримитиб, одамларда ўз қарашлари тўғрилигига ишонч хосил қилишибади уринишади.

Хозирда баъзи одамлар маълумотларни сараламасдан, дуч келган ахборотни тўгри, деб қабул қилишибади. Натижада, ўзлари атрофдагиларнинг онгини заҳарлашибади. Аслида эса, ҳар қандай хабар ҳам тўгри ва холис бўлавермайди. Шунинг учун инсон ўзини зарарсиз ахборотларни қабул қилиш, зарарли ва хавфли маълумотларни эса қабул қилмаслик кўникмаларини шакллантириши лозим. Шу мақсадда қўйидаги тавсияларни келтириб ўтамиш:

- ёшларда Интернетдаги хабар ва маълумотларни таҳлил олиши малакасини хосил қилиш зарур;

- ёшларга Интернетдаги қандай маълумотни олиш керагу, кайсиларини қабул килмаслик лозимлигини тушунтириш;
- ёшларнинг Интернет тармоғига қизиқишиларини мунтазам ўрганиш ва бу борада керакли маслаҳатлар бериб бориш;
- келажак авлодни миллий маънавиятга, одоб-ахлокка салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш;
- Интернет хуружларига қарши мунтазам таргибот ишларини олиб бориш;
- диний экстремистик сайтларга кирмаслик. (Бундай сайтларнинг шломатлари: «хижрат» ва «жиҳод»га даъват килиш, дунёвий давлат ва тузумларни коғирлиқда айблаш, Давлат мустақиллиги, Янги Йил, Наврӯз, 8 март каби байрамларни, тугилган кунни низомлашни ҳаром деб эълон килиш, Афғонистон, Ироқ ва Сурия каби мамлакатлардаги жангариларни мақташ);
- Интернет сайтларида диний мавзуда илмоқли, нозик саволлар бериб, сұхбатга чорлаёттан шахслар билан мулоқотдан тишилиш, дунёвий жамиятни танқид қилиб, диний турмуш тарзини даъват қилаётгандан шахслар билан умуман алоқа қилмаслик;
- электрон почта орқали номаълум шахслардан келган диний мазмундаги даъват ва танишув ҳақидағи таклифларга жавоб бермаслик, юборилған электрон материалларни юкраб олмаслик;
- мобиль телефонларига мутаассиблик руҳидаги құшиклар, маърузалар, суратлар, видеороликлар юкраб олмаслик ва тарқатмаслик;
- ноқонуний тарзда чоп этилған ёки тайёрланған диний мазмундаги адабиёт, диск ва мобил телефонлардаги материаллардан фойдаланмаслик ва олиб юрмаслик;
- диний мавзуда қизиқтираётган маълумотларни факат «iz» доғанида расмий фаолият олиб бораётган давлат ва диний ташкилоттар сыйтларидан олиш;
- ёшлар қалби ва онгода соглом турмуш тарзи, миллий ва умуминсоний қадрияларга хурмат түйгүсини шакллантириш;
- мағкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огох ва ҳушёр бўлиб яшаш;
- ёшлар онгода ваганпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, шиғори шаънини ардоклаш каби улуғвор фазилатларни камол топ-

тиришда «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

– ёшларда диний бағрикенглик, бошка дин вакиллариға ҳурмат, үзаро биродарлық, миллатлараро ҳамжиҳатлик, дұстлик түйғуларини шакллантириш;

– ёшларни етарли даражада ахборот билан таъминлаш.

Худлас, диний экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан ҳукуқ-тартибот органларига сүяниш, факт жазо чоралари, ни құллаш орқали унга бархам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисасынг оқибати билангина курашиш деганидир. Бундай йұлдан борилса, диний экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турған «илдиз»лар заараланмай қолаверади. Шунинг учун бундай манфур күчларнинг кирдикорларини фош этишга ҳар бир киши үз ҳиссасини құшиши лозим. Бугунги мураккаб ва таҳликали замон барчамиздан лоқайдык ва бепарволик кайфиятларидан бутунлай халос бўлишини, доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимизни, бетакрор Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачигидай асрашни кун тартибидаги энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МАЪНАВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Х. Эгамберганова,

Урганч шаҳар 1-сон умумий ўрта таълим  
мектебининг маънавий-маърифий  
ишлар бўйича директор ўринбосари

Маълумки, давлатимиз ўзи танлаган одилона сиёсат ҳамда ривожланишнинг «ўзбек модели»га асосан обод ва фаровон турмуш куриш, ёшларимиз учун буюк келажак яратиши йўлида илдам қадамлар билан тараққий килимокда. Шу йўлда белгиланган мухим вазифаларни амалга ошириш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаoliyatiлизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жами-

тии куриш борасида эришаётган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва әдамиятини жаҳон жамоатчилигига, юртимиз ахолисига, жумладан, ота-оналар ва ўкувчиларимизга етказиши, уларнинг қадр-кимматини чукур англашга даъват этишимиз зарур.

Бугунги глобаллашув жараёнида юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка рахна солаётган кўплаб омиллар: гиёҳвандлик, одам савдоси, диний экстремизм, терроризм, информацион хуружлар, «коммавий маданият» каби салбий иллатлардан ёшларимизни асраш боробарида улар тафаккурида ҳалқлараро бирдамлик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, миллий гоянинг ёшлар онгида ёт гояларга қарши иммунитет вазифасини бажаришдаги аҳамиятини англатиш ҳам мухим вазифалардан биридир. Юқорида қайд қилинган салбий иллатлардан бири – диний экстремизм ва терроризм хавфи, унинг дунё ҳамжамиятига таҳди迪 барчамизни огоҳликка, ҳушёрликка ундейдиган жиҳатлардандир.

XXI аср бошида дунё бўйича глобаллашув жараёни содир булаётган ҳозирги шароитда, бир томондан, инсониятнинг муштарак бўлган кўпчилик манфаатларини кўзлаб, янгича ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий муносабатлар карор топаётган бўлса, иккинчи томондан, эса инсоният тор доирадаги манфаатлар бўлган диний ва миллий руҳдаги экстремизм, наркобизнес ва ҳалқаро терроризм тушунчалари ва уларнинг мудхиш ҳодисаларига дуч келмоқда. Шу нуқтаи назардан экстремизмнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида фикр юритилса, айтиш мумкинки, жамиятда қабул қилинган ва фаолият кўрсатётган қонун-коидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган гоялар «экстремистик» ҳисобланади.

Диннинг қандайдир бир йўналишини бузган ҳолда талқин этиб, сиёсий мақсадни кўзловчи ҳаракат диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм қандай номланмасин ёки қандай куринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гурухларни шакллантириш орқали ҳокимиятни қўлга олишдан иборатдир. Бундай хавфли иллатдан Ўзбекистон мамлакати ҳам гўалигича холи бўлмаганиши мұхтарам Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Яна бизга шуниси ҳам яхши маълумки, қўлга киритаётган ютуқларимиз ганимларга, бизга ўзини хайриҳоҳ кўрсатувчи аслида эса эришган ютуқларимиздан гаши келаётган баъзи «дұст»ларимизга ёкмайди.

Ҳаётимиздаги янгиланишлар уларнинг асабларини бузали ҳаловатини ўғирлайди. Айримлар бу ҳолатни мевали дараҳтга отилади, деган накл билан изоҳлашар, лекин мамлакатимиз томон «отилаётган» гоҳ мағкуравий, гоҳ ахборот хуружи тарзидаги бу тошлар, афсуски оддий эмас. Бу «тош» гараз, ҳasad, адоват, ҳусумат, ёвузлик, ҳудбинлик сингари ирқий иллатлардан ташкил топғандир. Шунинг учун ҳам у ҳавфлидир, зулматга элтувчиdir.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган бўлиб улар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади «халифа»ни давлатини барпо қилишdir. Бу мақсадга ўзаро низолар, иктилофтар келтириб чиқариб куролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш, зўрлик билан эришишини кўзлайдилар. Бу эса ҳар бир миллатнинг мустакилигига, жамият тараққиётiga катта гов ҳисобланади.

Экстремизм турли кўринишларда бўлиши мумкин. Масалан, у – большевизм, фашизм, диний экстремизм каби турларга бўлинади. Улар ўз гоялари, ҳаракатлари, ташкилотлари, моддий таъминчани ва ташкилий тузилмалари фаолиятлари йигиндисидан иборат бўлади. Экстремистик тузилмалар қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, унинг асосий мақсади жангарилик йўли билан ҳокимиятни қўлга олишdir. Ёки сиёсий ҳокимиятга эришиш орқали жамиятни тўла ислом шариати қонун-қоидалари асосида қайта ташкил қилиш ва бошқариш лозим деб ҳисоблайдилар.

Ислом диний экстремизми ўзининг икки ҳусусияти билан бошка экстремистик грухлардан ажralиб турди. Биринчиси, уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон исломга эътиқод қиласидиган давлатлардаги мусулмонлар жамоалари исломий тусларини йўқотган бўлиб, ислом келиб чиқишидан аввалги араблардаги маънавий бузилиш давридагидек жамиятларга айланиб қолган, деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув фаолиятдаги ҳукumat ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга асос қилиб олинади. Иккичидан, улар гўё, «ҳақиқий» мусулмонлар бўлиб, ўзларини ҳокимиятга келишлари учун барпо қиласидиган «исломий тартибни» қарор топтиришнинг ягона йўли кескин ва жангарилик йўли билан агрессив ҳаракат қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

Аслида эслом экстремизми гояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган асосий мақсад – диний қадриятларни қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу гоялардан факат восита ва

ниқоб сифатида фойдаланиш орқали минтақада бекарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, иқтисодиётни турли йўллар билан издан чиқариш, иқтисодий инқирозни келтириб чиқариш орқали ҳукumatни кучсизлантириб обрўйини тўкишdir.

Уларнинг асосий мақсадларидан яна бири, турли оммавий ахборот воситалари ёрдамида гўё «мамлакатда фуқароларнинг виждон таркилиги борасидаги ҳуқуклари бузилмоқда ва диний эътиқод поймол этилмоқда», каби даъволар билан ҳам конституцион ҳукumatга шончизликни келтириб чиқаришdir. Шунингдек, мамлакатимиздаги кам сонли диний ташкилогларга ҳужум ўюстириб, диний давлатни кучайтириш, миллатлараро адоватни келтириб чиқариб бекарор вазиятни вужудга келтиришdir.

Ислом экстремизми ўзининг шундай гаразли ҳаракатларида муқаддас Куръони карим оятларидан фойдаланиб, исломнинг соғ гояларини жамиятга татбиқ этиш эмас, балки юртдошларимизнинг ўтиборларини чалғитиб ислом омили орқали ҳокимиятга интилишдан бошка нарсани кўзламайди. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов: «Оқ-корани, дўст-душманни танийдиган ҳалқимиз дин нима-ю, сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсону, ким муноғик, риёкор эканини яхши билади. Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки. Ер юзидағи барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди», – деб қайд этади. Дарҳақиқат, ислом динининг маърифий-маънавий моҳияти ва мазмунини ҳалқимиз яхши билади. Шу муҳим жиҳатга кагта аҳамият қаратган ҳолда эрганги кун ворислари бўлган ёш авлод тарбиясига алоҳида масъулият билан қараш, уларни тарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, манфур ният йўлидаги ёт қараш ва гояларга қарши маърифат билан қуроллантиришга эришмогимиз зарур.

Узбекистон йигирма беш йиллик мустакил тараққиёт даврида юзда ва обод Ватан, фаровон турмуш қуриш қуяси барча давлат орғанлари, шу жумладан, таълим муассасалари фаолиятининг мазмун-моҳиятида намоён бўлмоқда. Эътиборлиси яна шундаки, юртимиз

келажаги булган ёшлар тарбияси энг мухим ва устувор масала <sup>ЭКД</sup> ни белгилаб күйилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш баробарида үтказилаған маънавий-маърифий, ҳукукий тарғибот ишларида, мактабларда ташкил этиладиган давра сұхбатларида энг мухим устувор йұналишларга алоҳида зътибор қаратилиши лозим. Жумладан, тариханың киска даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб үтгани, мизни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош гоя сифатида белгилаш, дунёда катта қизикичи уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури ва Мактаб таълими, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустахкам пойдевор яратиб берганига алоҳида зътибор қаратиш; биз учун ул мухим бўлган согликни саклаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида кўлга киритган ютуқ ва мэрраларимизнинг ҳаётимизнин очиб бериш; бугун биз бошимиздан кечираётган ул таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачигидек саклаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-окибат мұхитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва оғол бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятта эга эканини чуқур акс эттириш; Ўзбекистоннинг халкаро майдонда оли бораётган, яқин ва узок құшнilarимиз билан дўстона алокалад ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилиш ташки сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераспа қарама-қаршилик ва тұқнашувларни факатгина сиёсий музокаралар тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларини мазмун-моҳиятини үкувчиларга, ота-оналарга, ҳамюрларимизга кенг жамоатчиликка етказиш, юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиети негизида турасосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашва мулоқотларда, жонли сұхбатларда катта ўрин тутиши лозим.

# ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ҲИМОЯЛАНИШ ХУСУСИДА

Я. Турдимуратов,  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия  
институти Узбекистон тарихи ва  
ДЖҚНА кафедраси ўқитувчisi

Маълумки, дин инсонларни ҳамиша яхшиликка, эзгу максадларга чорлаган. Юргашимиз таъкидлаганидек, ислом дини бу ота-бобонаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатdir. Шу боис кейинги даврда мусулмонларнинг эътиқоди ва диний хиссиятларидан устакорлик билан фойдаланиб, диний экстремистлар ва террорчилар томонидан ислом байроби остида амалга оширилаётган жиноятлар уларнинг ҳақиқий қиёфасини намоён этмоқда. Экстремистлар ва террористларнинг гайриинсоний ва гендеридиний ҳаракатлари бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ва ўта гаразли галкниларидаи кескин фарқлашга ёрдам берадиган билимларни оғаллашга ундейди.

Ҳозирда ўз манфур ниятларини амалга оширишда ислом дини никоби остида фаолият олиб бораётган экстремистик ташкилотларнинг тасарияти, ёш йигит-қизлар онгини босқичма-босқич заҳарлаш орқали амалда мавжуд конуний тузумни бекарорлаштириш, ҳокимиятга қарши оммавий намойишлар ташкил этиш, давлатни бошқариб турган раҳбарларни ҳокимиятдан четлаштириш режасини «такфир», «хижрат», «жиход» ва «шахид»лик гоялари асосида амалга оширишга интилоқдалар.

Шундай ташкилотлар сафида етакчилик қилаётган ҳамда амалга ошириётган ишлари билан муқаддас динимиз таълимотларига зид равишда вакхиёна «қонун-қоидалар» жорий этаётган, ўзларини «ислам давлати» раҳнамолари дея эълон килган «ИШИД» сафида дунёнг турли давлатларидан минглаб жангарилар, гўёки, «соф ислом» тарнишни жанг қилмоқда. Афсуски, уларнинг сафларига қўшилишга, уларнинг «хизмати»да бўлишга интилаётганлар сони камаймаяпти.

Бу каби гуруҳ вакиллари замонавий фан-техника ютуқлари, аумладан, уяли алоқа воситалари ва Интернет имкониятларидан

разил мақсадларини амалга оширишда устамонлик билан фой дала националар. Уларнинг аксарияти Интернетда ўз сахифалари орқали аёлларни очиқдан-очиқ «жиход»га даъват этсалар, яна бир гурухи «хайрия ишлар» никоби остида таргигибот-ташвиқот билан шугулана националар. Масалан, Интернет гармоқларининг бирида «Оллоҳ, йўлида» (*fiscibilillah*) номи остида минглаб хабар, макола ва видеолавҳаларнинг мавжудлиги буни исботлайди.

Лондонда жойлашган Иқтисодиёт ва тинчлик институти (*The Institute for Economics and Peace*) томонидан ҳозирланган Глобал террорчилик рейтингида Узбекистон 162 давлат ичидаги 124-йринни эгаллади. Тадқикот натижалари институттинг сайтида эълон килинди. Бир қанча индикаторлар асосида тузиб чиқилган индексда давлат қанча паст ўринни эгалласа, унда террорчилик хавфи ҳам шунча паст булади.

Минтақанинг бошқа давлатлари қайд қилган натижаларга келсак, кўшни Туркманистон Узбекистон билан 124-йринни бўлишиб олди Қозогистон, Тожикистон ва Қирғизистонда эса вазият бирор ёмонрок экан – улар мувофик равишда 83, 84 ва 86-йринларни эгаллашди.

Шу билан бирга, 2014 йилда террорчилик қурбонлари сони ўтган йилдагига нисбатан 80 фоизга ошгани қайд қилинди.

Бешта давлатда террорчилик хавфи энг юкори: Ироқ, Нигерия, Афғонистон, Покистон ва Сурия. Бу давлатларга теракт қурбонларининг 78 фоизи тўғри келди. Унликка, шунингдек, Ҳиндистон, Яман, Сомали, Ливия ва Таиланд кирди. Индексда Хитояга 22, Туркияга 27, Буюк Британияга 28, Россияга 23, АҚШга 35-йрин берилди.

Бугунги кунда Интернет оламида тарқатилаётган маълумотларнинг 80 фоизи Ироқ ва Суриядаги террорчилик ташкилотлари фаолияти билан бөглиқ экани турли ижтимоий гармоқлар орқали эса «ИШИД»нинг фаол блогерлари дунёнинг истаган нуктасидаги одамларни ўз сафларига жалб этаётганлари кишиларни ўйлантирадиган ҳолат. Айнан ушбу ташкилот фаоллари пешқадам сифатида Интернет оламида террорчилик гояларини тарғиб этиш, сафларига янги аъзолар жалб этиш мақсадида ўз тизимларида виртуал фаолият билан шугулланишни йўлга қўювчи маҳсус штатлар ташкил этиб ўнга малакали мутахассисларни жалб этдилар. Бунинг натижасида радикал гоялар тарғиботи Facebook, Instagram, ВКонтакте, Twitter-

Gumblr, Telegram, Youtube каби ижтимоий тармоқлари орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Таҳлилларга кўра, терроризм, хусусан ИШИД сафларини тўлдириб, террорчиллик ҳаракатларини амалга ошираётган йигиткизларнинг 84 фоизи бевосита ижтимоий тармоқлар, 47 фоизи Интернет тармоқларида жойланган жангари видеолавҳаларни онлайн куриш, 41 фоизи ИШИД сафларига онлайн тарзда қасамёд қабул килиш орқали жалб этилган бўлсалар, 19 фоизи онлайн-кўрсатмалар ёрдамида портловчи буюмларни тайёрлаб ўз худудларида ёвуз максадларни амалга оширмоқдалар.

Бугунги кунда даъвагчилар миллати, дини, ижтимоий мавкеидан қатъи назар барчани ўз домига тортишга ҳаракат қилмоқдалар. лекин аксарият ҳолларда эътиборни эркакларга эмас, ёлгиз аёллар ва ёшларга қаратмоқдалар. Чунки айнан улар вақтининг асосий кисмини ижтимоий тармоқларда ўтказади. Хусусан, чукур руҳий тушкунлик ва чорасизликда қолган аёллар виртуал оламда ўзларига ҳамдард ва ҳамфикр излайдилар. Баъзан эса қалбининг тубида меҳр ва эътиборга ташна «қизалок» яширган қатъиятли ва мустакил аёллар ҳам «ёрдам ва таянч кўли»ни ҷўзишга тайёр даъватчининг тузогига илинмоқдалар.

Даъвагчилар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг шахсий саҳифалари, уларнинг ёзётган гаплари, омма ҳукмига ҳавола этаётган Фотосуратларини синчилаб ўрганадилар, ўз максадлари йўлида Фойдаланиш мумкин бўлган «ўлжа»ларни кўзлаган ҳолда уларга ёвуз максадлар акс эттирилган видеолавҳалар жўнатилади ҳамда мавзуга оид сухбатларга тортилади. Мазкур лавҳаларда Суриядаги оғир ҳаёғ, болалар ва аёлларнинг мудҳиш кисмати, «қаердасизлар мусулмонлар, ахир биродарларингизни ҳимоя килишингиз керак-ку» деган мазмундаги хитоблар акс этади.

Албатта, бу каби видеолавҳалар аввалига инкор этилади, кайта-кайта жунатилиб, кўрилганидан кейин қизиқиш уйгонади. Шу тарика фойданаланувчи қандай килиб террористик ташкилот тузогига илинганини сезмай қолади.

Шунингдек, пул, мафкура, жинсий алоқа, иснод келтирувчи маълумоглар ёрдамида «ўлжа»нинг онги боскичма-боскич заҳарланади. Аввалига, шахснинг нозик томонлари жиддий ўрганишеб, шулар орқали таъсир этилади. Даъватчи «ўлжа»нинг ишончига

киради, яхши муносабатларни йўлга қўяди ва шундан сўнг унинг қадриятлар тизимини ўзгартиришга киришилади.

Тажриба ва таҳлиллар шуни ҳам кўрсатмоқдаки, Интернет орқали олиб борилаётган яна бир оддий тарғибот усули: жангариларнинг «аъло даражада»ги ҳаёт тарзи – ҳашаматли уйлару автомашиналар олдида, бойликка кўмилиб яшаётгани акс эттирилиб, профессионал тарзда суратта олинган фотосурат ҳамда видеолавҳалар Интернетга жойланиб, шу орқали қизиқувчилар сони кўпайтирилади ва бевосита мулоқотга жалб этилади. Қизиқиш билдираётган йигит-қизларга ўз мақсадларига эришиш йўлида қўлларида курол билан курсатилаётган жасорат, қаҳрамонликлар, уларнинг сафлари га кай тарзда қўшилиш ҳакида «батафсил» маълумотлар берилади.

Тарғиботчининг асосий мақсади босим ўтказиш йўли билан «ўлжа»ни террорчиларга қўшилиб қолишиндан асрорчи, хавф-хатарлардан огоҳ этувчи атрофини ўраб турган мухитдан ажратиб олиб, ёлғизлатиб кўйишдан иборат. Бунинг натижасида, оила аъзолари ва дўстлари ўрнини моддий ва маънавий жиҳатдан «қўллаб-кувватловчи» опа-сингиллар, ака-укалар эгаллайдилар. Сафларига янги қабул қилинган аъзо билан ишлаш жараёнида улар ўзларини ислом динини чукур англайдиган, теран фикр юрита оладиган, яшаб турган жамиятларида динга нисбатан ноҳакликларга қарши адолат билан кураша оладиган ҳамда ислом тамоиллари асосида фаолият юритадиган давлат барпо эта олувчи шахс сифатида кўрсатадилар. «Янгидан-янги» маълумотлар куршовида қолган «аъзо» гапириластган гапларнинг қанчалар тўгри эканини англаб, фикр юритиш имкониятидан маҳрум эканини англамай, кўр-кўrona «раҳнамо»ларига эргашади. Қандай йўлга киргани, кимларга қўшилиб колганини эса кўп ҳолларда анча кечанглайди. Баъзida йигит-қизлардаги ўта шиҷоатлилик ва ғайрат ҳам ғаразли мақсадлар учун муҳим восита эканини унутмаслик лозим.

Ижтимоий тармоқларда ўз хавфсизлигинизни таъминлашда қуидагиларга эътибор беришингиз мақсадга мувофиқ:

- шахсий маълумотларингизни ижтимоий тармоқларда ўзингиз танимаган шахсларга ошкор қилманг;
- сиз учун шубҳали бўлган саволларга жавоб берманг;
- сиз билан дўстлашишга интилган шахс билан умумий дўстлагерингиз бор-йўқлигини текшириб олинг;

- сиз учун берилаётган маълумотлар ва тақлифларни қабул қилишдан аввал уларнинг тўғри эканини аниқлаштиринг;
- ислом дини ва унинг арконларига оид маълумотларни ижтимоий тармоқлардан эмас, балки ишончли адабиёт ва мутахассислардан кидиринг.

Ҳаётда эзгу мақсади ва интилишига эга шахс турли бузғунчи оқим ва ўналишлар таъсирига тушиб қолиш хавфидан холи саналади. Экстремизм ва терроризмнинг на дини, на миллати ва на ватани бор. Дунёнинг турли ҳудудларида содир бўлаётган қонли тўғдануввлар оқибатида азият чекаётган бегуноҳ инсонлар фақатгина бир дин ёки миллатга мансуб эмас. балки турли миллат ва дин вакиллари ҳисобланади. Бу каби ҳаракатлар жамиятнинг фақатгина бугунни эмас, истиқболига ҳам жиддий таҳдид солаёттир. Инсоният унга қарши ҳамжиҳат курашсагина ижобий натижаларга эришиши мумкин.

## ЁШЛАР ОНГИДА АХЛОҚИЙ ЁТ ҒОЯЛARНИНГ ОРТИБ БОРИШИДА ИНТЕРНЕТНИНГ ЎРНИ

А. Холмаҳматов,

Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиши мустақил институти бош мутахассиси

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга ўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга хизмат қиласиган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, гоявий-мағкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилмоқда. Амалий ишлар доирасида ёш авлодни ҳаётга катъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсиirlар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда йуминсоний қадрияtlарга хурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ҳам юксак самара ва сифаг билан рӯёбга чиқарилмоқда. Инсон онги ва қалби учун кураш глобал характер касб этган бир даврда бундай масалаларга эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Ёш авлод маънавий оламининг дахлсилигигини всраш учун уларни доимо сергакликка ва ҳушёриликка

чақириш, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланған, пухта илмий асосда ташкил этилған, мунтазам ва узлуксиз равиці да олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мүмкін. Илм инсоннинг ҳаёт сўқмоқларида адашмаслиги, ўз умрини оқилона ташкил этиши учун асосий восита булиб хизмат киради. Бугунги кунда илм-фанинг ривожланиши натижасида узок йиллар давомида жумбоқ булиб келган ҳодисалар ўз жавобини топаётгани, инсоннинг яшаши учун қуляйликларнинг кўпайиб, жамият гараккиёти тезлашаётганинг гувоҳи булиб турибмиз. Ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг калби ва онгига мафкуравий иммунитетни кучайтириш борасида янада кўпроқ амалий ишларни кучайтириш зарур. Токи улар миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар булиб етишсин. Жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ва бегона гоялар ёшларни ўз таъсирига гортиб олмаслиги учун уларга Интернетдан яхши мақсадлар йўлида фойдаланиш тушунчаларини ўргатишимиз керак.

Бугунги кунда Интернет ва компьютер технологиялари ҳаётимизга кенг микёсда кириб келди. Интернет таъсир курсатишнинг шу даражада куттимаган қудратли воситаси булиб чиқдики, унинг ютуқлари ва камчиликларини бирданига батафсил билиб олишга улгурмай ҳам қолдик. Чунки Интернет тармоғи бир вактнинг ўзида кўптарафлама – кутубхона, концепт зали, музей, расмлар галереяси, анжуманлар майдони, видеолавҳалар ва х.к. сифатида глобал кўлам касб этди. Мутахассислар ёзганидек, дунё 24 соатли жамиятга айланди.

Инсон Интернетдан керакли ахборотни олади, аммо шу билан бирга, салбий таъсир қилиши мүмкін бўлган ахборотга ҳам дуч келади. Уларга бузгунчилик, турли низоларни келтириб чиқариш гоялари ҳам сингдирилиши мүмкін.

Жумладан, Интернетда ёшлар маънавий тарбиясига зарар етказидиган аудио-визуал ва контент маълумотларнинг тарқатилиши, зўравонлик, порнография, педофилия саҳналарининг эълон қилиниши кескин ортиб бормоқда. Интернетнинг ахборот майдони, деzinформация, ёлғон ва тұхматлар манбаига айлангани салбий ҳолда хисобланади. Шу билан бир қаторда, бузгунчи сайtlар мавжудларни

хамда вертуал фирибгарлик таъсирига тушиб қолиши мүмкнлигини инобатта олмаган ёшлар турли сайтларга кириши туфайли руҳий ҳадтто, жисмоний саломатлигига зиён етказувчи ахборотларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда мактаб ўқувчиларининг куролланган ҳолатда турли жамоат жойлари, мактаб, савдо дўконларига бостириб кириш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Мутахассислар болалар ўртасида бу каби ҳолатларнинг кўпайиб бопаётгани Интернет сайтлари, жангари фильмлар, видеолавҳалар ва бошқа воситаларнинг таъсири билан боғламоқдалар. Шу билан бир қаторда психологларнинг мулоҳазаларига кўра, ўсмирлик шахснинг физиологик ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос даври булиб, бу даврда ўсмирлар агрессив руҳдаги томошаларга, онлайн ўйинларига берилса, бу ноxуш оқибатларга олиб келиши мүмкін.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1373-резолюциясида (2001 йил) кайд этилганидек, ҳалқаро ҳамjamият информацион технологияларнинг терроризм куроли сифатида ишлатилиши глобал хавфсизлик ва тинчликка накадар катта рахна солишини англаб етган.

Сўнгги йилларда террористик ташкилотлар гояларини тарғибашвиқ қилишга каратилган веб-сайтларниң сони бир неча баробарга ошган. Диний экстремистлар ва террорчиларнинг Интернетдаги сайтларида ташкилотнинг мақсади, тарихи ҳамда южтимоий-иқтисодий, сиёсий мазмундаги маълумотларига кенг урин берилади. Жумладан, террорчилар куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга, террор ва қўпорувчилик ҳаракатларини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлашга интилиши. Бунда ўзларини «озодлик курашчиси», «партизан», «қаршилик курсатувчи» деб атаб тинчлик тарафдори қилиб курсатишга ва улар билан курашда ҳукумат тинч йўл билан ҳаракат қилиш лозимлигиги асослашга интилиши кенг тарқалган.

«Ахборот терроризми» ҳозирги кунда замонавий терроризминг бир кўриниши сифатида давлатлар ўртасида ахборот урушини келтириб чиқариши, ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда террористик ташкилотлар томонидан теракт содир этилиши жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Булардан кўриниб турибдики, Интернет тармоғи орқали тарқалған хавфлар глобал микёсдаги таҳдидларнинг энг каттасидир.

Бундай таҳдидларнинг олдини олишнинг ягона йўли – бу ёш авлоҳи  
ни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларда Интернетдан оли, наётган ахборотларга танқидий ёндашиш малакасини ҳосил қилиш, тармоқнинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашларини кенгайтириш, зарарли маълумотларни инкор эта билиш идрокини ҳамда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш бугунги кундаги долзарб вазифа саналади. Шу ўрнида айтиш жонзки, ҳар бир шахс маълум бир кўникма ва билимга, диний ва дунёвий илмлар моҳиятини тушина олиш қобилиятига эга бўлиши, дунёда кечаетган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга бефарқ бўлмаслиги лозим.

## ЁШЛАРНИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

М. Муминов,  
мустақил тадқиқотчи

Диний экстремизмнинг халифалик давлати курниш баҳонасининг тагида, яъни халифаликка асосланган ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу йул билан ҳокимиятни қўлга киритишга мусулмон аҳлини жалб қилиш заманида халқаро диний экстремизм режалаштирган давлатларда бекарорлик келтириб чиқариш ва шу талотуп, жангариликлар сабабчиси этиб мазкур жамиятни қоралаш ётади. Мана шу ниятда маблаг сарфлаб, мамлакат ичкарисидан ҳамкорлар топиб, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида гўёки ҳеч қандай маъмурний чегаралар бўлмаслигига, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарурлигига даъват қиласди. Интернетнинг Facebook, Twitter, Odnoklassniki, Telegram, WhatsApp ижтимоий тармоқлари ахборот таҳдидини ўтказиш, «Оммавий маданият» орқали ахлоқсизликни тарғиб қилиш, ёлғондан иборат давлатларига ишонтириш учун турли усусларни қўллаб, эгри йўлларни излайди. «Ўзининг фалсафаси, меъёр ва мезонларини «жаҳон стандарти» деб, уларни бошқаларга зўрлаб сингдиришга уринишлар айрим хорижий давлатлар ва сиёсий кучлар хатти-ҳаракатида якко намоён бўлиб бормоқда...»

«Гоявий-маънавий рақибларимиз томонидан ахлоқсизлик – шахс эркинлиги, беҳаёллик – демократия тантанаси, дея тарғиб этилади. Ўзлигини, ўз маънавияти ва миллий гурурини саклаб колишга бўлган шитилишлар босқинчи муҳолифлар томонидан «эскиликка ёпишиш», «озодликни бўгиш», «демократия тақчиллиги» деб талкин қўянмоқда»<sup>1</sup>.

Ёшлар интернетнинг қайси сайтларига кириб маълумот олиши мумкин?

Диний масалаларда, аввало, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг muslim.uz сайтига, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг нашрлари бўлган «Ҳидоят» журнали ([www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)) ва «Ислом нури» газетаси ([islomnurigazeta@rambler.ru](mailto:islomnurigazeta@rambler.ru)) таҳририятларига, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфидаги *tumina.uz*, *novza.uz*, *mehrob.uz*, *hazratnavoiy.uz* сайтларига мурожаат қиласалар, тўғри йўлни топадилар, имон-эътиқоди мукаммал бўлиб, ўз қаётларини ота-оналари, ёру дўстлари, бутун жамият аъзолари билан бирга роҳат-фароғатда ўтказадилар. Миллий ва умумбашарий таҳдиряятларга ҳурмат ва Ватан тараққиётига дахлдорлик хисси ортади. Ҳар бир ёшнинг қалбida саодатли, фаровон турмуш кечириш, ўз орзу-ниятларига эришиш зарурати бор. Шундай экан, улар мустақил фикр юритиб, баҳтли яшашдан иборат тўғри йўлни танлаб оладилар.

Ёшлар юкоридаги сайтлардан маълумот олса, яхши-ёмонни мустақил равишда ажратиб, бузгунчи гояларнинг гоят таҳдидли қўйилдаги қилмишларига нисбатан нафрат пайдо бўлади:

- алдамчи гоялари билан ислом номидан иш юритиб, яъни исломни ўз сиёсий режаларига бўйсундириб, одил ҳаёт йўлини кўрсатувчи динимизнинг обрўсига путур етказадилар;
- давлат тузумига ишончсизлик келтириб чиқарадилар;
- ғадамлар онгини заҳарлайдилар ва уларни зомби (манқурт)га таҳдидилар;
- ғадамларни кўркитиш, жароҳат етказиш, ўлдиришга даъват килаадилар;

<sup>1</sup> Н. Салиева, Ёшлар. Миллий гоя. Тарбия. –Т: «INFO CAPITAL GROUP», 2011, 32-бет.

- исломнинг урушни тақиқлаш гоясига зид равишда мусулмон бўлмаган халклар ва давлатларни босиб олишни ўйлайдилар;
- ҳозирги глобаллашув даврида амалга оширилиши мумкин бўлмаган, давлат эҳтиёжларини қондира олмайдиган ҳалифалик давлати қуриш ҳаракатларига асоссиз равишда одамларни жалб киладилар;
- сиёсий ҳокимиятга инглиш оқибатида жамиятда бекарорлик пайдо қиладилар;
- ёшларни ўз оқимларига жалб қилиш мақсадида хуфёна равишда ҳужралар ташкил қилиб, дунёвий таълимдан чалғитадилар;
- ёшларни дунёдаги воқеаларни кузатиб боришга, уларни ногури таҳлил қилишга ўргатиб, шу йўл билан ўзларининг вайронкорлик гоялари тўғрилигини оқлашга ҳаракат қиладилар;
- маънавий, маданий, руҳий тарбиядан йирок, факат сиёсий ҳокимиятта интилишдан иборат мафкура билан шугуулланадилар;
- ўзларининг бузгунчи режаларини амалга ошириш учун ўзгалар мададига таянадилар;
- муқаддас Курони каримни ўз максадлари йўлида тафсир килиб, умматлар орасида низо чикарадилар, исломнинг маънавий ва гоявий бирлаштирувчи кучини заифлаштирадилар;
- саҳих ҳадисларда қайд этилган «... мендан кейин ҳалифалик 30 йилdir» деган иборани инкор этадилар;
- гайридинларни душман, деб эълон қилиб, динларро муносабатларни кескинлаштиришга ҳаракат қиладилар;
- одамлар тўпланган жойда қурол ишлатиш, ўзини портлатиш, объектларга ҳужум қилиш каби ноисломий ҳаракатларни амалга оширадилар;
- давлат обўси ва уларнинг раҳбарлари, ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини асоссиз танқид қиладилар;
- ёшларни ўз билими, қобилияти ва иктидорларини ишга солишдан чалғитадилар.

Бундай маънавий таҳдидлар маънавий қўпорувчиликка хизмат қиласи. Бу ҳам ҳокимиятни куч билан қўлга киритишни ўйлаётган жангари муҳолифларимизнинг ўз ниятларига эришишининг яна бир воситаси булиб, ёшларимиздаги ватанпарварлик гояларини куч сизлантиришга қаратилган, уларни тўғри йўлдан адаштирадигизн бузгунчи гоядир.

Факат халқимизнинг тинчликсеварлиги, маънавий жасорати, республика олий раҳбариятининг зарур чораларни куриши нағижаси-  
да йиронкорлик хуружлари бартараф этилиб, душманларимизнинг  
шум ниятлари барбод бўлмоқда. Биз эришилган муваффакиятлардан  
кувониб, бепарволикка йўл кўймаслигимиз керак. Бугун ортта яна  
бир назар ташлаб, Ўзбекистон учун ташқи ва ички душманларимиз  
режалаштиргани кўйидаги хавф-хатарларни эслаб, унга қарши огоҳ  
булиб яшаш ўринли бўлади:

- миллатни ўз тарихий хотирасидан жудо этиш;
- миллий анъанаалар, урф-одатлардан йироклаштириш;
- мамлакатни босиб олиш;
- СССРни қайта тиклаш;
- ҳалифалик бошқарувини жорий қилиш;
- ислом давлатларидан иборат империяни тиклаш;
- ёшларни манқурлаштириш;
- террор орқали сиёсий ниятларига эришиш;
- иқтисодий қарам қилиш;
- ер ости бойликларига эгалик қилиш;
- ислом динини соҳталаштириш;
- дин тазиикқа олинган, деб бўхтон қилиш;
- давлат гегемонизми таъсирини ўтказиш;
- инсонлар ва гурухлараро зиддиятлар келтириб чиқариш;
- қўшни давлатларни гиж-гижлаш;
- маънавиятни издан чиқариш.

Факат истиклол туфайли, бундай таҳдидларга қарши курашадиган миллий мағкурамиз, унинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бош гояси, бош гояни амалга ширишга хизмат қиласидиган Юрт тинчлиги, Ватан равнаки, Халқ Фаровонлиги, Комил инсон. Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тувллик. Диний бағрикенглик (толерантлик) каби гоялар халқ ўтиқолига айлангани сабаб маънавий, сиёсий, иқтисодий, мағкуравий соҳаларда оламшумул галабаларни кўлга киритиб, ёт таъсирлар уюштирган турли бало-қазоларни бартараф этмоқдамиз. Шонарлиси шуки, бундай бунёдкор гоялар халқимизни янада жиплаштирди. Халқимизнинг эртанги кунга ишончи янада баланд бўлди. Халқимиз аждодларимизнинг маънавий меросидан

куч олиб, миллий мафкура ва ягона мақсад остида буюк келажақ сари дадил одимламоқда.

Аммо ютукларимизни кўра олмайдиган ганимларимиз Ватанинг ичкарисида ҳам, ташкарисида ҳам топилади. Чет элларга иш излаб борган ёшларимизни ўз тузокларига илинтириш ниятида уларнинг қалбини эгаллашга харакат қилаётган халқаро экстремистик кучлар бор. Улар ҳар канча уринмасинлар, шум ниятларига асло ета олмайдилар. Чунки Ватан она каби азиз ва боболаримиз, момоларимиз, яқин кишиларимиз хоки ётган тупрок биз учун мўътабар. Ватанин севиш миллий гурур, миллий ифтихор билан янада гўзал бўлади. Ўзгуруни маънавий, мафкуравий таҳдидлар бука олмаслиги керак.

Экстремистик йўналишдаги жамоалар ҳакида жиддийроқ ўйлайдиган бўлсак, уларнинг раҳбарлари анъянавий исломнинг инсон-парварлик гоясини билмайдиган, аслида халқаро экстремизмнинг тегирмонига сув қуядиган инсонлар экани ошкор бўлади. Уларга эргашган ёшлар кимга хизмат қилаётганини биладими?!

Хозирги диний оқим тарафдорлари ўзларининг манфаатини ўйлаб, бошқаларни курбон қилувчи одамлар. Ўзбекистонда яшаб юрт ободлиги ва фаровонлиги учун кўплар қатори тер тўкиб меҳнат қиласиганлар эмас, балки четдан келган бойлик ҳисобига яшаб, осон турмуш кечиришни ўйлаган ватанфурушлар.

Демак, умуминсоний ва исломий қадриятларга зид равиша кўпорувчилик ишлари билан шугулланганлар ўз ниятларига ета олмайдилар. Кўпни кўрмаган, тажрибасиз ёшларга шуни вижданан айтиш керакки. Ватанини сотаётган ёки ҳалқ манфаатига қарши ишлайдиган маънавий қашшоқ инсон ортидан эргашиб бўладими? Ватан хоинларининг ёлғон ваъдаларига учиб ўз ҳалкига, ота-онаси, ёр-биродарлари, ака-сингилларига кўл кўтарган одам қаттиқ адашди. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов шундай дейди: «Ҳалқ билан курашиш мумкини? Чўлпоннинг: «Ҳалқ – денгиздир, ҳалқ – тўлкиндиндир, ҳалқ – кучдир» деган гапини биласиз-ку? Ҳалқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шуларни бу муттаҳамларга етказсангиз, ҳали ҳам кеч эмас, ақлини йигиштириб Ватани ҳакида, тақдирин ҳакида ўйласин, яна бир бор айтаман, ҳали ҳам кеч эмас»!.

Юқоридаги фикрлардан шундай хуносалар чиқариш мумкин:

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2001, 344–348-бетлар.

– халқаро диний экстремизмнинг амалга ошмайдиган пуч гоя силапарастликни ахборот оламида ёйиб, ёшлар онгини забт этиш, уларни манқуртларга айлантириш мақсадига қарши фарзандларимизнинг ахборот олиш саводхонлигини ўстиришга, террорчиларнинг Интернет сайtlariiga кирмаслигини таъминлашга эътибор қаратилган;

– ақидапарастлик таҳдидидан асосан мусулмон аҳолиси жабр тортмоқда ва нишонга олинган мамлакатнинг ёшлари зиён кўрмоқда;

– халқаро диний экстремизм ҳокимиятни қўлга киритиш ва ғалик қилиш мақсадида Ўзбекистонга нисбатан туҳмат, бўхтондан иборат мафкуравий кураш олиб бормоқда;

– халқаро диний экстремизмнинг кўпорувчиликдан иборат гарази, шум ниятларига қарши миллий мафкурамиз зарба бера олади.

Демак, ёшларимизнинг гоявий, мафкуравий масалаларда тўғри йўлдан адашмасликларини, умумхалқ билан яқдил бўлишларини таъминлаш учун халқаро диний экстремизмнинг Ўзбекистонга нисбатан мафкуравий таҳдидларидан ҳимоя қилишининг барча чораларини кўришимиз шарт.

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ ВА АҚИДАПАРАСТЛИК КАБИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ – МАЪНАВИЙ ЮҚСАКЛИК НАМУНАСИДИР

О. Уразметов,

Урганч шаҳар б-сон умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбўсари.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиласидиган шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз.

Ёшларнинг турли хил ёмон иллатларга кириб қолмасликлари, диний экстремистик гурухлар домига тушиб қолмасликлари, келажакда комил ва ҳар томонлама ётук кадрлар булиб етишишлари бўйича давлатимиз томонидан бир қанча қарорлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мактабларда ўкувчилар ўртасида диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик каби таҳдидларга қарши кураш олиб бориш бўйича ҳар йили чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Ҳар ойда ҳуқуқ-тартибот органлари, ички ишлар бўлими ҳодимлари, маҳалла ва диний ташкилотлар билан ҳамкорликда давра сұхбати ва учрашувлар ўтказилади.

Ўкувчилар ўргасида диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик каби таҳдидларга қарши кураш олиб бориш бўйича қуидагиларга аҳамият бериш керак.

Биринчидан, маънавият соатларида, давра сұхбатларда диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик каби таҳдид ҳакида тушунчалар бериш. Жумладан, қуидагилар:

– диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомларни рад этиш ва ўз гояларини муросасизлик ва зўрлик билан тарғиб қилишдир;

– диний-экстремистик турухларнинг бош мақсади – «халифалик» ёки «ислом амирлиги» давлати тузиш шиори остида ҳокимиятни эгаллашдир. Ушбу мақсадга этиш йўлида аҳолига ҳанафийлик мазҳабига зид мутаассиб гояларни сингдириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, ҳукуматга тазийк ўтказиш, аҳоли ичидан кўркув, парокандалик ҳамда давлатга нисбатан ишончсизлик уйготиш ҳамда республика раҳбарияти томонидан диний соҳада олиб борилаётган сиёsatни обруслантириш каби оралик мақсадларга бўйсундирилган фаолият олиб борилади;

– терроризм – сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соглигига хавф тугдирувчи, молмулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикаралантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг сувренитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, куролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноят қылмишлар каби тушунчаларни ўкувчиларга онгли равишда тушунтириб боришимиш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Ешлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплексининг

2016 йил 2 январдаги З-сон мажлис баёни билан тасдиқланган «2016 йилда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, конфессиялар ва миллатлараро тутувликни мустаҳкамлашга қаратилған чора-тадбирлар» Дастири, «2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилған қўшимча чора-тадбирлар» Дастурида белгиланган вазифаларни, Халқ таълими вазирлиги томонидан шлаб чиқилған тавсияларни амалда бажариш мақсадида «Камолот» БИХ ҳамкорлигига ҳафталик акцияларни ўтказишни, «Жаҳолатта қарши маърифат», «Мен диний экстремизм ва терроризмни қандай тушунаман?», «Биз диний экстремизм ва ақидапарастликка қаршимиз» мавзуларида иншолар танлови, расмлар танловини ўтказишими, ҳар бир ўқувчига мазкур иллатларнинг мазмун моҳиятини тушунтирган холда тадбирлар ташкил этишимиз керак.

Биз юқорида кайд қилиб ўтилған тадбирларни ва вазифаларни вактида бажарсан ўқувчиларимиз келажакда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват булиб вояга етадилар.

## ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИК ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ФОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАЩДА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

У. Ҳамидов,  
*ТВХТХҚТУМОИ ижтимоий-иқтисодий  
фантар кафедраси катта ўқитувчиси*

Жамиятдаги турли қатлам фикрини ифодалаш баробарида ижтимоий фикрни шакллантириш ва йўналтириш, оммавий аҳборот воситаларининг муҳим вазифалари ҳисобланади. Ўз ўрнида аҳборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолиятини таъминламай туриб, демократик ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик 9-сессиясида жамиятимиз олдиаги муҳим стратегик вазифалар, давлат сиёсатининг устувор йўналиш ҳамда тамойилларини кўрсатиб, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги муҳим устувор йўналиш сифатида сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш эканини шундай таҳлил этади: «Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидағи тўртингичи ва ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш – бу

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва магбуот эркинлигини шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларини очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда қозода эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак ҳар томонламада тўғри бўлади»<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам, бугунги дунёда ахборот муҳим ахамиятига эга бўлган сиёсий омил ҳисобланади. Бутун дунёга ҳабарларини тарқатувчи оммавий ахборот воситаларига эга бўлган давлатлар ёки кучлар Ер юзида кечеётган сиёсий воқеаларни ўз манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда талқин қиласди ва бошқаларга етказади.

Рус олими Е. Старобинский таъбири билан айтганда, ҳар соҳа ўзига яраша ахборот воситасини, ҳар бир бозор эса тарғибот шаклининг танлайди. Кишиларнинг айрим қатлами эса ўзига мос арzon, сифатидан ва қулай воситани танлаб, кўпроқ маълумот олишга интилади<sup>2</sup>.

Жумладан, Суря ва Ироқда уя қуриб олган ва ўзларини Ислом давлати деб атаётган террорчи ташкилот ҳам ўз фаолияти тарғиботида ОАВга таяниб иш куради. ИД (Ислом Давлати) сафларига бориб кўшилаётган жангариларнинг асосий қисми эса ОАВнинг ёки кучли шакли – Интернет тармоқлари орқали ёлланмоқда. Жангарилар ташкилоти кучли ахборот муҳитини яратишга муваффақ бўлишган. ИДнинг «Ал-Ҳайят» ва «Ал-Фуркан» каби медиа марказлари ахборот иши билан шугулланадиган маҳсус бўлинмалар ҳисобланади. Мазкур медиа марказлар тайёрлаётган видеороликлар Интернет тармоги орқали бутун дунёга тарқатилади. Уларда тайёрланадиган материаллар араб, инглиз, немис, француз, рус, ҳинд, урду, бенгаль, турк, курд ва бошқа тилларда чиқади. Шунингдек, «Дабик» номидаги Интернет журнали ҳам бор. Ислом давлати ана шундай замонавий тарғибот воситалари ёрдамида кўплаб ҳорижлик ёшларни ўз сафига кўшиб олмоқда.

Халқ орасида диний низоларни кўзгашда ташки кучлар Интернетдаги ижтимоий тармоқлар (Одноклассники, Мой мир, Facebook, Twitter, WhatsApp, Telegram)дан унумли фойдаланишмоқда. Жумладан, 2012 йилда Мисрда содир бўлган инқилобий чиқишларда Ин-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чархирик тўққизинчидаги мәъруzasидан.

<sup>2</sup> Е. Старобинский. Самоучитель по рекламе. –М.: 2002, 17-бет.

тернетдаги ижтимоий тармокларнинг «хизмати» жуда катта бўлди. Буни бир вактнинг ўзида Тахрир майдонига бир неча юз минглаб олононинг тўпланишида кўриш мумкин.

Айнан ижтимоий тармоклар диний ақидапарастлик гояларининг кең тарқалишида, мамлакатларда оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришда асосий воситага айланиб бормоқда. Google компанияси таҳлилиларига кўра, Ўзбекистондан кунига Facebook сайтига 90 минг, Odnoklassniki.ru сайтига 200 минг, Мой мир сайтига 40 минг нафардан ортиқ фойдаланувчи ташриф буюрмоқда. Ижтимоий тармокларнинг фойдаланишга қулайлиги, фойдаланувчилар сонининг кўплиги, фикр билдираётганларнинг анонимлиги, ахборот машинуvinining тезлиги ва ахборот турларининг ранг-баранглиги бунинг асосий сабабларидир. Тадқиқотлардан маълум бўладики, ижтимоий тармоклардан фойдаланадиганларнинг асосий қисмини ҳали диний ва сиёсий қарашлари тўлиқ шаклланиб улгурмаган ёшлар ва ўсмирлар ташкил қиласиди. Уларни ўз тузоқларига туширишга ҳаракат қилаётган ақидапарастлар эса замонавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланмоқда.

Ахборот воситасида амалга ошириладиган ҳар қандай қўпурувчилик, у сиёсий ёки иқтисодий бўладими, ҳарбий ёки мафкуравий бўладими давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсанади, ислоҳотлар жараёнини сустлаштиради. Катта иқтисодий зарар келтириб, давлатлар ўртасидаги муносабатларни салбий тарафга узгартиради. миллатлар, диний-этник гуруҳлар орасидаги зиддиятни кескинлаштириб, келиштириб бўлмайдиган даражага келтиради. Бу турли миллат, злат, диний конфессия, мазҳаб ва йўналишларга мансуб бўлган, турли дунёқарашу тафаккур вакиллари яшайдиган Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон давлати учун ниҳоятда хавфларидир.

Аслида терроризм, диний ақидапарастлик, мутаассиблик, гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашда оммавий ахборот воситалари, айниқса, радио ва телевидение асосий ташвиқот қуроли бўлиши юерак. Аммо гарблик сиёсатшуносларнинг фикрича, телевидения ва радио террорчиларнинг одамлар билан мулокот киладиган оддий воситага айланиб қолди.

Р. Жумасев, У. Убайдуллаев, Б. Хўжанов. Конфликтология асослари. –Т.: Адабияти, 2000, 17-бет.

Кўриниб турибдикি, терроризм ва диний ақидапарастлик толари айнан ахборот воситасида тарқатилмоқда.

Диний экстремизм ва терроризмнинг туб илдизини, аниргон ахборот тарқатиш манбаларини йўқ қилиб ташлаш хусусида ўзбекистон Президенти шундай ёзади: «Биз факат терроризмнинг ташки кўринишларига, бегуноҳ одамларни отадиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу оғатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлагани миз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, ушбу балоқазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор. Яъни ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчли мағкурасини яратадиган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг биринчи навбатда ёшлиар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш буйича конвеер ташкиз этаётган, халифалик тузишда турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кишиларнинг илдизини қиркиб ташлаш керак»<sup>1</sup>.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон аҳолиси 31 миллиондан ошга бўлса, унинг 18 миллиондан кўпроги 30 ёшгача бўлган фукаролардир. Шундан 10 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 12 миллион 500 минг яқин, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар эса 10 миллиондан кўпроқ ташкил этмоқда. Бу барча ахолининг 64 фоизи ёшлиар деганидир.

2012 йилнинг 1 декабрига кадар Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига асосланиб, ЎзРепорт томонидан берилган хабарга кўри Республикада рўйхатдан ўтган ОАВ сони 1305 тага етган. Уларнинг 712 таси газета, 264 таси журнал, 16 таси ахборотномалар саналади. Юқорида қайд этилган даврда Ўзбекистонда 4 та ахборот агентлиги, 63 та ОАВ телевидение каналлари, 34 та ОАВ радиоканаллари расман фаолият олиб борган. ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган все сайтилар сони 210 тани ташкил этади<sup>2</sup>.

Бугунги кунда халқаро муносабатларда энг долзарб ва оламиш мул муаммолардан хисобланган хавфсизлик, баркарорлик ва тинч

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Олий Мажлис конунчиларини латаси ва Сенатининг кўшма мажлиснадаги маъруzasи.

<sup>2</sup> Н. Рустамова. Медиатаълим ва медиамаданият: назария ва амлиёт. – Т. 2016-бет.

ликни сақлаш масалаларига эътибор тобора кучайиб бормокда. Дунё халкларининг иктисодий, сиёсий-ижтимоий тараққиёти ва охоланиши айнан шу муаммоларнинг қай даражада ечилишига боғликдир.

ОАВнинг ахборот тарқатишида кенг кўламга эгалиги, турли ин-терактив усуллар ёрдамида шахс онги ва руҳиятига кучли таъсир эта олиш имкониятини инобатта олган ҳолда ёш авлод ижтимоий гарбиясини ташкил этиш жараённига уларнинг хизматини татбик пиш бугунги куннинг ўта долзарб вазифаларидан бири саналади.

## БОРЬБА ПРОТИВ ИДЕОЛОГИИ ТЕРРОРИЗМА В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ

У. Акбаров,  
*ведущий специалист НИМФОГО*

Существуют различные способы распространения идеологии терроризма: семинары и тренинги по вербовке лиц, печатные брошюры, книги, статьи и т.д. В их число на сегодняшний день входят и социальные сети. Роль социальных сетей занимает все большее значение в жизни человека. Используя социальную сеть, можно с легкостью общаться с людьми в другой половине земного шара или оперативно получать необходимую информацию.

Также несложно найти интересующего человека, причем это займет считанные секунды, так как довольно часто социальные сети (например, Одноклассники, ВКонтакте, Facebook, LinkedIn, Мой мир, Google+, Instagram, Twitter) в качестве регистрации предлагают людям указывать о себе много данных: размещать фотографии и видео, указывать интересы, излюбленные места посещения, информацию о работе, об образовании, делиться личными мыслями, участвовать в опросах по которым можно определить отношение человека к той или иной проблеме и многое другое. По таким данным можно легко создать полный (в том числе и психологический) портрет конкретного пользователя, а кроме того – подбирать потенциальную аудиторию вербовщикам террористических организаций.

В причинном комплексе терроризма все более заметную роль играет идеология экстремистского толка, в том числе террористи-

ческая идеология, ее распространение в различных слоях населения. Террористическая идеология изначально предназначена выполнения внутренних и внешних функций; она решает задачи консолидации участников террористических структур на определенных идеино-политических позициях и имеет важное значение для идеино-политической основы их деятельности.

Одновременно она используется для обеспечения внешнего влияния террористических организаций на те, или иные группы населения, прежде всего для обеспечения необходимого им притока новых участников. Однако в настоящее время террористы активно распространяют свою идеологию в обществе. Это связано, прежде всего, с происходящей трансформацией терроризма как средства политической борьбы между различными социально-политическими силами на национальном, региональном и глобальном уровнях.

Сегодняшним террористам для осуществления своих целей необходимы крупные и устойчивые по времени существования террористические структуры, относительно стабильная и широкая социальная база поддержки их, а также легитимация террористических организаций в глазах значительной части общества.

Основными задачами идеологического влияния террористов на население являются:

- широкое использование спекулятивных пропагандистских лозунгов и положений, эксплуатирующих распространенные среди населения настроения и чувства;
- высокий удельный вес критической части террористических идеологий, которая носит преимущественно дезинформационный и клеветнический характер и направлена на дискредитацию политического противника;
- подстрекательская направленность террористической идеологии, предназначенная для формирования непосредственной готовности объектов идеологического воздействия к участию в совершении террористических действий;
- направленность на оправдание и легитимацию террористических структур путем их ложной идентификации с законными действиями общественных организаций и религиозных объединений, их насилиственной практики – с правомерной деятельностью в за-

прав человека и гражданина, свободы совести и вероисповедания, права народов на самоопределение и т.п.;

– героизация лидеров и участников террористической деятельности, демонизация политических противников террористов, призваные оправдать жестокость и несправедливость террористической деятельности;

– преувеличенное изображение значения и возможностей террористических структур, запугивание вероятных или реальных противников возможностью нежелательных для них последствий в случае принятия антитеррористических мер;

– соединение собственно идеологического воздействия с активным эмоциональным, психологическим воздействием, осуществляется на основе широкого спекулятивного использования мотивов борьбы за справедливость, за отмщение врагам, защиту жизненных интересов этноса, религиозной общины, класса и т. п., а также мотивов самопожертвования во имя общего дела и «священных ценностей» террористических объединений и др.

Подобным образом выстроенная идеология оказывает достаточно сильное влияние на обширную аудиторию, особенно на подростков и представителей молодежи – большинства пользователей социальных сетей. Как показывают факты, деятельность значительной части участников террористических движений и симпатизирующих им определенных групп и слоев населения в той или иной мере идеологически мотивирована.

Террористические организации стремятся использовать любые коммуникационные возможности для устрашения общества, распространения информации, пропаганды своих идей, привлечения новых сторонников. В сети функционирует большое количество новостных агентств и сайтов напрямую не аффилированных с террористическими организациями, но разделяющих их идеологию и оказывающих террористам поддержку в различных формах. Многие сайты специально постоянно меняют свои адреса, а в структуры экстремистских и террористических объединений все чаще входят специалисты, как правило, из числа молодых программистов, владеющие навыками хакерства.

Социальные сети сегодня превратились в мощный инструмент манипуляции сознанием и поведением молодых людей, способный

эффективно влиять на общественное мнение. Они предоставляют молодежным экстремистским объединениям новые возможности по обеспечению формирования автономных ячеек. Для управления большими массами людей с помощью масс-медиа главным образом эксплуатируется страх, чтобы мифологизировать угрозу экстремизма в общественном сознании. Систематическое насаждение в мас-совом сознании представления о наличии угрозы терроризма превращает его в символ, захватывающий образ, создавая в обществе впечатление о всесильности террора.

Пропаганда терроризма в социальных сетях, помимо особенностей, изложенных выше, имеет свою специфику. Ввиду того, что в социальных сетях часто указывается личная информация, возможно целенаправленное распространение материалов, реклама групп, например, для определенной возрастной группы пользователей для оказания максимального на них влияния. Для религиозного экстремизма в качестве примера можно рассмотреть возрастной состав любой группы, пропагандирующей религиозный фундаментализм. Средний возраст подписчиков невысок, более половины составляет молодежь до 18 лет, что и представляет благодатную почву для продвижения идей религиозного экстремизма из-за внушаемости данной группы лиц.

В современной научно-публицистической литературе предлагаются довольно много путей противодействия идеологии терроризма в сети Интернет и СМИ. В социальных медиаресурсах обычно размещаются: темы о деятельности идеологов экстремизма и банд подполья; предлагается обсуждать неприятие идеологии терроризма и религиозно-политического экстремизма; материалы по воспитанию уважительного отношения к традиционным религиям; приводятся высказывания духовных лидеров основных конфессий; проводятся мероприятия по не допущению того, чтобы неподконтрольные хаотичные социальные медиа выступали в качестве рупора или ретранслятора идей экстремизма и терроризма. Также необходимо проводить политику: корректного формата взаимоотношений с активными и популярными блогерами, которые инициативно готовы помогать государству и обществу в информационном противоборстве с идеологиями терроризма; формирования и функционирования на постоянной основе популярных и доступных Интернет-ресурсов.

посредством которых возможен непрерывный откровенный диалог в близкой и привычной для молодых людей манере; проведение мероприятий по развенчанию и дискредитированию романтического мифа о борцах за всемирный халифат.

В качестве одного из важных путей решения этой проблемы видится налаживание механизма взаимодействия, в рамках которого создается экспертно-консультативный совет при правоохранительных органах, который организует работу по сбору, обобщению и анализу результатов мониторинга социальных медиа, блогосферы, форумов – для выявления наиболее острых и актуальных проблем, дискуссионных тем, оказывающих влияние на общественное мнение, провоцирующих их протестные настроения, конфликтные ситуации на чужой для государства идеологии. С помощью специалистов теологов, психологов, социологов, историков и других создавать агитационно-пропагандистский продукт противодействия идеологии экстремизма и терроризма, размещать этот продукт на информационных ресурсах и социальных медиа.

Немаловажно и создание обратной связи с представителями молодежи с целью профилактики распространения идеологии экстремизма и терроризма и пропаганды патриотических ценностей. Положительный опыт проведения обсуждения актуальных проблем противодействия идеологии экстремизма и терроризма имеется и с использованием возможностей сети Интернет в формате интернет-семинаров.

Также важным в противодействии идеологии терроризма считаем установку на необходимость воссоздания политики узбекской идентичности для поддержания социального равновесия и изоляции радикализма и экстремизма, нейтрализации агрессивности, угроз и насилия. В противовес идеологии терроризма агрессия и насилие должны осуждаться как проявление слабости, а не силы. Важно культивировать такие традиционные положительные качества, как выдержка, взвешенность поступков, твердость и г.д. Борьба с идеологией терроризма в социальных медиа должна вестись на регулярной основе, наступательно и на высоком профессиональном уровне.

Особенно важно также налаживание механизма взаимодействия правоохранительных органов с пользователями социальных сетей

и Интернета в целом. Это дает возможность успешно организовать работу по сбору, обобщению и анализу результатов мониторинга социальных медиа, блогосферы, форумов, что в свою очередь позволит выявить наиболее острые и актуальные проблемы, спорные ситуации, оказывающие влияние на общественное мнение, провоцирующие протестные, конфликтные настроения, агрессивные выпады. Главное в борьбе с идеологией терроризма осознать, что добиться успеха традиционными силовыми методами невозможно, но это можно сделать с позиций «политики предотвращения», в основе которой лежит широкое использование социально-экономических и культурно-воспитательных мер.

## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ш. Адамова,

*Хоразм вилояти Янгибозор туманиндағы 15-сон умумий ўрта таълим мактабининг 1-тоифаси она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси  
Халқ таълими стъюденти*

XXI аср бўсағасида дунёда, унинг жўтрофий-сиёсий тузилишида ва харитасида юз берган туб ўзгаришлар, яъни мустаки давлатлар, шунингдек, мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди. Ўзбекистон жамиятни янгилаш, ҳуқукий-демократик давлат куриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, миллий ва маънавий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш, одамлар учун фаровон турмуш шароитларини яратиш йўлидан бормоқда. Бу бир томондан шарафли бўлса, иккинчи томондан мураккаб бўлиб бир қанча муаммо ва қийинчиликларни енгиг үтиш билан боғлиқ йўлдир. Чунки йўлда турли таҳдидлар мавжуд бўлиб ундан факат оқилона сиёса юритибина хавфсиз үтиш мумкин. Шу таҳдидлардан бири диний экстремизм ва ақидапарастликдир. Бунинг олдини олишнинг йўллари кўп бўлиб, булардан энг муҳимлари динлааро бағрикенглик ва миллий гоя тарғиботидир. Динлааро бағрикенглик гояси – хилмат хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олийжаноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англагади.

Кадим-Кадимдан дин аксарият мънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша беза-  
ват яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлик.  
Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гояларига асосланана-  
ди, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одам-  
ларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва багрикенгликка даъ-  
ват этади. Ҳозирги замонда бу гоя эзгулик йўлида нафакат динда,  
балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тути-  
ди Тинчлик ва баркарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шар-  
ги хисобланади. Азал-азалдан диёримиизда ислом, насронийлик,  
иудаизм каби динларга эътиқод қилиб келган. Асрлар давомида  
йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогларнинг мав-  
куд булиши турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний  
амалларини эмин-эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.  
Гарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўргасида  
диний асосда мажаролар бўлмагани, ҳалқимизнинг динларро бағ-  
рикенглик борасида катта тажриба туплаганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўн бешдан ортик диний конфес-  
сияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсагмоқда. Уларнинг  
ӯз фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок  
отиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ўкувчиларга жаҳон  
ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроби ости-  
да рўй берётган ҳодисалар хилма-хил зиддиятли ва қарама-қарши  
қутбли эканини пухта тушунтириб бериш зарур. Ҳозирги пайтда  
умумий ва минтақалар хавфсизлигига «Ислом омили» билан боғлик  
булган айрим жараёнлар хавф-хатар солмоқда. Бу ерда гап диний  
экстремизм ва фундаментализм ҳақида бормоқда. Ислом экстри-  
листлари қадимиги ислом гоялари ва анъаналарини қайта тиклаш  
байроби остида террорчилик, сункасд уюштириш ишлари билан  
шугулланадилар. Ислом фундаменталистлари исломнинг фундамен-  
тал принципларини тиклаш, ислом вужудга келган дастлабки шарг-  
шароитларга қайтиш шиори остида ҳаракат килювчилардир. Улар  
ин ва сиёсатни ислом билан миллат манфаатларини бир тушунча  
леб тарғиб киладилар. Ўкувчилар эътиборини диний экстремизм,  
фундаментализм каби ҳодисалар жиддий мажарони, зиддиятларини  
елтириб чиқариши мумкин эканига қаратиш зарур. Одамларнинг  
диний эътиқодлари билан боғлик ҳолда ҳар қандай муаммо нозик

эканига, диннинг маънавий қадриятлари билан исломни қайта ти-  
класш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга  
алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор максадлар ўртаси-  
даги фарқни тушунтириш лозим. Дин, шу жумладан, ислом дини  
ҳам асрлар давомида инсон табиатида чуқур илдиз отди ва ўзига хос  
бўлган вазифаларни адо этиб келмоқда. Диннинг аҳамияти шунла-  
ки, у умуминсоний ахлоқ месъёрларини ўзига сингдириб олиб, уни  
ҳамма учун мажбурий хулқ-автор қондларига айлантирган, одам-  
ларнинг баҳамжихат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.  
Диннинг яна бир ижобий томони шундаки, у одамларда ишонч-  
хиссини мустаҳкамлаб, уларни поклаб, юксалтириб, ҳаёт синов-  
лари, муаммо ва қийинчиликларини енгид ўтишда куч багишлаб  
келмоқда. Дин умуман, инсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб  
колиш, уни авлоддан-авлодга етказишга ёрдам бериб келмоқда.

Шу тариқа дин жамият ҳаётининг бир қисми бўлиб колди.  
Уқувчиларга шуни тушунтириш лозимки, жамиятда дин, диний-  
тасаввурлар билан бирга дунёвий турмуш тарзи ҳам ёнма-ён яшаб  
келган. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда бутун дунёда ин-  
соннинг эркин фикрлаш эрки хоҳлаган динига эътиқод килиш эрки-  
га ёки ҳеч кандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган хукуки  
тан олинган.

Хозирги пайтда рўй берадиган айрим салбий ҳолатлар, ножу-  
хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли  
садир бўлмоқда. Нега деганда ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган,  
ок-корани таниб улгурмаган ёшлар ҳар турли таъсиirlарга бериув-  
чан бўлади. Мисол учун, баъзи ёшларни йўлдан чалғитиётган диний  
экстремизм хавфини олайлик. Бу хатарли оқим ўзига хос тарзига  
эга. Хусусан, 80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини «дўст»  
«диндош», «миллатдош» килиб кўрсатиб, гўёки ислом динини  
соғлиги учун курашга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб кел-  
ди. Улар муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий  
одамларни, гўл ёшларни ўз тузогига илинтириб бизга бегона бу-  
ган диний ақидаларни ёнишга уринди. Албатта, бу ҳаракатларини  
олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Лекин ўша-  
вақтларда соддалик қилиб, уларга хайриҳо бўлганлар ҳам йўқ эмас-  
эди. Одамларимиз дилидаги мана шундай эзгу туйгулардан, имон-  
эътиқод сари табиий интилишлардан айрим гаразли кучлар у-

максади йўлида фойдаланишга уриниётгани бежиз эмас. Тарихдан  
мальумки, бирор-бир ҳалкни ўзига тобе килишни истаган кучлар,  
аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо килишга ин-  
тилади.

Юкорида тилга олиб ўтилган ва шунга ухшаш зарарли таъсиirlар  
давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъанала-  
рни бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳеч гал эмас. Табиий са-  
вол тугилади: «Бундай мафкуравий таъсиirlар салбий оқибатларга  
олиб юлмаслиги учун нима килиш керак?» Бунинг йўли – одамлар  
аввалимбор ёшларимизнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иро-  
засини бакувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган бар-  
камол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини  
нутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авай-  
лаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен  
зебек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришиш-  
дир. Гоки улар миллий илдизлари бакувват, дунёни чуқур англайди-  
ган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар  
бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам  
ахлоқни рад этадиганлар биз учун мутлақо бегона гоялар ҳам улар-  
га ўз таъсирини ўзказа олмайди. Биз барпо этаёттан янги жамият  
юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривож-  
лантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол  
гояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик  
руҳида тарбиялашга асосланади.

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт  
тинчлиги. Ватан равнақи ва фаровонлигига эришиш, комил инсон-  
ни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний  
Багрикенглиқ каби мухим масалалардан иборат. Миллий гоя,  
миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар  
кайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккир-  
лари ҳалқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини багишлийдиган фидой  
миллари меҳнат қилиши лозим. Агар биз бугунги ҳаётимизга,  
бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўгри баҳо  
бўймасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз хушёrlигимизни йўқотиб,  
бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни тинч турмушимизга,  
хизбийлигимизга рахна солаётган оёқ остидан чиқаётган ҳар хил  
бало-казоларни ҳам пайқамай, сезмай қолишимиз мумкин. Аммо

бир ҳакиқатни чукур англаб олиш даркор: ҳар бир одам баҳт саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одам ю таяниб яшайдиган гоя ва маслакнинг қанчалик түгри ва инсонни лигига, бу зътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эн мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоглиқ мос келишига узви боғлиқдир. Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни кал мол топтириш уларнинг қалбидагиллий гоя, миллий мафкура ў Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

## **4-и уъба.**

# **ДИНИЙ МУТААССИБЛИКНИНГ ОИЛАЛАРГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ НИМАЛАРДА ЭКАНИ ҲАМДА ОИЛАВИЙ ХАЁТДА АХЛОҚИЙЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ**

**OILADA YOSHLARNI YOT G'YOYALARDAN  
HIMOYALASHNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK JIHATLARI**

**D. Safarov,**

*Navoiy viloyati XTXQTMOI o'qituvchisi*

Keyingi yillarda keng jamoatchilik va olimlarning diqqatini o'ziga qilib qilib kelayotgan masalalardan biri – yoshlarning turli yot g'oyalar ta'siriga tushishi muammosidir. Bu muammoni o'rghanish bugungi kunda o'zining tarixiy, madaniy, milliy va umumbashariy qadriyatlarini tiklayotgan O'zbekiston davlati ravnaqi uchun ham katta ahamiyatga ega.

Shaxsnинг shakllanishida, ma'nnaviyatining tarkib topishi va rivojlanishida oilaning o'rni, ahamiyati beqiyos bo'lib, oila bilan bog'liq masalalar oilaviy hayat psixologiyasining asosiy muammolaridan hisoblanadi. Oila va yoshlar bilan bog'liq masalalar ijtimoiy psixologiya lanining asosiy yo'nalishlaridan biri ekan, bu boradagi muammolarni tanda e'tirof etilgan nazariy hamda metodologik qarashlarga tayanib izchil tahlil qilish, o'rghanish, tushunchalarni tizimlashtirish hozirgi vaqtdagi muhim vazifalardandir.

Har qanday jamiyat taraqqiyotida oilalarning, oilalar mustahkamligining ahamiyati beqiyosdir. Muayyan muhitda dunyoga kelib, shaxs sifatida shakllanib, o'zi yashayotgan davlatning fuqarosi sifatida mam-lakatning iqtisodiyoti, ijtimoiy hayoti taraqqiyotini ta'minlovchi, hal qiluvchi omil bo'lgan inson kamolotida oilaning tutgan o'rni muhim.

Shunday ekan, oilaning sog'lom bo'lishi, ularda ijobiy psixologik iqlimning hukm surishi farzandlarimizning shaxs sifatida shakllanib. Davlatimizning iqtisodiyoti, ijtimoiy hayoti rivojini ta'minlovchi insonlar bo'lib yetishishidagi asosiy omil hisoblanadi. Zero, shaxs ma'nnaviyati, dunyoqarashi, insonning tasavvur va e'tiqodiga aloqador ko'nikmalar majmuyi asosan oilada shakllanadi.

Barkamol avlod tarbiyasini amalga oshirish muhim strategik mazsalardan biri bo'lib, mamlakatimizning demografik xususiyatlarini inobatga olsak, bu nafaqat nazariy, balki amaliy ahamiyatga ega vazifalaridan hisoblanadi. Bugungi globallashuv sharoitida inson ongi va qalbi uchun turli usul va vositalar yordamida keskin olib borilayotgan kuraschlardan davom etmoqda. Mazkur harakatlar bevosita yoshlarga yo'naltilrilgan bo'lib, ularda milliy an'ana va qadriyatlarimizga, mamlakatimizda olib borilayotgan siyosatga nisbatan salbiy munosabatlarni shakllantirishga qaratilgandir. Bu muayyan ommaviy axborot vositalari ommaviy san'at va madaniyat yordamida kerakli bo'lgan g'oyalarni shakllantirish, yo'l-yo'riqlar berish orqali amalga oshirilmoqda. Natijani jamiyatning diniy, madaniy, ijtimoiy, ma'naviy sohalarida namoyon bo'layotgan ekspansiya holatlarida ham kuzatish mumkin.

Bugungi kunda yosh avlodni jismonan sog'lom, ma'nan kuchli, aqlan yetuk va barkamol bo'lib yetishishida oiladagi sog'lom munosabatlarining ahamiyati beqiyosdir. Shu bois, mustaqil davlatimizda oilada sog'lom ijtimoiy munosabatlar tizimini yaratish, yoshlarni yot g'oyalalar ta'siridan himoyalash va buning uchun, avvalo, ota-onalarni, mutaxassislarni psixologik bilim bilan qurollantirish ishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu masalani hal qilishda esa hozirgi paytda niroyatda taqchil o'zbek tilidagi bosma va elektron psixologik adabiyotlarni yaratish dolzarb masala sifatida ko'tariladi.

Ushbu qo'yilgan maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

- vayronkor, buzg'unchi, yot, destruktiv g'oyalarga oid tushunchalarni tasnif etish;
- qo'llanmadan o'rinn oladigan asosiy tushunchalar ro'yxati va kitob mundarijasini shakllantirish;
- har bir tushunchaga zamonaviy psixologiya fani asosida ta'rif berish;
- jamlangan ma'lumotlar, tegishli adabiyotlarga qo'yiladigan talablar asosida, respublikamiz aholisi milliy-psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda qo'llanmani nashrqa tayyorlash va chop ettirish; yot g'oyalarning shaxs, jamiyatga nisbatan salbiy ta'sirining psixologik tahlilini amalga oshirish;
- oilada yoshlarda maskuraviy immunitetni shakllantirish bo'yicha olib borilayotgan targ'ibot-tashviqot ishlarining mazmuniy tahlilini amalga oshirish;

- amaliyotchi psixolog-pedagoglar uchun tegishli tavsiyanoma va yo'riqnomalar ishlab chiqish;
- profilaktika tizimining nazariy modelini yaratish va muhim vazirlarni belgilab olish;
- yot g'oyalar ta'siriga tushish moyilligi bor yoshlarni aniqlash, metodikasini yaratish va psixologik xizmat ko'rsatish amaliyotiga joriy etish;
- oilada yoshlarni yot g'oyalar ta'siridan himoyalashga yo'naltirilgan ish uslublarini psixologik xizmat jarayonida qo'llash yuzasidan amaliy tavsiyalar ishlab chiqish.

Oila shaxs ijtimoiylashuvida muhim o'rinn tutadigan omillardan biri sanalar ekan, oilada yoshlarni yot g'oyalar ta'siridan himoyalash muammosi butun dunyoda, shu jumladan, O'zbekiston Respublikasida ham alohida ahamiyat kasb etib bormoqda. Hozirgi vaqtida yoshlarning yot g'oyalar ta'siriga tushishi ijtimoiy-psixologik, pedagogik hamda siyosiy-psixologik taddiqqi, yoshlarni mazkur g'oyalar ta'siridan himoyalash masalasi dolzarb nazariy va amaliy ahamiyat kasb etyapti.

Mamlakatimiz Prezidenti Islom Karimov o'z chiqishlarida bir necha bor ushbu masalaga e'tibor qaratib, yoshlarimiz, xalqimizni bunday tahdidilardan asrash naqadar muhim ekanini qayta-qayta ta'kidlamoqda. «O'z-o'zidan ravshanki, bugungi zamon voqelikka ochiq ko'z bilan, real va hushyor qarashni, jahonda va yon-atrofimizda mavjud bo'lgan, tobora kuchayib borayotgan ma'naviy tahdid va xatarlarni to'g'ri baholab, ulardan tegishli xulosa va saboqlar chiqarib yashashni talab etmoqda. Shu bois, yurdoshlarimiz, ayniqsa, yosh avlod ongida murakkab va tahlilikali hayot haqida, uning shafqatsiz o'yinlari to'g'risida bирyoqlama va soxta tasavvur bo'lmasligi kerak!».

Mamlakat yoshlaringning turli yot g'oyalar ta'siriga tushmasliklari uchun ularning bo'sh vaqt faqatgina oilada emas, balki mahalla, ta'lim muassasalarida ham mazmunli tashkil etilishi zarur. Shu munosabat bilan «Oila – mahalla – ta'lim muassasaları» hamkorligi, nodavlat va notijorat lashkilotlarining yoshlarga yo'naltirilgan siyosati milliy taraqqiyot strategiyasi nuqtayı nazaridan qiyosiy tahlil etilib, ular faoliyat mazmuni osbirishga qaratilgan takliflar ishlab chiqilishi maqsadga muvofiqdir.

# ИСЛОМДА КИЙНИШ ОДОБИ – ИНСОН ИЧКИ МАЊНАВИЙ ДУНЁСИННИГ СИРГДА АКС ЭТИШИДИР

Қ. Солидова,

*A. Авлоний номидаги XTXKTMOМИ  
мањнавият асослари кафедраси  
катта ўқитувчици*

Истиқлол Бизнинг ўзлигимиз, қадриятларимиз, қадим анъала-  
римиз қайтишига йўл очди. Халқимиз руҳий асоратдан, таъкибу-  
тазийк ва қўрқувлардан озод бўлди. Бизга яшаш завқи, бунёдкор-  
лик илҳоми баҳш этилди. Юртимиз чинакамига обод ва маъмур  
бўлди. Не саодатки, истиқлолимизга, Ватанимизга, келажагимизга  
муносиб баркамол авлод вакиллари вояга етмоқда. Уларнинг одоб-  
ахлок, илму тафаккур бобидаги муваффакиятлари кўп. Бундан  
қувонамиз, фәхрланамиз. Шунинг билан бирга, кўча-кўйда, жамо-  
ат жойларида анъаналаримизга терс тарзда кийиниб олган йигит-  
қизларни кўриб, қўнглимиз оғриб колаётгани ҳам бор гап.

Шуни айтиш жоизки, баъзилар кийиниш масаласига бунчалик  
катта эътибор беришининг боиси нима, ахир бу арзимаган нарса-  
ку, дейишлари мумкин. Аввало, кийиниш арзимаган нарса эмас.  
Қолаверса, исломда инсон ҳаётининг арзимайдиган томонлари йўқ.  
балки динимиизда барча соҳалар баравар эътиборга сазовордир. Ис-  
ломнинг инсонни мукаррам қилиш бўйича кўрган чоралари ичida  
либос масаласи ҳам бор. Бу масалада инсоннинг кийиниш мада-  
ниятига риоя қилиши ўзи учун обрув мартабалиги, гўзаллик ва  
зийнатлиги, жамиятнинг бошқа аъзоларини эса хурматлаш экани  
тушунтирилади.

Биз дунёвий давлат фуқароларимиз, қандай кийиниш, шубҳасиз,  
ҳар бир инсоннинг шахсий иши. Аммо бир туйгу борки, уни пи-  
санд қилмаслик кўнгилга хавотир солади. Бу туйгу гўзал хулқ.  
ўзбекона одобу андишага нисбатан эҳтиром ва хурматдир. Чукур  
ва холис назар ташлаганда, кийиниш одоби миллий ўзига хослик.  
қадриятлар ва анъаналардан келиб чиқади. Зотан, азалдан «ҳаёт ра-  
ибонинг ташқи кўриниши кийимдир», деган ҳикматона таъкид  
халқимиз орасида машҳур.

Оллох яратган ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари бор, бу нарса илохий ҳикмат асосида жорий килинган. Ҳужурот сурасининг 13-оятида бундай дейилади: «Эй инсонлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларинг билан танишишларинг учун сизларни (турли-туман) ҳалқлар ва қабила (элат)лар қилиб кўйдик. Албатта, Оллох наздида (энг азизу) мукаррамрогингиз тақвадорроқларингдир. Албатта, Оллох билувчи ва хабардор зотдир».

Демак, дунё ҳалкларининг турли миллатга мансуб бўлиб, бир-бирларидан фарқли равишда ҳаёт кечиришлари азалдан Оллоҳнинг иродаси ва илму ҳикмати тақозо этган ҳақиқат экан. Рум сурасининг 22-оятида бу мазмун янада аниқроқ баён этилади: «Унинг белгиларидан (яна бири) осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларинг ва рангларнинг хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча оламлар учун аломатлар бордир».

Бу оятлардан, инсоният ва бошқа мавжудотнинг хилма-хиллиги Оллоҳнинг қудрати ва чексиз илму ҳикматига далолат қиласидиган белги экани, деб хулоса қилиш мумкин. Хилма-хиллик, биринчи галда одамларнинг ташки кўринишида, кийган кийимларида нағоен булади. Кийинишига қараб одамнинг ички дунёси ва маънавиятига баҳо бериш барча ҳалқларда ҳам бор гап.

Демак, инсоннинг кийиниши унинг ички-маънавий дунёсининг сиртда акс этишидир, дейишимиз мумкин. Қайси инсонда уят, ҳаёл, ор-номус каби тушунчалар бўлса, ўша инсон ўз обрўсини сақлайдиган, бошқаларнинг нафратини қўзгатмайдиган ҳолатда кийинади. Бунинг устига, кийим-бош инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлгани учун, унга таъсир қилиши турган гап.

Мисол келтирадиган бўлсак, шифокорларнинг ўзига хос оқ кийим кийиши ҳамма ҳалқларда қадимдан одат бўлиб келган. Бу, аввало, шифокорларга ўз вазифасини адo этишда қулайлик туғдирса, иккинчидан, маҳсус кийим уларга таъсир қилиб, шифокорлик рухини тутиб туришда иш беради. Ҳагто, оддий одам шифокор кийимини кийиб олса, шифокорларга хос ҳатти-ҳаракатларни қилишга интилиб қолиши ҳам шундан.

Мана шу ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина мулоҳазаларга кўра исломда кийим-бошга алоҳида эътибор берилган. Дикқат билан қарайдиган бўлсак, инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири ҳам либосдир. Оллоҳ таоло кийим-бошни инсонга авратини тўссин, ўзини тузатсин, деб берган. Аммо бошқа соҳаларда ҳаддида турмаган одам бу ўринда ҳам турли бузукликларга йўл қўйди. Баъзилари кийим-бошни фахр ва гурур воситаси, иккичилари уни ҳаётдаги асосий мақсад қилиб олди. Қадр-кийматни ҳам кийим-бош билан ўлчай бошлади. Учинчилари кийимни тор ва юпка кийиб, ундан кўзланган асосий мақсадни сунистеъмол килишга кириши. Бу ҳол юксак инсоний шарафни ерга уради. Шунинг учун ҳам ислом бу ишларда ўз таълимотларини жорий қилди.

Абу Ҳомид Газзолий «Қалб ажойиботлари» номли китобида кўркам ва қимматбаҳо кийимларга ўчлик шайтоннинг инсон қалбини забт этиш учун кирадиган эшикларидан бири экани ҳакида ёзган. Дарҳақиат, шайтон инсонни умр бўйи олийнав ва фахрли кийимлар билан зийнатланишга чорлаб, шу йўл билан ҳам ўзига бўйсундиришга, нафсининг қулига айлантиришга ҳаракат киласди.

Алишер Навоий «Маҳбубул-кулуб» асарида бундай ёзган: «Эр-какларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши хотинларнинг ороиш учун безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанмок ҳар иккаласи учун ҳам номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандалиkdir».

Одобимизда айниқса аёлларнинг кийинишига катта эътибор билан каралган.

Америка тери касалликлари мутахассислари ўтказган тадки-котлар натижасида гарблик аёллар ёш бўла туриб хусн ва жозибалирини тез йўқотаётгандар, баравқт ажин тушаётгани ва унинг тез кўпайиб кетаётгани, аксинча, муслима аёлларнинг етмиш-сансон ёшда ҳам юзлари файзли, ажинсиз ва нурли экани, уларда гарб аёлларида кўп учрайдиган тери саратони (раки) хасталиги деярли кузатилмаётгани аён бўлди.

Аждодларимиздан мерос кийиниши одоби ўзлигимизни англа-тиши, асрлар шиддатига дош берган иродамиз, сабру қаноатимиз.

пок умидларимизни ифода этишини унутмайлик. Миллий кийимлар ва безак турлари тарихимиз давомида шаклланган бўлса-да, кейинги пайтда турли ўзгаришларга юз тутаётгани сир эмас. Этик ва маҳси-калиш қаторида туфлилар, чопон ва чакмонлар билан бирга пальто ва куртка, костюм-шым кияётганимиз бугун ҳеч кимни таажжублантирумайди. Умуман олганда, кийимлар барча миллат кишиларида вакт ўтиши билан озми-купми янгиланиб туради. Бу ҳол табиий. Лекин ўзгаришлар ва янгиликларни оқилона қабул қилиш керак. Миллийлик инсон ботинида ҳам, зоҳирида ҳам сикланиб қолмоги жуда муҳим масала.

Ҳалкимиз эскидан бутун жаҳонда гўзал ҳулки билан шухрат қозонган. Мехмоннавозлик, олийжаноблик, меҳр-мурувват, саховат, раҳм-шафқат, олмос тафаккур – буларнинг бари бизнинг ахлоқимизда мужассам.

Демак, кийинишимиз ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Зукко аёлларимиз, паричехра қизларимиз миллий қадриятларимизга зид бўлган очиқ-сочик кўйлаклар, тана аъзолари кўриниб турадиган кийимларни кийишни ўзларига ор деб билишган. Уларнинг калб гўзалиги ссржило матолардан шарқона назокат ила тикилган кийимларида ёрқин акс этиб турган.

Яна бир жиҳат, ўзбек қизларини беш ёшидан бошлаб оналари, опалари бичиш-тикишга пухта ўргатишган. Деярли барча қизлар чок ишларида, дўппи тикиш, сўзана ва кашталарга нақш солишини мукаммал билишган. Одобда гўзал, фикрда зукко бўлиб улгайишган.

Кисқаси, андишани хис этишган, ҳаёни, уятни англашган, ихлос, эътиқод деган тўйғулар билан қалбларини зийнатлашган.

Дарҳақиқат, сизга, айниқса, ёш оналаримизга айтадиган яна бир гапимиз бор: ҳар қандай тарбия, хусусан, насиҳат оиласда бошланади. Бола тонгдан тунга кадар ўнлаб насиҳат эшитади. Шулар орасида кашанда «чекма», сўконгич «сўкма», ўзи ярим-ялангоч эса «уни кийма», «буни кий» деган ўғитларни фарзандининг кулогига қўймокчи бўлади. Оқибатда бола насиҳатдан безади. Айримлари очиқдан-очик кўл силтаб нари кетади, баъзилари чидаб эшитади, бироқ амал килмайди. Ўз билганидан қолмайди. Бугунги кунда жамийтимизнинг юзини кора килувчи пасткашлару ёмонлар, бебош-

лару ўгрилар, гиёхвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир, дейди Абдулла Авлоний.

Тарбиясизлик балога бошлишини, бу балони факат яхши <sup>хулк</sup> билан даф этиш мумкинлигини, аввало, тарбия берувчи ота <sup>ва</sup> онанинг ўзи яхши англаб олиши керак. Фарзандга энг биринчи <sup>ях-</sup> шилик киласидиган ҳам онасиdir. Нима учун «она тили» дейми? Чунки гўдак биринчи сўзларни онасидан ўрганади. Тарбияни ҳам дастлаб она беради. Тарбиянинг бош мақсади – бир-бирига меҳр-оқибатли инсонларни вояга етказишdir. Ота-оналар яна унутма-синларки, бугун фарзандлари тарбиясига эътибор бермаган киши орадан йиллар ўтгач, уйсиз, оиласиз қолади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Абу Ҳомид Фаззолий ҳазратлари баён этган фикрларга диккат қиласиз:

– Билгин! Бола тарбияси энг муҳим ишларданdir. Фарзанд ота ва онага омонат, – дейдилар ул зот. – Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар кандай накш ва суратдан холи гавҳардир. Унга кандай накш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичida вояга етса, дунё ва охират са-одатини топади. Албатта, бу савобга унинг ота-онаси, муаллими ва унга тарбия берган ҳар бир киши шерикдир.

Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, қадриятлар, урф-одат-лар, оила қадриятларига амал килинmasa, ёмонлик ичida ўssa, бад-бахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки шу кўига солғанларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади. Бу хусусда Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оиласигиз-ни дўзахдан саклангиз» (Тахрим сураси), деб огоҳлантиради.

Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни қўриклиядиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлиядиган ҳушёрлик. Одобу тарбия воситасида яхши хулкларни ўргатиш, ёмонликлардан қайтариш, тўкин-сочинликка одатлантирмаслик, зийнатга муҳабbat уйғотмаслик билан ота фарзандининг ҳаётда ўз ўрнини ва ризкини топишга ҳамда маърифатли бўлишига асос солади. Аксинча, бола дунё бойликларида, тарбияда абадий ҳалокатга юз тутади. Болани тўкин-сочинликдан, қимматбаҳо кийимлар кийиб ўсан болалардан, бундай дабдабали ҳаётга разғбат уйғотадиганлар даврасига аралашиб колишдан асраромок ке-

рак. Чунки вояга етаётган бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, кўп холларда бу ахлоқнинг тубанлашувига сабаб бўлади. Натижада, бола улғайгач, ҳасадгўй, чақимчи, қайсар, маҳмадона, енгилтак, беҳдё, ҳамма нарсани фақат пул билан ўлчайдиган, ярамас бир кимсага айланиб қолиши мумкин.

Булардан сакланишининг бирдан-бир йўли – чиройли тарбия-дир. Кейин мактабда дарс билан машгул бўлмоқ. Қачонки, бола чиройли хулқ, мактобга арзигулик бир феъл содир бўлса, уни ҳурмат билан шарафламоқ, кўнглини қувонтирадиган нарса билан қидирламоқ, кўпчилик орасида бу феълини изҳор этмоқ зарур.

Демак, ёш оналаримизга айтадиган яна бир гапимиз бор: ярамас, бузук ишларнинг эшиклари саноқсиздир. Ҳушёрлик, сезгириликни сира ҳам қўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат ғимасангиз, ярамас, бузук йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

**Эҳтиётсизлик – шайтонга асир бўлишдир!**

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Президентимиз Ислом Каримовнинг яқиндагина жаҳоннинг кўзга кўринган мухбирлари берган саволларга жавоб бера туриб: «Менинг ишончим комилки, сизларни ишонтириб айтаманки, иймонсиз одам ҳайвондан беттар», деган эди. У киши яна: «Мен Куръони каримни ўқиб чиқдим. Куръон – бу муқаддас китоб, ислом – бу пок дин, ислом ажойиб инсонни тарбиялайдиган дин» деган гапларни бутун дунёга баралла айтишларининг ўзи бизнинг жуда катта баҳтимиздир. Бу сиёсатимизнинг оқилона олиб борилаётганидандир. Ўлаймизки, бу нарсалар келажакда янада ривожланиб, баҳтимиз, саодатимиз, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўсиб келаётган мънавий етук, баркамол шахс тарбиясига ижобий таъсирини, албетта, кўрсатади.

**ВЗАИМОСВЯЗЬ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ И  
ОБЩЕСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ ПО ПОДГОТОВКЕ  
МОЛОДЫХ ЛЮДЕЙ К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ  
В ПЛАНЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПРОГРАММЫ  
«ЗДОРОВАЯ МАТЬ И РЕБЕНОК»**

**Д. Улжасова,**

*учитель русского языка и литературы  
специализированной школы № 37 Пахтаабадского  
тумана Андикянской области*

*Главная цель идеи национальной независимости – объединить народ во имя великого будущего, побуждать каждого гражданина страны, независимо от его национальности, языковой и религиозной принадлежности, к жизни с чувством постоянной ответственности за судьбу своей Родины; воспитывать гордость за богатейшее наследие предков, накопленные духовные ценности и благородные традиции; формировать высоконравственных и гармонично развитых людей; превращать в смысл жизни самоотверженность ради нашей священной жизни.*

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

Бракоразводные процессы среди молодых продолжают стремительно расти, несмотря на проводящуюся профилактику по пресечению мер и обнаружению доминантных факторов.

Мы предполагаем, что основная первопричина таится в семейном очаге, ведь прелиминарии воспитания прослеживаются именно в семье.

Человек формируется как личность постепенно. С момента рождения он включается в существующую систему общественных отношений, всегда находится в определенных взаимоотношениях с другими людьми. Эти общественные отношения и формируют человеческую личность: человек усваивает принятые в данном обществе правила поведения, обычаи, нравственные нормы.

Кто же формирует личность? Наверное, в первую очередь, родители, с первого дня жизни.

Личность формируют воспитатели, учителя, родные и близкие. школа.

**Личность формируют общество, окружающая среда.**

**Нас формирует природа: лес, река, цветы, дождь, горы, степь, пустыня, космос, звезды...**

**Формируют случайные люди – какой-нибудь прохожий мельком бросил слова, врезавшиеся в память на всю жизнь.**

**Итак, личность человека кто-то или что-то формирует или разрушает. Кому говорить спасибо и где искать виноватого? Посмотрите в зеркало – и вы найдете ответ. Человек прежде всего формирует себя сам!**

**Чтобы вы ни делали, будьте честными с самим собой, будьте искренними перед собой. Для этого нужно большое мужество. Но это то главное, что формирует личность.**

**Очевиден тот факт, что большая часть сегодняшнего поколения перестало читать. Перестало увлекаться искусством и наукой, политикой и образованием. Это влечет за собой профанации в воспитании и формировании духовно богатой и гармонично развитой личности. Гораздо труднее превозмочь регрессию отклонений в нравственности и моральной устойчивости индивидов, нежели своевременно успеть нуллифицировать их.**

**В данной ситуации преференция предоставляется школе + семье, а также махалле.**

**В школе индивид проводит большую часть времени, а задача классного руководителя заключается в гуманистическом отношении к каждому ученику, контролированию его поступков, деяний, умению сугубо индивидуального подхода и оценке моральных качеств, уважении его.**

**Главенствующей доминантой в дидактическом отношении отличают то, в какой мере педагог проявляет любовь и уважение к детям, и насколько продуктивна его методика обучения и воспитания.**

**Необходимо учитывать и то, умеет ли учитель целесообразно направлять, и есть ли у него самого талант вдохновлять и опирается ли он Стандартам Государственного Образования? Насколько глубоко образован сам педагог, отвечает ли требованиям компетентности современного учителя? Эти общественно-значимые факторы непрерывно реформируются в законах об образовании и подвергаются тщательной апробации.**

**Самой важной целью образования является необходимость сделать человека «Человеком» в истинном смысле этого слова. «Чело-**

век» в истинном смысле этого слова – это высоконравственная личность. А характер личности определяется такими ценностями, как честность, сотрудничество, забота о других, сочувствие, сострадание и т.п. Таким образом, целью образования является умение направить человека в нужное русло и оказать ему помощь в усвоении этих ценностей. Без этого образование нельзя назвать настоящим или завершенным.

Семья же считается священным уголком, и именно в семье воспитываются духовно-нравственные аспекты:

- чувство собственного достоинства;
- вера в собственную ценность и уверенность в себе;
- ответственность и способность отвечать за свои поступки и действия;
- справедливость;
- объективная оценка личностных качеств;
- стремление к совершенству;
- внутренняя потребность делать все как можно лучше.

Человек становится человеком в обществе себе подобных. Семья – основная ячейка нашего общества. Она воспроизводит главное общественное богатство – человека. Семья, дом, дети являются одним из этапов развития человеческой личности. Семья одновременно выступает малой группой – самой сплоченной первичной и стабильной ячейкой общества. Это группа лиц, живущих в одном доме, которые ведут совместное хозяйство и находятся в отношениях родства, брака или опекунства.

Воспитание подрастающего поколения на Востоке имеет свои особенности и традиции. С древних времен в городах Средней Азии существуют общинны, образованные по территориальному признаку, которые называются махаллей. Жители махалли из поколения в поколение передавали особый образ жизни, духовные и нравственные нормы поведения, обычаи и обряды. Решения по наиболее важным вопросам принимались сообща.

На сегодняшний день в компетенцию махалли входят многие полномочия и функции, которые раньше выполняли государственные структуры: например, принятие решения о государственной помощи малообеспеченным семьям, социальных пособиях семьям, имеющим детей, оказание содействия городским службам в благо-

устройстве дворовых территорий и содействие органам внутренних дел в охране общественного порядка.

Но есть и обратная сторона медали. Ввиду того, что в семье должны превалировать добродорядочные отношения, нормативные морали поведения и этические принципы, не всегда случается так, как хотелось бы. Семья – как говорится выше, связующая главная нить при формировании целостно-нормативных и морально-нравственных качеств индивида. Но соответствуют ли данным требованиям некоторые семьи? Как можно оправдать ранние браки и громадное количество разводов? Кого надлежит обвинить в подобных аморальных комплексах? Крайне важно пресекать ранние браки, так как морально несформированные юные люди, в большинстве случаев создают неблагоприятную почву для деторождения и дальнейшего полноценного развития индивида. Окончив школу и по обязательному методу едва поступив в среднеспециальные учреждения, полуученые-полудети вступают в брак, сами еще не ведая, что это серьезный шаг. Конечно, данная ситуация обходится не без участия родителей. Если выражаться конкретнее, вся инициатива исходит от них. Горько осознавать этот факт, но не следует неглигировать к подобным вещам. Напротив, надо пресекать такие случаи на корню. Малообразованные родители несовершеннолетних детей объяты желанием поскорее увидеть своих чад состоявшимися, счастливыми, а самих себя освободившимися от родительских обязанностей. Умалчивается денежный вопрос. А в итоге, несчастные в браке молодые люди, чувствующие уязвленное самолюбие и неудовлетворенные чаяния, более того, чувство прострации от осознания несбытий надежд и ожиданий. Вследствие дальнейшего недопонимания друг друга, несоответствия характеров и неготовности к самостоятельной семейной жизни происходят бракоразводные процессы. Самое ужасное в таких ситуациях – вмешательство свекровей, действующих по принципу если не она – так другая! В начале они измучают любовь и ласку к будущей невесте, играют роль, после свадьбы снимают маску. Становятся нетерпимыми к малейшему недостатку, проявляемому со стороны снохи. Казалось бы, мелочи жизни. Но таких мелочей прибавляется все больше и больше. Число матерей-одиночек непрерывно растет. Неродившиеся дети

обречены стать сиротами. Немало разведенных молодых людей ощущая моральную ущемленность и психологическое одиночество, отчиваются и легко поддаются под влияние чуждых влияний, сродни экстремистским идеологиям, покидают отчий дом, страну с единственной целью – забыть боль и избавиться от депрессии. Уезжают в Россию, Сирию, Турцию, Дубай и т.п. Испытывают чувство тоски по Родине, родным и близким, решают документальные проблемы с целью легального положения на чужбине, а также воспринимаются как гастарбайтеры. Это тяжко осознавать но проблема существует. И надо находить наиболее оптимальные решения по этим глобальным вопросам.

Мы предлагаем вводить факультативные конструкции для девушек и юношей (назначается учащимся в колледжах):

- введение курса «Субординация невесток», «Формулы счастливой жизни, или галантность настоящего мужчины»;
- консультация для юных девушек и юношей «Взаимоотношения мужа и жены» «Умение пойти на компромисс»;
- разработка комплексных технологий по ведению домашнего быта, семейного бюджета.

В махаллях нужно проводить лекции-семинары на тему «Педагогика внутрисемейных отношений» для женщин-свекровей и будущих свекровей, с целью обучения взаимоотношениям с невесткой, разъяснить трагичность разводов и глобальные проблемы, связанные с негативными моментами этих процессов.

## СӨГЛӨМ ОИЛА – ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ш. Жумасев.

*Тошкент вилоят ХХХҚТМОИ ижтимоий-  
иқтисодий фанлар кафедраси мудири*

Хозирги замонда мафкуравий кураш тобора кескин тус олмокда. Энг даҳшатлиси шундаки, дунёда миллионлаб оилалар мафкуравий хуруж қурбонига айланиб боряпти. Масалан, бугун миллий маънавиятимизга зид бўлган «замонавий» гарбона кадриятлар чунончи: эркин муҳаббат, бир жинслилар никоҳининг конуний-лаштирилиши, худбинлик, индивидуализм, маънавий қашшоқлик, фарзанд, ота-она, кариндошлилк каби бир қатор умумисоний

кадриятларга зид бўлган иллатлар пайдо бўлмоқда. Маънавий таҳцидлар кириб келиш хавфи кучаймокда. Бу кадриятлар шу дарахада хавфлики, улар ривожланиб, истиқболда умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилиши мумкин ва миллатнинг маънавий жиҳатдан пароканда бўлишига олиб келади. Бундай таҳдид хуружларга факат кучли гоя, соглом мафкурага эга бўлган оиласиагина қарши тура олиши мумкин. Бунинг учун ҳар биримиз фарзандларимизни ўз домига илинтиришга интилаётган бузгунчи гояларнинг мазмун-моҳиягини чукур билишимиз ва авлодимиз давомчилари фарзандларимиз онгига сингдиришимиз шарт. Чунки мамлакатимиздаги тинчлик ва баркарорлик кўп жиҳатдан оиласлардаги соглом маънавий муҳитга боғлик. Шу сабабли Юртбошимиз Ислом Каримов: «...оила соглом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат баркарордир»<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар.

Маълумки, биз бугун эркин, демократик жамият қуряпмиз. Шу сабабдан ёшларнинг кўзига тўсик кўйиб, уни кўрма, буни ўқима, бунисини эшитма, деб бўлмайди. Бунинг ҳеч иложи ҳам йўқ. Улар аввало радио, телевидение, матбуот ва Интернет орқали бизга нисбатан кўпроқ нарсаларни билишга, куришга интилади. Афсуски, Интернет тармогида ўрнашиб олган ёвуз кучларнинг юртимиз ютукларини кўролмасдан таркатаётган бўхтон ва тухматдан иборат маълумотларини айрим ёшлар ўқиб, баъзан уларга ҳамфикр бўлиб, здашиб кетаётганлари ачинарли ҳолдир.

Шундай бир шароитда биз ота-оналар қандай йўл тутишимиз керак? Фарзандларимиз нималардан огоҳ бўлиши зарур? Қайси кадриятларимизни эъзозламоқ керак? Қайси урф-одат ва анъана-римизни келажак авлодларга мерос қилиб колдирмоқ лозим? Авло-димиз давомчиларини ёвуз кучлар таъсиридан қандай асраримиз зарур?

Биз фарзандларимиз тарбиясида шундай йўл тутишимиз лозимки, токи улар ёмондан, ҳаромдан ҳазар қилсин, андишасизликдан уялсин, соткинликни ор деб билсин. Четдан ёпирилиб келётган «коммавий маданият» гирдобидан узоқ юрсин. Ўз миллий кадриятлари, она ҳалқи ва азиз Ватани билан гурурлансин. Бунинг учун эса энг аввало, ота-оналарда ана шу фазилатлар мужассамлаш-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. –Т.: «Маънавият» 2015, 58-бет.

ган бўлиши ва улар бу фазилатларни меҳру муҳаббат, сабру қаноат билан ўз фарзандларига сингдириши керак.

Кўп йиллик педагогик тажрибаларимиздан шунга амин бўдикки, айрим ота-оналар «Фарзандимизнинг таълим-тарбиясида кўпроқ ўқитувчи муҳим роль ўйнайди. Биз боламизни кийим-кечак, озик-овқат билан, умуман, моддий жиҳатдан таъминлаб турсак бўлди» деб ўйлашади. Бундай ота-оналардан «Охирги марта қайси китобни ўқидингиз?», «Фарзандингиз нималарни ёқтиради?», «Болангизнинг дўсти ёки дугоналарини биласизми?», «Фарзандингизнинг дарс тайёрлашини назорат қилиб, кўмаклашасизми?», «Унга қандай ибратли хикоятларни айтиб берасиз?», «Фарзандингиз учун қандай бадиий китоб харид килдингиз?», «Болангиз қайси телеканалларни томоша қиласди?», «Фарзандингиз кўл телефонида нималар борлигини биласизми?», «Болангизга пул бергандан сўнг, назорат қиласизми?», «Болангиз учун қанча вакт ажратасиз?» деб сўраймиз. Афсуски, кўп ҳолларда улардан жўяли жавоб чикмайди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган янгиланишлар, ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилди. Ана шу янгиланишлар, ислоҳотлар ва туб ўзгаришларнинг замирида шубҳасиз, халқимизнинг дунёкараши ўсганини асосий омиллардан бири, деб айтиш мумкин. Дунёкараш эса ўз-ўзидан шаклланмайди, ўсмайди. Унинг шаклланишида оила ва таълим-тарбия соҳасининг ҳиссаси бекиёс. Биз яшаётган ҳозирги глобаллашув даврида оила ҳамда устоз-мураббийларнинг зиммасига икки баробар масъулият юклатилмоқда. Чунки инсоният яшаган барча давларга нисбатан ҳозирги таҳликали давр ота-она, устоз-мураббийларнинг гарбия соҳасидаги ишига жиддий зарар етказмоқда. Ахир, биргина Интернет тармоқларида минглаб диний экстремистик, террористик ва ахлоксизлик каби бузгунчи гоялар тарқатилаёттанинг ўзиек ота-она ва муаллимлардан глобаллашув даври боласига қандай таълим ва тарбия бериш кераклигини тубдан кайта кўриб чикишни такозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она юргимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir» номли китобларидаги мана бу фикр ҳам ҳозирги кундан қандай таҳликали замонда яшаётганимиздан далолатdir: «Агары биз ХХI асрда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари. Интернет ва интеллектуал тараккиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир

даврда яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз накадар шиддатин суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айниқса, чукур ҳис қиласиз»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн беш миллион<sup>2</sup> аҳоли бевосита Интернэтдан фойдаланишмоқда. Шу ўн беш миллион аҳолининг саккиз миллиони ёшлар, шу ёшларнинг аксарият кўпчилиги «Одноклассники», «Facebook», «Twitter» сайтларидан фойдаланишмоқда. Минг афсуски, ижтимоий тармоқларда ҳам одамлар ва айниқса ўкувчи-ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатётган иний экстремизм, терроризм, ахлоксизлик, гиёхвандлик сингари гояларни тарғиб этётган минглаб таҳдидлар бор.

Булардан ташкири. бугун ўкувчи-ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган уяли телефон ва аудио-видео диск сингари воситалар ҳам ютта хавфга айланиб бормоқда. Айниқса, мобил телефонлар ҳар бир фуқаронинг, жумладан, ўкувчи-ёшларнинг энг асосий алоқа воситасига айланиб улгурди. Аммо, минг афсуски, ўкувчи-ёшлар учун мобил телефонлар фақат алоқа воситасигина эмас, балки турли ёт гоя ва мағкураларнинг ёзиг олинаётган манбаларига ва тарқатиш куролига айланиб бормоқда. Уларнинг мобил телефонларига ёзиг олаётган аксарият «қизиқарли» маълумотлар асосан Интернетдан олинмоқда. Жойлардаги баъзи Интернет кафелар. Пайнэт электрон тўлов шоҳобчаларининг айрим «жонкуяр» тарғиботчилари ўкувчи-шларнинг мобил телефонларига бундай маълумотларни кучириб беришга кагта ҳисса қушмокдалар.

Глобаллашув даврида таълим ва тарбия ишига фақат муалиму мураббийлар олиб бораётган ишнинг ўзи етарли эмас. Бу жабҳада ота-она, маҳалла, турли давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги яхши самара беради. Аммо, масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам борки, унга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Гап ота-оналарнинг ўзлари глобаллашувнинг салбий таъсирларидан огоҳми ёки йўқми деган масала хусусида бормоқда. Айрим оиласаларда ота-оналарнинг ўзлари глобаллашувнинг «фарзанди» бўлган «комманий маданиятининг таъсирига аллақачон тушиб улгуришган. Хўш, мана шундай оиласалар ўз фарзандларини қайси руҳда тарбиялайди? Ота-она ўзи тарбияланмаган бўлса, боласини қандай тарбиялайди?

Ислом Каримов. Она юргимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат – энг олий саодатлар. –Т: «Ўзбекистон». 2015, 44–45-бетлар.  
Маърифат» газетаси 2016 йил 3 февраль.

Ёки айрим оиласарда бола тарбияси фақат оналарнинг зиммасига юклаб қўйилган. Бизнингча, бундай оиласардаги ота-оналарни аввало ўзларини тарбиялаш лозим бўлади. Яна бир мухим масала, таълим муассасаларида болаларимиз узоги билан саккиз соат давомида таълим-тарбия олишади. Уларнинг қолган олти соат фаод вақтлари уйда, кўча-кўйда, жамоат жойларида, Интернет кафелар ва турли кўнгилочар жойларда ўтади. Муаммо шундаки, болаларимизнинг мактаб таълимидан кейинги беш-олти соатлик вақтларини тўғри ташкил этишимиз лозим. Тўғри, давлатимиз томонидан болаларимизнинг жисмонан соглом ва маънан етук бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, мамлакатимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилган футбол, спорт майдончалари фаолияти таҳсинга сазовор. Кўпгина болаларимизнинг буш вақтлари мана шу футбол ва спорт майдончаларида мазмунли ўтмоқда, бу яхши, албатта. Аммо мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш барча жойларда ҳам тўғри йўлга қўйилмаган.

Хулоса килиб айтганда, болаларимиз таълим ва тарбиясидаги мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг олдини олиш, келажак авлодни бузгунчи хуружлардан ҳимоя қилиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига» байрам табригида таъкидлаганлариdek, таълим-тарбия муассасалари, ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигигина бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишда мухим аҳамиятга эга<sup>1</sup>. Шунинг учун аждодларимиздан бизга этиб келган ўз она Ватанига садоқат, аждодлар хотирасига ҳурмат, ота-онага ва ёши кексаларга эҳтиром кўрсатиш, уят ва андиша, ор-номус ва ҳаё, сабр-тоқат, вазминлик, меҳр-оқибат, меҳмондустлик, бағрикенглик, кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб ўй-ҳовлини супуриб-сидириб қўйиш, кўча ва маҳаллаларни тоза тутиш, бетоб кишилардан хабар олиш, оқар сувни ифлос қилмаслик, чанқаган йоловчига сув бериш, оёқ остида ётган нон ушогини олиш, дараҳт экиш, ёрдамга муҳтоjlарга беминнат кўмаклашиш каби миллий қадрият ва урф-одатларимизни ўкувчи-ёшлар қалби онгига сингдириш жамиятимиздаги ҳар бир инсоннинг виждан амрига айланиши лозим.

<sup>1</sup> «Маърифат» газетаси. 2015 йил 1 октябрь.

## 5- ш ў б а.

# ЁШЛАР ОНГИДА ЁТ ФОЯЛАРГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШДА МИЛЛИЙ ФОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

## ЁТ ФОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Б. Ширев,

*Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг  
қилиши мустақил институти Тошкент вилояти  
ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси*

Н. Аҳмедов,

*Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг  
қилиши мустақил институти Тошкент вилояти  
ҳудудий бўлинмаси катта мутахассиси*

*Миллий гоя, биринчи навбатда, ёш авлодимизни  
сатанингаарлик, 11-юртга садоқат руҳидаги тарбиял-  
лаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик  
фазилатларини пайванд қилишдек, олийжаноб ишга-  
римизда маадақор булиши зарур.*

Ислом Каримов

Бугун Марказий Осиё минтақасида турли мағфаатлар ва мағку-  
ларнинг аёвсиз тўқнашуви қузатилмоқда. Бу ҳудудни ўз геосиёсий  
манфаатларига мослаш мақсадида айрим кучлар демократия ва ин-  
сон қуқуларини ҳимоя қилиш ниқоби остида кенг кўламдаги мағ-  
куравий тазйикларни уюштирумокда, аксарият ҳолларда ҳали онги  
шукрланиб улгурмаган ёшлардан курол сифатида фойдаланмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ташки таҳдидлар ва бузгунчи таъ-  
сирлардан ҳимоя қилиш мамлакатимиз барқарор тараққиётининг  
асосий омили саналади. Узбекистон Республикаси Президенти Ис-  
лом Каримов ана шундай хавф-хатардан огоҳ этиб, «Бугунги кунда  
одимзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатла-  
ригагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган  
турли маъно-мазмундаги мағкуравий ҳамлалар таъсирини доимий

равищда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам үз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўттан ҳәётй-миллий қадриятларга, соглом негизда шаклланган дунёқарашиб мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги таъсирига бардоши бериши амримаҳол<sup>1</sup>, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва хуқуқий соҳалардаги манфаатларини ҳимоя этиш давлат сиёсати даражасига кўгарилди. Йигит-қизларнинг хуқуқий онгини ошириш, сиёсий маданияти ҳамда маънавий савиасини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, миллий истиқбол гоясини ёшлар онгига сингдириш вазифалари долзарб, деб белгиланди.

Миллий гоя фикрни – фикрдан, гояни – гоядан, маърифатнинг – жаҳолатдан фарқини кўришга, эзгу фикр, гоя ва амаллар билан бирга ёвуз, тажовузкор фикр, гоялар борлигидан ҳам огоҳ этади. Миллий гоя инсонларни, ҳалқни, миллатни эзгу фикр, гоялар ва амаллар атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Уларда ёвуз ва тажовузкор гоянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан гоявий иммунитетни мустаҳкамлайди. Эзгу, бунёдкор гоялар билан яшашга, ўз фаолиятини эркин, фаровон ҳаётга йўналтиришга ҳаракат қилади. Миллий гоя бу Узбекистон жамиятининг, ўзбек ҳалқининг мақсадлари, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш йўлларини, шартшароитларини кўрсатиб берадиган ана шундай эзгу мақсадларга сафарбар этадиган, унга хизмат қилишини ўз олдига улкан вазифа қилиб кўйган гоялар мажмуидир.

Хозирги энг мухим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, аввалимбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камолӣ топтириш, уларнинг қалбида миллий гоя, миллий мағкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида гарбиялашдан иборатдир.

Гоя – инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар тұгрысисида илгари сурилган изчил

фикрлар шакли. Гоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, рухиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатта чорладиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

Инсон онгининг маҳсули сифатида гоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Гоя – у ёки бу ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ё кўллаб-куватлаб, ҳимоя ёлади ёки рад этиб, унга карши курашишга даъват қилади. Гоя – объектив воқелик ҳодисаларининг инсон тафаккурида акс этишидир.

Гоялар дунёни ўрганишга ва амалий ўзгарувига хизмат қилади. Инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам гоялар мухим ўрин ўтади, инсоният тарихи – гоялар тарихидир.

Муайян миллатнинг миллий мағкурасида, миллий урф-одати ва тартибларида ҳамда динида акс этмаган, менталитетига мос бўлмаган. Ўша миллатнинг тараққиёти учун эмас, балки кайсиридир маънодаги инқирозига олиб келиши муқаррар бўлган гоялар ўзини ана шу миллат вакили, деб хисобловчилар учун ёт гоялар хисобланади. Мисол сифатида мустақил Узбекистонимизнинг миллий мағкурасини көладиган бўлсан, унда бош мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган асосий гояларимиз – «Ваган равнаки», «Юрт тинчлиги», «Ҳалқ фаровонлиги», «Комил инсон», «Ижтимоий ҳамкорлию», «Миллатлараро ҳамжиҳатлию», «Диний бағрикенглик» гоялари келтириб ўтилади. Колган бунёдкор гоялар (тинчлик, тенглик, дустлик, хурфикрлик, бағрикенглик, озодлик, вақиғпарварлик, мустакиллик, адолат, ҳамкорлик, бирдамлик, маърифатпарварлик, ҳалқпарварлик, инсонпарварлик ва бошқалар) эса ана шу асосий гояларнинг ҳаётда ўз аксини топиши учун хизмат қилади. Умуман, ватанимизнинг равнақ топишига, юртимиз тинчлиги ва ҳалқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган, инсонларни камолот сари етаклайдиган ҳамда ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни тарғиб қиладиган барча бунёдкор гоялар миллий гоямиз саналади. Демак, ўз-ўзидан ана шу мақсадлардан бошқасини кўзлаган, биз миллий гоямиз деб тан олмаган, аниқроғи, уларнинг аксига хизмат қиладиган гоялар, биз учун бегона бўлган бузғунчи гояларни вайронкор гоялар, ёт гоялар деб атаймиз.

Бугунги кунда бутун дунё ҳалқларини ташвишга соглан терроризм, диний экстремизм ва бошқа глобал хавф-хатарлар орасида яна

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Г.: «Маънавият» 2015. 113-бет.

бир кўзга ташланмас хавф, ёт гояларнинг миллиатга ва миллийликка таҳди迪 ҳам пайдо бўлдикни, ўтмиши бакувват, илдизлари чукур, дуне ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавкеига эга бўлган ҳалқлар бу хавфнинг аянчли оқибатлар келтиришини дарҳол англаган ҳолда унга қарши тегишли чоралар кўрмокда. Маънавий таҳдидларга қарши курашдаги асосий вазифа ҳалқимизнинг онги ва қалбига миллий гояни сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш кераклиги ҳакида биз юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Дарҳакиқат, бу вазифани амалга оширишда мафкуравий тарбиянинг ўрни катта. Мафкуравий тарбия эса жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрглари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини такозо қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мафкуравий тарбия таъсирида шакллантирилган мафкуравий иммунитет маънавий таҳдидларнинг олдини олишда ва ёшларни унинг таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади.

2006 йилнинг 25 август куни Президентимиз Ислом Каримов томонидан имзоланган «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон Қарорининг бош мақсади ҳам асосан ёт гояларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, унинг миллий кадриятларимизни, урф-одатларимизни сақлаш ва ёшларимизни унинг таъсиридан асраб-авайлашдаги аҳамияти бекиёсдир. Чунки янги аср бошиданоқ ёшларимиз онгига бегона турмуш тарзини тарғиб этиш орқали уларни миллийлигидан, ўзлигидан бегоналаштирадиган ахборот хуружларига, бизга мутлако ёт бўлган аксилмафкуравий тарғиботга қарши курашни ташкил қилиш ҳаётий эҳтиёжимизга айланиб бормокда.

Миллий қонунчилигимизда ёшларни носоглом ахборотлардан ҳимоялаш механизmlари мукаммал тарзда ишлаб чиқилган Колаверса. ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясига асосий эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида беҳаёлик шафкатсизлик ва зўравонлик ҳакида хикоя қилувчи, инсон қадр қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи

биётларни тарқатиш, шунга оид фильмларни намойиш этиш қатый тақиқияткаб күйилган. Шунингдек, Президентимиз томонидан имзоланган «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар санарадорлигини ошириш тұғрисида»ги Қарорнинг бош мақсади ҳам асосан ёт гояларнинг олдини олишга қаратылған булиб, унинг миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни саклаш ва ёшларимизни унинг салбий таъсиридан асраб-авайлашдаги ахамияти бекісседір.

Чунончы, ёшларнинг онгига миллий истиқолол гоясини сингдириш, шу асосда уларда жамиятимиз тараккиётіга түсік бұлаёттган мағкуравий таҳдидларга қарши курашиш, турлы ёт гояларга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантириш, ватанпарварлық, миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналаримизга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида истикомат қылувчи барча миллат ва эллатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат хисси билан караш, уларни өзөзлаш ҳамда мустақил ва әркін фикрга зәғисе гөздөдділі ёшларни ҳар томонлама құллаб-куватлаш – Қарорнинг асосий омилидір.

Глобаллашув жараёнида кечеңнің кечеңнің түгри галкин қила олиш, ҳар бир вокеликни миллий манбаатларимиз ва қадриятларимиз асосида таҳлилдан үтказиш улкан ахамият қасб этади. Бунинг учун эса миллий гоя ва мағкурамиз мустақам бўлмоғи лозим. Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар санарадорлигини ошириш тұғрисида»ги Қарори ҳам миллий қадриятларимизни янада ҳурмат қилишга қаратылған ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Зоро, ҳалқимиз, айникса ёш авлод онги ва тафаккурига сингдирилған миллий гоя ҳар қандай ёт гояларнинг таъсирига берилиб қолмасликни гъымнилаши билан бирга, уларга муносиб жавоб қайтариш күнин масини ҳам шакллантиради, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишга ва уни асраб-авайлашга ундейди.

Шу нұктан назардан, ёшлар билан бөглиқ муаммоларни ҳал үтишда илғор тараккиётта хизмат қылувчи миллий ва диний қадриятлардан фойдаланиш, уларни замонавий демократик қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда, ёш авлодни ҳар томонлама стук ва баркамол килиб тарбиялаш масаласига бугун юртимиз-ақатта ахамият берилмоқда. Айни пайтда ёшларни маънавий қимоялаш тизимининг механизмини ишлаб чикишга ҳам эътибор

қаратилмоқда. Чунки ҳозирги глобаллашув шароитида, бир томондан, миллий қадриятга, иккинчи томондан, замонавий қадриятларга асосланган маънавий-хукукий янгиланиш жараёнларини амалга ошириш алоҳидатарзарб бўлиб қолмокда.

Ўзбек халқининг ибраторумуз, айниқса, ёшларни тарбиялашада катта таъсир эта оладиган урф-одатлари, анъаналари, расм-руслари ва маросимлари борки, буларни ёшлар онтига, кундаклик хаёттарзига сингдириш уларнинг маънавий таҳдидлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишдаги муҳим вазифаларимиздан биридир.

Хуллас, токи дунёда таракқиётта интилиш, бунёдкорлик хиссабор экан, жамиятда илғор гоялар тугилаверади. Бузгунчилиг гояларининг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшамок ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Ёт гояларга карши биз ўз олийжаноб гоямиздан мактабларимизда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, олий ўкув юргларида, меҳнат жамоалари ҳамда жамиятимиздаги барча муассаса ва қатламларда, айниқса, оиласарда бизга мутлақо бегона бўлган зарарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга қарши чиқишимиз лозим. Бунинг учун эса Президентимиз айтганларидек, фикрга қарши фикр, гояга қарши гоя ва жаҳолатта қарши маърифат билан курашиш бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра мухимроқдир.

## ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ГОЯНИ СИНГДИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

М. Воҳидова,

Бухоро мұхандислик-технология  
институты ижтимоий ғағиғар  
кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий ва миллий ўзлигини англаши, янги демократик қадриятларнинг шаклланиши, очик демократик, ҳукукий давлат қурилиши ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишидек қийин, аммо жўшқин ва изчи жараёнлар кечмокда. Жамиятнинг либераллаштирилиши мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик ва толерантликни мустаҳкамлаш

имониятларини янада кенгайтиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг I сессиясидаги нутқидаги: «Хар қайси ижтимоий тоифа ва катламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, эмалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш дикқатимиз марказидаги булиши шарт. Бу ишлардаги пировард мақсадимиз – иймон-этикоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришdir. Яъни, мустақил дунёқарашга эга аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган барқамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат»<sup>1</sup>, – деб сийдлаган эди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, республика раҳбарияти мамлакат ҳалқларини ягона давлат таркибиға жиспластиришга қаратилган стратегиясини ишлаб чиқиш ва изчил сиёсатни амалга оширишга киришди. Зеро, собиқ шўро ҳокимияти тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий ва диний ҳис-туйгулар, анъаналар ва майданиятнинг ҳар қандай шаклда инкор этилиши жамиятни парондадликка олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида демократия инсон, унинг ҳаёт эркинлиги, шаъни ва бошқа бўлинмас ҳукуклари олий қадриятдир, деган умуминсоний принципларга таянади. Ўзбекистонда мустақиллик ўлон қилинган кундан бошлаб, демократик принципларни шакллантириш ўзбек заминидаги истиқомат қилаётган миллатларнинг ҳукуклари. Ҳар бир ҳалқнинг анъана ва удумлари, тилини ривожлигириш ва уларга бўлган ҳурматни янада мустаҳкамлаш борасида изчил иш олиб борилмоқда<sup>2</sup>.

Ёшларни ижтимоий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини шакллантириш ёшларга оид сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ушбу конунга мувофиқ, ёшларга оид сиёсат асосланадиган принципларнинг белгиланиши бунинг ёрқин далили бўлиб хизмат қиласи. Уларга мисол қилиб, жумладан, «миллий, ирқий, диний, тил мансублиги, ижтимоий аҳволи, жинси, маълумоти ва сиёсий қарашларидан

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Оюд ва обод Ватан, ёрқин ва фаровон ҳаёт – пировард маселенинг 8-жилд. – Г.: «Ўзбекистон», 2000, 341-бет.

<sup>2</sup> Мы благодарны тебе, Узбекистан! // Узбекистан – страна толерантности. – Т.: «Ўзбекистон», 2007, 268–275-бетлар.

қагъи назар, ёшларга ғамхўрлик қилиш», «ёшларни ҳукукий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш», «ёшлар ташаббусларини қўллаб кувватлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ёшлар томонидан ўз манфаатларини амалга ошириш йўлини танлаш кафолати», «жамиятни, айниска, республика ёшларининг ҳаётини ривожлантириш дастурлари ва сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштироки», «хукуқ ва бурч, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва хукукий демократик давлат қурилиши, ёшларга оид давлат сиёсати принципларининг изчил амалга оширилиши тез орада Ўзбекистон Республикаси ёшларининг мустақил ижтимоий ҳаракати ҳисобланган «Камолот» ташкilotининг шаклланишига имкон яратди. Ушбу ҳаракат мамлакатда фаолият курсатаётган барча сиёсий партиялар, ижтимоий гурӯҳлар билан тенг ҳукукли ҳамкорликни таъминлаш, ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари ва ўз позициясини онгли равишда танлашларига кўмаклашиш билан боғлиқ дастурий мақсадлардан бирини изчил амалга ошириб келмоқда.

Барча олий таълим муассасаларида фуқаролик жамияти ва демократик хукукий давлат барпо этиш борасида жаҳонда тўпланган тажрибанинг ўрганилиши талаба-ёшларнинг республика ҳаётида фаол ва онгли равишда иштирок этишларига кўмаклашмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар томонлама ислоҳотчилик сиёсати, фуқаролик жамияти ва демократик давлатнинг босқичма-босқич барпо этилаётгани, ёшларга оид давлат сиёсати принципларининг изчил қўлланиши, сиёсий партиялар. но давлат-нотижорат ташкилотлар. оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар ёшларимиз жадал ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этилаётганини, жамиятнинг ижтимоий-демографик гуруҳи сифатидаги хусусиятини акс эттирувчи тамоман янги сиёсий маданиятга эга эканини, кўп миллатли ва кўп динли мамлакатимиз шароитида ижтимоий-маънавий еҷимларга асосан доимий равишда ривожланиб бораётган толерантликсиз таъсавур қилиб бўлмайдиган амалий сиёсий фаолликни намоён этаётганликларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистондаги ижтимоий-маънавий жараёнларнинг изчил демократик йуналиши, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи сайлов жараёнларининг демократик моҳиятга эга экани ушбу ижобий ҳолатнинг яна бир тасдиғидир. Президент Ислом Каримов таъсиллаганидек: «...биз ўз олдимишга кўйган максадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда аввало миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод қадрларини тайёрлаш масаласини мухим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўттарганимиз ҳаммамизга яхши аён»<sup>1</sup>.

Маънавий, айниска ижтимоий-фалсафий мерос Ўзбекистон ҳалклари маънавий ҳаётининг, ёшларнинг маънавий-ахлоқий шаклланиши ва юксалишининг самарали омилларидан бири ҳисобланади. Бу мерос жуда бой ва серқирра бўлиб, ижтимоий-маънавий ҳарабаёнлар чогида пайдо бўладиган аниқ мақсад ва эҳтиёжлар туфайли у ёки бу шаклда ўзини намоён этади. Ёшларни толерантлик жиҳатидан ижтимоий-ахлоқий юксалтириш муаммосини ҳал этишда ижтимоий-фалсафий мерос алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зоро, мустақиллик йилларида олиб борилган тарихий-фалсафий тадқиқотлар, толерантлик муаммосининг турли жиҳатларини илмий ўрганиши бу мероснинг бой анъаналарга эга эканидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-фалсафий мероснинг тарбиявий-ахлоқий таъсири самарадорлиги унинг миллий менталитет, миллий оні, ёшларнинг фикрлаши билан моҳият жиҳатидан яқинлиги ва ўзаро боғликлиги, улар ривожланиши ва ўзаро таъсирининг яхлитлиги, маънавий мероснинг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ўзгаришлар жараёнига ҳар томонлама кириб боргани билан белгиланади.

Қалқимизнинг ижтимоий-фалсафий мероси жаҳоннинг бошқа ҳалклари тарихида толерантликни мушоҳада қилиш анъаналари билан бир қаторда ёшларни толерантлик жиҳатидан ижтимоий-ахлоқий

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барбор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2008, 162-бет.

юксалтиришда мұхым омиллардан биридир. Ш.С. Ағзамходжаева толерантликнинг тарбиявий аҳамияти ҳакида шундай ёзали: «Ўрта Осиё мутафаккирларининг илгор фалсафий-ахлоқий қараашларида инсон олий мавжудот деб ҳисобланиб, дунё бойлуклари ва бошқа барча нарсалар инсонийлик даражаси билан баҳоланади. Ўрта Осиё мутафаккирларининг асарларида инсон, унинг шаъни, баҳти, гуманизм, одамийлик, сабр-тоқат асосий масала ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Марказий Осиё мутафаккирларининг аксарияти «бағрикенглик» каби анъанавий тушунчага «толерантликнинг» замонавий маъносидаги у ёки бу жиҳатларни киритиб, унинг ҳозирги замонда қўлланилиши имкониятларини кенгайтирганлар. Бу ҳалқимиз ижтимоий-фалсафий фикрининг илк ёдгорликларидан бири бўлган «Авесто»да, айниқса унинг диний-фалсафий кисмида ёрқин ифодасини топган. Унда аждодларимиз «сабр-тоқат», «олийжаноблик»ни пассив ҳолат сифатида қабул қылмагани намоён бўлган. Бу эса зардуштийликнинг «Авесто»да ўз ифодасини топган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амални алқайман» деган асосий қоидасида аниқ кўринган<sup>2</sup>. Бунда нафакат эзгулик қоидалари ва қадриятларига фикран ёки сўзда амал қилиш, балки уни амалда рўёбга чиқаришга интилиш лозимлиги ҳам таъкидланмоқда.

Халқимизнинг ижтимоий-фалсафий меросида толерантлик муаммоси турли жиҳатларининг умумлаштирилишини тарихийлик нұқтai назаридан таҳлил этганда, ёшларимизни толерантлик билан чамбарчас боғлиқ ижтимоий-ахлоқий юксалтиришда ушбу меросдан унумли фойдаланиш буйича қўйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, зардуштийликда ўз аксини топган маънавий-фалсафий мерос, толерантликнинг бизга маълум бир қатор муаммолари тавсифидаги илк қадамлар билан боғлиқ бўлиб, улардан халқимиз менталитетининг шаклланиши ва ривожланишига генетик жиҳатдан кўшилиб, халқимизнинг толерантлик онги билан боғлиқ бўлган аза-

тий ахлоқий қадриятлари ва қараашлари нұктai назаридан ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш жараёнда самарали фойдаланиш мумкин.

Халқларимизнинг Ўрта асрлар ижтимоий-фалсафий қараашларидаги ютуклари Марказий Осиё Уйғониш даврида, айникса, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топиб, ўша давр толерантлигининг концептуал-фалсафий ва маънавий-ахлоқий жиҳатларини таҳлил килиш ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш омили сифатида унинг назарий жиҳатдан түкур асосланишига хизмат қиласди.

Мустакиллик туфайли мамлакатимизда маданий мерос ва ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Шуро замонида ислом дини мағқуравий тушунчаларга кўра, яшириб кўйилган ва бир ёқлама шарҳланган маданий мероснинг бебаҳо ёдгорликлари билан бирга жамиятга қайтарилди. Асрлар давомида маданият, турмуш тарзи, дунёни англаш, мусулмонлар маънавий-ахлоқий шаклланишининг асосий омили бўлган гояларни илгари сурган инсониятнинг ўткир акт соҳиблари ўз ижодларида Қуръони карим гояларидан руҳланиб ва унга асосланиб ижод қилганлар. Зоро, мутафаккирлар қаерда яшаган бўлмасинлар, уларнинг гоялари бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, моҳияти битта, у ҳам бўлса ер юзида турли миллат, ҳалқлар ва динлар ўртасида умумий толерантлик, бағрикенглик қарор топишига кўмаклашишдан иборатдир. Унинг асосида эса, аввало, инсоннинг ахлоқий камолоти ётади.

Юқорида кайд этилганлардан шундай хулоса қилиш мумкини, булар Ўзбекистон ҳалқларининг маънавий анъаналари ва ҳозирги замон вокелиги тизимини ташкил этиб, толерантлик меъёрлари ва ғадриятлари асосига курилган, ёшларда толерантлик, диний бағрикенглик руҳини шакллантириш ҳамда уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Ш.С. Ағзамходжаева. Ўрта Осиё фалсафасида бағрикенглик // Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари. –Т.: «Истеъод», 2006, 131-бет.

<sup>2</sup> Т. Махмудов. «Авесто» ҳакида / Масъул мухарр. А. Махкам. –Т.: «Шарқ», 2000, 63-бет.

# ЁШЛАР ОНГИДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА АҚИДАПАРАСТЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ГОЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

М. Муталлибжонов,  
*Андижон вилояти ҳалқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаши ва уларниң мақасини  
ошириши институти ижтимоий-иктисодий  
фандар кафедраси ўқитувчиси*

Дунё яралибдики, тинчлик-осойишталик инсоният учун тенгиз нэймат бўлиб келмоқда. Чунки, биринчи галда осуда ҳаёт, яратувчан меҳнат ва фаровонлик, умуман, барча эзгу максадларнинг рӯёби, энг аввало, шу нэйматга боғлиқ. Аммо азалдан яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик каби нисбий кучлар бўлганидек, инсон ҳаётига раҳна солувчи оғатлар ҳам мавжуд. Улардан бири эса диний ақидапарастлик ва терроризмдир. Бу балою оғат ўтган асрнинг сўнгги ўн Йиллиги ва XXI асрга келиб, ўзининг жирканч қиёфасини намоён эта бошлади. Айни пайтда диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё ахлиниң хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани кўпчиликка сир эмас. Ёвуз ниятли диний экстремистик ва террорчи оқимларнинг тарафдорлари ҳалқимизнинг тинч-тотув ҳаётига раҳна солишга, айникса, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни йўлдан оздиришга ҳаракат килмоқдалар.

Мамлакатимизда виждан эркинлигини таъминлаш масаласида барча шароитлар яратиб берилган бир даврда, турли хил қўпорувчи кучлар, диний мутаассиб гурухлар ўз қабих режаларини амалга ошириш йўлида ҳалқ ичida бузгунчи гояларни тарқатишга уринмоқдалар Тажрибадан маълумки, экстремистлар ўз максадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар. Нега айнан ёшлар? Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «XXI асрда қайси давлат курдатли, қайси давлат кучли бўлади? Бу саволга: аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватан-парвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин» Дарҳаққиат, ушбу ёшлар Ватанимиз келажаги, миллатимизнинг ўтганги куни ҳамда тараккиётини белгилаб беради. Жаҳонда рўй бераётган зиддиятли муаммолар дунё ҳамжамиятининг аъзоси бўлган

Ўзбекистонга ҳам тегишилдири. Ўзбекистон ахолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади, шу муносабат билан мамлакатимиз келажаги айнан ёшларга боғлиқ. Яъни, ёшларга эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Глобаллашув даврида лунё тараккиётiga тускинлик килаётган салбий кучларнинг нима учун айнан ёшларга алоҳида эътибор берадиганликларини тӯла тушуниш ниҳоятда мухим. «Ёшларимизнинг маънавий оламида бушлик вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгидаги соглом таъсистарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат-эҳтиром туйгусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур»<sup>1</sup>. Бугунги кундаги гоявий курашда диний экстремизм ва халкаро терроризм ва бошқа салбий кучлар намояндалари биз юкорида айтиб ўтган ёшларнинг, айнан демографик, психофизиологик хусусиятларига катта эътибор берадилар. Ёшлар масаласига илмий равишда ёндашиш ёш авлоднинг факат демографик хусусиятларинигина эмас, балки жамият ижтимоий ҳаётининг барча қатламлари катнашиши натижасида вужудга келадиган ахлоқий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш талаб килинади. Ахлоқий етуклик, энг аввало, яхши тарбияга, маданият даражасига, инсоннинг ички дунёсига боғлиқ. Умуман олганда, ёшларнинг ҳар қандай жамиятда тутган ўрни, энг аввало, жамият олдига кўйилган вазифалар миқёси ва кўламидан келиб чиқади. Ёшлар онгига ёт мафкура, бузгунчи гояларни сингдирмаслик мухим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан етук инсон килиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кутарилган бир вактда ёшлар ўз ҳаётини, олдида турган мақсадларини зикр тасаввур килиши, ўз келажаги ҳакида теран фикр юритиши, ҳар доим ўз миллий гояси ва миллий мафкурасига таянмай туриб амалга ошириб бўлмаслигини теран ҳис килиши керак. Миллий мафкура ёшларнинг мақсад ва интилишларини ифодалайди, ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб қидиради ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган орзу-интилишларини таъминлайди. Умуман олганда, ёшлар орасидаги олиб бориладиган гоявий-тарбиявий ишларимизда, уларда диний экстремизм, халкаро терроризм каби салбий кучларга карши курашда гоявий иммунитетти шакллантиришда, уларнинг юкорида айтиб ўтилди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Кўксак маънавият – сиғилмас куч. –Т: «Маънавият», 2015, №13-бет.

ган социал-демографик, психо-физиологик хусусиятларини хисобла олишимиз зарур. XX асрнинг охириларига келиб инсоният тарихида терроризм, диний экстремизм ва акидапарастлик каби хавф кучайди Баъзи сиёсий кўзбўямачилар, диний акидапарастлар, миллатчи-сенирагистлар миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлмоқда.

**Бугунги кунда терроризмга карши каратилган 5 та халқаро уюшма мавжуд<sup>1</sup>:**

1. БМТ ва унинг маҳсус тармоқлари.
  2. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ).
  3. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХТ).
  4. Европа кенгаши (ЕК).
  5. Америка мамлакатлари Ассоциацияси.

Жамият тараққиётининг барча давларида ҳам ривожланишнин мөхияти, унинг суръати инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Қайси ерда маънавий камолот юксак булиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, шу мамлакатда жамият ижтимоий адолат мезонлари асосида тез ривожлангани тарихдан мъылум. Бу давр талаби бўлиб қолаверади Бу фикрларнинг яққол тасвири сифатида биз оила – махалла – таълим муассасаси ҳамюорлиги мисолида олиб борилаётган ишларни айтиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ деб үйлаймиз.

Маҳаллада намунали маънавий-маърифий ишларни йулга кўйиш орқали ўкувчи-ёшларни огоҳлик руҳида тарбиялаш юзасидан бир нечта холосаларга келиш мумкин. Қадимдан бола тарбияси билан оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигига иш кўришган. Бундай ҳамкорлик ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган. Нутқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган мақоланинг борлиги фикримиз даилии ҳисобланади.

Ёшлар онги ва қалбига миллий гояни сингдириш ва уларни түрли маънавий таҳдидлардан асраш борасидаги ишларни амалга оширишда қуйидаги тақсиф ва мулоҳазаларни баён этамиз:

1. Бугунги кунда ёшлар орасида миллий гояни таргига қилишининг энг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш зарур. Ҳар бир ои-

<sup>1</sup> А. Мутторов. Гюбатлашув шароитида маънавий таҳлиларни бартараф омиллари. –Т.: «Маънавият», 2015. 15-бет.

лода ва ҳар бир маҳаллада кутубхоналарни шакллантириш ва ундан фойдаланишга ўргатиш.

2. Ёшлар онги ва қалбига миллий гояни сингдиришида нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш зарур. Айниқса, «Нуроний» жамгармаси, «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Оила илмий-амалий маркази», «Маҳалла» жамгармаси ва бошқаларнинг фаоллигини ошириш зарур.

3. Айниқса, таълим тизимига жалб этилмаган турли ёшдаги аҳоли қатламлари орасидаги маҳаллаларда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида, туман ва шаҳар маданият уйларида, адабиёт ва санъат соҳасида ёшларга ибрат бўладиган қаҳрамонлар тимсолини яратиш максадга мувофиқдир.

4. Жамиятни янгиланишига олиб келадиган миллий қадриятларимизни ёшлар онги ва қалбига сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

5. Маҳаллаларда кексаларнинг пайд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида ёшлар онги ва қалбига эзгулик гояларини сингдиришни тарғиб килиш зарур.

6. Ёшларда меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибат туйгуларини шакллантиришида оила, маҳалла, меҳнат жамоаларининг ролини ошириш зарур.

7. Семинар-тренинглар ва экскурсиялар ташкил этиш орқали ёшларни ўзбек халқининг маънавий мероси ва миллий маданиятининг тикланиши, маънавий мерос, маданий бойликлар ва кўхна тарихий ёдгорликлари билан таништириш.

8. Ёшларнинг маънавий киёфаси, қобилияtlари ва қизиқишлирини ўрганиш бўйича социопсиходиагностик сўровлар ташкил этиш.

9. Ёшларда экологик билим ва маданиятни шакллантириш, соглом турмуш тарзи, жисмоний ва тиббий маданиятни шакллантириш бўйича тадбирлар уюштириш, танловлар ташкил этиш.

10. Мағкуравий иммунитет ва гоявий курашчанликни шакллантириш бўйича гурухларда давра сұхбатлари ва учрашув-мулоқотлар ўказиш.

Юкорида таъкидлаб ўтилган таклифларни инобатга олган ҳолда биз мураббий-устозлар ёшларимизда ахлоқий, хуқуқий, сиёсий ва эстетик маданиятни шакллантиришимиз бугуннинг энг долзарб ва зифаси хисобланади.

# ЁШЛАР ОНГИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ҮРНИ ВА АҲАМИЯТИ

М. Усмонова, А. Кориев,  
*НВХТХҚТУМОИ ижтимоий-иктисодий*  
*фанлар кафедраси*

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг онги ва тафаккурини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ва чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қайта кўриб чиқилиши ва мукаммаллаштирилиши бунга яққол мисол бўлади. Ушбу дастурнин «Миллий Дастур» дейилишида ҳам чукур маъно-мазмун мужассам Таълим-тарбия тизимини миллийлаштириш кенг қамровли тушунча бўлиб, бу масалага ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Чунки бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай хато ва камчиликлар, миллат ва халқ тақдирива оғир асоратларни вужудга келтиради.

Йилдан-йилга мамлакатимизда билим ва тарбия жараёнини ислоҳ қилиш давом этиб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бу жараёнда умумжаҳон таълим-тарбия ютуклари билан миллий тарбия уйгунаштирилмоқда. Бу эса таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди.

Шу уринда Президентимиз Ислом Каримовнинг куйидаги фикрлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга: «Миллат бор экан, давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши мукаррардир. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало униб-усиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга этиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кутаришнинг аҳамияти бекиёсдир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 3-бет.

«Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало. киши организмида унга карши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга мухаббат, бой тарихимизга, отабоболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбири жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгидага мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида.

Ёшларда гоявий бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги учун, аввалимбор, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига, қалбига сингдиришимиз зарур. Мафкуравий иммунитетни шакллантирувчи омилларга миллий гоя асосида маърифий тарбия, огоҳлик, билим ва фалсафий тафаккур, жаҳолатга қарши маърифат орқали кураш киради.

Хозирги даврда ўқувчи-ёшларимизнинг билим ва тафаккури, дунёкарашининг кенгайиши, давлатимиз равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун сув ва ҳаводек зарур. Ёшларимиз четдан сукулиб кираётган ёт гояларга қарши курашишлари учун уларнинг билим ва тафаккурлари юксак даражада ривожланган, миллий гоянинг маъно-мазмунни ҳамда моҳиятини чукур эгаллаган бўлиши керак.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида миллий гоя тушунчасига қуйидаги таъриф берилган: «Миллий гоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бугун халқнинг қалбидаги чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланаб кетган, таъбири жоиз бўлса, ҳар кайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсақ, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қиласиган бўламиз»<sup>2</sup>.

Миллий истиқлол гоясини тарихий хотирасиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз халқнинг келажаги йўқ»<sup>3</sup>, – деган иборалари бугун айни гарих ҳақиқатини

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015, 119-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 71-бет.

Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан курамиз. 7-жилд. –Т.: Узбекистон, 1999, 132-бет.

тиклаш, тарихни ўрганиш орқали келажакка назар ташлаш, уни фалсафий ва мантиқий идрок этишни тақозо этмоқда. Шундай экан, ёшларда шакланаётган мафкуравий иммунитетни ривожлантириш учун уларга миллий тарихимизни рўйирост, унга танкидий ёндашган ҳолда етказишимиз даркор. Шунингдек, тарихимизнинг асоси бўлган миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларнинг тискланиши каби маънавий-рухий жараёнлар кечеётган бир вақтда ёшлар онгига эзгулик, ватанпарварлик каби туйғуларни сингдириш асосий мақсад булиб қолмоқда. Уларни ёшлар онгига тезрок ва самаралирок етказиш учун, албатта, миллий истиқлол гоясига суюнамиз. Айниқса, бунда миллий истиқлол гоясининг асосий ва бош гоялари сув ва ҳаводек асқотмоқда.

Миллий гоя қачон иммунитетга айланади, деган саволга жавоб бериладиган бўлса, ҳар бир юртдошимиз фикрига энг биринчи навбатда. Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш деган жавоб келса, ажабмас. Ҳамюртларимиз қачон ўз Ватани манфаатларини ҳимоя килади, албатта туну кун ўз меҳнати, ақли ва вижданни билан амалга ошираётган савобли ишлари, ёш авлодни соғлом вояга етказаётгани билан дея жавоб берилса нотўри бўлмайди.

Мухтасар килиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бушлик вужудга келмаслиги, уларда ёт гояларга карши мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун миллий истиқлол гояси ва маънавият асослари буйича тарбиявий соатлар, тугараклар, учрашув, давра сұхбати ва бир қатор тадбирларни ҳаётӣ ва изчил амалга ошириб боришимиз лозим.

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРДА ЁШЛАРГА МИЛЛИЙ ГОЯНИ СИНГДИРИШНИНГ АЙГИМ ЖИҲАТЛАРИ

Н. Назаров,  
сиёсий фанлар доктори,  
Камолиддин Беҳзод номида<sup>1</sup>  
МРДИ профессори

Фоя ҳар бир жамият ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминловчи омил сифатида мухим аҳамиятга эга. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ гоямиз шуки-

Ўзбекистоннинг битта йули бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруг ва эркин ҳаёт сарчи олга юриш»<sup>1</sup>. Демак, миллий тараққиётни таъминлашда гоявий омиллар гарфиби етакчи ўринни эга лайди.

Хакиқатан ҳам инсоният тараққиётининг цивилизациялашган даври бирон-бир жамиятнинг эзгу гоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқлаб келмоқда. Аждодларимиз ўз этнотарихий тараққиёт босқичларида жамият аъзолари тафаккурига ўзгуликка ва бунёдкорликка чорловчи гояларни сингдириб келганди, буни маънавий мерослар ҳам тасдиқлайди. Эрамиздан олдинги ғаврларда аждодларимиз ўзтиқод қилиб келган Зардуштийлик динининг «Авесто» китобидаги гоявий концепция – «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» мисолимизнинг ёрқин далилидир. Ундан сўнг ҳам аждодларимиз ўз этнотарихий тараққиётини гояларсиз тасаввур эта олмай, ўз замондошларини муайян эзгу максад атрофида бирлаштириб, келажакка интилиш лозимлигини уқтириб келган. Буни қадимги туркӣ ёзма манбалар, Үрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, Кул-тегин ва Билка ҳоқон битиклари мисолида учратишими мумкин. Айниқса, ислом дини шаронтида аждодларимиз ўз тафаккур бойликлари, анъана ва урф-одатларидаги ижобий хислатларнинг барисини ушбу тинчликпарвар дин таркибига сингдириб юбордикни, бугунги кунда биз ўзтиқод қиласиган маърифий ислом ўзида кўпроқ ҳалқчил жиҳатларни мужассам этиб, у миллий менталитетимизнинг ижобий кирралари сингдирилгани билан эътиборлидир.

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини кўлга киритгач, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек халки ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби мақсадларни кўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш, юртимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш ўтиёжи туғилди. Бунинг учун бизга ёт ва бегона гоя тажовузига карши турла оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, бу йўлда гоявий, мафкуравий бушлик бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни тақозо этди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015. 76-бет.

Мустакилликнинг илк йилиданоқ Узбекистон халки ўз майданда таъниди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни кўйидаги таъниди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни кўйидаги таъниди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни кўйидаги таъниди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни кўйидаги таъниди.

1. Мустакиллик туфайли мамлакатимиз халки ўзига хос йўлини таъниди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни кўйидаги таъниди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни кўйидаги таъниди.

2. Ҳар қандай давлат, жамият, халқ мақсадсиз яшаш олмайди. У ривожланиш учун маънавий асосларни белгилаб олиши зарур. Ўзбекистоннинг миллий-маънавий гояларида акс этган бўлиб, миллий истикол гоясини ўрганиш заруриятга айланди.

3. Кишилик жамияти тараққиётида турли хил гоялар ҳукмронлик килиб келган бўлиб, гоявий мақсадлар туфайли ҳар хил салбий оқибатларни юзага келтирган. Афсуски, инсониятнинг бугунги тараққиёти шароитида ҳам эзгу гоялар билан бир каторда ёвуз гоялар ҳам ўз жирканч башарасини намойиш этишга интилувчи ҳолатлар йўқ эмас. Ана шу гоя билан гоянинг, мақсад билан мақсаднинг, фикр билан фикрнинг фарқини билиш учун миллий гояни ўрганиш лозим.

4. Шахс, инсон, ижтимоий гурух, катлам, халқ, миллат, давлат мақсади, орзу-интилиши, қарашлари бир-биридан фарқ қилганидек, унинг қандай мақсад ва гоя эканига караб баҳо берилади.

5. Айрим зарарли гоялар маълум бир миллат, халқнинг мақсад, интилишларини ҳисобга олмасдан ўз гояларини сингдиришга уринади, бундай ёт ёки ёвуз гоялардан огох бўлиш учун миллий гояни ўрганиш ҳаётий заруратга айланмоқда.

6. Бугунги кунда дунёда мағкуравий кураш, инсон онги ва қалби учун кураш кетар экан, айрим ёт гоялар ёшлиарни ўзига ром қилиб, ўз шахсий манбааги йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётганликлари боисдан ҳам миллий гояни ўрганиш заруриятга айланди. «Келажони буюк давлат»ни барпо этиш миллий гояни сингдириш орқали амалга оширилади.

Президентимиз Ислом Каримов бу борада: «Олдимизга қўйгани олийжаноб мақсад-муддаоларимизга стиши, эски мағкуравий асроратлардан батамом халос бўлиш, гоявий бўшлиқ пайдо бўлишини ўйл қўймаслик, бегона ва ёт гоялар хуружидан ҳимояланиш, бундай тажковузларга карши турса оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатла-

рига мөс янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда»<sup>1</sup>, – деган әдилар.

Бевосита ана шу жиҳатлар ижтимоий-гуманитар фанлар ти-  
зимнен Миллий гоянинг ўрнини белгилашга ҳам алоқадор бўлиб,  
Миллий гоя ёшларда ватанпарварлик хусусиятларининг ривожини  
таъминлайдиган асосий омил сифатидаги мавқенини кўрсатмоқда.  
Шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанларда аждодларимизга хос  
бўлган мардлик, тангилик, олийжаноблик, садоқат ва муҳаббат  
хислатларини акс эттириш фуқаролик жамияти асослари шаклла-  
наётган бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимdir. Илмий ва ба-  
ниий асарларда аждодларимизга хос бўлган мардлик, тантилик ва  
ватанпарварликни акс эттириш, окила аёлларимиз образларини ба-  
ниий асарлар орқали тарғиб этиш, миллий қадриятларимиз тарғиби,  
жумладан, миллий кийимлар намойишида этнотарихий тараққиёт  
жараёнида аждодларимизнинг (ҳам йигитларнинг, ҳам қизларнинг)  
ҳар бир тарихий даврга хос бўлган (масалан, эрамиздан олдин, турк  
хоконлиги шароитида, Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги шароитида, Те-  
мурийлар ҳукмронлиги ва ўтган асрлар шароитида) кийимларини  
тарғиб этиш миллий ўзлигимизни англаб, аждодларимиз маданий  
тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эгаки, ушбу жиҳат Мил-  
лий гоянинг ҳам таркибий қисмларидан биридир.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Миллий гоянинг кон-  
цептуал асосларига таяниш қуйидаги жиҳатларнинг устувор мавқе  
касб этишини таъминлайди:

1. Ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда маънавий жараёнларнинг  
таҳлилида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин  
туваётган Миллий гоянинг бунёдкорлик максади ҳамда миллийлик ва  
умумисонийликнинг уйғунлигига таяниш зарурый аҳамиятга эга.

2. Жамият тараққиётининг гоя ва мафкуралар билан узвий  
aloқадорлиги, бугунги глобаллашув шароитида вайронкор гоялар-  
нинг ҳам таҳдиidi кўзга ташлананаётган бир пайтда, бунёдкор гоялар  
тарғибининг зарурыйлигига ургу бериш муҳимdir.

3. Жамиятда умумий фуқаровий бирлик ва тотувликни, миллий  
ва диний бағрикенгликни таъминлашни тарғиб этишда Миллий

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. –Т.: «Ўз-  
бекистон», 2001, 220-бет.

гояда белгилаб берилган асосларга таяниш ижобий натижа бериши шубҳасиздир.

4. Ёшларда гоявий иммунитет ривожида, жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, миллий мустақиллик асосларини мустаҳкамлашда, қолаверса озод ва обод Ватан, эркин ва фарони ҳаёт қуришда Миллий гоя асосларига таяниш зарурый омиллир.

5. Миллий-маънавий мерос, қадриятлар тарғибида, ёшларда ўзликни англашни ривожлантиришда, уларда миллий гурур, ор-номус, ватанпарварлик ва халқпарварлик жиҳатларининг устуворлигини таъминлашда муҳимдир.

Хулоса килиб айтганда, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Миллий гоя мустақилликни мустаҳкамлаб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан ётироф этилишини таъминлади. Умумфуқаролик менталитетини ўстириб, умуммиллий тараккиётни таъминлашда, умумжаҳон илмфани ютуқларини миллий менталитет ва ўзига хос хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда ёшлар онгига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам ўрни муҳимдир.

## YOSHLAR ONGIDA YOT G'OYALARGA QARSHI IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI

O. Matkarimova,

*Xorazm viloyati Urganch shahridagi 13-sonli umumiy  
o'rta ta'lif muktabining ma'naviy-ma'rifiy  
ishlar bo'yicha direktor o'rinchbosar.  
Xalq ta'limi a'lochisi.*

...Bugungi zamон vogellikka ochiq ko'z bilan, red va hushyor qarashni, jahonda va yon-atrofimizda mavjus bo'lgan, tobora kuchayib borayotgan ma'naviy tahsil va xatarlarni to'g'ri baholab, ulardan tegishli xulosa va saboqlar chiqarib yashashni talab etmoqda.

Islom Karimov

2001-yil 18-yanvarda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Milлий истиqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar» о'quv fani bo'yicha ta'lif dasturlarini yaratish va Respublika ta'lif tizimiga joriy etish

to'g'risida»gi F-1331-son Farmoyishi e'lon qilindi. «Respublika ta'lim massasalarida «Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillari» o'quv fanining yoshlar ma'naviy rivojlanishiga ta'siri, namoyon bo'lishi va nazorat qilish mexanizmi to'g'risidagi Nizom» ishlab chiqilib, 2003-yil 3-yanvarda e'lon qilindi.

Hozirgi davrda ta'lim-tarbiya sohasida mutafakkirlarimizning ilmiy merosini o'rganish va uni ta'lim-tarbiya amaliyotiga kiritish zamон talabi hisoblanadi. Ularda insonning kamolga yetishi va insoniy munosabatlarning tarkib topishida ilm-fanning ahamiyati alohida uqtiriladi.

Milliy istiqlol g'oyasi ma'naviy jihatdan komil insonni tarbiyalashni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan. Aslida komillik tushunchasi tarixiy nuqtayi nazardan ham insondagi barcha olivjanob fazilatlarni o'z ichiga qamrab oladi. Komil inson g'oyasi – ham milliy ham umumbashariy mohiyatga ega bo'lgan, odamzodga xos yuksak ma'naviy va jismoniy barkamollikni mujassam etgan, insonni hamisha ezgulikka undaydigan olivjanob g'oyadir.

Misol uchun Kaykovusning «Qobusnomasini olaylik «Ey farzand. ogoh bo'lki, hamma mahsulotlardan ko'ra. odam yaxshiroq yaraladi va o'zga jonivorlardan odam o'n darajada ziyodadir», – deya muallif o'g'lini komillik sari qadam tashlashga da'vat etadi.

Muhammad Xorazmiy ilmni o'r ganuvchilar ijodiy faoliyatini rivojlantirishlariga e'tibor berishlari kerakligini uqtiradi. Abu Nasr Forobi esa insonning kamolga yetishida muhim bo'lgan uslublarni yoritib bergen. Inson haqiqiy kamolga yetishi uchun, avvalo, ilmiy bilimlarga ega bo'lishlari zarurligini uqtiradi. Buning uchun inson aqliy xislatlarni egallashi lozim bo'lib, tarbiyachi esa shogirdida ana shu fazilatlarni rivojlantirishga yordam beradi. Forobi inson fahm-farosati, fikrlash, mulohaza yuritish qobiliyatini to'g'ri yo'lga qo'yish orqali aqliy va axloqiy kamolotga yetadi, tabiat va jamiyat qonunlarini to'g'ri bilib oladi deb ta'lim beradi.

Buyuk allomalarimiz tomonidan yaratilgan ilmiy merosda turli labiiy-ilmiy, ijtimoiy-falsafiy qarashlar, inson, uning axloqi haqidagi, uning ilm, hunar, unga erishmoq yo'llari haqidagi qimmatbaho g'oyalar hukmat xazinalaridan bahramand bo'lish, yoshlarni har jihatdan kamolot sari bosholaydi.

Mustaqillik yillarda milliy g'oyaning shakllanishiga, yoshlarni yot g'oyalarga qarshi kurashishga o'rgatishga katta e'tibor qaratilmoqda. Bu borada ijtimoiy fanlar, ayniqsa tarix fanini alohida ta'kidlash lozim. G'oya, mafkura, mafkuraviy immunitet, mafkuraviy bo'shliq, g'oya va mafkuralar buniyodkor va vayronkor bo'lishi haqida tarixdan aniq misollar keltirish orqali o'quvchilar ongiga singdirish lozim. Milliy g'oya shuurini nafaqat dars jarayonida balki o'quv-tarbiya tadbirlaridan ham foydalangan holda uyg'otish yaxshi samara beradi. Milliy bayramlariimiz bilan birga xalqaro bayramlarning mazmun-mohiyati va tarbiyaviy ahamiyatiga to'g'ri yondashgan holda o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida va millatlararo totuvlik ruhida tarbiyalash zarur.

O'zining hayotini, oldiga qo'ygan maqsadlarini aniq tasavvur qila oladigan, o'z kelajagi haqida qayg'uradigan millat hech bir davrda milliy g'oya va milliy mafkurasiz yashamagan va yashay olmaydi. Milliy g'oya va mafkura bo'lmasa, har qaysi davlat va jamiyat, qolaversa, har qaysi inson o'z yo'lini yo'qtishi, kelajak avlodni qo'ldan chiqarishi muqarrar.

G'oya va mafkuralar xalq irodasini, insonparvarlik va taraqqiyot tamoyillarini o'zida ifoda etishi zarur, agar bu narsa kuzatilmasa jamiyatda g'oyaviy bo'shliq paydo bo'lib, uning o'mini zararli g'oya va mafkuralar egallaydi.

Ta'lim va madaniyat muassasalarining milliy g'oyani targ'ib qilish bo'yicha hamkorlik qilishi uchun eng qulay shakllaridan biri mavzuli kechalar, madaniy-ma'rifiy tadbirlar o'tkazishdan iboratdir. Ta'lim muassasalarida o'tkaziladigan kechalarning mavzu yo'nalishlari quyidagicha bo'lishi mumkin: milliy istiqlol g'oyasi va uning hayotdagi in'ikosini targ'ib qilishga bag'ishlangan mavzuli kechalar. Bu mavzu madaniy-ma'rifiy ishlarning asosiy yo'nalishini tashkil etadi. Milliy istiqlol mafkurasining asosiy g'oyalari yurt tinchligi, Vatan ravnaq xalq farovonligi, komil inson, ijtimoiy hamkorlik, millatlararo totuvlik, dinlararo bag'rikenglikka bag'ishlangan mavzuli kechalar yoshlar dunyoqarashini shakllantirish va ularning ijtimoiy faolligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Ta'lim tizimida olib borilayotgan madaniy-ma'rifiy tadbirlarni qu'yidagi ikki turga bo'lish mumkin:

- bevosita ta'lim jarayonida o'tkaziladigan tadbirlar;
- darsdan tashqari vaqtarda o'tkaziladigan tadbirlar.

Ta'lim muassasalarida keng qo'llaniladigan madaniy-ma'rifiy tadbirlardan yana biri muzeylarga ekskursiyalar uyuşdırishdir. Muzeylar turli xil bo'ladi. Ular jumlasiga san'at muzeylari, tarixiy muzeylar, o'lkani o'rganish muzeylari va boshqalarni kiritish mumkin. Hozirgi kunda yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda muzeylarning roli ortib bormoqda. Muzeylar, faoliyat yo'nalishiga qarab, yoshlarning estetik, axloqiy, mehnat, intellektual tarbiyasiga muayyan ta'sir o'tkazadi. O'lkashunoslik va tarix muzeylari yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda alohida o'rinn tutadi. Vatanparvarlik tarbiyasi esa ma'naviy-axloqiy tarbiya yo'nalishlari orasida eng oldingi o'ringa chiqmoqda. Eng muhimmi, o'tkaziladigan barcha tadbirlar milliy g'oyamizning asosiy tushuncha va tamoyillari ruhida bo'lib, yoshlarimizda sog'lom dunyoqarash. yuksak vatanparvarlik tuyg'ularini tarbiyalashga, ularning ma'naviy barkamol bo'lib voyaga yetishiga xizmat qilishi, xalqimizning o'z oldiga qo'ygan maqsadlarinig to'g'rilingiga ularni ishontirishi kerak. Faqat shundagina har bir tadbir o'zining ma'naviy-mafkuraviy vazifasini bajargan bo'ladi.

Yoshlarning qalbi va tafakkurida shakllanish jarayoni kechayotgani uchun ularda hali qat'iy e'tiqod va dunyoqarash mustahkamlanib ulgurmagan bo'ladi.

Shu bois yet va begona g'oyalar asosan yoshlarning qalbi va ongi ga hujum boshlaydi. Bunday tajovuzlarga yo'l qo'ymaslikning eng qulay vositasi yoshlarning qalbi va ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirishdir. Har bir kishi o'zi yashayotgan jamiyat yoki davlatning tarixiy maqsadini ifoda etadigan bosh g'oyalarni bilishi, aniq tasavvur etishi kerak. Milliy istiqlol g'oyasi ana shunday ezgu maqsad yo'lida xizmat qiladigan milliy-ma'naviy kuch-qudrat manbayidir. O'zbekiston fuqarolarini mamlakat oldida turgan tarixiy maqsadlar yo'lida jips-lashtiradi. Yosh avlodning dunyoqarashiga yangicha ma'no va mazmun daxsh etish orqali unda faol hayotiy pozitsiyani, milliy g'oyaga ishonch va e'tiqodni shakllantiradi.

Yana bir dolzarb vazifa – o'sib kelayotgan avlodga, uning ma'naviy tarbiyasiga nihoyatda katta javobgarlik hissi bilan yondashish kerak. Nega deganda, yoshlar xalq ma'naviyatining munosib egalaridir. Shuning

uchun har bir o'g'il-qizimiz dastlabki qadamlaridan boshlab madaniy boyliklarimizdan bahramand bo'lishi kerak...

Qayerda hushyorlik, yuksak aql-idrok va tafakkur hukmron bo'lsa, o'sha yerda ma'naviyat qudratli kuchga aylanadi.

Yoshlarimizni ulug'laydigan buyuk fazilatlari: or-nomus, uyat va andisha, sharm-u hayo, ibo va iffat kabi yuksak axloqiy tuyg'u va tushunchalar, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat-ehtirom tuyg'usi, ruhan poklik, baquvvat iroda, butun iymon, uyg'oq vijdon, ma'naviy barkamollikka intilish, samimiylilik va mehnatkashlik komil, likka undaydi.

Agar biz ahil bo'lsak, el-yurt manfaati yo'lida bir tan-u bir jon bo'lib yashasak, o'zimizdan sotqin chiqmasa, o'zbek xalqini hech kim hech qachon yenga olmaydi.

Bashariyat tarixida tinchlik, do'stlik, totuvlik, hamkorlik, o'zaro madaniy muloqot taraqqiyot uchun xizmat qiladigan g'oyalalar bo'lib kelgan. Bugungi kunda bu g'oyalarni amalga oshirishning turli vositalari shakllangan. Masalan, jahon miqyosidagi sport musobaqalari, ilmiy madaniy anjumanlar, xayriya tadbirlari, tinchlik yo'lidagi hamkorlik aloqalari shular jumlasidandir.

G'oyaviy tarbiya axloqiy, siyosiy, huquqiy tarbiyaning asosini tashkil etadi. Har qanday axloqiy, siyosiy, huquqiy tarbiya muayyan g'oyani himoya qilish, targ'ib etish va rivojlantirishga qaratilgan bo'ladi. Xususan, yovuzlik, behayolik, shafqatsizlikni targ'ib etish orqali yoshlarni axloqiy jihatdan buzishga qaratilgan badiiy filmlarda jamiyat bar-qarorligiga raxna solishdan iborat mafkuraviy maqsad yashiringandir. «Ongi shakllanib ulgurmagan aksariyat yosh tomoshabinlar bunday filmlardan ko'pincha turli yovuzlik, yirtqichlik, shafqatsizliklarni o'r-ganadi, xolos. Natijada, ularning diydasi qotadi, qalbidan toshbag'irlik, zo'ravonlik, axloqsizlik kabi illatlar joy olganini o'zi ham sezmay qoladi. Hatto, shunday tomosha va filmlarning qahramonlariga ko'r-ko'rona taqlid qilishni istaydigan yigit-qizlar ham topiladi». G'oyaviy tarbiya a-ning asosiy maqsadi kishilarda hushyorlik, sezgirlik hissini shakllantirish, yot va zararli g'oyalarga qarshilik ko'rsatish qobiliyatini shakllanti-rishdan iboratdir.

# МУТААССИБЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА МИЛЛИЙ ГОЯНИ ТАРГИБ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Р. Рустамова,

Республика «Оила» илмий-амалий  
маркази катта илмий ходими.  
педагогика фанлари намзоди

Озод ва обод Ватан, баҳтли ва фаровон ҳаёт, кучли ҳукукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири – барча фуқаролар, айниқса фарзандлар тафаккурини миллий тарбия, хусусан, миллий гояларга эътиқод асосида шакллантиришдан иборат. Эътиқод психологик ҳодиса бўлиб, моҳияттан у инсон психологиясига мансубдир. Тарбиянинг муҳим жиҳатларидан бири – шахсда муайян ижобий қадриятларга эътиқодни шакллантириш ҳисобланади.

Ҳозирги даврда бутун жаҳон глобаллашув жараёнида ҳалқларнинг тинч ҳаётини таҳликага солаётган энг долзарб муаммолардан бири – диний экстремизм ва ақидапарастлик ҳамда миссионерликнинг авж олаётганидир. Маълумки, бизнинг жамиятимизда ҳам, аҳоли орасида диний экстремизм ва ақидапарастлик, тероризм, радикализм каби кескин чора-тадбирларни амалга оширишга интилишлар ва миссионерлик таъсирларига тушиб қолиш, яъни жаҳон миқёсида қалтис иш олиб бораётган ва ўз гаразли мақсадларини амалга ошириш ниятидаги айрим авантюристлар гурухлари томонидан бизнинг ҳалқимизга ҳам, айниқса ёшларимизга миллий гоя ва мағкурамиз мазмун-моҳиятига зид бўлган ёт гояларни сингдиришга уринишлар ҳамда инсонларни диний эътиқодидан чалғитишга уриниш, ислом динининг асл моҳиятини бузуб тушуниришлар олиб бориш оркали ислом динидан воз кечишига тарғиб қилиш ҳолатлари учраётгани сир эмас. Бундай гурухлар ўз гаразли мақсадларига аҳоли ва ёшлар онгига турли шаклларда психологик таъсирлар ўтказиш оркали эришишни кўзда тутишади. Бундай гурухлар инсонларга ва айниқса ёшларга таъсир ўтказишга оид маҳсус психологик сабокларни олган ҳолда, тайёр-гарликдан ўтиб иш олиб боришади.

Хукуматимиз томонидан терроризм, диний-экстремизм ва миссионерликка қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур долзарб масала бўйича алоҳида фикр юритиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз асарларида ва нуткларида шундай таъкидлайди: «Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда хам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, осто намизга кўймаслик. Юртимизда бугун ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, кўз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг катъий позициямиз ва сиёсатимизни аник белгилаб олганмиз»<sup>1</sup>. Юртбошимиз бу масалада яна такрор-такрор тўхталиб таъкидлайди: «...жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаёттани, рақобат, қарама-каршилик тобора бешафқат тус олаёттани, радиализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани барчамиздан, аввало, бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб килади»<sup>2</sup>. Албатта, бу борада барчамиз – Ватанимиз, ҳалқимиз тинчлиги осойишталигини турли салбий иллатлар ва таъсирлардан сакланаш ўзимизни масъул деб ҳисоблаган ҳолда, ҳар бир инсон, айнакса, ҳар бир зиёли, олиму мутахассислар, илм ахли, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалари масъуллари томонидан имкон даражасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва белгиланган тегишли вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш давр талабидир.

Диний мутаассиблик билан бөглиқ муаммоларни барта-раф этишда – муҳим омиллардан бири ҳисобланадиган миллий гояларимиз воситасида республикамиз аҳолиси орасида, жумладан, маҳаллаларда, оиласарда, таълим муассасаларида, давлат ва жамоат ташкилотларида маънавий тарбия ишларини самарали олиб бориш, бунда ҳар бир инсоннинг ўз оиласига, Ватанга, миллий гояларга бўлган эътиқодини шакллантириш, фуқароларни, ёшларни маънавий-маърифий, педагогик, психологик, диний, ҳукукий, сиёсий каби йўналишларда тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий тарбия ишлари тўғрисида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари «Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмас-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги Йулида хизмат килиш – энг олий саодатдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2015, 273–274-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 287-бет.

лти, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳти бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади»<sup>1</sup>, – деб фикр билдиради.

Айтиш жонзки, маънавий-тарбиявий ишларни ташкил этишда, айнакса фуқаролик жамияти институтларининг роли асосий ўрин тутади. Мамлакатимиз Президенти мазкур институтларининг роли накадар муҳимлиги тўғрисида шундай дейди: «Юртимизда ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат муҳитини саклаш, ҳукукий саводхонникин, юртдошларимиз, айнакса, ёшларимизнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини оширишни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтириш муҳим вазифа бўлиб колмокда»<sup>2</sup>.

Шу нуқтаи назардан, оиласар ва маҳаллалар – фуқаролик жамияти институтти, ўз-ўзини бошқариш органи сифатида ватанпарварлик, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, хавфсизликни таъминлаш, ўзаро ҳурмат муҳитини саклаш, ҳукукий ва сиёсий маданият, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш сингари қатор муҳим вазифаларни амалий фаолиятда бажарувчи ролини ўйнайди.

Оила ва маҳалла институтлари мазкур вазифаларни амалга оширишда самарадорликка эришиш учун аҳоли ва ёшлар онгига турли шаклларда психологик таъсирлар ўтказиш услубиятини кўллаш, муҳим омилларни ҳисобга олиши лозим бўлади.

Маҳаллаларда диний маърифаг ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳамда отинойиларнинг диний-экстремизм ва миссионерликка қарши кураш бўйича билим ва кўниқмаларини кучайтириш борасида ўтказиладиган, мутаассиб диний қарашлар ва хурофотга берилган отинойилар билан якка тартибда профилактик маънавий-маърифий тадбирлар уюштиришнинг самарали шаклларини ишлаб чикиш зарурияти тугилади. Чунки ҳар бир маҳалладаги отинойилар бевосита оиласар, аёллар ва қизлар

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015, 275-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги Йулида хизмат килиш – энг олий саодатдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2015, 275-бет.

билан диний-маърифий, тарғибот ишларини олиб борувчи шахс-лар хисобланадиларки, агар отинойиларнинг ўзида диний мугаасибликка берилиб кетиш ҳолати содир бўлса, албатта, бу отинойиларнинг оиласаларга, аёллар ва қизларга ўтказадиган салбий таъсири мудхиши окибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатга бефарзанараб бўлмайди ва бундай вазиятларнинг олдини олиш борасида таъсири гишли чора-тадбирларни кўриш лозим бўлади. Бу борада милллий гоя энг асосий ва энг мақбул манба, восита ва омил сифатида хизмат қиласадики, энг аввало, маҳалла маслаҳатчилари ва отинойиларни милллий гоя воситасида аҳоли, оиласалар билан, шу жумладан, аёллар ва қизлар билан маънавий-тарбиявий ишлар олиб бориш услублари бўйича старли билимларга эга бўлишларини таъминлаш зарур бўлади.

Милллий истиклол мафкураси ҳалқ фаровонлиги, юрт тинчилиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик динлараро бағрикенглик, комил инсон каби гояларга таянар экан маънавий-маърифий тадбирлар воситасида юқорида қайд этилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун мазкур милллий гояларни тарғиб қилиш, бу гояларга фуқароларнинг эътиқодини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, милллий гояларни фуқаролар онги ва шуурига чукур сингдириш ва уларнинг гоявий иммунитетини ошириш, мустаҳкамлаш орқали фуқароларни диний-экстремизм, ақидапарастлик ва миссионерликнинг турли салбий таъсиrlарига тушиб колишининг олдини олишга эришилади.

Милллий гоя ҳакида фикр юритар экан. Юртбошимиз уни «... аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида зъязозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун ҳалкнинг қалбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетчган»<sup>1</sup> ҳодиса сифатида таърифлайди. Демак, милллий гоя ҳалкнинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаётий талабларидан бири экан, шу маънавий эҳтиёжни етарли даражада кондиришга эътибор каратиш лозим.

Мамлакатимиз таълим тизимининг турли боскичларида милллий гоя фан сифатида ўқитилмоқда. Барча ижтимоий иллатларга қарши курашишда милллий гояни нафакат таълим тизимида ёшларга ўқитиш орқали, шунингдек, маҳаллалар, маслаҳатчиларнинг

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015. 71-бет.

Фасат ҳаракати орқали ойлалар билан ҳам яқиндан алоқалар урнатиб, уларга миллий гояни ўқитиш ишларини ташкил қилиш, унинг мазмунидаги миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларни томонидан чукур англаниши ва түгри тушунчалар ҳосил қилишларига эришиш, бунинг учун эса, миллий гоя маъно-мазмунини түгри изохлаб талқин қилиш, ҳаётий мисоллар билан тушунтириш ишларини олиб бориш зарур бўлади. Бу борадаги ишларда, албаттга, мажалла, таълим ва илмий муассасалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурати тугилади.

Миллий гоянинг барча фуқаролар, айникса, фарзандларимизнинг эътиқодига айлантирилиши, уларда миллий гояларимиз мазмун-моҳиятини чукур анлаган ҳолда юртимиз порлок келажагига қатъий ишонч руҳини шакллантириш – улар шу гоя йўлидаги вазифаларни аник бажара олишига, уларнинг ҳаракат дастурига асос бўлади.

Миллий гояни ўқитишда билим беришдан ташқари, эътиқодни шакллантириш ҳам кўзда тутилади. Эътиқод, яъни қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этиш ўзига хос психологик ҳусусиятларга эга бўлиб, фуқароларда, шу жумладан, оиласда фарзандларда миллий гояга қатъий ишончни шакллантириш учун муайян психологик, педагогик, услубий механизмлардан ва омиллардан фойдаланиш мақсадга мувоғик:

- Болаларнинг миллий гояга эътиқодини шакллантиришда уларнинг ҳар бирининг ақлий, ҳиссий, характер ва хулқ-атвор жиҳатларини ҳисобга олиш лозим;
- Болаларнинг ақл-идрок билан фикр юритиши, турли ташки воеа-ҳодисалардан таъсирланиши, ҳис қилиши ёки ҳиссиётларга берилиши, характерининг салбий ёки ижобийлигининг даражаси унинг хулқ-атворида акс этишига эътибор қаратиш зарур; бундай жиҳатлар шахснинг ўз оиласида олган маънавий-психологик тарбия асосида ёки ижтимоийлашуви жараёнида шаклланади;
- Тарғиботчилар олиб бориладиган тарғибот ишларида қўйида-гиларни ҳисобга олишлари керак: ақлий меҳнат билан шугулланадиган инсонларда интеллектуал жиҳат кўпроқ ўрин эгалласа, бошқаларда эмоционал-ҳиссий жиҳат устуворлик қилиши мумкин; инсон интеллектуал жиҳатдан кучли бўлса, унинг эътиқодининг кучлилик даражаси ҳам юкори бўлиши мумкин, яъни бунда эътиқод мустаҳкам билимга асосланиши назарда ту-

тилади. Бунда шахсни интеллектуал жиҳатдан шакллантириш ~~ва~~ ривожлантиришни ижобий билимлар, ижобий душёқараш, юқсак инсоний фазилатлар асосида амалга оширилсагина, унинг эзгу мақсадларга интилиб, маънавий комиллиги таъминланишига эришиш мумкин. Шахснинг миллий гоя мазмун-моҳияти буйича мустаҳкам билимларни эгаллай бориши унинг эътиқоди мустаҳкам бўлиб шаклланишига кўмаклашади. Лекин, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, кучли билимга эга бўлмаган, ҳатто деярли ҳеч қандай билимга эга бўлмаган одамларда ҳам кучли эътиқод бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, кўпинча динга нисбатан эътиқодли муносабатда кўринади. Лекин бундан илмга эътибор бериш шарт эмас, ёшлар эътиқодли бўлса бас, деган ху-лоса чиқмайди. Инсон юқсак фазилатлар соҳиби бўлиб ва шу билан бирга, кенг қамровли билимларга ҳам эга бўлса, албатта бунда шахснинг маънавий комилликка интилиши намоён бўлади:

- миллий гояга бўлган эътиқодни шакллантиришга киришишдан аввал фуқароларда миллий гояга нисбатан муносабат, миллий гоя буйича билимлар даражаси, шунингдек, уларнинг эмоционалик ҳолати ва сезги органларидан қай бири устувор экани (аудиаллик, визуаллик) даражасини аниқлаш керак. Бунинг учун маҳсус психологик ташхис усулларидан ва тестлардан фойдаланилади. Бу борада, оиласда болаларнинг миллий гояга эътиқодини шакллантиришдан аввал, албатта, улар онгига миллий гояларимиз, яъни ҳалқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон гояларини сингдириш, уларга миллий гоялар тўғрисидаги тушунча ва билимларни бериш керак. Бунинг учун, маънавий-маърифий, услубий ишларни ташкил қилиш зарур. Бу борадаги ишларда мактабгача ёшдаги болалар билан алоҳида ишларни йўлга кўйиш, бунда уларнинг ўзига хос психик, психологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Бунда педагог ва психолог мутахассисларнинг кўмаги зарур бўладики, улар томонидан илмий асосларга таянган ҳолда маҳсус ишланмалар ишлаб чиқилиши. оиласда ота-оналар ана шу ишланмалардан фойдаланиб, тарбиявий ишларни мунтазам тарзда олиб бориб, миллий гоя мазмунидаги қадриятларни оиласдаги турмуш тарзи, оиласвий муносабатлар жараёнида ҳаётий амалиётда кўникма ҳосил қилиш шаклида олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади:

шуни ҳам ёдда тутиш керакки, экспериментал психологияда түлганин тажрибаларга кўра, кўпчилик фуқаролар миллий гоя бўйича етарли билимга эга бўлса ҳам, бу билимларни амалиётда кўллаш бўйича етарли қўнималарга эга эмас экан. Миллий гояни ҳаётда қўллаш учун инсонда билим ва қўнималарнинг мавжудлигидан ташқари, улардан фойдаланиш учун хошиш ва ирода ҳам бўлиши керак. Бунинг учун эса, фуқароларда миллий гоянинг инсон фаолиятидаги амалий аҳамиятини, максад сари йўналтирувчи ва йўл бошловчи вазифасини бажариши мумкинлиги тўгрисида южобий тасаввурларни шаклантириш керак. Сўнгра эса, шундай тасаввурларнинг ҳар бир шахсда мавжудлик даражасини ва бошка психологик ҳусусиятларни илмий тадқиқот методикаларидан фойдаланган ҳолда ташхис қилиш зарур. Бу борада, оиласда мактабгача ёшдаги болаларда миллий гоя моҳиятидаги миллий маънавий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланаётгани ва улар томонидан ўзлаштирилаётганлик даражасини ҳам болалар учун маҳсус педагогик ва психологик илмий тадқиқот методикаларидан фойдаланиб ташхис қилиш мумкин;

➤ психологик ташхис жараёнида миллий гоя ва қадриятларнинг шахс дунёкарашига ўтказган таъсири, дунёкарашида тутган ўрнини аниқлаш ҳам муҳим: психологик ташхиснинг бу жиҳатини таъкидлашимизга сабаб шуки, киши ўз атрофидаги нарса-ҳодисаларни баҳолашда ўз дунёкараши, қадриятларидан келиб чиқади ва ҳ.к.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ГОЯ РУХИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ф. Худайбердиев,  
Самарқанд вилояти ҳалқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириши институтти ассистенти

Ёшларни Ватанга садоқат, бегона ва тажовузкор ғояларга қарши Қуран руҳида тарбиялаб, вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан биридир. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов таълаганидек: «Биз фарзандларимизнинг нафакат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллек-

туал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча имконият ва шароитларни яратишни ўз оидимизга максад қилиб қўйганимиз»<sup>1</sup>.

Ёшларни миллий гоя руҳида тарбиялашда тарбиянинг ранг-ранг шакл, восита ва методларидан фойдаланиш зарур.

Бундай ёндашув ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият равнаки учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган.

Боланинг ёш хусусиятлари, фикрлаш салоҳияти, руҳий кечинмазларини ҳисобга олиб, миллий гоя бошлангич синфларда «оддийдан мураккабга» тамойили асосида сингдирилади. Бунда муносабаи ва фаолиятнинг мураккаблашиб бориши шахснинг юксакрок гоявий-мафкуравий сифатларини шакллантиришга замин яратади. Шу сабабли ўкувчиларда мустақиллик, фаоллик, гоявий онглилик каби мафкуравий сифатларининг асосларини шакллантириш мумкин. Бунда миллий мафкурани ўкувчиларнинг ёши, руҳий ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, содда шаклларда сингдириб борилиши зарур.

Ўкувчиларга тизимли таъсир этиш усуllibаридан фойдаланиш ҳам ижобий самара беради. Бундай доирага оиласдаги, синфдаги ва мактабдан ташқаридағи тадбирлар, педагогнинг шахсий намунаси ни айтиб ўтиш лозим. Дарснинг ташкилий кисмидан то дарсдан, мактабдан ташқари ўтказилган тадбирларгача миллий гоя руҳи билан сугорилган булиши лозим. Албатта, ўкувчиларнинг ёш, руҳий ва индивидуал хусусиятларига боғлик бўлгани учун бундай сифатлар шахс камолотида бирданига шаклланмайди. Шунинг учун ўкувчиларнинг тарбияланганлик даражаларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишни янги босқичга кўтариш зорур. Бунда шахсни ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишида тўсик булаётган зиддиятларни бартараф этишда тарбиянинг турли восита, усул ва методларидан фойдаланиб, зарур шароитда индивидуал, дифференциал таъсир кўрсатиш лозим.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Асосий вазифамн – Ватанимиз тараккиётни ва ҳалқимиз физонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2010, 74-бет.

Аммо, бу ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Аввалинда ушбу ишларнинг илмий-назарий ва амалий методларини ишлаб чиқиш керак. Шу сабабли бу мавзу ниҳоятда долзарбдир.

Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги мустакиллик Йилла-рида Ўзбекистонда қабул килинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тавомйилларидан биридир. У таълимнинг миллий тарих, ҳалқ анаъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйгунилгини, Ўзбекистон ҳалқларининг маданиятини саклаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий таракқиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа ҳалкларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат килишга йўналтирилган янги тарбия тизимини тақозо қилади. Мустакиллигимизнинг ilk кунлариданоқ мамлакатимизда таълим ва тарбия ишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Келажагимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар килиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатида алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Президентимиз миллий тарбиямизнинг ўзига хос хусусиятлари ва унда таълим билан тарбиянинг узвий боғлиқлиги ҳакида гапириб, куйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: «Таълимни тарбиядан, тарбияни са таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»!

Бу борада ўқувчиларни тарбиялашда мактаб, маҳалла ва оиласининг ҳамжиҳатлиги катта роль ўйнайди. Асосий миллий тарбия – бу оиласдан бошланади.

Миллий тарбиявий қадриятларни тиклаш ва замонавийлаштириш умуминсоний эҳтиёждир. Бугунги кунда юртимизда ёшларга катта зътибор берилмоқда.

Хуроса қилиб айтганда, ёшларни миллий гоя руҳида тарбиялаш, биринчидан, Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш, иккинчидан, уларда турли ёт гояларга карши иммунитетни шакллантириш, учинчидан, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаш имконини беради.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – сиптилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015, 62-бет.

# ҮРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Х. Кубаев,

*Самарқанд педагогика коллежи мањавият  
ва маърифат ишлари бўйича  
директор уринбхасари*

Н. Эргашев,

*коллеж ўқитувчisi*

Инсоният турмуш шароитининг сифат жихатидан ўзгариши дунё давлатлари, шу жумладан, мамлакатимиз таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни вужудга келтирди. Таълимнинг жадал суръатларда ривожланиши инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг мухим омилларидан бирига айланди. Негаки, бугунги кунда дунё ҳамжамияти жуда тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Юксак технологиялар замони, тафаккур асри деб изоҳланаётган ушбу давр глобаллашув жараёнлари билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳозирги пайтда Ер юзининг қайсиdir чеккасида қандайдир воқеа юз берса, дунёning бошқа ҳудуди зудлик билан хабар топади. Глобаллашув жараённи туфайли интеграция ва ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келмоқда. Бу жараённинг яна бир ўзига хос хусусияти борки, у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланмоқда.

Ҳозирги замон ёшлари таълим-тарбия жараёнида оладиган маълумотлардан ташкири радио-телевидение, матбуот. Интернет кабуситалар оркали ранг-баранг маълумотларни олаётгани хеч кимга сир эмас. Аммо, турли хил оммавий ахборот воситалари оркали таркагилаётган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам эзгуликка хизмат килмаслиги барчага маълум. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечи-лгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган гоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан бизга мутлако ёт бўлган, мањавий ва ахлоқий тубанлийларини ўз ичига олган «коммавий маданият» кириб келмоқда. Айрим кудратли давлатлар томонидан гаразли максадларни кулагаб олиб борилаётган ана шундай сиёсий мафкура ёшлар онгини

харлашда жуда катта хавф ҳисобланади. Ёшларимизнинг маънани оламида бушлик вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгидаги соглом ҳаёт тарзи, умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйгусини шакллантиришда таълим муассасаларида таълимгария уйғунлигига эришиш мухим роль ўйнайди. Ватан равнаки, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлик. Бу эса, ҳар бир юртдoshimizni ўзининг мањавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис утишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу ҳалқ билан уйғунлаштириб яшашга давъат этади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Юксак мањавият – енгилмас куч» номли асарида «Ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг мањавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаёттй қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, мањавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг мухим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди» деб тъкидлайдилар. Зоро, ёш авлоднинг мањавий-ахлоқий тарбиясида миллий қадриятлар мухим аҳамият касб этади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлардан таълим-тарбия жараёнида тўғри фойдаланишининг яна бир жихати – ёш авлодда миллий гурурни шакллантириш билан боғлик масаладир. Ҳар бир ёшга шу Ватанда яшаш туйгусини, она заминни севиш, атроф-олам барчаси инсонга хизмат қилишини ҳис этиш ва бундан гурурланиш түгуларининг пайдо бўлишига ундейдиган қадриятлар санъат ва тарихий асарлар, ҳалқ оғзаки ижоди, кино, театр ва бошқаларда ўз ифодасини топган ҳамда булар ёш авлод онгига бевосита самарали гаъсир этади. Шунинг учун таълим даргоҳларида театр, кино санъати усталари, ёзувчилар, шоирлар, меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш, маданий-маърифий тадбир ва конкурслар ўтказиш, тарихий-меъморий обидаларга саёҳатлар уюштириш ўқувчиларда юстетик онг, дидни шакллантириш билан бирга, мустақил Республикализ санъати ва санъаткорлари билан фахрланиш, шунингдек, яратиш. Иходюорлик тўйгуларини ривожлантиришга асос бўлади. Ана шундай мақсадли амалий фаолиятлар, биринчидан, миллий онгни ривожлантириш, ёшларимизда миллий ўзликни англаш, уларда ифтихор, гурур ва миллатимизга хос бўлган гузал туйгуларни шакллантиради, иккинчидан, ёшларнинг миллий-ахлоқий қадриятларни юндилаш ҳисларини мустаҳкамлайди.

Мустақиллик йиллари амалга оширилаётган маънавият сидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам, аввало, соҳа авлодни жисмонан соглом, ахлоқан етук ва баркамол килиб вояти етказишдан иборатдир. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун ўрга маҳсус қасб-хунар таълими тизимида ўкувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг онгига миллий истиклоқ гоясини сингдириш учун машгулотларни замон талаблари асосида ташкил этиш, мактабдан ва синфдан ташқари ишларни самара йулга кўйиш, диёримизнинг бебаҳо маданий ёдгорликлари билан ўкувчи ёшларни таништириш мақсадида санъат ва тарихий музейларга саёҳатлар ўюштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон замини қадимдан маданият, маърифат ҳуҷаги хисобланниб келган. Бу ерда йиллар давомида ривожланиб келган ажодиб санъат турлари ва намуналари дунё маданияти тараққиётидаги ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Аждодларимиз яратган тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар юртимизнинг, ҳалқимизнинг фахри ҳисобланади. Ўкувчилар учун ана шундай тарихий ёдгорликларга саёҳатлар, очиқ музей машгулотларини ташкил этиш ҳам маданий-маърифий тадбирлар сирасига киради. Ўкувчилар тарихий обидалар, музейлардаги тарихий экспонатлар билан танишиши жараённида аждодларимиз яратган улкан маданий мерос намуналари – меъморий ёдгорликлардаги нақшу нигорларнинг гузаллигини ҳис этадилар, санъат асарларидан завқ оладилар, уларда эстетик дид шаклланади, ижодкорлик қобилияtlари ўсади. Музейларга бевосита саёҳат ўюштиришнинг имконияти бўлмаган ҳолда ҳозирги замон янги ахборот технологияларидан фойдаланиб, видеоёзувларни намойиш этиш орқали республикамизнинг машҳур музейларидаги осори атикалар ҳакидаги маълумотларни ўкувчилар онгига етказиш мумкин.

Таълим-тарбия олдига кўйилган мухим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини маънавият тамойиллари асосида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни назарда тутади.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар тарихий босқичга эга, ҳаёт синон-видан ўтган, авлоддан-авлодга мерос, тараққиётга хизмат килувчи ижтимоий ҳодисадир. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, миллний меросимизга, санъатимизга мустақилликка эришгандан кейинги

на ғандий эътибор берила бошланди. Республика миз худудидаги барча тарихий ёдгорликлар давлат муҳофазасига олиниб, таъмирланиб, қайтадан жило тоғимоқда. Уларнинг аксарияти халқаро ЮНЕСКО тасарруфида экани бизнинг бой маънавий-маданий месоримизга бўлган эҳтиромдир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива. Шахрисабз, Кўкон, Термиз, Карши, Урганч, Навоий, Наманган, Ақдикон, Маргилон, Гиждувон, Нурота каби шаҳарлардаги, туман ва шаҳлокларимиздаги кенг миқёсдаги ободонлаштириш ишлари, тарихий ёдгорликларнинг тикланиши, бу ишларга халқимизнинг хайриҳоҳлик, ифтихор билан ўз ҳиссаларини қўшгани ҳақида ҳам ўкувчилар онгига сингдириш – уларда маънавий ҳис-туйгуларни шакллантиришида муҳим омил бўлади.

## ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА СИЁСИЙ ЕТУКЛИГИ

Б. Саломова, А. Шомуродов,  
ТВХТҲҚТМОИ ижтимоий-иктисодий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчилари

Маълумки, муайян мамлакатнинг куч-қудрати, тараққиёт даржаси шу давлат фуқароларининг интеллектуал қобилиятига, билим ва малакасига бөглиқ бўлади. Ёшлари етук, комил ва баркамол, замон галабларига жавоб берадиган юргина ривожланиш сари юз тутади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ юқсак малакали ва янгича дунёкарашга эга бўлған миллний кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берила бошланди, ҳаётимизда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш давлатимиз раҳбариятининг дикқат марказида бўлди. Чунки Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдиррида, одамлар дунёкарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек одамлар орзуимизнинг рӯёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади».

Ҳозирги кунда ёшларда «коммавий маданият» никоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт

бўлган гоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди. Бу борада «коммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуна-ларига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир педагог олдига қўйилган буғунги замоннинг талиби – ёшларнинг маънавий камолотини юксалтириш, уларда диний бағрикенглиқ (толерантлик), сиёсий-хукуқий, экологик билим ва маданиятни шакллантириш, мафкуравий иммунитет ва гоявий курашчанлик, соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик дунёкарашни яратиш, соғлом турмуш тарзи, жисмоний маданият, одоб-ахлоқ меъёrlарини тарғиб қилиш ва сингдириш, уларни юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, давлатнинг ички ва ташки сиёсатини тўгри англайдиган, ватанпарвар ва ҳалқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланған ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган, иродаси бакувват, иймони бутун ва виждони уйгоқ қилиб тайёрлаш, одам савдоси иллатларидан, бошка турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний экстремистик таъсирлардан, тубан «коммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш, жамиятда зуравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-харакатларнинг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ёшли ҳақиқий диний таълимот билан соҳта ақидапарастликнинг тафовутини билишга, теварак-атрофда юз берадиган ўзгаришларга ўз фикр-мулоҳазасини, нуктаи назарини билдиришга ўргатиш шарт. Ёшларнинг дунёда юз берадиган барча сиёсий ҳамда мафкуравий ўзгаришлардан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита маълумотларига кўра, ҳозир дунё бўйича 500 дан ортиқ террористик ташкилотлар мавжуд. Соҳта ақидапарастлар томонидан 2011 йилда дунё бўйича 10000 дан ортиқ террористик-кўпорувчилик харакати амалга оширилган. Бирон-бир динда кишиларга зарар етказиш, жамоага ёмонлик қилиш, бегуноҳ одамларни турли қийнокларга солиш ва ўлдириш харакатлари оқланмаган.

«Ахир. Куръони карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чикаришни қоралайди. Жанжал чиқсан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўгирап экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рӯз ҳам насия бўлиб қоларкан!»<sup>1</sup>

Бу борада энг аввало, ёшларга таълим-тарбия бераётган ҳар бир педагогнинг ўзи диний экстремистик ташкилотлар – «Мусулмон биродарлари», «Хизбут-тахрир», «Озодлик партияси», «Жамоат ул-муслимин»нинг мақсад ва вазифаларини англаб етмоқлари зарур. Бу ташкилотлар ўз сафларига жалб килишда эътиборни асосан гўр ёшларга қаратадилар. Ёшларимизнинг бундай ташкилотлар домига тушиб қолмасликлари учун асосий эътиборни уларнинг мафкура-вий иммунитетини шакллантиришга қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул ғлингандан «Одам савдосига қарши курашиш түгрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари түгрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш буйинча кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот органларига маҳалла фаоллари, ота-оналар, қолаверса, бутун жамоатчилик ёрдам бермоги лозим.

Хозирги кунда мамлакат миёсига ҳуқуқбузарлик, гиёхвандлик, диний ақидапарастлик, одам савдоси каби жиноятларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. ОАВда турли чиқишлилар, курсатув ва эшигтиришлар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрланмоқда. Асосий мақсад – ўз фикри, дунёқараши, мустаҳкам эътиқодига эга бўлган ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол, турли сиёсий буҳронлар ва иллатларга қарши кураша оладиган авлодни тарбиялашдир.

Жамиятнинг ривожланиши, кишиларнинг тинч-фаровон ҳаёт кечиришига, ислоҳотлар жараёнининг изчил такомилига салбий таъсир кўрсатадиган иллатлардан бири – гиёхвандликдир. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари бу иллатга қарши кураш олиб боришига қарамай, гиёхвандликка берилаётганларнинг сони ортиб бормоқда, гиёхвандлик ўзи билан бирга тузалмайдиган

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. 20-бет.

касаллукларни – ОИТС, үлка саратони, бепуштликни эргаштириб юриши, энг ёмони, бу иллатлар баркамол, соғлом авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш ва вояга етказиш жараённига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда. Гиёхвандлик инсоният учун энг хавфли ва оғир оқибатларга олиб келувчи оғат сифатида жаҳон халқларини ташвишга солмоқда. унинг оқибатида қотиллик, боскинчилик, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик ва бошқа оғир турдаги жиноятларга кўл урилмоқда. Ҳатто, ота-онаси, ака-укаси ва бошқа яқинларининг жонига қасд қилишгача етиб бориши, оиласанинг барбод бўлиши, фарзандларнинг майиб-мажруҳ бўлиб туғилишига олиб келиши, ота-онаси, қариндошлари ва дўстларидан юз ўгириши, хотираси йўқолиши, ҳеч нарсага кизиқмай кўйиб, беҳаёлик, диёнатсизликка юз тутиши, одам савдоси каби мудҳиш ишларга кўл уриши кузатилмоқда. Гиёхвандлик яна шуниси билан хавфлики, у ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми), гепатит, сил, заҳм каби кўплаб юкумли касаллукларнинг кенг тарқалишига омил бўлади. Қолаверса, бевосита наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили минг-минглаб одамлар нобуд бўлмоқда. Дунёда энг ривожланган давлатлардан бири бўлган АҚШда ҳар йили заҳри қотилга ружу кўйган шахслардан 14 минг нафардан ортиги ҳалок бўлар экан. Француз олими Демма 28 йил давомида оғу истеъмол қилувчи 10 та оиласи кузатган. Афсуски, бу хонадонлардаги болаларнинг 90 фоизи ногирон бўлиб туғилган.

Жаҳон согликни саклаш ташкилоти (ЖССТ) ва БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури маълумотларига кўра, айни пайтда дунёда 35 миллион нафардан зиёд инсон иммунитет танқислиги вирусини юқтирган. Ҳар куни қарийб 7 минг киши, жумладан, болалар XXI аср вабоси қурбонига айланмоқда. Бу мазкур касаллукка қарши курашиш бўйича амалий чоралар қабул қилиш заруратини англаатади.

Мамлакатимиз ОИТСга қарши глобал курашда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистонда БМТнинг Мингийиллик ривожланиш максадлари ва ОИВ/ОИТС бўйича декларациясини амалга оширишга оид мажбуриятлар доирасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юкумли касаллуклар бўйича санитария-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва соглом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам меъёрий-хукукий база белгиланған мақсадларга эришишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган «Одамнинг иммунитетиниң танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», 2013 йилда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши қурашиб тўғрисида»ги Конунлари, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қурашнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги «ОИТСга қарши қураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа катор проекатлар бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ижобий натижага эришиш йўлидаги шундай ҳамжиҳатликни мамлакатимизда амалга оширилаётган 2013–2017 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши қураш бўйича стратегик дастур мисолида кўриш мумкин. Дастурда касалликка чалиниш ҳолатларини кисқартириш ва беморларга курсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини янада тақомиллаштиришга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланган.

Келтирилган рақамлар ҳар бир кишини ўйга толдириши табиий. Чунки ҳеч бир инсон онадан гиёҳванд бўлиб тугилмайди. Буни келтириб чиқарадиган бир қатор омиллар мавжуд. Баъзилар тўклика шўхчик қилса, бошқа бирорлар ўзи билмаган ҳолда, алдовлар нағижасида шу йўлга кириб колади. Ҳозирги кунда ўсмирлар, аёллар ўртасида ҳам гиёҳвандликка ружу кўйиш ҳоллари учраётгани ташвишлидир. Бундай ачинарли ҳол бизнинг мамлакатимизда ҳам учраб туради. Оқибатда кўплаб ёшларимиз ҳаётдан бевакт кўз юммоқдалар.

Ҳозирги кунда юргимиздаги барча манфаатдор идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик дунё бўйича «Аср вабоси» деб танолинган наркотик моддаларнинг гайриконуний айланишига қарши қурашга кенг жало этилган. Ўз навбатида республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуий тизимлари томонидан ҳар йили «Ёшлар

орасида гиёхванд воситаларни таркалишига карши кураш», «Тар-  
кибида наркотик воситалар ва психотроп моддалари бўлган дори-  
дармонларнинг ноқонуний муомаласига карши курашиш»<sup>хамда</sup>  
икки босқичли «Корадори» кенг камровли тезкор профилактик тад-  
бирлари ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, турли  
соҳаларда кўлга киритилаётган ютуклар, жамиятнинг мухим бўғини  
ҳисобланган ёш авлод тарбияси йўлида килинаётган ишлар бунёд-  
корлик ишлари баробарида огохлик ва ҳушёрликни янада ошириб,  
биргаликда ҳаракат қилишни талаб этади.

Бугун мамлакат миқёсида ёш авлодни турли сиёсий ва диний  
оқимларнинг салбий таъсирига тушиб колишидан асраш, маънавий  
ва моддий ҳаётимизни согломлаштириш йўлида Юртбошимиз  
саъй-ҳаракати билан изчил, ҳар томонлама пухта ўйланган тадбир-  
лар амалга оширилмоқда. Юртимида фаолият юритаётган ҳар бир  
мураббий-педагог ушбу жараёнда ўзининг ўрни борлигини ва олди-  
даги фукаролик масъулияти нақадар юксаклигини ҳис қила билишин  
лозим.

## ГОЯГА ҚАРШИ ФОЯ – КУЧЛИ ИСТЕҲКОМ

М. Ёкуббекова,

Республика «Оша» илмий-амалий  
маркази етакчи илмий ходими,  
филология фанлари доктори

Истиқтолимизнинг шонли 25 йиллиги арафасида мустакил юр-  
тимизнинг ҳар бир онгли, ватанпарвар, тараккийпарвар фуқароси ўз  
ҳаёти ва фаолиятини сарҳисоб қилиши табиий. Биз ҳам шу қутлугу-  
сана арафасида ёшларимизни ёт гоялардан ҳимоя қилиш борасида-  
ги ҳамкорлик фалиятимизнинг самарадорлиги ва натижаси бораси-  
да фикр алмашмоқдамиз.

Болаларнинг бегонаси бўлмайди. Президентимиз айтганлари-  
дай, Ўзбекистоннинг болалари – ҳаммамизнинг болаларимиз. Эр-  
танги кунимизни, «...келажаги буюк давлатни соглом мафкурали,  
маънавий баркамол авлод барпо эта олициини назарда тутиб, комиш  
инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат

«есати даражасида кучайтириб бориш ва умумхалқ ҳаракатига ай-  
шантириши»<sup>1</sup> барчамиз учун мухим вазифалар сирасига киради.

Мустакил юртимизда дунёга келиб, камолга етаёттан ёшлар  
запохиятли, эркин ва теран фикрлайдиган; халқ ва миллат, жамият,  
ијодкорлик, фидокорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик сифатла-  
нига эга бўлган; ҳар қандай салбий тажовуз ва таъсирлардан, онг ва  
гафаккур қарамлигидан озод шахс бўлмоги керак.

Ота-оналар, маҳалла, таълим муассасалари, давлат ва нодав-  
лат ташкилотлари ҳамкорликда, бир ёқадан бош чикариб ҳаракат  
кишингандагина, ёшларни миллий гоя, миллий мағкура руҳида тарбия-  
лашга эриша оламиз.

Миллий гоя – «элим деб, юртим деб ёниб яшаётган» юртдошли-  
римизнинг халқи, Ватани олдидаги бурчи ва масъулиятини қай  
даражада англаши ҳамда қай тарзда адо этаётганини белгиловчи  
маънавий мезондир. Элу юрт олдидаги бурч ва масъулиятни анг-  
лаш миллий гурур хиссининг қай даражада ривожланганига боғлиқ  
бўлади.

Миллий гурур хисси: халқ ва миллат сифатида ўз-ўзини англаш;  
моддий ва маънавий меросни, миллий қадриятларни ардоқлаш; урф-  
одатлар ва анъаналарга содиклик; аждодлари тарихини билиш; она  
гилига, халқига меҳру муҳаббат; ўз юрти билан фахрланиш каби  
инсоний туйғу ва хислатлардан ташкил топади.

«Бола – бошидан», дейилади халқ ҳикматида. Дунёга янгитдан  
келган инсон кўнглини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов  
оппоқ дафтарга, инглиз олими Джон Локк эса топ-тоза тахта (ёзув  
доскаси)га ўхшатади. Унга нима ёзганимизга – қандай маънавий ах-  
борот битганимизга қараб, фарзандимиз «ё меҳрибон ва раҳмил,  
ёки худбин ва бағритош»<sup>2</sup>, ё билимдон ва интилувчан ёки нодон ва  
юқайд бўлиб ўсади.

Келажаги буюк давлатимизда яшаб турган ўзбек халқи ўзининг  
вобомерос миллий маданияти, маънавий қадриятлари билан ҳар  
канча фахрланса арзиди. Неча асрлар давомида бунёдкорлик, тур-

<sup>1</sup> Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: «Ўзбекистон». 2009, 34-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сиғилимас күч. –Т.: «Маънавият. 2008. 1-бет.

ли жабҳаларда кўлга киритилган ютуқлар мажмуи асосида юзага келган маданий муносабатлар, хатти-ҳаракатлар мезони ва меъёри кишиларимизнинг кон-конига, жон-жонига сингиб кетган.

Тарихимизга назар ташласак – барча даврларда ўз соҳасининг етук ва баркамол намояндаси бўлган қатор буюк аждодларимиз, қолдирган бебаҳо мероснинг инъикосини кўрамиз. Уларнинг турмуш маданияти, меъморий маданияти ва бошқа жабҳалардаги маданий ютуклари ўз улугворлиги, мумтозлиги билан жаҳонни ҳайратга солиб келмоқда.

Фарзандларимизнинг хотирасида акс садо бергувчи ана шу мумкаммалликни уйғота олиш бугунги кунимиз учун ниҳоятда долзарбадир. Уларнинг кудратли таъсири боис, ёшларимизнинг онгу шуурида мафкуравий истеҳком барпо қила олсак, четдан кириб келган ёт гоялар уларнинг фикрига тазийик ўтказа олмайди.

Ахборотлар оқими хуруж қилган ҳозирги даврда алдамчи шиорлар остида турли номлар билан келаётган ёт гояларга фарзандларимиз онгидаги мустаҳкам үрнашган, дилларига жо бўлган миллий гоя билан карши туришимиз мумкин.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: «Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вактида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли заарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда, уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидағи бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, факат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланниб колиши мумкинлигини тасаввур килиш кийин эмас. Мана шу аччиқ ҳакикатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим. Такрор айтишга тұғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳүшёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бе-парво бўлмаслигимиз зарур», – дея огоҳлантирадилар.

Ёшларга оид давлат сиёсати фарзандлар камолотини таъминлаш учун улкан имкониятлар, кенг уфқлар очиб қўйган ҳозирги даврда болаларимизни илм-фан, ҳунар, санъат, спорт каби соҳаларга йўналтириш билан камолотта етаклаймиз. Ташаббус ва тадбирлилар билан фарзандимиз лаёқати ва имкониятларига мос тўгараклар, машғулот турларини топсак, ҳунар ёки фан соҳаси бўйича устоз-

ларга бириктирсак, қатор танлов, мусобақа, фестиваль, кўрик ва намойишларда қатнашишга рағбатлантирсак, соғлом мафкурали, ижодкор ва бунёдкор инсонни вояга етказамиз.

Фарзандларимиздаги қизиқувчалик, изланувчаник, жўшиб турған куч-гайратни эзгу, ижобий ва фойдали томонга йўналтиримасак, болажонларимиз шитоби тез ҳаёт оқимидағи машъум гирдоблар домига тушиб қолишилари ҳеч гап эмас.

Агар фарзандларимизнинг маънавий ҳаётини, интилиш ва қизиқишларини биз бошқармасак, унда бу вазифани бизнинг ўрнимизга бетайин хурофтчи кимсалар, глобал ижтимоий тармоқка кора ният билан ин куриб олган бузғунчи «етакчи»лар, қаллоб сағтабозлар бажарадилар.

Кайковус таъбири билан айтганда: «...ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур»<sup>1</sup>.

Ёшларни миллий гоя ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда:

— юриш-туриши, истак-интилиши, қизиқишлари доирасини ўрганиш;

— белгилаб қўйилган ҳуқук ва бурчларини англатиш;

— мақсадли сұхбатлар асносида ўғит-насиҳатлар бериш;

— Ватан тарихи, обидалари ва қадриятлари билан таништириш;

— бунёдкорлик, ижод ва спортта қизикгириш;

— эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалга йўналтириш;

— салбий ташки таъсир ва тазйикларга муросасизликка ундаш каби чоралар жуда муҳим.

## MADANIY UNIVERSALLASHUV VA GLOBALLASHUV JARAYONLARINING BIR-BIRIGA TA'SIRI

M. Sodirjonov,  
*O'ZDSMI 2-hosqich magistranti*

Insoniyat XX asr oxiriga kelib bir qator chegara bilmaydigan muammolarga duch keldi. Urush va tinchlik, ekologik falokatlar, maʼnaviy qashshoqlik, narkobiznes, terrorizm kabi muammolar ana shular jumlasidandir. Shu bilan birga, dunyoda globallashuv, axborot oqimining tezlashuvi va intensivlashuvi, universal texnologiyalar bilan bogʼliq umumbashariy jarayonlar ham bormoqda.

<sup>1</sup> Кайковус. Қобуснома. –Т: «Ўқитувчи». 2006. 85-6

Kishilik jamiyat tarixi insonda oliyjanob fazilatlarning shakllanishi va rivojlanishiga ham ayni paytda g'ayriinsoniylikning xilmal-xil ko'rinishlari ildiz otib o'zining mudhish qiyofasini namoyon qilishiga ham ko'p guvoh bo'lган. Afsuski, insoniyatning butun tarixi davomida bunday illatlar unga hamrohlik qilib keldi, turli davrlarda yangi shakl, shamoyil, xususiyat kasb etdi. Bugungi kunda ularning eng yovuzlari yet yuzidagi tinchlik va totuvlik, hamkorlik hamda hamjihatlikka va oxir, oqibatda insoniyatning yagona birlik sifatida erkin taraqqiy qilishiga katta xavf tug'dirmoqda.

*Madaniyat sohasidagi universallashuvning mohiyati.* Globallashuvning madaniyat sohasidagi ko'rinishidan ma'lum bo'ladiki, bu sohada, birinchidan, texnologik munosabatlar tobora ko'zga tashlanmoqda, ikkinchidan, kichik madaniyatçılık (multkulturalizm) yuzaga kelib «individual madaniyat»ni voqelashtirmoqda; uchinchidan, madaniyatning axloqiy, diniy va etnik boshqaruvchilar kabi muhim qadriyatlarining ahamiyati pasaymoqda; to'rtinchidan, ommaviy madaniyat va maishiy industriya keng tarqalmoqda. Bularning bari ko'rsatadiki, globallashuv jarayoni hozirgi jamiyatda jipslashuvga olib kelmaydi, balki shaxslararo an'anaviy aloqalarining yo'qolib borishi, begonalashuvni, berilgan imkoniyatlardan qoniqmaslikni keltirib chiqaradi.

Globallashuv jarayonining madaniyat sohasidagi ijobiy va salbiy ta'sirini xorijiy mamlakat olimlari madaniy universallashuv jarayoni deb mulohazalar, tadqiqotlar o'tkazib kelishmoqda<sup>1</sup>.

Madaniy universallashuv – madaniy qadriyatlarining qorishish jarayoni hisoblanib ijobiy va salbiy ko'rinishlarda namoyon bo'ladi. Birinchi navbatda turli xalqlarning bir-birlarining uzoq o'tmish tarixi, avloddan avlodga o'tib kelinayotgan urf-odatlari, qadriyatları, milliy mentaliteti haqida o'rganishadi. Tadqiqotlar va ilmiy izlanishlar natijasida universallashish jarayonlariga xizmat qilishadi. Ikkinci tomondan esa, turli xalqlarning qo'shtirmoq ichidagi madaniyatini ko'r-ko'rona o'z-

<sup>1</sup> Огурцов Александр Павлович – (р. 14.09.1936) спец. по методол. и филос. науки, истории науки, теории познания; др филос. наук, проф. Род. в Москве. Окончил философский факультет МГУ (1958). Работал в ИИЭТ АН СССР (1971–1988). С 1988 в ИФ АН СССР (РАН); ст., затем вед. н.с., с 1992 зав. ...Большая биографическая энциклопедия. Универсалыши. В судьбе европейской цивилизации. От порядка к хаосу. С. Г. Иванов. «Универсалыши» в этом слове в неявной форме выражается судьба европейской цивилизации. Заключительные причины ее невероятного подъема и столь же невероятного нравственного падения

lashtirish jarayoni hisoblanadi. Xalqning milliy madaniyatiga, fan-texnologiyaning rivojlanishiga xizmat qiladi va aksincha, vayronkor g'oyalar, «ommaviy madaniyat» ta'sirida universallashuv xarakterga ega bo'ladi.

O'tgan asrning 80-yillaridan boshlab madaniy universallashuv jarayoni tobora rivojlanib bordi. Madaniy universallashuv jarayoni xorijiy olimlar tomonidan madaniy globallashuv jarayonlari deb ham talqin etiladi.

Madaniy globallashuv jarayonining ikki asosiy qiymati mavjud.

Birinchi holat – ilg'or mamlakatlar (ta'lim, fan, ishlab chiqarish, madaniy-ma'rifiy tadbirlar va bosh.) madaniyatini o'zlashtirish, andoza sifatida foydalanish va amal qilish tushuniladi.

Ikkinci holat – milliy madaniyatlarning kosmopolit (asosan Amerika) madaniyati standartiga bo'y sunish yoki xalqlar tomonidan G'arb mamlakatlarining madaniyatsizlik jarayonlarini, boshqa xalqlar tomonidan eng yaxshisi deb qabul qilish «ga'rplashish» jarayoni sifatida yuzaga keladi<sup>1</sup>.

Madaniy globallashuv – fan-texnika rivojlanishi, iqtisodiy integratsiya va modernizatsiya, innovatsion islohotlar orqali kirib kelib alohida etnik madaniyatlar integratsiyasini yuzaga keltiradi.

Bugungi kunda madaniy universallashuv jadallik bilan hayotimizning barcha sohalariga kirib kelmoqda. Insonlarning intellektual salohiyati, ijtimoiy hayotdag'i funksiyasi mobillashdi. Jahon bozoridagi mafkuraviy manzara va media mahsulotlarga bo'lgan talab keskin oshmoqda. Xususan, migratsiya oqimi natijasida turli mamlakatlar, muassasalar, ijtimoiy guruhlar va shaxslar o'rtaida to'g'ridan to'g'ri aloqalarning tezlashishi madaniy almashinuv jarayonlarining tez o'sishiga olib keldi. Masalan, turili festival («Sharq taronalari», deylik o'tgan tadbirga kelgan mehmon san'atkorlar tadbirdan tashqari joylarda o'zlarining san'atlarini targ'ib qilishdi yoki bir-birlarining kuy-qo'shiqlarini ijro etishib o'zlashtirishga harakat qilishdi) va karmavallar, jahon mamlakatlari o'rtaсидаги sport musobaqalari (yozgi va qishki olimpiadalar, Universiadalar), «Biznes forum»lar, ilmiy-amaliy konferensiyalarni olishimiz mumkin. Bu albatta madaniy universallashuv jarayonining ijobjiy ko'rinishi desak, xato bo'lmaydi.

<sup>1</sup> Е.Н. Устюгова. Глобализация и культура: исторический контекст // Философские чтения. 2005. 12-сон. 55-бет.

Shuningdek, ayni paytda globallashuv jarayoni madaniyat va turmush tarzining yangi shakllari paydo bo'lishiga sabab bo'lmoqda. E'tibor beradigan bo'lsak, bu holat nafaqat yakka shaxsda balki butun bir guruhlarda, jamoalarda nafaqat kuzatildi, balki bir xususiyat bo'lib hisoblanmoqda.

Tarixiy tajribada madaniyatni yoki ayrim an'anaviy tamoyillarni, qadriyatlarni o'zgartirish yoki ulardan voz kechish davrlari ham bo'lgan. Bunday davrda turli jamiyatlar har qanday madaniyatga ijtimoiy muhit mamlakatni rivojlanish darajasi, insonlarning yashash sifatidan kelib chiqib turlicha munosabatda bo'lishgan, tarqatishgan va qabul qilishgan, yoki muxolifat sifatida boshqa madaniy qadriyatlarga birlashishgan yoki inkor etishgan.

Olimlar tomonidan madaniy universallashuv – ijtimoiy hayotning turli sohalarida rivojlangan mamlakatlarning ustunlik qilishlari, G'arb qadriyatlarining tarqalishi ba'zi holatlarda madaniy mustamlakachilik holatiga kelib qolishi ham mumkinligini prognoz qilishmoqda. Madaniy universallashuv insonlar hayotida, iqtisodiyot, siyosat, ilm-fan, san'at, sport, sayyoqlik va shaxsiy aloqlarda amalga oshirilmoqda. Hech qaysi mamlakat, ijtimoiy guruh yoki etnik jamiyat bu jarayondan chetda qolmaydi.

Eng muhim o'zgarishlar, inson faoliyatining uchta muhim qismida bo'lib o'tmoqda:

- yangi texnologiyalar va axborot tizimlari va kommunikatsiyalar sohasida;
- etnik munosabatlar sohasida;
- jahon iqtisodiy tizimining rivojlanishi jarayonida;

Zamonaviy texnologik yutuqlar yangi transport vositalari va yangi aloqa shakllarini sezilarli darajada kengaytirdi. Birgina sun'iy yo'ldosh va rivojlangan transport-kommunikatsiya orqali odamlar dunyoning barcha hududlaridan kelgan ma'lumotlarni olish imkoniga ega bo'ldi. Bu albatta insoniyat tarixidagi katta yutuqdir. So'nggi bir necha yil davomida dunyo bo'yicha 100 dan ortiq mamlakatda Internet tizimidan foydalanuvchilar soni uch martaga oshdi.

Bugungi kunda hech bir mamlakat va hech bir kompaniya ijtimoiy guruhlar va shaxslar, yopiq va mustaqil hodisalar sifatida qabul qilinmaydi. Ular umumiyl munosabatlarda va o'zaro bog'liqlikda.

Globallashuv – zamonaviy sivilizatsiya yo'ldosh hodisa bo'lib, davlatlar, jamoat birlashmalari, milliy va etnik birlik, madaniy, maf-kuraviy va iqtisodiy integratsiya o'rtaсидagi universal va ko'p qirrali jarayondir. Madaniy globallashuvda dunyo mamlakatlari va xalqlarining sivilizatsiyasi va tarixiy jarayonlarni rivojlantirishning o'zaro ta'siri mavjud.

Har bir inson, xalqlar va davlatlar o'zaro hamkorlikda zarur va chuqur o'zgarishlarga sabab bo'ladi. Jahon mamlakatlari mahalliy, mintaqaviy muammolarni hal qilish uchun birlashadilar.

Madaniy universallashuv dunyo bo'ylab muayyan turdag'i milliy madaniyatni ommalashtirishga olib keladi. XX asrning oxiriga kelib madaniy universalizatsiyalash tobora globallashuv bilan xarakterlanadi. Aslida, G'arb mamlakatlari globallashuvni milliy madaniyatdan boshqa bir madaniyatga o'tish deb biladi. («McDonald» ning ishlab chiqarishi odatiy oziq-ovqat o'rniga o'tadi, ingliz madaniy elitasi kundalik hayotning bir qismi hisoblanadi.) Globallashuv bir ibtidoiy darajada, qoida tariqasida, oddiy, madaniy va til birlashtirish istagida bo'limoqda'.

Yoshlarning badiiy ehtiyojlarini qondirish, ular o'rtaSIDA «ommaviy madaniyat» mahsulotlarining tarqalmasligi uchun muayyan ishlar amalga oshirilayotir, albatta ularning san'atga, adabiyotga va boshqa ma'naviy mahsulotlarga bo'lgan ehtiyojlarini o'rganib borish hozir izchil olib borilmoqda.

Madaniy universallashuv masalasida, fikrlarni o'rganish jarayonida ayrim salbiy jihatlarni ko'rsatib o'tish mumkin:

- madaniy universallashuvning davriyligi;
- madaniy universallashuvning gegemon xalqlar tomonidan qaram xalqlarga singdirilishi;
- ayrim xalqlar tomonidan o'zini ma'nani qoloq madaniyatini ko'z-ko'z qilayotgan mamlakatlardagi guruhlar madaniyatiga ko'r-ko'rona taqlid qilish va ergashish jarayoni ko'zga tashlanishi;
- ma'nani qoloq madaniyatning xalqlar tomonidan qoralanishi va unga nisbatan kurash jarayoni kechishi<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В.Ф. Титов. Глобализация и культура // Социально-гуманитарные знания. 2-сон, 7001. 319-бет.

О.К. Чубоева. Майнавий маданият масаласида мулоҳазалар. Наманган. Салоҳият мечони. Илмий амалий семинар материаллари.

«Biz hayot hech qachon bir joyda to'xtab turmasligini, albatta, yaxshi anglaymiz», deydi Islom Karimov. «Agarki biz XXI asrda, tobora avj olayotgan globallashuv jarayonlari, Internet va intellektual taraqqiyot hal qiluvchi rol o'ynayotgan bir davrda yashayotganimizni hisobga oladigan bo'lsak, hayotimiz naqadar shiddatli sur'atlar bilan o'zgarib borayotganini, ayniqsa chuqur his qilamiz»<sup>1</sup>. Jamiyatimizda barqarorlik, tinchlik, osoyishtalik, millatlararo totuvlikni saqlab qolishda mintaqamizda sodir bo'layotgan turli xil mojarolarning mohiyatini chuqur anglab yetish, ularni keltirib chiqarayotgan muammolarni o'z vaqtida hal etish muhim ahamiyat kasb etadi.

## SHARQ MUTAFAKKIRLARI, BUYUK ALLOMALARIMIZ ASARLARIDA VA TASAVVUF ADABIYOTIDA ESTETIK IDEAL VA MA'NAVİY BARKAMOLLIK G'ÖYALARI

M. Sharipova,  
BuxMTI o'qituvchisi

Insoniyat yaralibdiki, uni boshqa jonzotlardan ajratib turuvchi ta'limtarbiyasi, ma'naviyati tobora takomillashib bormoqda. Estetik ideal (ya'ni biz quyida komil inson tushunchasi deb yuritamiz), ma'naviy barkamollik insoniyatning eng oliv tushunchalaridandir. Komil inson odamzod orzu qilgan jamiki ezgu xislatlarning ifodachisi. Komil inson biz uchun mukammal namuna, idealdir. Komil inson tushunchasi doimo sharqona tarbiya ko'rgan, ma'naviy barkamol inson tushunchasi bilan hamohang bo'lib kelgan. U barcha dunyoviy va ilohiy bilimlarni egallagan, ruhi mutlaq ruhga tutash, fayz-u karomati serob, qalbi ezgu tuyg'u larga limmo-lim to'la pokiza zot. Ma'naviy barkamollikka erishmay komil inson darajasiga yetish mumkin emas. Demak, ma'naviy barkamollikka intilish – bu komil inson darajasiga erishish uchun intilishdir. Komil inson iymon va e'tiqodlilik, halollik va poklikning oliv timsoli. Biz hammamiz shunga intilib yashamog'imiz lozim. Mustaqil O'zbekistonning bozor munosabatlari o'tish sharoitida iymonli bo'lish, halollik va poklik, vijdonli va diyonatli bo'lish nechog'liq zarur ekam hammamizga ayon. Mana shuning uchun ham Prezidentimiz ma'naviy

<sup>1</sup> Islom Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qili – eng oliv saodatdir. –T.: «O'zbekiston», 2015, 14-bet.

barkamol inson tarbiyasida yoshlarmizni elini, Vatanini sevuvchi komil inson qilib tarbiyalash ishiga alohida ahamiyat berib kelayotir. Komillikka inson butun umri davomida erishib boradi. Uchala tushuncha: sog'lom ayloq, ma'naviy barkamol, komil inson – darajama-daraja chuqur ma'no kasb etadi. Shundan kelib chiqadigan bo'lsak, komil inson bo'lishning aniq cheki va chegarasi yo'q. Bizning ko'hna tariximizda yuzaga kelgan, salq mamlakat tarixida katta ma'naviy-axloqiy tarbiya rolini o'ynagan tasavvuf – komil inson nazariyasi haqidagi, uni tarbiyalash, voyaga yetkazish haqidagi ta'limot va amaliyot sanaladi.

Komil insonlarning af'olu a'moli insonlar diliqa quvvat, ko'ziga nur hag'ishlagan. Komil insonlar jamiyatning tirik vijdonlaridir. Kishilar alarga qarab hushyor tortadilar, dunyo behudaligidan o'zlariga kelib, o'z qalblariga, o'z qilayotgan ishlariga razm soladilar, tavba-tazarru qiladilar. Komil inson haqida tasavvuf adabiyotida ko'p asarlar bitilgan. Ana shunday kishilardan biri XIII asrda yashagan Aziziddin Nasafiy bo'lib, «Insoni komil» nomli risolasida komil insonga ta'rif berib shunday vozadi: «Bilgilki, komil inson deb shariat va tariqat va haqiqatda yetuk bo'lgan odamga aytadilar va agar bu iborani tushunmasang, boshqa ibora bilan aytayin: bilgilki, komil inson shunday insondirkim, unda quyidagi to'rt narsa kamolotga yetgan bo'lsin: yaxshi so'z, yaxshi fe'l, yaxshi axloq va maorif». Bu sifatlar bilan ziynatlangan odam yolg'on, rivo va badkirdorlikdan chekinadi, hamma vaqt ezgu niyat bilan yashab, ezgu ishlarga tayyor turadi. Yaxshi sifatlarni egallab borgan odam komil inson martabasiga ko'tarila oladi. Komil inson – insonlarning eng mukammali, eng oqili va donosi. Komil inson insonlar jamiyatni ichidan yetishib chiqadigan mo'tabar zotdir. Insonlar komillikka axloqiy-ma'naviy poklanish jarayonida erishadilar. Komillikning belgisi haq yo'lidan borib, xalqqa foyda keltirishdir. Kishi o'z so'zi, amaliy ishlari, niyati bilan qanchalik odamlarga foyda keltirsa, yomonlarni to'g'ri yo'lga salsa, haq yo'lida fido bo'lsa, u shuncha komil bo'ladi.

Komil, barkamol insonni tarbiyalash, voyaga yetkazish haqida musulmon Sharqi axloqi tarixida inson hayoti uchun dasturulamal, qo'llanma vazifasini o'tagan ko'p pandnomalar, xalq kitoblari mavjud bo'lgan. Shulardan ba'zilarini sanab o'tamiz. Chunonchi, Kaykovusning «Qobusnomá», Sa'diyning «Guliston», «Bo'ston», Amir Temurning «Temur tuzuklari», Abdurahmon Jomiyning «Bahoriston», Alisher

Navoiyning «Mahbubul-qulub», Xusayn Voiz Koshifiyning «Axloq muhsiniy» va boshqalarni ko'rsatishimiz mumkin. Bu asarlarning ko'pchiligida odil shoh vaadolat, halollik, soflik, poklik, to'g'rilik, rostgo'ylik, insonparvarlik, ma'rifatli bo'lish kabi insonning sharqona fazilatlari yoritilgan.

Alisher Navoiyning «Nasoyim-ul muhabbat» asarida komil insong' xos xususiyatlar, uning sharqona fazilatlari sanab o'tilgan. Bular qatoriga ulug' mutafakkir quyidagilarni kiritadi: tavba, halol luqma bilan qanoatlanish, o'z kasbidan topib kun o'tkazish, shariatga rioya etish, barchadan o'zini kam deb bilish, hatto farzandlari, xizmatkorlariga qo'pollik qilmaslik, chuchuk, yaxshi, muloyim tilli bo'lish, rahmdil bo'lish, saxiy bo'lish, mard bo'lish, halimlik, xushxulq bo'lish, rizorozilik bilan kun o'tkazish, sabrli bo'lish, sadoqatli, vafoli bo'lish, rivotzat chekishdan qo'rmaslik va hokazolar.

Shu tariqa o'tmishda, komil insonning o'ziga xos axloq kodeksi ishlab chiqilgan bo'lib, bu sifatlarga ega bo'lish har bir odamning orzu-armoni deb qaralgan. Komil inson haqidagi g'oyalar katta ijtimoiy-axloqiy ahamiyatga ega bo'lgan. U insonni sharaflı, ezzulik va buyuk xayr ruhida tarbiyalash, mehr-u muhabbat, vafo va sadoqatni kuchaytirishga xizmat qilib keldi. Har zamon, har lahzada insonlarga ularning insonligini eslatib, yovuz, qabih ishlar, nojo'ya xatti-harakat va qiliqlardan saqlanishga ko'maklashadi, ularda iymon va vijdon binosining paydo bo'lishini ta'minlaydi. Prezidentimizning quyidagi ta'rifida komil insonning asosiy xususiyatlari har taraflama chuqur va teranlik bilan bayon qilib berilgani diqqatga sazovordir: «Komil inson deganda, – deb yozadilar Prezidentimiz Islom Karimov, – biz avvalo, ongi yuksak, mustaqil fikrlay oladigan, xulq-atvori bilan o'zgalarga ibrat bo'ladigan, bilimli, ma'rifatli kishilarni tushunamiz». Uning shakllanganligi darajasini xarakterlovchi eng muhim fazilatlarsa quyidagilardir: aqliy zukkolik, huquqiy komillik, axloqiy yetuklik, siyosiy teranlik, mehnatga halol munosabat, yuksak madaniy, ma'naviy saviya, professional iftixor, milliy va umuminsoniy g'urur va boshqalar.

Yuqoridagilarni hozirgi mustaqil hayotimiz, turmush tarzimiz, kishilarning ayniqsa, yoshlarning intilishlari bilan bog'lab komil inson chizgilariga quyidagi xislat va fazilatlar kirishini umumiylar tarzda bayon etishimiz mumkin: komil insonning umumiylar xislatlari: yoqimlilik,

ko'rkamlik, jozibadorlik, salobatlilik, hurmatga sazovorlik, shoironalik, ulug'sifatlik, o'ziga xoslik, yetuklik, jiddiylik, madaniyatllilik, tarbiyalanganlik va boshqalar.

**Komil insonning axloqiy fazilatlari:** insonparvarlik, do'stlik, g'amxo'rlik, jonkuyarlik, samimiylilik, odamiylik, bolajonlik, iymonlilik, fidokorlik, xushmuomalalik, boadablik, iltifotlilik, kechirimlilik, mehmondo'stlik, halollik, to'g'rilik, diyonatlilik, haromdan hazar etish, mehnatsevarlik, vatanparvarlik va hokazolar.

**Ishbilarmonlik xislatlari:** ishchanlik, tirishqoqlik, serharakatlilik, mas'uliyatlilik, insofililik, halollik, malakalilik, epchillik, uddaburonlik, saranjom-sarishtalik, tadbirkorlik, aniqlik, tejamkorlik, barkamollik, ia'masizlik, tavakkalchilik va boshqalar.

**Zukkolik, idrokllilik fazilatlari:** zehnlilik, bama'nilik, xotirjamlik, sog'lom fikrlilik, donishmandlik, sezgirlik, zakovatlilik, topqirlik, notiqlik, tanqidiylik, dadillik, omilkorlik, savodxonlik, qiziqvuvchanlik, ishqibozlik kabilar.

**Sobitlik xislatlari:** faollik, qat'iyatlilik, tezkorlik, jo'shqinlik, sabotllilik, bir so'zda turishlik, barqarorlik, botirlik, dovyuraklik, intizomlilik, jiddiylik, nafsn tiyishlik, o'zini yo'qotmaslik, sovuqqonlik, o'ziga talabchanlik, kamsuqumlik, o'zini o'zi idora eta bilish va boshqalar.

**Ehtirosllilik xislatlari:** ko'tarinkilik, tantanavorlik, kulib turuvchanlik, hazinlik, kelajakka ishonch, ezzulik, kek saqlamaslik, oliyanoblik, otashinlik, nozik tabiatlilik, hayolilik, xijolatpazlik, iffatlilik va hokazolar.

Ana shunday xislat va fazilatlarni yoshlarmiz ongiga singdira borilishi ularni har tomonlarna barkamol, sog'lom va komil inson ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etishi shubhasiz. Mustaqillik ruhida yangicha fikrlaydigan, fozil, komil inson, eng avvalo, fuqarolik burchini a lo darajada his etadigan shaxs bo'lishi darkor. Shunday farovon, tinch-osuda diyorda yasharkanmiz, har qaysi komil inson, har birimiz: «Shu davlat, shu jamiyat menga nima berdi?» deb emas, balki: «Men o'zim Vatanimga, el-u yurtimga nima berdim?» deb fikr yuritishimiz va har dam shu aqida bilan, shukrona aylab yashamog'imiz lozim.

## ЁШЛАР ОНГИДА ЁТ ФОЯЛАРГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ ВАЗИФАСИНІ БАЖАРИШДА МИЛЛИЙ ФОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

О. Аллаберганова,

*Хоразм вилюяти Хонқа тумани 38-сон умумий  
үрта таълим мактаби маънавий-маърифий  
тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари*

*Муқаддас ислам динимизни пок сақлаш, уни тур-  
ли хил гарзали хуруж ва ҳамлагардан, тухмат ва  
бўхтонглардан ҳимоя қилиш, унинг асл маҳиятини  
униб-усиб келаётган ёш аслодимишига тўғри тушунти-  
риш, ислам маданиятининг энгу гояларини кенг тарсиб  
этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қалмоқда.*

Ислом Каримов

Мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда диний ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ҳалқимизнинг асрлар давомидаги орзу-умидлари рӯёбга чиқа бошлади. Конституциямизда инсонларнинг виждан эркинлиги кафолатланди. Муқаддас динимизга, диний китобларимизнинг нашрига катта эътибор берилди. Бироқ, бу неъматлардан фойдалана туриб, ношукурлик қиласидиган, ганимларимиз ногорасига ўйнайдиган, ўз юргига қаратса тош отадиган нобакор шахслар ҳам йўқ эмас. Дунёнинг турли давлатларида бўлгани каби бизнинг юртимизда ҳам турли экстремистик, ақидапараст ва мутаассиб оқимларнинг ақидаларига эргашиб, залолат ботқогига ботиб қолган кимсаларнинг борлиги, албатта, ачинарли ҳолат. Тарихимизни, ўзлигимизни, миллий маданиятимизни, динимизни яхши биллиб, таҳлил қила оладиган ҳар бир инсон ҳозирги асримизда пайдо бўлаётган янги оқимларнинг илдизлари, асослари ва гоялари тарихда бир вақт чиқиб, кейин саробдек сўниб, йўқ булиб кетган фирмалар билан ҳамоҳанг эканини идрок этади. XXI асрда мафкуравий курашларнинг ақл бовар қилмайдиган турлари пайдо бўлмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг «Табиийки «коммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа ҳалқларнинг неча минг йилини анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бе-

пісандлик, уларни күпоришга қаратылған хатарлы таҳдидлар одам-  
ни шашвиши а солмай қўймайди», деган сўзларини эслаб қўйишимиз  
возим.

Гоявий тузокларнинг айримлари кўринишидан гўёки асримиз-  
нинг янгилигига ёки «маданият»ига үхшаса ҳам, улар кишиларга,  
айниқса, ёшларимизга жуда ёкиши билан ўта хатарлидир. Унинг ҳеч  
бир халқнинг миллий-маънавий анъаналарига асосланмаган, фақат  
хуватга, инсоний ахлоққа терс ҳаёт тарзига чақирувчи «оммавий  
маданият» ёки салбий жиҳатини ҳисобга олиб айтганда, «оломон-  
ча маданият»нинг ана шу жиҳатлари жуда кўп. Энг ачинарлиси,  
одамлар шу «маданият»нинг таъсирига берилиб қолганини ёки  
унинг қурбонига айланадиганини ҳам сезмай қолмоқдалар. Сўнгги  
пайтларда ҳар хил гаразли кучларнинг маънавиятимизга зид бўл-  
ган ва «оммавий маданият» ниқоби остида хатарли иллатлар билан  
йўғрилган гояларни ёшларимиз онгига сингдиришга уринишлари  
кучаймоқда. Бундай жирканч «маданият» таъсирига тушган ўсмир  
лоқайд. Енгил-елпи ҳаётта ошино, юрт равнақи ва халқ тинчлигига  
бефарқ кимса булиб вояга етади. Бундан ташқари «оммавий мада-  
ният» жамиятда бузгунчилик ва зўравонликни тарғиб этиш ҳамда  
болаларга гўё истаган ишини қилиш, яъни «эркинлик бериш» каби  
бемаъни одатларни ёйиш билан уларни манкуртга айлантириб, маъ-  
навий ҳаётни оғир инқирозга дучор қиласди. Ҳозирги кунда, ер юзида  
мағкуравий курашлар, маънавий зиддиятлар ва зўравон гояларнинг  
турли «ўйин»лари авж олган бир пайтда, халқимиз бундай шароит-  
дан ҳар қачоғидан ҳам ҳушёр ва огоҳ булиши, албатта, дўст билан  
душманни ажратса билиши, ганимлар фитнасига учмаслиги, ёвуз  
кучлар кўлида кўғирчок бўлмаслиги зарур. Ҳар биримиз бундай фа-  
сад иш ортида разил мақсадлар, манфаатдор кимсалар турганини,  
албатта билишимиз ва сезишимиз керак. Бир нарсани билишимиз  
керакки, АҚШда жиноятга кўл урадиганларнинг кўпчилиги бузи-  
ған ёки нотинч оилаларнинг фарзандлари экани аниқланган. Унинг  
таъсири барча ёшда ҳам сезилиб турган. Шунинг учун ҳам бизнинг  
юртимизда оила мустаҳкамлигига, фарзандлар тарбиясига алоҳида  
ътибор берилмоқда. Давлатимиз томонидан «Оила – маҳалла – таъ-  
лим муассасаси» концепцияси бежиз ишлаб чиқилмаган. «Юксак  
маънавият – енгилмас куч» асарида Президентимиз таъкидлагани-  
дек, «Агарки, биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва

изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли заарарли оқимлар би-  
нинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни  
ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда, уларнинг ота-она, эл-юрт  
олдиаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлиқ  
ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мум-  
кинлигини тасаввур қилиш кийин эмас». Ахир одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо,  
ор-номус ва диёнат каби фазилатлар азајдан ҳалқимизнинг маъна-  
вий оламининг ажралмас қисмига айланган-ку. Бироқ қабих ният-  
ли кимсалар бугунги глобаллашув шароитида «оммавий маданият»  
ниқоби остида ёшларимизга турли ёт гояларни, маънавий тубан-  
ликларни тарғиб этиши ана шундай қадриятларимизга болта уриц-  
га уринаётганидан далолатдир. Ҳалқимизнинг, айниқса, ёшларнинг  
ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган «оммавий  
маданият»нинг баъзи кўринишлари кўйидагилар:

1. Жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини гарб телеви-  
зион дастурлари эгаллаган. Уларнинг тумтароқ мусиқалари, маъ-  
носиз ва гайритабиий қўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани  
ачинарли ҳол, албаттa. Бундай кўринишлар ёшларни маҳлис қилиб,  
ўз домига тортмоқда. Оқибатда, айрим ўсмирлар уйда, мактабда ва  
ҳатто йўлда ҳам ана шундай заарарли нарсалар билан банд бўлишяп-  
ти. Асосий вазифа бўлган ўқиш, илм-маърифат олиш ва касб-хунар  
эгаллашга рағбатлари суст бўлмоқда.

2. Бугунги кунда Гарбда аксарият ёшларнинг маънавияти таназ-  
зулга учраётгани аник. Бироқ айрим оммавий ахборот воситалари-  
да уларнинг турмуш тарзи тарғиб этилаётгани ажабланарли. Гарчи  
бундай вазият мамлакатимизда кузатилмаса-да, хотиржам бўлишга  
асос йўқ. Ёшлар қалбида бундай хунук ҳолатларга вақтида нафрат  
туйгусини уйготиш лозим.

3. Хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар ва улар-  
да акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи сў-  
ратлар ёшлар онги ва феълига билмаган ҳолда салбий таъсир ўт-  
казади. Масалан: «киллер» (қотил), «дангер» (даҳшат) каби сўзлар  
ва ҳаёсизлик ёки ёвузликни ифода этувчи манзараларнинг тубо-  
моҳиятига эътибор қаратишмиз керак. Акс ҳолда, фарзандларда  
зулм, зуравонлик ва жонга қасд қилиш каби иллатлар оддий ҳолати  
айланиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, чет эл жангари фильмла-  
ридаги шафқатсизликлар, ваҳшийликлар акс эттирилган лавҳалар

секи котиллик тусирилган видеотасмаларни болалар куриши, улар онгига ножоя таъсир қилиб, уларда муаммоларни шундай аянчли ҳал этиш ҳисси уйғонади.

4. Ғарб ёшларида уюшган жиноятчилик ва зўравонликка берилиш ҳолаглари анча юқори. Бунга сабаб – болаларга меъридан ортиқ эркинлик берилганидир. Бунинг устига, «оломонча маданият» эр-хотин ва болаларни оиласидаги вазифалари, бурч ва масъутиятларидан «озод» этиб, оиласий бирлик, меҳр-мурувватни йўқка ниқаряпти, оиласи таназзулга олиб келмоқда.

5. Ғарб турмуш тарзида гуурур-ор, эркаклик шаъни, аёллик ифрати деган нозик тушунчалар емирила бошлаганига анча бўлган. «Эркин ҳаёт тарзи» сифатида тарғиб қилинаётган ахлоксизлик, хаёсизлик, тажовузкорлик ва бошқа иллатлар инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясига улкан хавф солаётгани барчамизни огоҳ этиши керак. Бундай хатарларга карши тинмай курашимиз кераклигини ҳамманинг онгига сингдиришимиз лозим.

«Оммавий маданият» маҳсулотлари ёшлардан фикр юритишни тараб этмайди, аксинча, уларни ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан гўё «халос» этади. Үқишига, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда «яйраб қолиш»га чакиради. Бунинг салбий натижасида эса меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ мезонларига пугур етаётгани, бехаёлик ва зўравонликнинг авж олаётгани бутун дунё ахлини ташвишга солмоқда.

Қалқимизнинг миллий мънавияти, оиласаримизда амал қилинадиган тартиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Улар оила мустаҳкамлигини таъминлашда улкан пойдевор вазифасини утайди. Диёримизда миллий қадриятлар ва муборак динимизнинг эзгу таълимотлари асосида оиласа доир қонун-қоидалар янада мукаммал тарзда қайта ишланди. Мамлакатимизда юксак мънавиятли, мустакил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соглом ва баркамол авлодни вояга етказишига қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чорагадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2124-сон карори ҳамда Халқ таълими мурлигининг 2014 йил 10 февралдаги 33-сон карорининг ижроси-

ни таъминлаш бу, албатта, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютукларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга замин яратади.

## ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

Р. Боймирзаева, М. Тұхтасинов,

*Наманган вилоят ҳатқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
оилириши институти ижтимоий-иктисодии  
файлар кафедраси ўқитувчилари*

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, гоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чукур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлик. Жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишини мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки қунларданоқ, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида собиқ Иттифоқ республикалари ичida биринчилардан бўлиб, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг кабул қилинганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўсиб бораёттанини кузатиш мумкин. Бу борада, уларда шакланаётган ижтимоий ва мафкуравий тушунча ҳамда гояларнинг аҳамияти каттадир. Ёшлар тафаккурида миллий истикслол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истикслол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш мухим аҳамиятта эга. «Ҳаммамиз яхши биламиз, – дейди Президент Ислом Каримов, – 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр – инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврdir. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий киёфаси тугал шаклланади. Ҳали суюги қотмаган фарзандларимизни ўз холига ташлаб кўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти

билин шуғулланмасак, келажақда уларнинг комил инсонлар бўлиб стишмогига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг кўлига топширамиз?»<sup>1</sup>

Миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири – халқимизни, ёшларимизни меҳнатсеварликка даъват этиш. Факат меҳнат туфайли, жамиятимиз тараккиётини таъминлайдиган иктисол соҳасини ривожлантириш, моддий неъматлар яратиш туфайлиги на биз ривожланган мамлакатлар каторига қўшилишимиз мумкин бўлади. Негаки, ҳар қандай гоя амалиётта асосланмаса ва меҳнат билан боғланмаса, ўз сиёсий кучини йўқотади ва аксинча, меҳнат билан уйгунлашиб кетадиган гоя халқнинг эътиқодига айланиб штади. Умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда миллий қадриятларимиз, тарихимиз, тилимиз, ахлок-одобимиз, динимизни тиклаш, уларни янги босқичга кўтариш; Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва златларнинг тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ривожлантириш, уларга яратиб берилган имконият ва шарт-шароитларни янада кенгайтириш; юрт тинчлиги, Ватан равнаки, ҳалқ манфаати учун қайгурадиган, янгича фикрлайдиган, имон-эътиқоди бутун, иродаси бакувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш; фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан соглом бўлган авлодни тарбиялаш соҳаларида ижобий натижаларга эришиш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва кобилиятларини намоён этиши учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш лозим.

Ҳар қандай суверен давлат сиёсатининг марказида ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи туради. Ўзбекистон миллий хавфсизлиги нафакат давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини курол билан ҳимоя қилишни, балки урушнинг олдини олиш, давлатнинг иктисолий ва технологик хавфсизлиги, ички барқарорлиги ва тинч ҳаёт кечириши, фуқароларнинг ҳукукий, маданий-маърифий ютукларини ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсий ва дипломатик чоралар куришни ҳам ўз ичига олади.

Давлат барқарорлиги, тинч-тотув ҳаёти, тараккиётни ва келажаги ана шу давлатда катта хавф тугдириши мумкин бўлган барча

<sup>1</sup> Нелом Каримов. Янгича тафаккурга кенг йўл // Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. 6-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. 11-бет.

тахдилларнинг моҳиятини тушуниб етишга, уларнинг олдини олия ва бартараф этиш халқимизнинг салоҳиятига боғлиқдир. Таҳдида нисбатан хотиржамлик, мудроқлик ёки уни бутунлай сезмаслик жиддий оқибатларга олиб келиши мукаррар.

Демак, ҳозирги кунда давлатимиз келажаги ҳақида қайгураётган ҳар бир инсон чет элдан келтирилаётган моддий ва маънавий афқон билан халқларимизни, айниқса, ёшлигаримизни жисмоний ва руҳий жиҳатдан заҳарлантиришга бефарқ қарамаслиги лозим. Бунинг учун нима қилиш керак? Демак, биз бегона, бекарорлаштирувчи мағкурага – миллий истиқтол мағкурамизни, жисмоний азоб ва қон тўқилишларга – меҳр-мурувват, диёнатсизликка – руҳий покълик, беҳаёликка – камтаринлик, бемаъниликка – маънавий бойлик, бошқача айтганда, халқимизнинг кўп асрлик тараққиёти давомида яратилган шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини, юксак маънавият ва бой маданиятимизни, қадриятларимизни қалқон қилиб қўйишимиш керак. Биз маънавий хавфсизлик ҳақида қайгурап эканмиз, энг аввали, фуқароларда юксак маънавиятни шакллантиришнинг аҳамияти қанчалик баланд эканини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Юрбошимиз Ислом Каримов айтганидек: «Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг мукаддас динига соглом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мағкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Токи, улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чукур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсон бўлиб етишсин»<sup>1</sup>.

Негаки, маънавияти юксак даражада ривожланган халқ, миллат тараққий этади, келажакка караб дадил, изчиллик билан қадам босади ва аксинча, маънавий жиҳатдан қашшок бўлган мамлакат ёки давлат таназзулга учрайди. Дунёда кечаетган ижтимоий-сиёсий, маданий-мағкуравий жараёнларни теран ҳис этиб таҳлия килиши, миллий гоя ва мағкуравий иммунитетни шакллантириш механизmlари ва технологияларини пухта ўзлаштириш лозим бўлади.

«Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вактида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли заарлар оқимлар бўз-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Миллий истиқтол маккураси – халқ зътиқоли ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимит. 8-жилл. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 494–495-бетлар.

нинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдицаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, факат бир кунлик ҳёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланниб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Мана шу аччик ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур анграб олишини истардим. Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бе-парво бўлмаслигимиз зарур»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда туғилиб, униб-усиб келаётган ҳар бир ёш авлод онгига ана шу мақсадимизни сингдириб борсак, уларга замонавий билимлар бериб, миллий гоямиз руҳида тарбиялаб, юксак маънавият уругини қалб қўрига тикиб қўйсан, эртага уни турли маънавий таддидлардан асранимиз керак, деган муаммодан қутулган бўламиз. Чунки ёш авлоднинг ўзи нима яхши-ю нима ёмонлигини, кимга эргашиб, кимдан қочиш кераклигини анграб етади. Мустақил фикр ва ёлатий эътиқодга эга бўлади. Қисқаси, оқ ва қорани бир-биридан ўзи ажратиб олади.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Бунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳар куни тонгда ўйлотаётиб:

«Болам! Сен бугун Ўзбекистоннинг фаровон келажаги учун, қингининг фаровонлиги учун, юртнинг тинчлиги учун меҳнат қилмоғинг, курашмоғинг керак!» – дейиши;

ҳар бир ўқитувчи болаларни ҳар куни кутиб олганда, ҳар бир фарсни бошлаганда:

«Ўқувчилар! Бугун сизлар мамлакатимизни янада равнақ топиши, ривожланган давлатга айланиши учун, ота-онангиз ва оиласининг тинчлиги-ю юртнинг юксак истиқболи учун таълим-тарбия қилмоғингиз керак!» – дейиши;

ҳар бир фуқаро, хусусан, ҳар бир ёш кечқурун ўзига ўзи:

«Мен бутун мамлакатнинг ривожланиши учун, юртнинг тинчлиги-ю ҳалқининг фаровонлиги учун, комилликка етишиш учун нима

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015, 13-рек.

иш қилдим ва эртага нима қилишим керак?» – деган савол бериншінің  
ва унга тайинли жавоб бера оладиган бұлиши:

хар бир ота-она, педагог, тарбиячи ходим:

«Бүгун боламга, үқувчимга, құл остимда тарбия топаёттан бола-  
га миllий мағкурунинг қайси ғоясина сингдирдім, миllий маъна-  
виятимиз даргаларидан қай бириңнинг ибратини күрсатып бердім,  
уни қандай мақсад сари йұналтира олдым?» – деган жиddий савол-  
лар билан үз фаолиятини таҳлил этмоги даркор.

## АЖДОДЛАРИМIZ МЕРОСИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРДА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ КУРАШЧАНЛИК КҮНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Д. Миралиева

Үтган XX асрнинг 60–70-йилларида пайдо бүлган глобаллашув  
атамаси қатор сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фан соҳаларининг  
предметига айланып бормоқда ва ҳар бир соҳа вакиллари унга үз  
нуқтаи назаридан туриб ёндашмоқдалар.

Глобаллашувнинг бу қадар шиддат билан ривожланишига үт-  
ган асрнинг 90-йилларига келиб «Совуқ уруш»нинг барҳам топи-  
ши, унинг оқибатида халқаро муносабатларда кучлар нисбатинин  
бутунлай үзгариши, аввалги «икки қутбли дунё»дан иборат жаҳон  
сиёсий харитаси аста-секинлик билан «кўп қутбли дунё»га айлана  
бошлагани фаол таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб мутахассислар  
«кўп қутбли дунё»нинг турли моделларини ишлаб чиқишига кириш-  
дилар. Жумладан, «Ўзаро курашаётган етти цивилизация» модели.  
«Концентратикайланалар» модели кабилар бунга мисол бўла олади.  
Натижада жаҳоннинг янги геосиёсий харитаси үзининг бир қатор  
хусусиятларини намоён эта бошлади. Масалан, халқаро муносабат-  
лар тизимида ҳукуматлараро ташкилотлар билан бир қаторда  
ноҳукумат ташкилотлар, трансмиллий корпорацияларнинг сони  
ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай ташкилотлар, ҳатто, давлат-  
лараро муносабатларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Шунингдек,  
жаҳоннинг турли минтақаларида янги куч марказлари ташкил топ-  
ди, улар үз нуғузлари ва мавқеларини мустаҳкамлаш учун муттаси  
ҳаракат килмоқдалар.

Бугунги кунда турли күч марказлари томонидан муттасил күмак олиб турувчи «гайриқонуний» ташкилотлар фаолият күрсатмоқда. Муайян давлатда вужудга келаётган ички зиддиятлар, давлатлараро, үлкәннамаларо ҳамда минтақавий можаролар баъзан ўз-ўзидан сунъий равишда шундай манбага айланиб кетса, баъзан барчаси глобаллашувнинг кенгроқ қамровга эга бўлиши учун ҳал килувчи аҳамият касб этаётганини тушуниш унчалик қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳам глобаллашув жараёнида муайян ўрин эгалламоқда. Ҳалқаро муносабатлар тизимида маълум ўрин ва овозга эга бўлмоқда. Демократик бозор муносабатлари тобора ривожланаётган жамиятда иқтисодиётни либераллаштириш ҳаракатлари кенгроқ кўламга эга бўлмоқда. Бунинг натижасида ҳалқаро ҳамжамиятга интеграциялашиш жараёни жадаллашмоқда. Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун глобаллашув жараёни бир қатор имкониятларни вужудга киттиришмоқда. Бироқ, мазкур жараённинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Айниқса, жаҳонда кучлар нисбатини қайта кўриб чиқишига бўлган уринишлар тобора кучайиб бораётган бир шароитда, стихияли ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни унинг ташаббускорлари ва ҳомийлари қулида таққослаб бўлмайдиган кучли қурол вазифасини бажаряпти. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида қўйидаги фикрларни баён қиласди: «Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланниб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соглом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар»<sup>1</sup>.

Бу каби салбий ҳолатларнинг бош омили эса, айрим куч марказлари томонидан шарқона одамийлик фалсафасига ҳам, гарбнинг демократик қарашларига ҳам мутлақо зид равишда «мақсад во-ситани оқлади» қабилида фаолият юритилаётганидир. Улар оммавий маданият ниқоби остида ахлоқсизлик, дидсизлик, буз-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2015, 113-бет.

гунчиликни тарғиб қилиб ўзбек халқини ўзининг миллий илдизларидан узоклаштириши мақсад қилиб қўймоқдалар. Бундай мақсадга эришиш учун эса, авваламбор. ёшлар онгини забт этишини кўзламоқдалар.

Шу нарса аёнки, барча миллат ва златлар маданиятларини қоришмаси булиши ва барча томонидан бирдек қабул қилиниши лозим бўлган «оммавий маданият» кисқа вакт ичиде кишилик жамиятини ичидан емиришга қодир кучга айланаб улгурди. Асрлар оша етиб келаётган миллий ва умумбашарий қадриятларни менси маслик, ахлоқ-одоб ва инсон ҳуқуқлари меъёрларига нисбатан беписандлик, кишини ўз оиласи, давлати, халқи, жамияти, ўзлигидан мутлақо бегоналашиб кетишига олиб келадиган индивидуализм, эгоцентризм гоялари, илм-фан, маданият ютуқларидан воз кечиш, факат бугунги куни билан яшашга ўрганиш оммавий маданиятнини шиори ҳисобланади.

Аждодларимиз ўзларининг бутун онгли фаолиятлари давомида ёш авлодни эзгулик, юксак маданиятлилик руҳида тарбиялаб, оммавий маданиятга қарши курашганлар.

Собиқ совет ҳокимияти йилларида халқимиз ўзлигидан бир қадар узоклашиб, уларнинг рухияти оммавий, айникса, Европа маданиятини қабул қилишга муайян даражада мойил бўлиб қолди. Маълумки, оммавий маданият деганда маданиятнинг мураккаб, ҳамма вакт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли тушинилади<sup>1</sup>. Оммавий маданиятни Farb маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни гоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолашга оид ёндашувлар мавжуд. Бироқ аждодларимизнинг бебаҳо мероси, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ педагогикасига оид гоялар ҳам халқнинг умумий маданиятини ривожлантириш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу маънода оммавий маданият ҳар томонлама чукур ижтимоий-маданий асосларга эга.

Оммавий маданиятнинг пайдо булиши улкан саноат ва ишлаб чиқариш қувватларининг вужудга келиши билан боғлиқ. Чунки саноатнинг ривожланиши ишчи кучига нисбатан эҳтиёжни вужуд-

<sup>1</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Гафур Гулом номидаги науриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 460-бет.

ке келтириб, худди шундай кучларни ёллаш, сафарбар қилишни таҳозо этади. Натижада, феодал тузум емирилиб, меҳнат ресурсларини саноат ривожига йўналтириш эҳтиёжини қондирди. Бу миллат оммавий маданиятнинг шаклланишига туртки бўлди. Мазкур маданият янги ижтимоий қатлам ҳисобланган ишчи-хизматчиларнинг интилишлари маҳсули эди. Ўша даврда оммавий маданиятнинг пайдо булиши ва ривожланиши ижтимоий қадриятларни таҳдода, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ривожланиши, нашр маҳсулотларининг вужудга келиши маҳсули эди.

Асрлар давомида ижтимоий дунёкараш ва хулқ месъёрлари бир авлоддан иккинчисига устоз-шогирд муносабатлари асосида якка таҳтибда ўтган. Узоқ асрлик тарихий-маданий тараккиёт, халқнинг ижтимоий тажрибаси ва гояларнинг бир авлоддан иккинчисига узалиши оммавий маданият қамровининг кенгайишига сабаб бўлди. Бу жараён социалистик тузум даврида янада жадаллашди. Жумладан, собиқ совет Иттифоқи таркибиға кирган барча иттифоқдош республикаларда болалар боғчалари, мактаблар, техникумлар ва олий ўкув юртларида ягона андозага асосланган универсал характердаги «типовий» дастурлар, ягона таълим мазмуни ва дарсликлар жорий этилган. Бу, ўз навбатида, миллий қадриятларни йўқотиш, ягона универсал маданиятни ёйишнинг энг кулаги усули сифатида намоён бўлган эди. Ўқувчи ва талабалар орасида ягона оммавий характердаги универсал маданият тарғиб қилина бошланди.

ХХ асрда радио, кино, телевидение, видео, компьютерлар тизимнинг пайдо булиши натижасида оммавий маданият кенг кулагда янгича тусда намоён бўла бошлади, унинг тараккиёт даражаси ва ёйилиши жадаллашди. Бу давр оммавий характерга эга бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш учун кулагай шарт-шароитларни вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов аждодларимиз меросини чукур ўрганиш, қадриятлар ва урф-одатларни тарғиб қилиш, миллий маънавият ва маданиятни юксалтириш, авлоднинг жисмоний-маънавий саломатлигини таъминлашга хизмат қиласиган жисмоний тарбия ва спорт-тарғиб қилиш, оммалаштириш орқали баркамол шахсни шакл-

лантиришга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида қўйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «... ёшлиаримизнинг маънавий оламида бўшлик ву жудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгидаги соглом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат-эҳтиром туйгусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур<sup>1</sup>.

Оммавий маданият халқ маданиятидан фарқли тарзда миллатлараро, байналмилал характер касб этади. Аксарият ҳолларда оммавий маданият намуналарининг мансублигини тили ёки ижрочисига қараб ажратиш мумкин. Элитар маданият кўпчилликка мўлжалланмагани, тушунарсиз бўлгани билан ажралиб туар турар экан, бу унинг ташувчилари бўлган халкларнинг жамиятда алоҳида мавкега эга булишларига хизмат килган. Оммавий маданият эса кенг халқ ўртасида машҳур бўлган ўзининг аник муаллифлари билан ажралиб туради! Халқ маданияти ҳам доим муайян макон билан боғланган. Оммавий маданият эса муайян макон билан боғланмаган бўлади. У ҳар доим кенг истеъмолчилар оммасига мўлжалланади. Оммавий маданиятда инсонга хос бўлган хиссиятлар – муҳаббат, қўркув, муваффакиятга эришишга бўлган интилиш, гаройиботларга ишонч устувор ўрин эгаллайди. Шу маънода оммавий маданият реал ҳаётга қайсилир жиҳатлари билан ўхшаш, аммо ундан бирмунча узок бўлган ҳаёт манзарасини яратади, қарашлар ва қадриятлар тизими, хулқ моделини шакллантиришга хизмат килади. Оммавий маданият ўзининг юкорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари билан инсоннинг табиий эҳгиёжларини қондиришга хизмат килади.

Бугунги кунда мутахассислар оммавий маданият тушунчасига турлича нуқтаи назардан ёндашмоқдалар. Оммавий маданият ҳақидаги қарашларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги йўналишларда ифодалаш мумкин:

1. Оммавий маданият – халқ маданияти, урф-одатлари, санъати маросимларини ифодаловчи тушунча.
2. Оммавий маданият – оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса.
3. Оммавий маданият – кўнгилочар маданиятни ўзида мужас

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015. 115-бет.

жамлаштирган, омма истеъмолига мўлжалланган беҳаёликни тарғиб килувчи маданият намуналаридан иборат салбий ҳодиса.

Хозирги глобаллашув шароитида оммавий маданият жамият аъзолари, айникса, ёшлар онгига маданий-мафкуравий тазийк ўтишнинг самарали воситасига айланмоқда. Оммавий маданият инсоний маданиятга зид бўлиб, унинг асосини истеъмолчилик кайфияти ташкил этади. Оммавий маданият кишилик маданиятини поймол этадиган, унинг моҳиятини бузадиган, натижада, инсонни жон сақлаш учун талвасага туширадиган ҳайвон даражасидаги жонзот, ҳалқни оломонга айлантирадиган ҳодиса ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб оммавий маданият оммавий ахборот воситалари, телевидение маданиятни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи сифатида хизмат килмоқда. Бу ҳолат одамларнинг қайгулари ва хурсандчилигини ифодалаган, уларни қизиқтирган ҳар қандай муаммони товарға, бир қолипга солинган кўнгилхушликка йлантирилишида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнининг маҳсулни бўлган оммавий маданиятнинг жадал тарқалиши таъсирида ғадрияллар тизимида содир бўладиган туб ўзгаришлар «ижтимоий мавжудот» бўлган инсон онги ва фаолиятида муайян ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида инсон ва жамият ўзининг маънавий-ахлоқий бойликларидан узоклашади, охир-оқибатда маҳрум бўлади. Шунинг учун ҳам оммавий маданиятнинг мазмун-моҳияти, оқибатлари ҳамда унга карши курашиш йўллари, воситалари, усул ва методларини яратиш талаб этилади. Чунки оммавий маданиятнинг ахлоқсизлик манбаи эканидан ўкувчи ва тала-баларни ўз вактида хабардор қилиш узлуксиз педагогик жараёнининг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тезкор ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожлашиши натижасида дунёдаги турли ҳалқ ва элатлар орасида глобаллашув жараёнлари содир булаётган вактда бутун инсоният, жумладан Ўзбек ҳалқи, айникса, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлишлари керак. Бугунги кунда фан, маданият, таълим ва ахлок соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув содир бўлмоқда. Худди мана шу жараёнга ўз муносабаги-ни Билдириб. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юсак маънавият – енгилмас куч» асарида қуйидаги

фикрларни таъкидлаган эди: «Мана шундай вазиятда одам ўз мустакил фикрига, замонлар синовидан ўтган ўз халкининг ҳаётий-миллий қадриятларга, соглом негизда шаклланган дунёкарап ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол»<sup>1</sup>. Шундай экан, оммавий маданиятнинг таъсирини бартараф этиш, ўқувчи ҳамда талаба-ёшлиар руҳиятида миллий маънавий-мағкуравий иммунитетни кучайтириш педагогларини мухим вазифалардан бириди.

Бугунги кунда оммавий маданиятнинг ёшлиар онгига кўрсатадиган таъсири тобора кучайиб бормоқда. Бу таъсири кучайтирувчи воситалар кўлами ҳам кенгаймоқда. Турли клиплар, кинофильмлар, ижтимоий сайтлар, ранг-баранг русумдаги кийим-бошлар ёшлиар онги ва хулқ-авторига у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки ушбу воситалар орқали четдан халқимизнинг турмуш тарзи ва маданиятига тамоман ёт бўлган маънавий-ахлоқий иллатлар кириб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди»<sup>2</sup>.

Мутахассислар оммавий маданиятнинг асосини тижорат моддий манфаатдорлик ва сиёсий мақсадлар ташкил этишини таъкидламоқдалар. Азал-азалдан турли маҳсулотлар ва тижорат мақсадлари билан бир қаторда мағкуравий максадларга эришиш ҳам назарда тутилган ва тарихий таҳрибалар аксарият ҳолларда бундай мақсадларга эришилганини кўрсатади. Утмишда тижорат ахли нафакат маҳсулотлар, балки янгиликлар, диний гоялар, мағкуравий қарашлар, маданият ва маънавиятни ҳам тарқатгандар, қадриятларни ёйганлар. Ана шу усул бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўк ва ҳозир ҳам савдогарлар халклар орасида маданиятларни

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015. 113-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 117-бет.

тарқатиша фаоллик күрсатмоқдалар. Ҳавфли жиҳати шундаки, ўтмишда бу йўл билан ҳалқлар бир-бирларининг маданиятлари, урф-одатлари билан танишган бўлсалар, бугунги кунда «оммавий маданият» орқали ёшларнинг онги ва қалби забт этилмоқда. Уларни ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданиятлари ва маънавиятларидан узоклаштириш мақсадида маҳсулотнинг ўзи орқали «оммавий маданият»ни тарқатиш харакатлари амалга оширилмоқда. Чунки бундай маҳсулотлар ёшларнинг эътиборини жалб қилмоқда. Натижада, улар ўзлари билмаган ҳолда ўзга ҳалқ маданиятининг шефтунига айланмоқдалар. Шу йўл билан эса уларни ўз маданиятидан узоклаштириш миссияси амалга оширилмоқда. Бундай зарарли ҳолатларни бартараф этиш учун аждодларимиз мероси ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланган ҳолда таляба-ёшларда «оммавий маданият»га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш ижтимоий педагогик заруриятга айланмоқда.

## ЁШЛАР ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ ТАМОЙИЛИНИ СИНГДИРИШДА МИЛЛИЙ ГОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

М. Водидова,  
БухМТИ доценти.  
Ф. Яминов,  
КТ факультети талабаси

*Гояга қарши фақат гол, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиши, алишиши мумкин.*

Ислом Каримов

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашларича, «Ўзбекистон келажаги ёшлар кўлида», демак бу сўзга амал қилиб ёшларимизни комиллик даражасида, яъни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, қарор, иймон-инсофли, камтар, хушмуомала, меҳнаткаш, меҳрабибатли, эл-юрт хизматига ҳамиша камарбаста. Ватанга содик ва фидоий қилиб гарбиялашимиз зарур.

Биз биламизки, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтища ҳамият ҳаётининг барча соҳаларида. айниқса, ёшларда ижтимоий онгни шакллантириш борасида кўпгина муаммоларни ҳал этиш

зарурияти юзага келади. Уни эътиборга олмаслик, ёшлар онгига содир этилиши мумкин бўлган нохолис ҳолатларга нисбатан иммунитетни шакллантирмаслик жамиятда гоявий бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келади. Ёшлар онгидаги бундай бўшлиқ зарур бўлган гоялар билан тўлдирилмаса, уни ёт мафкуравий таъсирлар згаллаб олиши ва бу жамият учун хавф тугдириши мумкин. Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида хукмронлик қилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган якка мафкура хукмронлигини тъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга уринаётган бузғунчи хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. Диний ақидапарастлик шулар жумласидан. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлик ижтимоий миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларнинг ягона ҳалифалик остида сиёсий бирлашуви гоясини асослашга ҳаракат қиласди. Кўриниб турибдики, бу идеология диний асосда бирлашув гоясини биринчи ўринга қўяди. У «диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлигига, улар салоҳиятининг бирлашишига ҳалқлар тараққиётига йўл очса, бунинг нимаси ёмон?» – деган савонни ўртага ташлайди. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларини аксарият ҳолларда ана шундай «беозор» шаклда тақдим этишга ҳаракат қиласидар. Жиддий эътибор берадиган бўлсак, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиши ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум. Иккинчидан, ҳалифаликни тикилашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл кўймаслигини яширадилар. Бу гояни тиқишиширища бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида ургу берадилар. Тўғри, биз мусулмон ҳалқмиз. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар ана шу реалликни тан оладилару, ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон ҳалқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлими муродигини инкор этишга ҳаракат қиласидар. Албатта, бу ҳақиқатни тан олиш, олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай файрилмий қарашларини

кишиларимиз, айникса, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат шаётганларига бефарқ қараб бўлмайди. Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари ҳалифалик байробги остида бирлашишни исломий дунёга карши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам тъқидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли экани ҳеч кимга сир эмас. Зоро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши кутбларга бўлинib кетишига, баъзан цивилизация тўқнашуви, деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб булиши мумкин.

Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганинг ўзиёқ у инсон табиатида чукур шидиз отганидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. У маънавий ҳаётнинг муайян соҳаси бўлган умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-автор қоидаларига шлантирган, маданиятга катта таъсир кўрсатган, инсоннинг одамлар билан баҳамжихат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчилкларни енгигиб ўтишларида куч багишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга ҳизишига ёрдам бериб келган. Бундай хуносалар чиқаришга, отабоболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли камроҳи, одамзод ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан факат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм сифатида фойдаланилганини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваламбор, ўз динининг ҳақиқийлигига ўта фантизм ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатdir.

Ислом экстремизми ва фундаментализмнинг хавфи ҳакида фикр юритар эканмиз, нафакат унинг ислом дини ичидаги сабабларига, балки уни келтириб чиқараётган, рагбатлантираётган жиҳатларига ҳам доимо мурожаат қилишга мажбурмиз. Бу сабаблар ҳаммага ҳиши маълум – мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми ва ҳалқаро муносабатларда мусулмонларга

карши зурравонлик, парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил, қабилидаги сиёсатдир. Фоявий, мафкуравий таҳдид кучайган жойда ахоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашта қаратилган уринишлар ҳам кучайиб боради. Айнан мана шу даврда мафкуравий тарбияга эътиборни оширишимиз лозим.

Ислом фалсафасининг инсонни маърифат ва камолотга етаклаш йўлидаги буюк инсонпарварлик моҳиятини ёшлар қалби ва онгига сингдириш жамиятда инсоний фазилатларнинг камол топтиришнинг қудратли воситаси эканини хамиша ёдда тутмогимиш лозим. Биламизки, таълимнинг ўзбек моделига хос хусусиятларидан бири – инсонни интеллектуал, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутади. Ёшларнинг интеллектуал ривожланиши, уларнинг ҳар бирини ўзининг шахсий нуқтаи назарига эга булиши, эркин фикр юрита билиши биз учун биринчи даражали масала. Ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга, жумладан, қуролли хуруж ва тажовузларга ўзининг қарashi, маслаги билан ёндаша оладиган жамиятнинг онгли, баркамол аъзосини, мамлакат тақдирни учун масъул шахсни вояга етказишда муҳим ўрин тутади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китобида «Чет давлатларда сиёсий вазият шундай қалтис бўлиб турган бир пайтда, болаларимизни йўлдан уриб, хорижий мамлакатларга олиб чиқиш учун ҳаракатлар бўлиши – биз учун жуда катта хавф Бундай маккор ишларнинг ҳам ташкилотчилари бор. Уларнинг турли алдовлар, ёлгон ваъдалар билан болаларимизни чалғитишиларига ҳеч қачон йўл қўймаслигимиз керак.

Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётига энг катта зиён етказадиган нарса бу – соҳта ва ёлгон информация. Бу – одамларни йўлдан уришнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чалғитиш керак бўлса, оёғини ердан узиб, турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига куйнишда бу усул кенг қўлланмоқда<sup>1</sup>, деган фикрлари биз ёшларни Ватанга меҳр ва садоқат, аввало, ўзимиз таълим олган замонавий олийгоҳлар, лицей ва колледжларда ўқиб, чукур би-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015, 251-бет.

им олиб, бир эмас, уч касбни пухта эгаллаб, ҳаётга ҳар томонлама йер булиб, юксак чүккіларни күзлаб яшашимиз, илм-фан, касб-унар, спорт ва санъатта мұхаббатимиз, шу йўлдаги ютуқларимизда намоён бўлади.

## МИЛЛИЙ ГОЯ – МИЛЛИЙ ГУРУР

Ш. Адамова,

*Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 15-сон  
умумий ўрта таълим мактабининг 1-тоифали  
она тили ва идабиёт фани ўқитувчиси,  
Халқ таълими аълочиси*

Илм-фанимизнинг ҳозирги замондаги долзарб вазифаларидан бири – ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллий гоямизни назарий жиҳатдан янада такомиллаштиришдан иборат. Ўкувчилар онгига миллий гояни сингдириш орқали уларнинг шунёқарашини, шахсиятини шакллантириш бугуннинг долзарб масаласидир. Маданий-маърифий тадбирлар ёшларни маънавий-ахлоқий, миллий-маънавий руҳда тарбиялашда катта ўрин тутади. Маданий-маърифий тадбирнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб ўтказиш орқали ёшларни миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиклол гоясини сингдириш борасидаги фаолиятимизда юкори самарадорликка эришиш мумкин. Ўкув муассасаларида ҳам дарс жадвали асосида ижтимоий-гуманитар фанлар буйича ўтилаётган машгулотлар, маъруза, семинар каби шакллар билан чегараланиб колмасдан, дарс жараёнидан ўтилаётган мавзуларга онд маданий тадбирларнинг бошка шаклларидан ҳам фойдаланиб, масалан, мавзули кечалар, ўткир зехнилар баҳслашувлари, илмий баҳслар, мунозара, ижодий учрашув, кувноқлар ва зукколар танловлари каби шаклларини айнан ўтилаётган мавзуларга боғлаб ўтказилса, машгулотларнинг қизиқарлилиги орниши билан бирга уларнинг тарбиявий самарадорлиги ҳам кескин шади. Бу усул ўкувчиларнинг мавзуга қизиқишлигини сезиларли ўстириш билан бирга машгулотларнинг интерфаол бўлишини таъминлайди. Машгулотларнинг асосий қисмини шундай усул билан ишлани педагогдан илмий-ижодий ёндашув, талабчанлик, ижодкор-

лик, ташкилотчилик, жонкуярлик талаң этади. Шунингдек, ўкувчи, ёшларда ҳам ташаббускорлик, ижодкорлик, масъулият, ташкилотчилик каби фазилатлар шакллана боради.

Маданий ва маърифий тадбирлар деганда, аҳолини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маданий савиясини ошириш, билимини ўстириш ижобий қобилиятини, бўш вақтини, дам олишини кўнгилли ўтказиш, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларни қондиришда хизмат килувчи тадбирлар тушунилади. Ҳозирги кунда барча маданий-маърифий ишларнинг йўналиши ҳар бир кишига миллий истиқбол гоясини, баркамол инсонни вояга етказиш, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, имону эътиқодини тарбиялашга қаратилган. Маданий ва маърифий тадбирларни интерактив тарзда ўтказиш билан бирга, бу тадбирларнинг миллий рухда бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундай қилинганда, ўкувчиларни миллий рухда тарбиялашга хизмат килади. Зоро, миллатни миллий тарбия шакллантиради.

Миллий маънавият ва унинг таркибий қисми бўлган миллий қадриятларга барча замонларда ҳам таҳдидлар бўлган. Лекин бу таҳдидлар XX аср ўргаларига келиб жуда кучайиб кетди. Чунки худди шу даврда жаҳонда юз берётган глобаллашув жараёнлари тезлашди. Аср сўнгига бу жараёнлар яна ҳам шиддатли тус олди.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик, хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар таъсир доираси кенгайишига қаратилган курашнинг радикализм, терроризм, экстремизм таҳдидларининг кучайиб борётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан кўймайди, албатта. Агар тинчлик-осойишталик бўлмаса, меҳроқибат бўлмаса, биз орзу қилган ва интилаёттан эркин ва фаровон ҳаётни куриб бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт куриш жараённада ижтимоий-сиёсий муносабатларда одамларнинг онги ва тафаккури ҳам мутлақо янгича маъно касб этиб бормоқда. Факат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга карши событ тура олишига кодир бўлган, иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларнинг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион компютер технологияларини кенг жорий этиш жамиятимизнинг

мағкуравий иммунитетини күчайтиришга қаратилған самарали үстүбларини ишлаб чикиш бугунги кунда мұхым вазифамизга айлаңып бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Биздан озод ва обод ватан қосын. Шу биргина сүз замирида инсонийликнинг бутун мазмун-моҳияти, инсон қадр-қимматининг мезони мужассам. Ана шу биргина сүзда безовта қалбнинг киндик қони түқилған тупроққа муҳаббати, она юртига, она ҳалқига мұносабати жамулжам. Биз қандай жамиятда яшаемиз? Шу ахволда қаекқа бориб көлишимиз мүмкін? Эртанги кунимиз қандай бўлади? Бундай саволлар ҳар бир фуқаро хаёлидан ўтиши, уни турли-туман ташвишга солиши табиий. Агар биз давлат раҳбарининг сиёсий йўлини қанчалик чуқур ва адолат юзасидан таҳлил этсак, юкоридаги саволларимизга шунчалик аникроқ жавоб топамиз. Мұхимизда тозариш, янгиланиш юз беради. Эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланади. Ҳаётга муҳаббат туйгулари билан яшай бошаймиз. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий: Эрурсан шоҳ – агар огоҳ сен сен. Агар огоҳсен, шоҳсен сен, деган эдилар.

## **6-ш уъба**

# **«ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ДОИР УСЛУБИЙ АСОСЛАРНИ ЯРАТИШГА ОИД МАСАЛАЛАР**

**СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИДА, ОИЛА–  
МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎЗАРО  
ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Ф. Акрамова,**

*Республика «Оила» илмий-амалий маркази  
етакчи илмий ходими, психология  
факлари намзоди, доцент*

Инсон табиатидаги энг яхши фазилатлар, дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало оила, маҳалла, қолаверса, мактаб бағрида куртак ёзди. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши мана шу уч муҳим бўгин ҳамкорлиги ва таълим-тарбиясига боғлиқ. Барчамизга яхши маълум, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айро ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида нафакат ота-она ёки ўқитувчи, балки кўни-кўшни, маҳалла-кўй ҳам бирдек жавобгар. Шу маънода, ӯзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида йўлга кўйилган «Оила – маҳалла – мактаб ҳамкорлиги» таълим ва тарбия самарадорлигини оширишда муҳим омилдир.

Мамлакатимизда оила ва оилавий муносабатлар масаласига умумдавлат миқёсида эътибор қаратилаётгани унинг ижтимоий-иктисодий ва маданий-маънавий вазифалар тизимидағи ўрни ва ўйлан аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Оила – инсоният тарихининг ҳамма даврларида жамиятнинг ис-ғизи бўлиб келаётган мукаддас даргоҳdir. Ӯзбекистонда оила – юқ-

сак қадрият, тарбия маскани бўлиб, шахснинг келажаги шу масканда тарбияниш қандай амалга оширилишига, тарбиячи ҳисобланмиш онанинг ўз бурч ва вазифаларига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Оиладаги ҳар бир кишининг ўз бурч ва вазифаларига масъулнят билан ёндашиши оила мустаҳкамлиги, жамият фаровонлигига эришишнинг омилидир.

Оила фаровонлиги маҳаллада ижтимоий мухит барқарорлигини таъминлашда ва жамият тараққиётида мухим омил ҳисобланади. Калаверса, минг йиллар давомида маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат, ҳизлилк ва тотувлик, кам таъминланган, эҳтиёжманд кишилар ҳалидан хабар олиш, тўй-томуша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўtkазиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам елка-дош бўлишдек ҳалқимизга хос урф-одат ва анъанаалар шаклланган ва ривожланган. Бир сўз билан айтганда, маҳалла оиланинг асосий таянчи ва суюнчи бўлиб келган.

Жамиятнинг мухим бўгини бўлган оилани мустаҳкамлаш, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар асосида ривожлантириш, нуфу-шини оширишга доир режалаштирилган дастурларни бажаришда жамиятнинг барча институтлари, айниқса, ўзини ўзи бошқариш ор-ганилари – маҳаллалар ҳам ўз имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фаол иштирок этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб тузилма ҳозирги кунда «Маҳалла – ҳалқ виждони» деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда. Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тӯфонларидан асрар, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борадаги зарур кўмак, маслаҳат кўрсагишда маҳалланинг роли ва жамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Республикамиздаги ўн мингга яқин ўзини ўзи бошқариш ор-ганиларида фаолият юритиб келаётган диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига ҳалалардаги ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг бандлигига кўмаклашиш, оиласда соглом житин қарор топтиришда зарур маслаҳат ва аниқ йўл-йўриклар осатишдек долзарб вазифалар бириктирилган.

Оила куришнинг асосий мақсади соглом фарзанд куриш, уни ҳар томонлама тарбиялаб, етук инсон қилиб вояга етказиш ва соглом

насл-насабни давом эттиришдир. Бўлажак фарзандларимизнинг соглом, бақувват бўлишига оилавий мухит, ота-онанинг саломатлиги, оиланинг соглом турмуш тарзи, репродуктив саломатлиги, тиббий маданияти энг асосий таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Репродуктив жараён инсоннинг генофонд хусусиятларидан бири бўлиб, бу ҳар бир янги авлод умумий генофондга яшаш мухити таъсирида ўзи билан яхши ёки ёмон ҳиссасини қўшишидир. Репродуктив жараённинг биологик мазмуни – ўзидан кейин соглом зурриёт қолдира оладиган авлодни дунёга келтириш ва шу билан генофондни бутунлигича сақлаб қолиш.

Инсоннинг генофонд хусусиятларидан яна бири – бу сифат тузилиши. Бугунги кунда давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар барчаси аҳолининг сифат кўрсаткичларини кўтаришга қаратилган. Республика аҳолисининг қарийб 95 фоизи оилаларда истиқомат қиласр экан, бу ерда оиланинг сифати ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир, бу, биринчи навбатда, оиланинг соғлиғи масаласи. Оилада ушбу оила аъзоларининг физиологияси ҳамда ижтимоий, иқтисодий аҳволи яхши бўлсагина унинг соғлиғи яхши бўлади.

Иккинчидан, оиланинг таълим ва маданият даражаси. Бугунги кунда сифат ҳақида гап кетганда фарзандларга бериладиган таълим-тарбия даражалари жуда мухим аҳамият касб этмоқда.

Учинчидан, оиланинг катта аъзолари, яъни ота-онанинг бирор касб эгаси бўлиши, нафақат оддий касб эгаси, балки ушбу касбнинг моҳир устаси бўлиши лозим, бозор иқтисодиёти шароитида унинг меҳнати рақобатбардош, касб эгаси сифатида меҳнат бозори тала-бига жавоб бера оладиган бўлиши керак.

Олимларнинг таъкидлашича, дунёда оила ижтимоий институти мавжуд экан, бирор-бир давлатда болалар бир хил маълумот олиш даражасидаги идеал ҳолат бўлмас экан. Нега деганда, ҳар битта оила имконияти бўлса, боласига мактабдан ташқари яна кўшимча маълумот беришга ва фарзандини бошқа оила фарзандидан билимдонроқ қилиб тарбиялашга ҳаракат қиласр экан.

Оилаларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун камол топтириш, соглом оилани шакллантириб ҳаётнинг фаол даврини узай-

тириш ва шу ишларни амалга оширишда оила – маҳалла – таълим мұсасасасининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш долзарб вазифалардан-дир. Шунинг учун:

1) жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш шу мақсадда оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги механизмини мустаҳкамлаш, уларнинг яхин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

2) оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза килиш бўйича давлат дастурларининг, ҳукуқий-мэърий хужоатларнинг ҳамда амалга оширилаётган мухим чора-тадбирларнинг мақсад ва вазифалари, моҳияти юзасидан кенг аҳборот – тушунтириш ишларини таътириш;

3) қасб-хунар таълими маркази ўзига тегишли ўкув юртларида ота-оналар учун ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда бола тарбиясига оид педагогик, психологик, ҳукуқий билим ва қўникмаларни оширишга оид масалаларнинг доимий муҳокамасини амалга ошириш. Таълим муассасаларининг тегишли мутахассисларга бўлган пілабини қондириш чораларини белгилаш;

4) оила, оналик ва болалик масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ушбу масаланинг илмий-методик базасини яратиш ва такомиллаштириш;

5) оиласада ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни йўлга қўйиш;

6) оиласада тиббий маданиятни шакллантиришда ота-оналар масъулиятини ошириш;

7) ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, уларни ҳатар-парга қарши ўз вақтида катъият ва изчиллик билан кураша олишга тайёрлаш, ота-онанинг эл-юрт олдиғаги бурчи ва масъулияти, ўзувчиларнинг хушёrlигини ошириш, ёшларда ижобий фазилаттарни таркиб топтиришда оила, ўкув муассасаси, маҳалланинг роли, жамиятда лоқайдлик ва бепарвоникнинг олдини олиш борасида амалга прилаётган илмий тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш киби вазифаларни амалга ошириш оила, маҳалла ва таълим масканларида ҳамкорлик асосида олиб боришни талаб этади.

Ҳар бир оиласы хотиржамлик, рухий тетиклик, оиласы фаровонликка олиб чиқыш психологиясининг шаклланиши бу оиласынг ҳар бир аъзосига, оиласы вояга етаётган фарзандга, маҳаллага, таълим маскани ва жамиятга таъсир этмай қолмайди. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов айттандаридек, «оиласаримизда соғлом маънавий мухитни ташкил қилиш – бу юртимиздаги тинчлик, сосиюшталик ва ахилликни янада мустаҳкамлашнинг энг мухим шарти эканини доимо эсда тутишимизни истардим».

## ЁШЛАР МУАММОСИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЎРНИ

Х. Ражабова,  
Навоий вилояти XTXKTMОН  
китта ўқитувчиси

Бугунги эркин демократик жамиятимизнинг шаклланиши ва ривожланишида ёшлар масаласи доимо долзарб ва устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу масалада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Келажак авлод ҳакида қайгуриш соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб этиширишга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир», – деб эътироф этганидек, юртимиз жаҳоннинг онг ривожланган мамлакатлари қаторида тура олиши ўсиб келаётган ёш авлодга, уларнинг билим ва салоҳияти ҳамда маънавий баркамоллигига боғлиқ. Бу билим, салоҳият ва маънавий баркамоллик эса шахс ривожланишининг рухий фаолияти билан чамбарчас боғлиқdir. Рухий фаолиятни ўрганиш масаласи эса психология фани вазифаси эканини биламиз. Инсон дунёни англаши, албатта, билиш жараёнларисиз кечмайди. Психолог олимлар Э. Гозиев ва Б. Ҳасановларнинг «Психология муаммолари» номли ўкув кўлланмасида билишининг психологик тавсифи юзасидан шундай фикр билдирилади: обьектив дунёни акс эттиришнинг юксак босқичи тушуниш ва англаш даражалари билан ифодаланган бўлиб, улар қуйидаги таркиблардан тузилгандир:

I. Тушуниш: а) фикрий, б) мантикий, в) интеллектуал, г) креатив

II. Англаш: а) мавхумни мавхумлаштириш, б) умумлашманни умумлаштириш, в) антиципация (ақл-идрок майдонидаги нарсалар

толелини яратиш) г) рефлексия (ҳаёт ва фаолият жабҳаларини онгравиша бошқариш имконияти ва бошқалар).

III. Ўз-ўзини англаш: а) ўтмишдаги «Мен»(ўзлик), б) ҳозирги «Мен» (ўзлик) в) бўлгуси «Мен»(ўзлик), г) идеал «Мен»(ўзлик), д) динамик «Мен»(ўзлик) каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

Юкорида айтилган объектив дунёни акс эттиришнинг юксак босқичи тушуниш ва англаш даражалари ҳозирги ёшларимиз онгравиша қандай кечяпти, уларга бериладиган таълим-тарбия, психологик, маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот қандай таъсир киляпти еки ҳар томондан шиддат билан оқиб келаётган улар учун турли «қизиқарли» ахборотларнинг таъсири кучли бўляптими? Бу саволга аник жавоб бериш мушкул. Чунки реал ҳаётнинг ўзи буни кўз ўнгимизда кўрсатиб турибди. Тобора тараккӣ этиб, ривожланиб бораётган жамиятимизни кўролмаётган айрим сиёсий гурухлар ахборот мафкуравий хуружини кўллаш орқали ва давлатимиз конунчилигини айблаб, ўзига бўйсундириш мақсадида давлатимиз фуқаролари ва аввало оқ билан корани ажратиш палласида турган ёшларимиз онгини бузишга интилиб, ёш йигит-қизларни ўзининг «оммавий маданият» ниқоби домига тортишга ҳаракат қилмоқда. «Оммавий маданият»га кўр-кўrona эргашаётган ёшлар эса ўзлигимизга, яъни умуминсоний ва миллий қадриятларимизга паст нашар билан қарашига олиб келади. Маълумотларга қараганда, дунё ОАВда тарқатилаётган ахборотларнинг 8 фоизи холис бўлса, 92 фоизи манипуляцияга қаратилган. Бу ҳақда Президентимиз: «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телефоние, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора қенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгравиша ғафат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва рикин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад килиб кўйганимиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз», дегандаридек, ёшларимизни бундай ахборотлардан чеклаб бўлмайди. Лекин, уларнинг онгини, фикри ва дунёкарашини шундай шакл-

лантириб бориш керакки, бунга кучли психологик таъсир оркали эришишимиз мумкин. Бунинг учун ижтимоий ва шахс психологи яси фани ҳамда психологик хизмат роли ва аҳамиятини ошириш бугунги кун вазифасига айланмоги лозим. Шахс ва унинг инди-видуаллигини тадқик қилишни психология фани ўрганар экан шахснинг айни ижтимоийлашув жараённада таъсир қилиши осон бўлиб, шу вактда ташки таъсир механик тарзда змас, балки ҳар бир ўспирииннинг ички кечинмалари, руҳиятидан келиб чикиб, олами ни акс эттириш субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ёшларни ижтимоийлашув жараённада шахс фаолиятини йўналтириб турдиган ва реал вазиятларга нисбатан турғун, мустахкам ва барқарор мотивларини, яъни масъулият, мақсад ва идеаллар, қизикиш ва дунёқарашларини шакллантириш муҳим ва зарур. Инсоннинг руҳий дунёси, шаклланган йўналгани унинг ҳаётини белгилаб беради.

Инсонни англамоқ учун унинг қалбига қулоқ солиш керак, деган ибора бежиз айтилмаган. Психология фани ва психологик хизмат ролини ошириш учун бизнинг фикримизча, юртимизнинг барча вилоят ва туманларининг тегишли жойларида «Психологик марказ» фаолияти йўлга кўйилиб, у ерда «Психологик ташвиқот ва тарғибот» гурухлари ташкил этилиб малакали психолог мутахассислар жалб этилса, бу гурух нафақат таълим муассасаларида, балки жамиятнинг барча аъзолари фаолият олиб борадиган ташкилот ва корхоналарда, айниқса, ёшларга зътибор қаратган ҳолда («Маънавий-маърифий» ўқишлар бундан мустасно) психологик тарғибот ва ташвиқотнинг (муаммоли вазиятга ўзини кўйиб кўриш, бошидан ўтказиш, ўша жараёнга ўзини тасаввур ва ҳис қилиб кўриш каби) замонавий усул ва услубларни қўллаш асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, бу гурух оила, ота-она, эр-хотин, ёшларни мустакил ҳаётга тайёрлаш, шахслараро муносабатлар ва ҳоказо мавзуларда доимий маъруза ва трениннлар олиб бориши катта аҳамият касб этади. Ҳаётий тажрибаларимиздан бизга маълумки, инсонларга психологик ёндашув кучли таъсир килади. «Чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган макол бу жараёнда айни мудда бо бўлади. Нимага дегандা, ўз касбининг устаси бўлган мутахассис психолог шахснинг психик жараёнлари (билиш) ва психологик хусусиятларини, муомала ва мулоқотда ҳар

бир одамнинг онги ва онг ости хусусиятларини, ўзига хос индивидуаллиги ҳамда ҳолатини кўра олади ва тасаввур қила олади. Шунингдек, ким қандай қабул қилишига қараб ҳоҳиш-истакларини позитив томонга йўналтира олади. Мактаб, коллеж ва лицейларда фволият олиб бораётган амалиётчи психологлар касбга йўналтириш ишлари ва хужжат тайёрлаш билан ўралашиб асосий фаолиёти иккинчи даражали бўлиб қолаётгани бизга сир эмас. Шунинг учун бугунги шиддат билан ривожланиб тараккий этаётган жамиятимизда турли томондан ахборотларнинг оқиб келиши ҳамда мон рельссининг тезлашиши одамларнинг психологиясига ҳам бекин таъсири қилаётган экан. жамиятимизда ривожланган мамлекатлар каби «Психология ва психологик хизмат» ролини ошириб «Психологик Марказ» фаолиятини ташкил этиш ва Йўлга кўйиш юқорида айтилган муаммоларни бартараф этишга, ўсиб келаётган келажагимиз ворислари бўлган ёшларимизнинг ёрқин келажагини таъминлаш ҳамда жамият аъзоларининг психологик билимдонлигини оширишга ёрдам бериб, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги муаммоларини оқилона бартараф этишга хизмат қилади.

## ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИДА МАҲАЛЛАННИНГ ЎРНИ

А. Абатов,

*Фуқаролик жамияти шаклланишини  
мониторинг қилиш мустақил институти  
Қорақалпогистон Республикаси ҳудудий  
булинмаси етакчи мутахассиси*

Маҳалла азалдан миллый давлатчилигимизнинг асоси бўлиб келган. Халқ орасида обрўйи баланд бўлган оқсоқоллар, тўй-марака маросимлари, ҳашарларни ташкиллаштириш, оиласдаги нотинчликни бартараф этиш ишларига бошчиллик килган. Айниқса, ёшлар тарбиясида маҳалланинг ўрни бекиёс. Халқимизнинг «Маҳалла ота-она», «Бир болага етти маҳалла ота-она» каби мақоллар бекорга пайдо бўлмаган.

Навқирон авлод тарбиясида зарур бўлган азалий қадриятлар, бебаҳо урф-одатларимизга амал килмаслик, «коммавий маданият»

таъсирига берилиш маънавий меросимизга болта уриш билан тенг. Энг ачинарлиси, бугунги кунда кўп қаватли уйларда яшовчи айрим кўшиллар бир-бирларини танимайди. Заарли иш қилган болага танбех берган одамга айрим ота-оналар «менинг ўғлим билан ишинг бўлмасин», – деб уришади.

«Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини оширишга даъват қиласман. Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганимиз. Унинг нуфузини кутариш, билингки нафакат иқтисодий, нафакат ижтимоий, балки бу – сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуктаи назардан карашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли мухит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият факат маҳаллада бўлиши мумкин». Мухтарам Президентимизнинг бу сўзларида ҳам маҳалланинг «ҳаёт мактаби» экани ўз тасдигини топади.

Айнан маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб килиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республика маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга кўйиш максадида мамлакатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки кунлариданоқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини оширишга катта эътибор қаратилди.

Ҳеч қачон бир ёки бир неча киши ёки оилалар урф-одатлар, маросимларни яратса олмайди. Таъкидлаш жонизки, анъаналар ибтидий маданият давридан бўён давом этиб келаётган ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият тақдирига бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда маҳаллалар олиб бораётган тадбирлар орасида қизларимиз – бўлгуси оналар тарбиясида устувор аҳамият касб этиб бормокда. Эътибор берганимисиз, ахил, намунали маҳаллаларда хулки ёмон, тарбияси оғир қизлар умуман учрамайди. Чунки уни нафакат ота-онаси. балки бутун маҳалла бўлиб тарбиялайди. Келин қилмоқчи бўлган қизнинг уйига келишдан олдин, энг аввало кўшиллардан қиз ҳакида сурнештиради. Бу эса тарбиянинг тўғридан-тўғри инсон тақдирига боғлиқлигини кўрсатади. Агар фарзанди бирор ютуққа зришса ота-она «бошимни баланд кўтариб юраман», агарда фарзанд қандайдир хукуқбузарлик қилса «маҳаллада юролмай қолдим» деб афсус би-

дан айтган гапларни әшитамиз. Маҳалла оқсоқолининің ота-онаға «фарзандингизнинг бу иши чакки бўлибди», – деган танбеҳи ҳатто ғуднинг энг юқори жазосидан ҳам оғирроқ богиши мумкин. Бу ҳам «маҳалла – таълим мактаби» эканини яна бир бор исботлайди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – сингилмас куч» асарида маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг ўрни ва роли ҳақида қўйидаги фикрлар баён қилинган: «Маҳалланинг ҳалқ маънавияти билан боблиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб атрофлича таҳлил килар эканмиз, ҳеч иккилан-масдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юргимиздаги маънавий иклим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало маҳалла ҳаётида ҳудди ойнадек яққол кўриш имкониятига эга бўламиз. Шу сабабли биз маънавий ҳаётимизни миллий онг ва қадриятларимиз, зътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асрраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқукий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита ғлоқадор эканини ўзимизга яхши тасаввур қиласиз».

Маълумки, миллий менталитетимизда бува, буви, ота-она, ўғил-қиз фарзандлар аҳил, тинч яшаётган оила мукаммал оила ҳисобланади. Афсуски, кундалик турмушимизда нафакат нотулиқ ва нотинч, ёлғиз онали, балки тулиқ оиласарда ҳам ёшларнинг қаровсизлиги ва хукуқбузарлиги кўп учрайди

Маҳалла жойлашган ҳудуд шарт-шароитларини мазкур муаммо ўқтаи назаридан аниқ ҳисобга олиш ҳам мухимdir. Маҳаллалар ҳовли уйлар, кўп қаватли бинолар ёки улар аралаш бўлган мақонлар, қишлоқ, овуллардан иборат бўлади. Ҳовлилардан иборат маҳаллаларда миллий анъаналаримиз кучли бўлгани учун болалар тарбиясини маҳалла миқёсида кузатиш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ҳам анча енгил. Аммо афсуски, кўп қаватли биноларда баъзан кўшнисининг кимлигини билмайди. Одамлар кўшни болаларнинг кўчада нималар қилаётгани билан қизиқмайди ҳам.

Бизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ, Қорақалпогистон Республикасида 400 дан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб бормокда, улар ишида юз мингдан ортиқ киши фаол қатнашмоқдалар. Қонун доирасидан келиб чиқкан

ҳолда аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш, маънавий-маърифий ишни кучайтириш, оиласарда осойишталик ва фаровонликни саклаш, кам таъминланган оиласарга ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштиришда уларга янада кўпроқ ваколатлар бериш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла институти мустақиллик йилларида Президентимизнинг сўзи билан айтганда «ҳақиқий демократик ўқув маркази»га айланди. «Халқ вижданни» деб номланган бу макон озод ва обод Ватан куриш, турмуш ободончилигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлмоқда.

## BOLA TARBIYASIDA OILA – MAKTAB – MAHALLA HAMKORLIGINING AHAMIYATI

Z. Qorayev,

*Navoiy VXTXQTMOI katta o'qituvchisi*

L. Qorayeva.

*Navoiy VXTXQTMOI pedagogika*

*fani o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 62-moddasida «Oila jamiyatning asosiy bo'g'inidir hamda jamiat va davlat muhofazasida bo'lish huquqiga ega»ligi uqtirib o'tilgan. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi «Ta'lif to'g'risida»gi qonunning 30-moddasida ham «voyaga yetmagan bolalarning ota-onalari yoki qonuniy vakillari bolaning qonuniy huquqlari va manfaatlarini himoya qilishlari shart hamda ularning tarbiyasi, maktabgacha, umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi ni olishlari uchun javobgardirlar» deb ta'kidlanadi. Bu masalalarning dolzarb muammolardan biri ekani haqida Prezidentimiz Islom Karimov ham «Biz farzandlarimizning nafaqat jismoniy va ma'naviy sog'lom o'sishi. balki ularning eng zamonaviy intellektual bilimlarga ega bo'lgan uyg'un rivojlangan insonlar bo'lib XXI asr talablariga to'liq javob beradigan. barkamol avlod bo'lib o'sishi uchun zarur barcha imkoniyat va sharoitlarini yaratishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'yganmiz».

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgach, o'z oldiga ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etish, rivojlangan mamlakatlar qatoridan o'rin egallash, demokratik jamiat qurishni o'z oldiga asosiy

ezgu maqsadlari ekanini belgilab qo'ydi. Ushbu maqsadlar farovon kelajagimizni aniq ravon tasavvur etish, jamiyatimizning ma'naviy-moddiy poydevorini mustahkamlash, yot mafkuralar tajovuziga qarshi tura oladigan, har tomonlama tarbiyalangan barkamol avlodni voyaga yetkazish, g'oyaviy bo'shliqqa yo'l qo'ymaslik va yurtning yuqori taraqqiy etishini ta'minlash ulug' maqsad qilib belgilandi.

Har bir jamiyat doimo muayyan manfaatlar, maqsadlar asosida rivojlanib boradi. Mana shu ezgu niyatlarini amalga oshirishga kelajagimiz asoschilari bo'lgan yoshlarni Vatanga sadoqat, mehr-muhabbatli, halol, insofi va diyonatli fazilatlariga ega yetuk shaxs sifatida tarbiyalash lozim. Yosh avlodni buzg'unchi yot g'oyalar ta'siridan himoya qilish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Jamiyat a'zolarining yangicha dunyoqarashini shakllantirish avvalo mafkuraviy kurashlar avj olayotgan davrda ularda mafkuraviy immunitetni kuchaytirish yo'lida muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun har bir shaxsda mana shu e'tiqodni kuchaytirish yo'lida avvalo, oila, maktab, mahalla, do'stlar munosabatlарini mustahkamlash hamda doimiy tarzda ular ongiga singdirib borish lozim. Tarbiya milliy ong, milliy an'analar, urf-odatlar va oiladagi turmush tarzi asosida shakllanib boradi.

Yoshlar bilan bo'lgan muloqot paytida ularning ruhiy fe'l-atvori, kayfiyat va intilishlarini, qiziqishlarini payqash milliy g'oyaviy tarbiya naradorligini belgilab beradi, ulardagi tashabbuskorlik, kuch-g'ayratni to'gri yo'naltira olish tarbiyaga bog'liqdir. Yoshlarni to'g'ri yo'lida tarbiyalashimiz uchun bizda barcha imkoniyatlar mavjud. Mana shu tarbiya jarayonini kuchaytirishda mahallalarda ota-onalar uchun tashkil etilgan turli kurslar orqali oila pedagogikasi va bola shaxsi psixologiyasi vazifalarini tushuntirishga erishish samarali natija beradi. Ushbu kurslarda o'qitish qator vazifalarni bajarishga qaratilgan bo'lib, insonlarning dunyoqarashini kengaytirishga yordam beradi. Bunday tarbiya usuli orqali dunyoqarash shakllantiriladi. Mamlakat taraqqiyotiga bo'lgan ishonch mustahkamlanadi. Bola shaxsi hayotida oilaning ahamiyati to'g'risida bobokalonlarimiz Bahouddin Naqshbandiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr Forobiy, Ahmad Donish, Alisher Navoiy, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Zahiriddin Muhammad Bobur singari donishmandlar yaratgan asarlarida ham o'z aksini topgan.

Bolani risoladagidek tarbiyalash oilaning baxt-saodatiga, jamiyatning baxtli rivojiga xizmat qiladi. Buning uchun esa oila boshliqlari

o'z navbatida farzandlar tarbiyasiga juda katta ahamiyat berishlari talab etiladi. Bolalarni jismonan, ma'nан sog'lom, aqli, jamiyatga, odamlarga xizmat qilishdan quvonadigan qilib tarbiyalashga ota-onalarning o'zaro nizolari, kelisha olmasliklari, bolalar ishtirokidagi janjallar bir-biriga bo'lgan hurmatsizliklar, munosabatlarini xunuklashtirib borishi bola tarbiyasiga salbiy ta'sir etadi, uning ruhi sinadi, hayotga nisbatan befarq qaysar, dag'al, xudbin, o'jar bo'lib boradi. Natijada, ota-onaning o'zaro munosabatlari bolani e'tiborsiz, qarovsiz qolishiga olib keladi. bola nazoratdan chetda qoladi. Bunday holatlar bolalarda salbiy illatlarning paydo bo'lishiga qulay sharoit yaratib beradi.

Agar ota-onaning xatosini jamiyat, qo'ni-qo'shni, mahalla o'z vaqtida tuzatmas ekan, tarbiyasida nuqsoni bo'lgan bolalar bilan mas'ul tarbiyaviy muassasalar hamda mas'ul shaxslar shug'ullanmasalar, jamiyat katta moddiy va ma'naviy ziyon ko'radi.

Islom ilmida ota-onalar qo'lida bolalar aziz va omonatdirlar, shuning uchun ularni go'zal tarbiya etmoq, yaxshi xulqlarga o'rgatmoq va ko'rkar odatlarni tushuntirmoq lozimligi ta'kidlangan.

Muhammad alayhissalom «bolalaringiz bilan birga bo'ling va ularning odobini yaxshilanglar» deya marhamat qilganlarida, bolalarning tarbiyasiga qiziqmaslik va shug'ullanmaslik turli xil noxushliklarni keltirib chiqarishini nazarda tutganlar. Hazrati Umarning «Bola otadan qancha uzoqlashsa, yomon ishlarga shunchalik moyil bo'laveradi. U o'ziga hamrohni oiladan tashqaridan izlaydi va bu ko'pgina yomon oqibatlarga olib keladi» deb ta'kidlashlari ham aynan bola qarovsizligiga va uning oqibatlariga kelib taqaladi. XII asming buyuk mutafakkiri va shoiri Yusuf Xos Xojib «Qutadg'u bilig» («Saodatga boshlovchi bilim») kitobida va o'zining boshqa qator asarlarida etika va oilaviy hayot haqidagi qarashlarini bayon etadi. Allomaning fikricha farzand ko'rish va unga tarbiya berish har bir inson uchun buyuk baxtdir, ularsiz hayotning ma'nosи yo'q. Lekin bu narsa ota-onaga juda katta mas'uliyat yuklaydiki. uning uddasidan chiqmoq, har bir ota-ona uchun ham farz, ham qarzdir. U oilaviy muhitni shaxs axloqiy taraqqiyotining asosi deb hisoblagan. Agar bolaning xulqi yomon bo'lса, bunda bolaning aybi yo'q, hamma ayb otasida. Buyuk mutafakkir Abdulla Avloniy bola shaxsi sifatlariga to'xtalib unda oilaning rolini ta'kidlar ekan «qush uyasida ko'rganini qiladur» deydi. «Inson javhari qobildir, agar yaxshi tarbiya topib, buzuq

xulqlardan saqlanib, go'zal xulqlarga odatlanib katta bo'lsa, har kim eoshida maqbul, baxtiyor bir inson bo'lib chiqar». Alloma oilaning bola tarbiyasidagi rolini birlamchi ekanini ta'kidlab, tarbiyani tug'ilgan kunidan boshlamoq lozimdir deydi.

Ushbu keltirilgan fikrlar va islom dinidagi boshqa ko'pgina dalillar oilada bola tarbiyasiga bag'ishlangan bo'lib, bola tarbiyasi oilaning eng muhim majburiyatlaridan biri ekaniga shak-shubha qoldirmaydi. Ayni paytda yosh avlod tarbiyalashga ixtisoslashtirilgan tarbiya muassasalarida barcha sharoitlarning yaratilgani ham oila zimmasidan bu majburiyatni soqit qila olmaydi. Chunki bunday muassasalar bolaning his-tuyg'ulari va ruhiy kechinmalarini qondirishda oilaning o'mini bosa olmaydi. Ota-onalar surriyotlari tarbiyasidek ulug' ishni bekam-ko'stado etishlari ham farz, ham qarzdir.

## ЕШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА ВА МАҲАЛЛНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Қ. Зулунов,

*Андижон вилояти ҳатқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малякасини  
ошириши институти ижтилоий-иқтисодий  
фенлар кафедраси катта ўқитувчиси*

Мустакиллик йилларда Юрбошимиз бошчилигида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон умумжаҳон андоза ва нормаларини инобатта олган ҳолда, миллий давлатчилик пойдеворини яратишга киришди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча тарғибот-ташвиқот ишлари, маънавий мухит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва мажиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга ва миллий мағкурамизга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларнинг самара-дорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар билан иш кўрмоқда.

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий пойдевори бўлган ёш авлодни тарбиялашда оила мухим ўрин тутади. Чунки ҳада жамият аъзолари уни нурли келажак сари олиб борувчи қаролар камол топади.

Давлатимиз келажаги бўлган ёш авлод, бевосита биринчи тарбияни оиласдан, маҳалладан олади.

Оиласда ота-она канчалик тиришқоқ, жамоат ишларига фаол қатнашадиган, оиласда ватанпарварликни биргаликда ҳал этадиган бўлса, бола ҳам буни шунчалик ўзлаштириб боради.

Боланинг ота-онаси улуғлигини, улар олдида ҳамиша, ҳар кандай шароитда одоб сақлаши, ҳурмат-эътиборини жойига қўйиши, ўзишига иштиёқ билан ёндашиб уни ўз вактида бекаму кўст бажаришга одатланиши оиласда, қолаверса, маҳаллада шаклланиб боради.

Ёшлар тарбияси Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 64-моддасида мустаҳкамланиб кўйилган:

«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига кадар бокиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни бокиш, тарбиялаш ва ўқишини таъминлаши, боларга бағишлиланган хайрия фаoliyatlарини рағбатлантиради».

Она Ватанга муҳаббат, Ватан туйғуси каби илк тушунчалар ҳам аввало, оила муҳитида шаклланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллӣ қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд. ёрдамга муҳтоҷ одамлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш: тўй-томуша, ҳашар-маросимларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби ҳалқимизга хос урф-одат ва анъаналар, аввалимбор, маҳалла муҳитида шаклланган ҳамда ривожланган.

Оила ва маҳалла ҳар бир ҳалқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллӣ қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб, ватанпарварлик руҳида гарбияловчи муқаддас макондир.

Ёшларда юксак маънавий фазилатлар, шу жумладан, катталарга ҳурмат, ёшларга гамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, Ватан ва ҳалққа садоқат туйғуларини шакллантириш максадида маҳаллаларда «Оталар мактаби», «Оиласлар мактаби», семинар ва тренинглар ташкил этиш, маҳаллаларда ёш ота-оналарнинг ўzlари ҳам, аввало, яхши тарбияланган бўлишлари зарур.

Халқимизда шундай гап бор: «Бир болага етти маҳалла отаона», Фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол, етук бўлиб гарбия топишида маҳалла жамоатчилигининг ҳам ўрни мухим сабланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти, маънавий мухит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий мағкурамизга садоқат руҳида тарбиялашда етук ўринга эга бўлиб бормоқча.

## TA'LIM MUASSASALARIDA OILA, MAKTAB VA MAHALLA BILAN HAMKORLIKNI YO'LGA QO'YISH

N. Akbarov,

*Namangan VXTXQTMOI amaliy  
fanlar va mакtabdan tashqari  
ta'lim kafedrasi mudiri*

Ma'lumki, o'zbek xalqi o'zining bolajonligi, oilaparvarligi bilan ajralib turadi. Oilada paydo bo'ladigan ota-onaga hurmat, ularning oldidagi umrbod qarzdorlik burchini chuqur anglash har qaysi insonga xos bo'lgan odamiyilik fazilatlari va oilaviy munosabatlarning negizini, oilaning ma'naviy olamini tashkil etadi.

Mamlakatimizda keyingi yillarda qabul qilingan ta'lif va tarbiya to'g'risidagi qaror va me'yoriy hujjatlar, jumladan, O'zbekiston Respublikasining «Ta'lif to'g'risida»gi Qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» bozor iqtisodiyoti sharoitlarida muvaffaqiyatli ishlay oladigan mustaqil fikrlovchi kadrlarni tayyorlashda oila, mahalla va mакtab nufuzini yanada yuqori pog'onaga ko'tarishni taqozo etadi. Zero, ta'lif-tarbiyani takomillashtirishda ham davlat bosh islohotchidir.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek: birinchidan, yosh avlodga o'zligimizni, muqaddas an'analarimizni anglash tuyg'ularini, xalqimizning ko'p isrlar davomida shakllangan ezgu orzularini, jamiyatimiz oldiga bugun qo'yilgan oliy maqsad va vazifalarni singdirish.

Ikkinchidan, jamiyatimizda bugun mavjud bo'lgan hurfikrlikdan qat'iy nazar, jiipslashtiradigan, xalqimiz va davlatimiz daxlsizligini

asraydigan, el-yurtimizni eng yuksak maqsadlar sari chorlaydigan yagona g'oya – milliy masifikuraga sadoqat ruhida tarbiyalash.

Uchinchidan, yoshlarni jahon hamjamiyatida va xalqaro maydonda O'zbekistonga munosib hurmat tug'dirish uchun intilish ruhida tarbiyalash.

To'rtinchidan, yosh avlodni vatanparvarlik, el-yurtga sadoqat, yuksak odamiylik va insoniy fazilatlar ruhida tarbiyalash.

Beshinchidan, yosh avlodni ulug' ajdodlarimizning munosib vorislar ekanliklari, ayni vaqtda jahon va zamonning umumbashariy yutuqlarini egallash ruhida tarbiyalash O'zbekiston o'quvchi-yoshlarini tarbiyalashning eng dolzARB masalasidir.

Davlatimiz rahbari ko'rsatib bergenidek, ta'lim-tarbiya sohasidagi islohotlar, ijtimoiy, siyosiy iqlimga ijobiy ta'sir ko'rsatishga, umuman, mamlakatdagi mavjud muhitni butunlay o'zgartirishga, ikkinchidan, hayotda o'z o'mini topishni tezlashtirishga, uchinchidan, jamiyatda mustaqil fikrlovchi erkin shaxsni shakllantirishga, to'rtinchidan, insondagi mavjud salohiyatni to'la ro'yobga chiqarishga, beshinchidan, umumiy va maxsus bilimlarga ega, ongi. tafakkuri ozod, zamonaviy dunyoqarash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga voris bo'lgan kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etadigan komil insonlarni tarbiyalashga qaratilgan.

Milliy tarbiya yo'nalishi orqali yoshlarda o'zlikni anglash, vatanparvarlik, milliy g'urur, millatlararo muloqot madaniyati, milliy-masifikuraviy onglilik fazilatlari shakllantiriladi. Umuminsoniy yo'nalishda huquqiy, iqtisodiy, jismoniy, aqliy, estetik, ekologik va boshqa tarbiya yo'nalishlari amalga oshiriladi.

O'zbekistonda 1998-yil «Oila yili» deb e'lon qilinishi oilaning tarbiyaviy rolini yanada kuchaytirdi. Oila va mahalla jamiyatning asosiy bo'g'inidir. Oila, maktab va mahalla hamkorligini amalga oshirish jarayonida oilaning vazifalari, oilada sog'lom muhit yaratish, milliy va turmush tarzini hisobga olish, farzandlar uchun ota-onalar tomonlama o'mak bo'lishi, farzandlarning ota-onasiga, Vatanga muhabbat tuyg'usini shakllantirish, o'zaro g'amxo'r bo'lishni ta'minlash, oilada huquqni, tarbiyani yaxshilash, o'z huquq va burchlarini anglab yetishlari va ularga rioya qilishlarini ta'minlash, kasb-hunar o'rgatish, iqtisodiy tushunchalarni farzandlar ongiga singdirishdir.

O'z-o'zidan ma'lumki, bola tarbiyasida sog'lom nasl masalasi ham muhim ro'l o'ynashini inkor etib bo'lmaydi. «Aqli raso har qaysi inson vaxshi anglaydiki, bu yorug' dunyoda hayot bor ekan, oila bor. Oila bor ekan, farzand deb atalmish bebaho ne'mat bor. Farzand bor ekan, odamzod hamisha ezgu orzu va intilishlar bilan yashaydi».

Bolalarga ta'lim-tarbiya berishda maktab hamkorligi jarayonida pedagoglarning asosiy vazifalari O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisini tomonidan qabul qilingan «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi», Respublika rahbariyatining dasturiy fikrlari mazmunidan kelib chiqqan bo'lishi kerak. Maktabda bolaga biror bir kasbni egallashi uchun mustahkam poydevor yaratish, o'quvchi-yoshlarni sport turlari bilan shug'ullanishiga yordam berish, ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish, ularga ta'lim berishning ilg'or pedagogik texnologiyalar, zamonaviy o'quv-uslubiv dasturlar asosida nishkil qilish, o'quv-tarbiya jarayonlarini jahon andozalariga mos ravishda ta'minlash, o'quvchilarni tarbiyalashda oila – mahalla – maktab hamkorligini amalga oshirish tamoyillari va bosqichlari, yosh avlodni yaxshi xulqli, davlat ramzlariga sadoqatli qilib tarbiyalashda ularning yosh jihatlariga, harakatlariga alohida e'tibor berish lozim. Chunki, bularsiz tarbiyadan ko'zlangan maqsadga erishib bo'lmaydi.

Oila – maktab – mahalla hamkorligida quyidagi tamoyillar amal qilinganda samaradorlik yanada yuqori bo'ladi: ta'lim va tarbiya sohasidagi hamkorlik jarayoni ishtirokchilari harakatlarining ish birligi, tarbiyalanuvchilarga hurmat, hamkorlikning ilmiy asoslangani birinchi bosqich: yosh oilalar bilan ishlash, yosh ota-onalarga farzand va uning tarbiyasi haqida tushunchalar berish va bu masalalarga tibbiyot xodimlari, xotin-qizlarni, ota-onalarni jalb qilib «Yosh onalar va otalar» maktablari faoliyatini yo'lga qo'yish mihim ahamiyat kasb etadi. Ota-onalarning munosabatlarda o'zlaridan tashqari farzandini ham ko'rishi, uni hisobga olib, ehtiyyot bo'lishi kerak.

Yurtboshimiz sog'lom bolaning dunyoga kelishi, baquvvat bo'lib o'sib ulg'ayishida oilani birinchi o'rindagi hal qiluvchi mezon deb hisoblab, sog'lom bola – avvalo sog'lom va ahil oilaning mevasidir, deb ta'kidlaydi.

## ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ХАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Н. Қосимова,

*Андижон вилояти ҳақ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
институти педагогика, психология ва  
таълим менежменти кафедраси  
мудири, нс.ф и*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «...ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга ошираётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдирни буларнинг барчаси, аввалимбор, замон талабларига жавоб берадиган юкори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб этмоқдамиз».

«Таълим тұғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш міллий дастури» таълим соҳасида амалга ошириладыган ишларнин мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди. Бу вазифаларни амалга ошириш, аввало ўқитувчига, унинг билими ва касб маҳоратининг шаклланганлик даражасига боғлиқ. Зеро, ўқитувчи зиммасига юқлатилган вазифаларни нечоғлиқ виждан, ақл ва педагогик маҳорат билан бажарилиши жамият келажагини таъминловчи мухим омилdir.

Ўқитувчилик касби улуғ ва шарафли, мураккаб, ўз ўрнида масъулиятли касблардан биридир. Ўқитувчилик касбини эгаллашга интилаётган ҳар бир инсон ўзида аввало ирова, сабр-матонат, педагогик маҳоратни, ўқитувчилик ихтисослигига хос билим, малака, кўникмаларни эгаллаши лозимdir.

Маҳоратли ўқитувчи ўзини маҳорат эгаси санаса, у қуйидаги билим, кўникма, малакаларни эгаллаган бўлиши зарурдир. Ўқитувчи дунёқараши кенг, ҳамма воқеа-ходиса устида эркин фикр юрита олиши зарурдир.

Мустақил Ўзбекистонимиз ўқитувчиси биринчи галда ўзи ўқидиган фанни чукур эгаллагандагина ўқувчиларда умумий ва касбий таълим сифатини ошира олади ва уларда фан-техника ҳамда малайт фаолиятга қизиқиш ва истак ҳосил қила олади.

Ўқитувчи ҳозирги замон фан-техника талабига мувофик яхши дарс берини ва ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиши зарур.

Ўқитувчи яхши ўқитувчи бўлиши учун педагогика, психологияга қўшиб, ўз фанининг методикасини яхши билмоги лозим.

Ўқитувчининг умумий маданияти юқори бўлиши билан бирга, бу касб адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларга эга бўлишни талаб қилади.

Ўқитувчи педагог одобига риоя килиши керак. Педагоглик одоби ўқитувчилик касбига хос фазилатлардан бўлиб, ўқитувчининг тажрибаси, маҳорати болалар билан ишлаши жараёнида ошади.

Ўқитувчи педагоглик маҳоратига ва ҳар томонлама билимга эга бўлиши керак, чунки унга ўқувчилар ҳар соҳада мурожаат қилишлари мумкин.

Ўқитувчидаги ўқувчига хос бўлган қобилияtlар мужассам этган бўлиши лозим – ўқитувчи шахсий ва касбий сифатларининг ойнаси бўлиб, унинг педагогик-психологик билимларининг йигиндисидир. Юксак педагог маҳорат эгаси бўлиши учун:

А) ихтисослик бўйича ўкув предметини, замон, илм-фан, техника тараққиёти даражасида мукаммал билиши, унинг кесишадиган ўкув фанлари билан боғлиқлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

Б) ўкув-тарбия жараёнини аниқ ташкил қилиш учун асослик педагогик-психологик, методик маълумотга эга бўлиши;

В) ўкувчини, жамоани «кўра билиш», болалар қизиқиши, иншишлари, уларда учрайдиган қийинчиликларни тушунтириш ва ўз вақтида англай олиши, зуқколик билан ҳар бир боланинг характер, хусусияти, қобилияти, иродасини тушуна билиш ҳамда уларга шаффакияти таъсир кўрсатишнинг шакл, метод, воситаларидан бардор бўлиш;

Г) ўз шахсий сифатлари (товуши, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳ.к.)ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиши лозим.

**Педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қўйидагиларда билиш мумкин:**

Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқdir. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Педагогик фаолият авлоднини ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини иккинчи авлодга ўtkазади, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рӯёбга чиқаради.

Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимdir. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасаввур қилиши ва бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканини уларга англата олиши зарур. Гёте таъкидланганидек: «Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади».

Педагогик (таълим-тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолияти мантигини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасинини туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қўйидагиларни талаб қиласди:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахси га қабул қилиши. Жамият мақсадларини «ўсиб» унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндашиши;
- ўқувчилар қизиқишлигини зътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- инсон табиятнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг алоҳида хусусиятлари, рўй бераётган воқеаларнинг идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган такрорланмайдиган фаол мавжудотdir. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир.

педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёки ва шахсий хулққа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир;

— педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндашишда бир хил қолип, шаклланиб колган хатти-хракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо юқодий изланиб туришни талаб килади;

— ўқувчиларга педагогдан ташқари, атроф муҳит, ота-она, бошка фан ўқигувчилари, оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вактнинг ўзида жамики таъсирларга ва ўқувчиларнинг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутади.

**«ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»  
ҲАМКОРЛИГИ МЕХАНИЗМИНИ КУЧАЙТИРИШ  
БҮЙИЧА ЧОРА-ТАДБИRLАР МАЖМУАСИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ДИНИЙ  
МАЪРИФАТ ВА МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ  
МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ  
ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР**

**Р. Боймирзаева, М. Тўхтасинов,**  
*Наманган вилоят ҳалқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш институти ижтимоий-иктисодий  
фандар кафедраси ўқитувчилари*

Ҳеч иккиласида айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта давлат танги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайгуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касб-хунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин на-моён қилиши ва янада ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни трагиша Узбекистонга тенглаша олмайди. Бу ҳакиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам чукур эътироф этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айни пайтда дунёда кечаёттан глобаллашув жараёнлари барча-изга янги вазифалар юкламоқда. Шундай вазифалардан бири – ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан

бирга юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни зъзозлай-диган шахслар килиб тарбиялашдир.

Бугунги кунда рўй берадиган мухим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий узгаришлар ёшлар онгига таъсир килмасдан қолмаслиги ҳамда ҳозирги мактаб ўриндикларида ўтирган ёш авлод эртага бизнинг ишимизни кулимидан оладиган, ҳаётимизни давом ўтириб, ўзидан кейинги авлодга стказувчи ворислар экани айни ҳакикатdir.

Шундай экан, ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оиласда – ота-оналар, маҳаллада – қўни-кўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида эса ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги йўлида ўғил-қизларимизнинг улуг аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулдирлар.

Ушбу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги мухим аҳамиятга эгадир. Бу борада, баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва самардорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўгрисида» 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон Қарорининг 69-банди изроси мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон Қарори билан «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланди ва Ҳалқ таълими вазирлиги хузурида Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг фаолияти йўлга кўйилди.

Шунингдек, Ҳалқ таълими вазирлиги хузуридаги Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг Низоми кўп йиллар давомида тўпланган тажриба асосида ишлаб чиқилган бўлиб, фикримизча, ёшлар тарбияси ва маънавиятини шакллантириши билан шуғулланувчи мутахассислар фаолияти учун фойдали буди, деб ҳисоблаймиз.

Баркамол авлодни тарбиялашда оила – маҳалла – таълим муассасалари ҳамкорлик механизмини шакллантириш ва унинг тўлақонли

фаолиятига ёришиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар маж-муасида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳар бирининг белгиланган вазифалари, ёшларни тарбиялашда уларнинг ўзаро ше-риклиги ва ҳамкорлигини тўлик амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, бу механизмни ишлатиш тамойиллари, босқичлари, ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш тизими ифодалаб берилган. Жамоат Кенгашининг Низоми, таркибий тузилмаси, ишлаш тартиби, уни ҳаётга татбик этиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Асосий масала энди юкорида кўрсатилган дастурий ҳужоатларни ҳвётта татбик этиш, уларнинг жойлардаги ижросига масъулият билан ёндашиш, барча масъул субъектлар – аввало оила, маҳалла, таълим му-ассасаларининг, шунингдек, тегишли давлат органлари, жамоат таш-килотлари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги ишини йўлга қўйиш ҳал килувчи аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислом Каримов кўп бора, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтили бўлишлари шарт», деб таъкидлайди. Табиийки, инсон ҳаёти ва унинг маънавиятини йўғри шакллантиришга бевосита таъсир киладиган муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизимидир. Айна бебаҳо бойлик бўлмиш илму-маърифат, таълим ва тарбия инсон камолотининг, миллат раннациининг энг асосий шарти ва гаровидир. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, айни вактда, онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни ҳалқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойнадиган энг муҳим омилдир.

Мактаб, умуман таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият на-зоратида бўлиши асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (41-модда) белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, ушибу соҳа кенг жамоатчилик, бутун ҳалқимизнинг иштироки ва қўллаб-куvvatлашини талаб киладиган умуммиллий масаладир. Шуни унумаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори айнан билим даргоҳларида, аниқроғи мактаб дарсхоналарида яратилади. Бонкача айтганда, ҳалқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фар-идларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик.

Маълумки, мамлакатимизда таълим ва тарбияга ўзаро узвий боғлик шаркона тушунчалар сифатида карапади. Таълимни тар-биядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмаслиги давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсатида ҳам устувор тамойил ҳисобланади.

Юқорида баён қилингандар асосида баркамол авлодни тарбия-лашда қуидаги йұналишлар таълим муассасаси билан ҳамкорликда олиб бориши мухим ажамият касб этади деб ҳисоблаймиз:

- таълим муассасаларида ахиллик, ижодий мұхит, миллатлар-аро тотувликни мустаҳкамлаш, бу мақсадға эришиш учун зарурий шарт-шароит ва имконият яратыш;
- таълим муассасаларида «Ички тартиб қоидалар» ва «Одаб-ахлоқ қоидалари» талабларига түлік риоя этилишига эришиш;
- таълим муассасалари негизида педагогик, ҳуқуқий, психоло-гик, маңнавий ва маърифий билимлар берувчи «Ота-оналар университетлари» ташкил қилиш ва машғулотларни замонавий шакт өсулларда ташкил этиш;
- тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мағкураны тарғиб қилиш, ақидапарастилик, диний экстремизм ва миллий таракқиётимизга заарарлы бошқа гояларнинг кириб келиши-га карши муросасиз курашишни ташкил этиш;
- таълим-тарбия жараёнида түрли хил چалғитувчи воситалар (күл телефонлари, видеотасмалар, Интернет тармогидаги маълу-мотлар, компьютердеги йүйнлар)нинг заарарлы оқибатлары хақида доимий ва кенг тарғибот-ташвиқтот ишларини олиб бориш;
- ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлод онги ва шуурига таъ-сир этиш учун бұлаётган маңнавий таҳдидларга нисбатан мунтазам тарбия ва тегишли машғулотлар ёрдамида мағкуравий иммунитет ҳосил қилиш;
- ёшларни мустакил фикрлашға ўргатыш, уларни ватанпарвар-лик, истиколол гояларига садоқат рухида тарбиялаш;
- ўқувчи-ёшларда китобхонлик, мутолаа маданияти, бадий адаб-иетта мұхаббатни замон талабларини эътиборға олған ҳолда шакл-лантириш;
- ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини инобаг-га олиб, уларни түрли соҳалар бүйіча касб-хунарга йұналтириш. уларнинг бирор-бир аник касб-хунарни згаллаши учун пойдевор яратыш, бунда оталарнинг ролини күчайтириш мақсадида «Оталар мажлиси»ни ўтказыб бориш ҳамда узлуксиз ва тизимли ёндашишни ташкил этиш (мактабгача таълим – умумий ўрта таълим – ўрта маҳ-сус касб-хунар таълими – олий таълим);

— мактабга (касб-хунар колледжлари ва лицейларга) сурункали келмайдиган ўқувчи-ёшларни таълим муассасалари ва маҳалла фаволлари ҳамда ҳамкорлик кенгаши ёрдамида ўқишга жалб этиш;

— ўқишини ишлашни хоҳламайдиган, хукуқбузарлик содир этишига мойил вояга етмаганларни рўйхатга олиб, уларга тегишли ташкилотлар билан биргаликда зарур чоралар кўриш;

— тарбияси оғир ёшлар, фарзандлар тарбиясига безътибор ота-онаслар билан сурункали ва алоҳида ишлаш, уларга педагогик маслаҳатлар бериб боришни тизимли ташкил этиш;

— болаларнинг ўз ўкув муассасаси ҳудудини тоза, озода саклаш ва ободонлаштириш (таълим муассасалари атрофидаги қаровсиз ётган ерларда мевали боғлар яратиш) ишларига жалб этиш, шанбаликлар ташкил этиш;

— ҳамкорлика олиб борилган ижобий ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш ва бошқалар.

Шундай қилиб, айтилган фикрлар шуни кўрсатадики, бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир фарзанд тимсолида аввало, бола шахсини кўриши зарур. Демак, фарзандларимизни эркин, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига аста-секин, аммо муттасил эга бўлиб борадиган, онгли яшайдиган, воқеа ва ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғуси билан қарайдиган, ҳар томонлама комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифасидир.

## **БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА, МАҲАЛЛА, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ**

**Р. Ҳамраева, Л. Суярова, М. Мирсаидова,**  
*Самарқанд педагогика коллежи  
ўқитувчилари*

Бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда уч асосий омил: оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги мухим аҳамият кисб этади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Оила соглом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат

барқарордир». Дарҳақиқат, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маъна-виятини шакллантириш ва юксалтиришда шубҳасиз, оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини тұғри йүлга қўйиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйгулари, илк ҳәёттій тушунча ва тасаввурлари аввало, оила бағрида, сұнгра маҳаллада шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори ҳам оила шароитида қарор топиши табиийдир. Күриниб турибдик, оиласыв тарбия масаласида жицдий хатоликка йўл қўймаслик учун ҳар қайси хонадондаги маънавий муҳитни ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, инсоний муносабатлар асосида куриш лозимдир.

Фарзандга меҳр қўйиш, қорнини тўқ килиш, устини бут қилиш билан бирга уларнинг ёшлик чоғидан бошлаб. миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият негизида парваришилаш, ўз иктидори, қобилияти, қизиқишилари асосида бўлгуси касб-ҳунарга тұғри йуналтириш оиласада ота-онанинг, маҳалла ва таълим муассасаларида жамоатчиликнинг муҳим бурчи ҳисобланади.

Фарзанд тарбияси оила олдида турган улкан вазифа, айни пайтда жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу боис, ҳалқимизнин азалий анъаналаридан, миллий руҳиятдан келиб чиқкан ҳолда тарбиянинг «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» тамойилини ҳәётга татбиқ этиш юзасидан республика миқёсида кенг саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Чунки бола оиласада камол топади, маҳалла бағрида ўсиб-улғаяди, мактабда таълим-тарбия олади. Бола оиласада тұғри тарбия олса, мактабда намунали ўқувчига айланади, маҳаллада бошқаларга ибрат бўлади. Бу жараёнда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳам шаклланниб боради.

Уч томонлама ҳамкорликда ҳар бир бўғиннинг ўзига хос масъ-улияти бор. Ҳалқимиз орасида азалдан «Отанг – маҳалла, онан – маҳалла», «Бир болага етти кўшни ота-она» деган иборалар бекорга пайдо бўлмаган. Бизнинг жамиятимизда маҳалланинг фуқароларни, биринчи навбатда, ёшларни одоб-ахлоқ, ор-номус, биродарлик, уму-ман, миллий истиқбол мағкураси руҳида тарбиялашнинг ҳақиқий таъсирчан ўчогига айланишига замин ва асос бор. Оилаларни бир

жамоага, тенглиkkка асосланган ижтимоий гурұхға айнан маҳалла бирлаштыради, оила аъзоларини жипслаштыради, уларда аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик ҳис-туйғуларини шакллантираци. Маҳалла жамиятнинг кўзгуси ҳисобланади, шунинг учун ҳам фуқаролар йигинларининг шу бугунги кундаги долзарб вазифалари республикамиз ҳукуматининг доимо дикқат-эътиборида булиб, бу ҳакка қарор ва қонунларда яққол кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июннаги 175-сон қарори ҳамда Халқ таълимни вазирлиги ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасалари ҳамкорлиги» жамоат Кенгашининг 2015 йилга мүлжалланган чора-тадбирлари режасига кўра, таълим муассасалари, маҳалла, ички ишлар ходимлари, «Камолот» ЁИҲ вакиллари ҳамкорликда маънавий-ахлоқий мезонларга мос келмайдиган, зўравонликни тарғиб киладиган, ёшлар онгини заҳарлайдиган, ахлоқсизлик сифатларини шакллантирадиган аудио-видео маҳсулотлари, компютер ўйинларини тарғиб қилиш, қонун бузилишига йўл қўйган Интернет кафе ва компютер клублари фаолияти, диний экстремистик оқимлар ҳақидаги, ижтимоий тракатлар содир этганлар тўғрисидаги видеофильмларни намойиш этиш қатъиян тақиқланади. Ана шундай мақсадларда таълим муассасалари ўқитувчи-мураббийлари ўқувчи талабаларни кўча-кўйда, ўқиш жараёнида кийиниш маданияти, ўқувчиларнинг кунилик давоматини назорат қилиш, машғулотларга сабабсиз ва мунтазам келмаётганлар билан кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда таълимга кайтариш чораларини кўриш, ҳуқук-тартибот ва диний идоралар, тиббиёт муассасалари, маҳалла фаоллари иштирокида «Дин ва маданият», «Хурофотга қарши курашда аёлларнинг ўрни», «Инсон ва саломатлик», «Одоб ва ахлоқ», «Гиёҳвандлик моддаларининг зарарли оқибатлари», «Оилада шарқона маданият» мавзууларида давра сухбатлари ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Ўқувчи ва талабаларнинг буш вакътларини мазмунли ўтказиш мақсадида таълим муассасаларида «Қизлар клуби», «Ораста қизлар клуби», спорт секциялари, фан тугаракларини ташкил этиш, ўқувчилар ижодидан кўргазмалар ташкил этиш, қўрик-танловлар ва спорт мусобақалари ўюнтириш ҳам ёшларнинг баркамол булиб шишиларида муҳим воситалар ҳисобланади. Таълим муассасаларида ота-оналарни тарбиявий ишларга жалб этиш, оиласиб тарбия

**бўйича тажриба алмашиш борасида ишларни амалга ошириш, таълим муассасаларида «Ота-оналар университети», «Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги маркази»ни ташкил этиш кутилаётган самараларни бериши табиийдир.**

Хулоса қилиб айтганда, баркамол авлодни тарбиялашда бутун зътиборни оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги самародорлигига қаратиш лозим.

## **«ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ: ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА**

**Х. Ганиев,  
ФЖШМҚМИ Фарғона вилояти ҳудудий  
булинмаси катта мутахассиси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 27 февралда тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури 8 йўналиш, 87 банддан иборат бўлиб, унинг VII йўналиш 69-бандида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чикиш ва амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Бундан кўзланган мақсад эса ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида таълим муассасасининг оила, маҳаллалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида ота-оналар, маҳалла ва таълим муассасалари масъулиятини ошириш этиб белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 175-сон қарори қабул қилинди.

Унга кура, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат кенгаши, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари

хузурида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги худудий жамоат кенгашлари тузилди.

Жамоат кенгашларининг вазифалари сифатида:

– оила, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини таъминлаш;

– оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада куҷайтиришга доир услугий асосларни яратишни ташкил этиш;

– ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустахкамлашга кўмаклашиш;

– таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

– қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларига якін ҳудудларда алкоголли ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

– таълим тизимидағи ислохотлар ҳакида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг узвий маълумотта эга бўлишларини таъминлаш;

– ўкувчи-ёшларнинг зарарли одатлар йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларга қарши манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш;

– таълим-тарбия жараёнини ҳамда ушбу соҳага оид норматив-укукий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда тегишли давлат органларига киритиш белгиги-нди<sup>1</sup>.

Халқ таълими вазирлигининг маълумотига кўра, айни кунда, Халқ таълими вазирлиги хузурида 14 та вазирлик ва идоралардан таркиб топган Жамоат кенгаши, шу билан бирга 14 та худудий халқ таълими бошқармалари, 193 та ХТМФМТГЭ гуман (шахар) бўлимлари ва 9692 та умумтаълим мактаблари хузурида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги худудий Жамоат кенгашлари фалият кўрсатмоқда.

<sup>1</sup>«Баркамол авододни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бапшодарини организарининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада белгилантириш чора-тадбирлари тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорининг 2-банди. 2012 йил 19 июнь, 175-сон.

Шу билан бирга, худудий Жамоат кенгашлари жойлардаги 14 та вазирлик ва идораларнинг қуи бүгинлари ҳамда республикадаги жами 1556 та ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари (143 та академик лицей, 1413 та КҲК) ва 9764 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик килмоқда.

Бугунги кунда Фаргона вилоятида 916 та умумтаълим мактабида 494649 нафар, 157 та ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларида 172207 нафар ўкувчи таҳсил олмоқда. Вилоятнинг 15 та туман, 4 шаҳрида 1040 фуқаролар йигинлари фаолият юритмоқда. Республикамизнинг барча худудларида бўлгани каби, Фаргона вилоятида ҳам бундай жамоат кенгашлари фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, вилоятдаги 19 та туман (шаҳар) ХТМФМГГЭ бўлимлари ҳузурида ҳамда вилоятдаги 916 та мактабда «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари ташкил этилган.

Жамоат кенгашларининг ишларини самарали ташкил этишига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ҳалқ таълими вазирлиги, вилоят ҳалқ таълими бошқармаси томонидан ўкув семинарларининг ташкил этилиши кенгашларнинг ўз фаолиятларини норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда тўғри йўлга қўйишларига ижобий таъсир кўрсатди.

Аммо, айрим таълим муассасаларида тузилган «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари фаолияти ко-никарсиз даражада экани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган рейд тадбирлари давомида аниқланмоқда.

Фаргона вилояти Ўзбекистон туманида чоп этиладиган «Қилинч ва қалқон» газетасининг 2016 йил 20 май кунги 10(0270)-сонида Ўзбекистон туман ИИБ ВЕО ҲООБ инспектори, капитан Г. Мамадиева муаллифлиги остида чоп этилган «Вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш» номли мақоласида 2016 йилнинг дастлабки турт ойи давомида туман ИИБ томонидан ўтказилган гезкор рейд тадбирлари натижасида биргина Ўзбекистон туманида 46 ота-онага нисбатан «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси»нинг 47-моддаси («Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик») билан маъмурий жавобгарлик белгилангани қайд этилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, туман чорва, буюм ва дехқон бозорларида ташкил этилаётган рейдларда вояга етмаганларнинг дарс

сөйтларини колдириб, бозорда турли-туман ишлар билан банд бүлүн ҳолатлари тез-тез аниқланмокда.

Бундай ҳолатларни бошқа туманларда ҳам кузатиш мумкин. Экспертларнинг маълумотига кўра, бундай ҳолатларнинг сабабларидан бири, айрим фуқаролар йигинлари масъуллари ҳамда ота-оналар ота-оналарнинг фарзандлари олдиаги бурчлари ва мажбуриятлари ҳамда ушбу мажбуриятларни бажармаганлик учун норматив ~~хужжатларда~~ белгиланадиган жавобгарликлар тўғрисида хабардор эмаслигидир.

Бу эса, «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашларининг асосий вазифалари ҳисобланган оила, умумтаълим мактаблари, ўрга маҳсус касб-хунар таълими муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш; ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда таълим тизимидағи ислохотлар ҳақида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг узвий маълумотга эга булишларини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётганидан далилат беради.

Халқ таълими соҳасидаги мутахассисларнинг таъкидлашича, айрим умумтаълим мактабларида Жамоат кенгашлари таркиби ҳамда ҳамкорлик фаолияти тўғри ташкил этилмагани аниқланмокда. Натижада, ҳамкорлик ишларида узилиш ёки ўз ҳолига ташлаб кўйиш, раисларда ташаббускорлик, етакчиликнинг стилемаслиги, белгиланган вазифалар ижросига масъулиятызизлик билан ёндашиш ёки малакасизлик, шунингдек, белгиланган тадбирларни «хўжакўрсинга», «ўтказилди, бўлди-да» таъбирида ўтказиш, самарадорлиги ва натижадорлигини таҳлил қилмаслик каби ҳолатларнинг мавжудлиги пировард натижага эришишга салбий таъсир килмоқда. Энг асосийси, бундай ҳолатлар баркамол авлодни тарбиялашда бўшликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Бундай бўшликларни бартараф этиш, «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмининг самарали фаолиятини ташкил этишда куйидагиларни амалга ошириш кўзланган мақсадга эришишга амалий кўмак беради:

1. Кораганпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошкармалари томонидан туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари фаолиятини, ўз навбатида туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари таълим муассасаларидағи «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари фаолиятини доимий мониторинг килиб бориши, бу борада ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликни ташкил этиши зарур.

2. Кораганпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошкармалари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари ва ҳудуддаги таълим муассасалари ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари аъзолари учун ўқув-амалий семинарлар сонини ошириш, ушбу семинарларда жамоат кенгашлари фаолиятига асосан танқидий ёндашиш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (ИИБ, прокуратура)нинг маълумотларидан кенг фойдаланиш керак.

3. Туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари ва ҳудуддаги таълим муассасалари ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари томонидан ташкил этиладиган тадбирларнинг аксарият қисмини фуқаролар йигинларида ташкил этиш ва бу тадбирларга нотинч ҳамда ДЭО оиласлар вакилларини жалб этиш зарур.

4. Туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари ҳузуридаги ҳамда ҳудуддаги таълим муассасалари ҳузуридаги «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари аъзолари, ҳамда соҳага боғлиқ бўлган ҳамкор ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувининг самарали йўллари тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда ушбу соҳадаги эксперtlар салоҳиятидан фойдаланиш керак.

Шунингдек, жамоат кенгашлари аъзоларининг сиёсий, ҳуқукий саводхонлигини ошириш, ўз фаолиятини амалга оширишда, вояга етмаганлар билан ишлашда бугунги кун талабларидан келиб чи-

юниши, ҳозирги замон глобал таҳдидлари, чақирувларга қарши курши бўйича гоявий, сиёсий билимларга эга бўлиши фаолият самадорлигини оширади.

Ушбу амалий ишларни ташкил этиш «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтиришга, соҳада дуч келиштган муаммоларни бартараф этишга кўмак беради.

## МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Б. Турсунов,  
ФЖШМҚМИ Самарқанд ҳудудий  
бўлинмаси етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини кенг ривожлантириш учун зарурий хуқукий асослар яратилган, бинобарин ҳукуматимиз томонидан «маҳалла» институтини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг килиши мустақил институти (ФЖШМҚМИ) Самарқанд ҳудудий бўлинмаси масъул ҳодимлари томонидан вилоятнинг 4 та шаҳар ва туманларида жойлашган 12 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида «Фуқаролар йигинининг ёшларни юксак маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш, соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан олиб бораётган фаолиятини ўрганишга доир саволнома» асосида социологик тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот ўтказилган маҳаллаларда 30 минг нафарга яқин фуқаролар истиқомат қиласди, уларнинг 9 минг нафарга яқинини вояга етмаганлар ташкил этади. Фуқаролар йигинлари қошида ташкил этилган 8 та доимий комиссия фаолият кўрсатиб келмоқда. Тадқиқот натижалари ушбу комиссиялар, шу жумладан, «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия» фаолияти самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор чора-гадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Хусусан, соҳа мутахассислари иштирокида фуқаролар йигинлари ходимлари ва фаолларининг хуқукий-меърий хужожатлар билан ишлаш бора-

сидаги малака ва күнікмаларини оширишга йұналтирилған семинар-тренинглар, давра сұхбатларини доимий равишда ташкил этилозим бұлади. Бунда асосий зытиборни ушбу комиссия таркибіні шақылантиришга доир Низом талабларини, шунингдек, комиссиянинг мақсад ва вазифаларини атрофлича тушунтириш масалаларын қараташ керак бұлади. Комиссиялар таркибига «Камолот» ЕИХ соғлиқни сақлаш, спорт-соғломлаштириш муассасаларининг ва бошқа ҳамкор ташкилоттар вакилларининг киритилиши улар фолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши алоқында қайтыилиши үринидір.

Комиссиянинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш режаларини тұғри тузиш, аязолар үртасида ушбу вазифаларни тақсимлаш ва улар ижросига доир маълумотларни расмийлаштиришга оид билем ва күнікмаларни шақылантириш ҳам мұхым ақамият касб этади.

Фуқаролар йигинларида «Ота-оналар университети», «Оила – махалла – мектаб» жамоат кенгаши механизмлари фолияти ҳам маълум даражада йүлга қойилған. Низомда ушбу жамоат кенгаши фолиятини йүлға қойиш масалаларига алоқында үрин ажратылған.

Қонунчиликда «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бүйіча комиссия», «Ота-оналар университети», «Оила – махалла – таълим муассасаси» жамоат кенгашига көңгір ваколаттар берилған. Жұмладан, ушбу кенгаш фуқаролар йигини, йигин кенгашига, шунингдек ваколатлы давлат органларының соғаны ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар бериш масаласи күзде тутилған. Бирок үрганилған фуқаролар йигинларининг жамоат кенгашлари томонидан бундай таклифлар тегишли органларға тақдим этилмаган.

Вояга етмаганлар ва ёшлар таълим-тарбияси борасида фуқароларнинг үзини үзін башкариш органлари жойлардаги таълим муассасалари ва ИИБ билан үзаро ҳамкорлик алоқалари муайян даражада йүлга қойилған, бирок бошқа давлат ташкилотлари шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, «Камолот» ЕИХ билан ижтимоий шериклик мұносабатларини ривожлантириш мақсадда мувофик.

Фуқаролар йигинлари худудида «Интернет – кафе», «Компьютер клуб»лари, умумтаълим мектблары ва касб-хунар колледжларында фуқаролар йигинлари ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг масъуллари ҳамкорлигыда «Үкувчи», «Давомат» каби профи-

дистик рейдларни мунтазам ташкил этиш ҳам самарали натижалар беради.

Саволнома үтказилган фуқаролар йигинлари ходимлари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий йўналишда үтказилган тадбирлар сифатида асосан («Янги йил», «Халқаро хотинрўзлар куни», «Наврӯз», «Хотира ва қадрлаш куни» каби) байрам тадбирларини қайд этиш билан чекланишган. Аслида эса тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, ватанпарварликни кучайтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бунда асосий эътиборни ёшларнинг бадиий-ижодий чиқишиларига қаратиш лозим бўлади. Ёшларни спорт тадбирларига, спорт тўғракларига жалб этиш, уларни тадбиркорлик фаолияти субъектларига, уста-хунармандларга бириктириш, ёшлар учун бўш иш ўринлари ташкил этиш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса қилганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий масалалари бўйича доимий комиссиялар, шу жумладан ёшларга доир комиссия фаолиятини янада яхшилаш учун юкорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролар йигинлари ходимларининг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада ошириш, ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали амалиётчи мутахассислар ва намунали фуқаролар йигинлари ходимлари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этиш орқали эришилган ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш, ёшларга доир комиссиялар фаолиятини жойлардаги Халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида муҳокама қилиш орқали мавжуд ҳамчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши шулар жумласидандир.

сидаги малака ва күнікмаларини оширишга йұналтирилған семинар-тренинглар, давра сұхбатларини доимий равишда ташкил этиш лозим бўлади. Бунда асосий зътиборни ушбу комиссия таркибини шакллантиришга доир Низом талабларини, шунингдек, комиссиянинг мақсад ва вазифаларини атрофлича тушунтириш масалаларига қаратиш керак бўлади. Комиссиялар таркибига «Камолот» ЁИХ соғлиқни сақлаш, спорт-соғломлаштириш муассасаларининг ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакилларининг киритилиши улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилиши ўринлиdir.

Комиссиянинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш режаларини тұғри тузиш, аъзолар үргасида ушбу вазифаларни тақсимлаш ва улар ижросига доир маълумотларни расмийлаштиришга оид билим ва күнікмаларни шакллантириш ҳам мұхим аҳамият касб этади.

Фуқаролар йигинларида «Ота-оналар университети», «Оила – маҳалла – мактаб» жамоат кенгаши механизмлари фаолияти ҳам маълум даражада йўлга қўйилған. Низомда ушбу жамоат кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида ўрин ажратилған.

Қонунчиликда «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари буйича комиссия», «Ота-оналар университети», «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» жамоат кенгашига кенг ваколатлар берилған. Жумладан, ушбу кенгаш фуқаролар йигини, йигин кенгашига, шунингдек ваколатли давлат органларига соҳани ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар бериш масаласи кўзда тутилған. Бирок ўрганилган фуқаролар йигинларининг жамоат кенгашлари томонидан бундай таклифлар тегишли органларга тақдим этилмаган.

Вояга етмаганлар ва ёшлар таълим-тарбияси борасида фуқароларнинг үзини үзи бошқариш органлари жойлардаги таълим муассасалари ва ИИБ билан үзаро ҳамкорлик алоқалари муайян даражада йўлга қўйилған, бирок бошқа давлат ташкилотлари шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, «Камолот» ЁИХ билан ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролар йигинлари ҳудудида «Интернет – кафе», «Компьютер клуб»лари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида фуқаролар йигинлари ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъуллари ҳамкорлигига «Ўкувчи», «Давомат» каби профи-

дактик рейдларни мунтазам ташкил этиш ҳам самарали натижалар беради.

Саволнома үтказилган фуқаролар йигинлари ходимлари вояга стмаганлар ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий йўналишда үтказилган тадбирлар сифатида асосан («Янги йил», «Халқаро хотин-қизлар куни», «Наврӯз», «Хотира ва қадрлаш куни» каби) байрам тадбирларини қайд этиш билан чекланишган. Аслида эса тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, ватанпарварликни кучайтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бунда асосий эътиборни ёшларнинг бадиий-ижодий чиқишиларига қартиш лозим бўлади. Ёшларни спорт тадбирларига, спорт тўғракларига жалб этиш, уларни тадбиркорлик фаолияти субъектларига, уста-хунармандларга бирикгириш, ёшлар учун бўш иш ўринлари ташкил этиш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса килганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий масалалари бўйича доимий комиссиялар, шу жумладан ёшларга доир комиссия фаолиятини янада яхшилаш учун юкорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқdir. Фуқаролар йигинлари ходимларининг хуқукий ва сиёсий саводхонлигини янада ошириш, ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали амалиётчи мутахассислар ва намунали фуқаролар йигинлари ходимлари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этиш орқали эришилган ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш, ёшларга доир комиссиялар фаолиятини жойлардаги Халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида муҳокама қилиш орқали мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

## YOSHLAR TARBIYASIDA O'ZARO HAMKORLIKNING AHAMIYATI

Z. Rahmatullayeva, S. Orisova,  
*NVXTXQTMOI pedagogika, psixologiya va ta'lim  
menejmenti kafedrasi o'qituvchilari*

O'zbekiston mustaqilligi tufayli mamlakatimiz hayotida katta o'zgarishlar ro'y bermoqda. Mamlakatimiz kelajak ravnaqi ko'p jihatdan bugungi yosh avlod tarbiyasining qanday bo'lishiga bog'liqidir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Oliy majlisning XIV sessiyasidagi nutqida shunday deydi: «Erkin fuqaro ma'naviyatini, ozod shaxsni shakllantirish masalasi oldimizda turgan eng dolzarh vazifadir». Boshqacha aytganda biz o'z haq-huquqlarimizni taniydigan, o'z kuchi va imkoniyatlariiga tayanadigan, atrofida sodir bo'layotgan voqeа-hodisalarga mustaqil munosabat bilan yondashadigan, ayni zamonda shaxsiy manfaatlarini mamlakat va xalq manfaatlari bilan uyg'un holda ko'radigan erkin, har jihatdan barkamol insonlarni tarbiyalashimiz kerak.

Biz farzandimizning barkamol ruhiy dunyosi uchun ularning ma'naviy-axloqiy jihatdan yetuk, jismonan sog'lom bo'lishi uchun doimo qayg'urishimiz, kurashmog'imiz zarur. Bu so'zlarning mag'zini chaqadigan bo'lsak, mustaqil mamlakatimiz kelajagi jamiyat uchun mustahkam e'tiqodli, dili pok, ruhi komil insonlar tomonidan ko'rildi. Chinakam sharqona odob-axloq va tarbiyaning barcha qirralarini o'zida mujassamlashtirgan, xalq an'analariga tayangan murabbiy va ota-onalarning hamkorligi bilan uzviy bog'langan pedagogik jarayongina yuqorida ko'zlangan ezgu maqsadni amalga oshirishi mumkin.

«Ona va bola» davlat dasturida belgilangan maqsadlarga ko'ra, eng yaxshi an'analarimiz va urf-odatlarimiz asosida bolani Vatanga va xalqqa muhabbat, sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan munosabatda bo'lish ruhida tarbiyalash ota-onalar, ta'lim muassasalari va mahallalarning rolini kuchaytirish, mustahkam va sog'lom oilani shakllantirish uchun esa zarur sharoitlar yaratish, bolani tarbiyalash jismoniy va ma'naviy rivojlantirishda ona va bolaning rolini kuchaytirish kabi vazifalarni to'liq amalga oshirish ko'zda tutilgan.

Bola tarbiyasini amalga oshirish jarayonida maktab jamoatchilik bilan bir qatorda oila ham alohida, hal qiluvchi o'rinni egallaydi.

Oilaning asosiy ijtimoiy, ma'naviy, axloqiy vazifalarini qisqacha tahlil qilib ko'rsak, bolada shakllanadigan barcha hissiy, ruhiy tuyg'ular: mehribonlik, oqibatlilik, o'ziga va atrof tabiatga nisbatan mas'uliyatlilik kurtaklari oilada namoyon bo'la boshlaydi. Prezidentimiz Islom Karimov: «Bola tug'ilgan kundan boshlab oila muhitida yashaydi. Oilaga xos an'analar, qadriyatlar, urf-odatlar bola zuvalasini shakllantiradi. Eng muhimi, farzandlar oilaviy hayot maktabi orqali jamiyat talablarini angloydi, his etadi», – deb uqtiradi. Oila o'z vazifasini lozim darajada amalga oshirishi uchun unga tegishlicha ma'rifiy-metodik qurollantirish, ijtimoiy, ma'naviy, tadbirlarni o'tkazish yo'li bilan unga yordam berib borish zarur. Bu esa oila, mahalla, maktab hamkorligi ishlarini yanada takomillashtirishni taqozo etadi.

O'qituvchi va ota-onalar bolalarning asosiy tarbiyachilarini hisoblanadi. Shu sababli tarbiya ishlarining samaradorligi ko'p jihatdan pedagogning ota-onalar bilan ishlash ko'nikmalari, ular bilan umumiy til topa bilishi, ularning yordami va qo'llab -quvvatlashiga bog'liqdir.

O'qituvchining ota-onalar bilan ishlash usullari va shakllari xilmoxildir. Bular ota-onalar umumiy yig'ilishlarini o'tkazish, ota-onalar suruhida va individual suhbatlar tashkil etish, ota-onalarni bolalar bilan bevosita ishslashga jalb qilish, ota-onalar orasida pedagogik bilimlarni keng targ'ib qilish va boshqalar.

O'qituvchi shuni bilishi kerakki, bu ko'p usul va shakllar hamma vaqt muvaffaqiyatlarga olib kelavermaydi. Tarbiyaviy faoliyatning mazmuni va usullari qanday bo'lishidan qat'iy nazar, ota-onalar va o'qituvchi o'rtaida o'matiladigan munosabat usuli asosan yetakchi hisoblanadi.

O'qituvchi mahoratining nozik tomonlaridan biri ota-onalar va jamoatchilikning yoshlari tarbiyasiga ta'sirini kuchaytirish hisoblanadi.

Jamoatchilik yoshlarning tarbiyasiga turlicha ta'sir etishi mumkin. Agar jamoat joylarida, ota-onsa va maktab o'qituvchisining nazoratidan boshqarida bo'lgan bolaga atrof-muhitdagilar befarq qarasa, ularda ayrim salbiy odatlar paydo bo'lishi kuzatiladi. Ayniqsa, boshqarilmaydigan, nosormal jamoat to'planmalarida yoshlarda turli odob-axloq qoidalarining buzilish hollari kuzatiladi. Chekish, ichish, giyohvandlik, o'g'rilik va boshqa illatlarga duch keladilar. Ba'zan beixtiyor ularga qo'shilib qolish hollari uchraydi.

Shunday ekan ta'lif-tarbiya sohasiga e'tiborni kuchaytirish, bu borada hukumatimiz tomonidan qabul qilingan qonun va hujjatlarni direktiv ko'rsatmalarini samarali bajarish uchun oila – mahalla – maktab hamkorligi faoliyati o'ziga hos pedagogik tizim, uslub va shakllarga ega bo'lishi zarur.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

М. Файзуллохўжа,  
ФЖШМКМИ ХБ катта мутахассиси

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий, тарихий кадриятлар сифатида маҳаллага бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил сентябрда қабул қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунга биноан, маҳаллалар ўз хуқукий мақомига эга бўлди.

Бу хукукка асосан, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни гашкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиши, унинг бир қисми маҳалладаги эҳтиёжманд оиласларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан тъминлаши, аҳолига маданий, манший хизмат кўрсатиши мумкин. Ушбу жиҳатлар маҳалла ҳудудида ободончилик, ўзаро ижтимоий қўллаб-куvvatlash каби хусусиятлар ривожини тъминлаш билан бир қаторда ёшлар дунёқарашининг ўсишида ҳам муҳим роль уйнайди.

Жамият ижтимоий таркибида ёшлар тафаккурини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Маҳалла ижтимоий институт сифатида ёшлар дунёқарашининг ўсишида. уларни миллий гоя руҳида тарбиялашда ҳам етакчи мавқега эга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: «Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадriятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ кексалар ҳолидан хабар олиш, етимесирларнинг бошини силаш, тўй-томуша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўқазиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда

ҳам бирга бўлишдек ҳалқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авватамбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган»<sup>1</sup>, – деганди. Демак, маҳалла миллий қадriятларимизни асраб-авайлаб, ривожлантириш билан бир қаторда маҳалла аъзолари, шунингдек, ёшлар тафаккури ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этиб келаёттани эътиборлиdir.

Маълумки, «маҳалла» атамаси арабча бўлиб, «ўрин-жой» деган маънони англатади. У турли минтақаларда маҳаллот (жой), гуяр, жамоа, элат номларда аталиб келинган. Илмий ҳамда тарихий адабиётларда маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга экани ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир канча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган. Алишер Навоий ўзининг «Хайрат-ул аброр» асарида маҳаллани «маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча»дир. деб таърифлаб, Ҳирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганини эслатиб ўтган. Маҳаллалар, айниқса, Амир Темур даврида равнақ топганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ижтимоий-тарихий таракқиёт давомида маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Масалан, заргарлик, мискарлик, кўнчилик, пичокчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, такачи ва ҳоказо кабилалар. Маҳалланинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтиказиш, ўз ҳудудини батартиб саклаш ва ободонлаштириш асосида ўши авлодни тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сакланишини тъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиши, урф-одатларга риоя қилмаган ҳамда уларни бузган жамоат мажбуриятларидан бўйин товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарлари ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, Ӣўл курилиши, маҳалла ободончилиги билан боғлиқ барча жамоат ишларини ўюштирганлар.

Маҳалла инсоният цивилизацияси таракқиётининг турли ривожланиши босқичларида мавжуд миллий-маданий шарт-шароитларда демократик институт сифатида мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадriят, менталитет, анъаналар мав-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – снгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2015, 51-бет.

жудки, улар демократик маданиятни ахоли тафаккурида юксалтиради. Махаллада инсон манфааги, кадр-қиммати, ҳәёти ҳар нарсадан юқори туриши, ижтимоий муаммолар ўзаро биргаликда ҳал этилиши, махалладошлар ўртасида миллий-этник маросимчиликнинг умумийлиги ҳам демократик бошқарувнинг миллий-сиёсий шаклидир. Бундай институт ўзини-ўзи бошқариш, айни вактда, ўзаро бир-бирига ижтимоий масъуллиги, оиласаларнинг хилма-хиллиги шароитида ижтимоий фаровонлик учун бирлашуви ўзига хосдир. Махалла ёшларда сиёсий маданиятнинг ажралмас қисми – интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-хуқуқларини химоя қилиш каби сиёсий-хукукий маданият остида ўзининг демократик тафаккурини юксалтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2003 йил Ўзбекистонда «Обод маҳалла йили» деб зълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7 февралда қабул қилинган «Обод маҳалла йили» ластурига биноан, маҳалла нуфузини кўтаришга қаратилган мухим вазифалар амалга оширилди.

Хозирги пайтда маҳалланинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ўз фаолиятини ташкил этиб, мустакил юрт фарзандлари тафаккурида ижобий кирраларни шакллантириш борасида барча имкониятнинг яратилаётгани кувонарлидир. Чунончи, маҳаллалар тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оиласий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш каби тадбирларни бажаришда етакчилик қилмоқда, бу эса ёшлар тафаккури ривожида ҳам мухим аҳамият касб этмоқда.

Юртимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида маҳалланинг ўрни катта бўлиб, у тадбирларни ҳаётга жорий этиш, одамларга етказиш, уларни бошқариш, уюштиришда ўзаро ҳамкорликни ташкил этишда алоҳида ўрин тутади. Хозирда маҳалла – жамият ҳаётининг кўзгуси, унинг демократлашув даражасини кўтарувчи ўзига хос мезон сифатида эътибор қозонмоқда. Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш. унинг вазифалари қўламини кенгайтириш асосида, ёшларимиз тафаккурининг ривожига эътибор қаратиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга.

Давлатимиз томонидан ижтимоий институт сифатида маҳалла ободончилигига, унинг тарбиявий маскан сифатидаги ривожига ўтибор қаратилиши миллий менталитетимизда маҳалла тизимишинг фоят муҳимлигини кўрсатади. Юртимиз сиёсатида маҳаллага ўтибор ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла тизимида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг интенсивлашишида намоён бўлди<sup>1</sup>.

Бугун маҳаллаларда маънавий мухит барқарорлигини таъминдани борасида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқдаки, бу дар ёшлар тафаккури ривожига ўзига хос ўрин тутади. Маҳаллаларда ёшларни турли мағкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш мақсадида, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳаётимизга ҳавф тугдириши мумкин бўлган жирканч ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллаларда миллий қадрият ва урфодатларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, ёшларда ватанпарварлик, она Ватангга меҳр-муҳаббат ва садоқатни кучайтириш мақсадида турли тадбирлар мунтазам ўtkазилмоқда. Бугун маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласиий бизнесни ривожлантириш марказига, айланмоқдаки, ушбу жиҳатлар ёшлар тафаккурининг шаклланишида ҳам мухим роль ўйнамоқда.

Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган хукуқий демократик давлат қуриш. инсон, унинг манфаатлари, хукуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш, шунингдек ёшлар дунёқарашини ривожлантиришда маҳалланинг ўрни бекиёсdir. Бугуниги кунда фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла тизимига барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари жалб этилгани бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг изчилигини таъминламоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «... одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тизимда ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва

<sup>1</sup> Ш.О. Мадаева. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа-хукуқ институти нашриёти, 2007. 92-бет.

мавқенини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуклар бериш катта аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз томонидан илгари сурингдан концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг, хусусан, маҳаллалар ривожининг янги босқичини бошлаб бериши, миллий давлатчилигимиз тараққиётида тарихий бурилиш ясаш билан бирга ёшларимизда юрт равнаки ва фаровонлигига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради ҳамда уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширади.

## РОЛЬ СЕМЬИ – МАХАЛЛИ – ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

Н. Сандова,  
старший специалист Ферганского  
РО НИМФОГО

После обретения независимости под руководством Президента Республики Узбекистан отдельное внимание уделяется воспитанию и всестороннему развитию молодежи, и проводятся поэтапные реформы в сфере воспитания молодежи, её духовному развитию, формированию самостоятельного мышления и правильного мировоззрения. В связи с этим в Узбекистане реализуется широкомасштабная молодежная политика. В частности, в законе «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» от 20 ноября 1991 года разъясняется суть закона и обозначены основные направления молодежной политики. Далее постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах, направленных на осуществление в Республике Узбекистан государственной молодежной политики» от 6 февраля 2014 года. Здесь также необходимо упомянуть и о постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 июня 2012 года «О мерах по дальнейшему укреплению взаимодействия института семьи и органов самоуправления граждан с образовательными учреждениями в воспитании гармонично развитого поколения».

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 2001 йил, 20 июнь.

В духовно-нравственном воспитании молодежи большое значение имеет сотрудничество семья-махалля-образовательное учреждение. Следует отметить, что целью данного сотрудничества является систематизация деятельности органов самоуправления граждан и образовательных учреждений в воспитании молодого поколения.

Данное сотрудничество подразумевает защиту молодежи с трех сторон, то есть создание своеобразного «защитного механизма» вокруг молодежи. В свою очередь, эффективное сотрудничество данных структур будет способствовать предотвращению совершения правонарушений и преступлений среди подростков, а также наркомании, религиозного экстремизма, распространения «массовой культуры», привлечению подростков к занятиям спортом, организации свободного времени детей.

Основными задачами данного механизма является трехстороннее сотрудничество: семья-махалля-образовательное учреждение.

1. В рамках сотрудничества махалля-образовательное учреждение:

- \* разработка предложений по совершенствованию нормативно-правовых документов, касающиеся процессов воспитания,
- \* формирования у молодежи коммуникативных навыков в махалле и обществе, подготовка к семейной жизни,
- \* формирование у молодежи патриотического духа, идей гуманизма и создание защитного иммунитета,
- \* осуществление общественного надзора над продажей алкогольных напитков и табачных продукции несовершеннолетним, и проведение разъяснительных работ о негативных последствиях наркомании.
- \* информирование родителей о проводимых реформах в махаллях.

2. В рамках сотрудничества махалли и родительских университетов:

- \* проведение пропагандистских работ среди молодежи и их родителями,
- \* проведение профилактических работ исходя из проблем в махаллях,
- \* улучшение отношений между детьми и родителями.

Незаменима роль механизма сотрудничества семья-махалля-образовательное учреждение в воспитании молодежи в духе патриотизма, пропаганды здорового образа жизни, повышение правовых знаний. В частности, в целях развития спорта и вовлечения молодежи проходят в махаллях спортивные соревнования как «Будущее нашего футбола», «Пахлаваны махалли», «Папа, мама и я – спортивная семья», а также состязания по шахматам и шашкам «Мы – умная семья». По данным благотворительного общественного фонда «Махалла» за прошедший период года в 9 тысячах сходах граждан проводились соревнования «Пахлаваны махалли», которыми были охвачены более 160 тысяч детей в возрасте 13-14 лет, соревнования по шахматам и шашкам «Мы – умная семья», в которых приняли участие члены 230 тысяч семей и «Папа, мама и я – спортивная семья», в которых участвовали около 250 семей, участниками республиканского турнира «Будущее нашего футбола» стали 1 млн. 260 тысяч детей.<sup>1</sup>

На сегодняшний день, несмотря на принимаемые нормативно-правовые акты, механизмы сотрудничества махалли с образовательными учреждениями работают (семья – махалла – образовательное учреждение) на низком уровне. В частности, наблюдаются случаи совершения правонарушений, вовлечение в экстремистские группировки, совершение самоубийства среди несовершеннолетних. Кроме того, основная часть преступлений среди молодежи совершается вне учебное и ночное время, что говорит о необходимости обеспечения содержательного досуга и осуществления надзора со стороны родителей и махалли.

Наибольшую опасность для узбекской молодежи представляют русскоязычные Интернет-ресурсы, вовлекающие молодежь в экстремистскую и террористическую деятельность, в том числе популяризирующие образ «террориста-героя». Нацеленность таких ресурсов направлена в первую очередь на молодежь тех республик, в которых традиционной религией является ислам, а также регионов с компактным проживанием мусульманского населения.

<sup>1</sup> Пресс-служба республиканского правления Благотворительного общественного фонда «Махалла» [http://www.mahallafond.uz/ru/news/novosti\\_fonda/semya-makhallya-obrazovatelnoe-uchrezhdenie-dostignutye-rezulaty/](http://www.mahallafond.uz/ru/news/novosti_fonda/semya-makhallya-obrazovatelnoe-uchrezhdenie-dostignutye-rezulaty/)

В некоторых махаллях, механизм сотрудничества практически не работает. К примеру, мониторинг информированности населения о механизме сотрудничества махалли – семьи – образовательных учреждений показал, что обычные семьи не знают о проводимых работах в рамках сотрудничества. А также сейчас, после окончания учебного года необходимо усилить контроль над несовершеннолетними в каникулярное время.

Для повышения роли махалли в профилактике нужно повысить ответственность сотрудников и членов комиссии сходов граждан по «Вопросам молодежи, несовершеннолетних и спорта» путем улучшения их правовой грамотности.

Целесообразно обеспечить содействие председателей и сотрудников махалли правоохранительным органам в проведении мониторинга и различных мероприятий по проверке посещения молодежью и несовершеннолетних интернет-кафе,очных клубов и других общественных мест и увеселительных заведений.

Кроме этого, для повышения эффективности пропагандистских мероприятий, целесообразно разработать единый план мероприятий ОСГ и правоохранительных органов и обеспечить его исполнение.

При этом, очень важным является, охват неорганизованной молодежи на данных мероприятиях. Подобные мероприятия нужно проводить не только в образовательных учреждениях, но и собрав в сходах граждан (здание, гузар) неорганизованную молодежь. Следует отметить, что в сходах граждан, нет как таковых мест, где может собираться молодежь, обсуждать повседневные вопросы, проводить молодежные мероприятия.

#### Предложения:

Во-первых, в качестве предложения в образовательных учреждениях необходимо внедрить уроки по религиоведению несколько интерактивных занятий о негативных последствиях экстремизма, а также приглашать на данные занятия советники по религиозно-духовным работам при махаллях и имамов.

Во-вторых, в целях укрепления сотрудничества семьи-махалли-образовательных учреждений необходимо проводить семинар-тренинги по проблемам молодежи с участием каждого представителя данного механизма, то есть при проведении мероприятий по про-

блемам несовершеннолетних в рамках сотрудничества необходимо обеспечивать участие родитель- представитель махалли-учитель.

В-третьих, в целях профилактики совершения преступлений со стороны несовершеннолетних в данное сотрудничество возможно целесообразным является включение и правоохранительных органов, что будет способствовать своеобразное систематизации сотрудничества.

В-четвертых, целесообразным является совершенствование спортивных кружков и кружков для умелых рук при махаллях. В каждой махалле проживают швеи, которые могут проводить занятия три раза в неделю.

В-пятых, необходимо изучать проблемы молодежи путем проведения социологических опросов с участием родителей, которые должны принимать участие при обсуждении проблем.

В-шестых, в целях расширения кругозора и повышения информированности неорганизованной молодежи по проводимым реформам целесообразным является создание «молодежных клубов» при ОСГ. Как известно, в каждой махалле существуют клубы (чайханы) для старшего поколения, однако нет подобных клубов для молодежи. В сотрудничестве с ОДМ «Камолот» возможно проводить и кинофестивали в каждом ОСГ для молодых людей.

В-седьмых, целесообразным является проведение разъяснительных работ среди несовершеннолетних, проживающих в не спокойных семьях, обеспечивать участие и их родителей.

## **«ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНинг МУҲИМ ОМИЛИ**

**М. Назарова.**

*Урганч туманинадаги 1-сон умумий ўрта таълим  
мактабининг маънавий-маърифий иштир  
бўйича директор ўринбосари.  
Халқ таълими аълочиси*

Миллатнинг келажаги, баркамол, ёш авлоднинг тарбияси, ёшларда ўз она юртига бўлган гурурни шакллантириш бугунги кунда нафақат таълим тизими ходимлари, балки кенг жамоатчилик олдида

турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини гашкил қилишда ота-оналар, маҳалла ҳини кенг жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, оила ва маҳаллада ёшларга тарбия бериш маданиятини кучайтириш, таълим муассасалари фаолиятини оила, маҳалла ҳамкорлигидаги мувофикаштириш орқали уларга яқиндан ва амалий ёрдам кўрсатиш механизмини такомиллаштиради.

Ёшлар тарбияси ҳамда маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири ҳакида давлатимиз раҳбари ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ҳам тўхталиб этган: «Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллый адрияtlар маскани булиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва туғувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби ҳалқимизга хос урф-одат ва ғанаалар, аввалимбор маҳалла мұхитида шаклланган ва ривожланган... Мустакиллик Йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб адрияtlар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормокда». Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқук ва ваколатлари кенгайтирилмоқда. Улар бугун ўзини ўзи бошқариш дараси, ҳакиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли раолият олиб бормокда. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, гаълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови, деб билганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнданги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва қуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 175-сон қарори билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан гаълим муассасалари ҳузурода «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат Кенашлари ташкил қилинди ҳамда жамиятнинг З та бўгини олдига кўйилган вазифалар аник белгилаб берилди. Жумладан, ўқувчи ёшларни бўш вактларини ташкил қилиш таълим муассасасининг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия шахснинг шаклланишида жуда катта роль ўйнайди. Ўкувчилар ахлоқий тарбиясини янада такомиллашгиришда уларни ўқиш ва ўқишдан ташқари вақтдан унумли фойдаланиш малакасига ўргатиш катта аҳамиятга эгadir. Ҳозирги давр мактаб ўкувчиларининг кундалик вакт бюджети икки асосий қисмга бўлиниди: 1. Ўқиш вақти. 2. Ўқишдан ташқари вақт.

Ўқиш вақти – кундалик вақт бюджетининг бир қисми бўлиб, бунда ўкувчиларнинг зарурий меҳнати (ўқиш) бажарилади ва унда кўйидаги педагогик талаблар асосида иш кўриллади: а) катъий жадвал асосида дарс ўтилади; б) амалий машғулотлар ўtkазилади; в) уй вазифасини бажариш учун йўлланмалар берилади.

Ўқишдан ташқари вақт ҳажми жиҳатидан ўқиш вақтидан кўпроқдир. Иккинчи ўзига хос хусусият шуки, ўкувчилар дарсдан кейинги вақтда ўз хоҳиш ва майллари билан иш кўришга ҳаракат қиласидилар. Буш вақт педагогик раҳбарлик асосида тўгри тақсимланиб, тўгри уюштирилганда гина қизиқиши, талаб ва эҳтиёжларни қондириши мумкин. Мактаб мъмурияти, синф раҳбари, педагоглар ва ота-оналар ёшларнинг бўш вақтларини уюштиришда ўкувчи уни кўпроқ нималарга сарф қиласиди. Савол билан чекланиб қолмай, балки нима учун у бўш вақтини фаолиятнинг маълум бир турига бағишкаётганини, ўз бўш вақтини нима учун бир хилда ўтказаётганини билишлари лозим. Бўш вақтдан самарали фойдаланиш йули ва воситаларини ўкувчиларга ўргатишда, биринчи навбатда, ота-оналар, ўқитувчилар ибрат кўрсатишлари керак. Ўкувчиларни намунали кун тартиби тузишга ва унга катъий амал қилишга ўргатиш лозим. Ўкувчи ёшлар орасида: «Менинг кун тартибим», «Ўкувчи, сенинг бўш вақтинг», «Вактни қандай тежаш керак?», «Бир минутнинг қадри», «Вактинг кетди – нақдинг кетди», «Вактингни ва ёшлигинги қадрла» каби мавзууларда бўш вақтдан фойдаланишга доир сухбат ва мунозаралар уюштириш жуда фойдалидир.

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИДИР

С. Орифова, Д. Эргашева,  
*Наманган ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари*

Маълумки, ҳозирги кунда давлатимиз томонидан келажаги-  
миз эгалари бўлмиш ўқувчи ёшларнинг билим олишлари уларнинг  
қобилияти ва истеъодини ривожлантириш, аник мақсадни кўзла-  
ган холда улар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ушбу йў-  
налишда оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш,  
жамоатчилик эътиборини ўқув-тарбия жараёнига, тарбияланувчи,  
ўқувчи ёшлар шахсини ривожлантиришга жалб этиш йўналишида-  
ги ишлар кучайтирилмоқда.

Бу борада мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлиги  
масаласи ҳар доим ҳам энг долзарб ва муҳим масала бўлиб келган.  
Бугунги кунгача олиб борилаётган ишлар ва изланишлар ўз сама-  
расини бериб келмоқда. Яъни, таълим муассасаларида ота-оналар  
билан ишлаш ва уларга маслаҳатлар бериб бориш учун алоҳида иш  
режа тузилиб ва шу режа асосида фаолият олиб борилади:

— мактабларда ота-оналарга фарзанд тарбиясидаги муаммолар-  
ни баргараф этишда психологик маслаҳат бериш учун «Ота-оналар  
мактаби» бурчаги ташкил этилган;

— мактабда таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, оилавий  
шароити оғир бўлган болалар ҳакида маълумотлар олиниб, уларга  
керакли ёрдам кўрсатишида мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари  
яқинидан ёрдам беради;

— давомати, ўзлаштириши паст ўқувчилар ва уларнинг ота-она-  
лари билан ишлаш бўйича ҳам ўқув ишлари ва маънавий-маърифий  
ишлилар бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари мактаб  
амалиётчи психологлари ўзаро ҳамкорликда ишлашади;

— ота-оналар йигилишларида фарзанд таълим-тарбиясига оид  
турли мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўtkазиб борилади;

— нотинч оилалардаги низоларни психологик илдизини урганиб,  
фарзанд тарбиясида юзага келадиган муаммолар бўйича мактаб  
маъмурияти ва амалиётчи психологлар томонидан ота-оналар билан  
шакка тартибда суҳбат ва маслаҳатлар бериб борилади.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзандини етук шахс бўлиб камол топишини хоҳлайди. Бироқ, бола тарбияси жуда мураккаб бўлиб, кўпинча ота-оналар ўз фарзандларига эътиборсизлиги, баъзи ота-оналарнинг фарзанд тарбияси буйича етарли билим ва малакаси-нинг етишмагани сабабли турли муаммоларга дуч келишади. Бу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берувчи энг самарали йўл – ота-оналарга ўз вақтида керакли маслаҳатлар бериш ва ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ишларини янада такомиллаштириш масаласидир. Гарчи бу эски мавзу бўлса-да, барибир долзарблигича қолмоқда. Чунки, шиддат билан ривожланаётган бугунги кун ўкувчи ёшли-римиз таълим-тарбиясида ютуклар билан бирга бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Айниқса, оммавий аҳборот восита-ларининг ёшлар онгига салбий таъсири бу ҳозирги куннинг энг оғрикли масаласидир.

Жамият ривожланиб, фан-техника тараққий этиб, имкониятлари-миз кенгайган сари инсонлар онги ва руҳиятида турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга бўлган талаблар янада ортиб бормоқда. Тар-бияланувчи ёшларимиз ҳам ана шундай таъсирлардан холи эмас.

Ёшлар орасида бу борада юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш учун педагоглар ҳам, ота-оналар ҳам ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг қандайдир такомиллашган, замона-вий йўл-йўриклиарини топиши ва қўллаши зарур.

Жумладан, таълим муассасаларида ўтказиладиган ота-оналар мажлисини шундай ташкил этиш керакки, бунда ота-оналар билан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар билан бирга улар учун қизиқарли маълумотлар берилсин. Яъни, тажрибали психологлар бола психологиясига оид қизиқарли маълумотлар бериши, масалан. «Темперамент нима ва бу болаларда қандай намоён бўлади, қайси темпераментли болага қандай ёндашиш мумкин» ёки «Ўсмирилик даври муаммолари, бу муаммоли ёшда ота-она нималарга эъти-бор беришлари лозим», «Оиладаги руҳий мухит ва уни яхшилаш йўллари», «Оммавий аҳборот восита-ларининг салбий таъсирлари» каби ота-оналар билиши лозим бўлган энг муҳим маълумотларнинг берилиши. Бундан ташқари, тиббиёт ходимларини таклиф этиб, «Болаларда кўп учрайдиган касалликлар ва бунинг олдини олиш чоралари, ўсмирилардаги гинекологик ўзгаришлар даврида олиб бо-

риладиган профилактик ишлар» каби мавзуларда маърузалар ва амалий тавсиялар бериб боришлари фикримизча ота-оналарни бефарқ қолдирмайди. Ота-она кейинги мажлисга муҳим маълумотлардан қолиб кетмаслик учун ҳам вакт топиб келади.

Шунингдек, ота-оналар мажлисларида факат маъруза қилиб, муаммолар ҳақида гапиравермасдан, бу муаммоларни ҳал қилиш борасида турли хил қизикарли мусобақалар, баҳс-мунозарали тренинг машгулотлари ҳам ташкил этиш лозимки, ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу муаммоларни бартараф этиш бўйича шахсий фикрлари билан иштирок этсин. Яъни, нафакат дарсларда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, балки, ота-оналар мажлисларининг ноанъанавий усулларда ташкил этилиши ҳам таълим муассасаси ва ота-она ўргасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этиш учун яхши ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

Тажрибамизга кўра, вилоят миқёсида ташкил этилган илмий-амалий анжуманлар ва семинар-тренингларимизнинг турли хил ноанъанавий, қизикарли, мусобақа шаклида ташкил этилиши жуда яхши самара берди. Бунда нафакат педагоглар, балки ота-оналар ҳам баҳс-мунозарага киришиб кетиб, муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ёшлар билан ишлаш борасида, уларнинг онги ва рухиятида ижобий ўзгаришлар қилиш учун мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигининг янги такомиллашган воситаларини топиш ва изланишлар қилиш керак деб ўйлаймиз.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Х. Матиқубова,

*Шовот туман XTMФМТТБ қарашли 4-сон умумий  
ўрта таълими мактаби маънавий-маърифий  
ишлар бўйича директор ўринbosari*

Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва миллий бағрикенглик, юксак маънавият эгаси булиш, бошқа миллатларга нисбатан хурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-кимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялашда бир-би-

рига ўзаро бөглиқ бүлган уч омил – оила, маҳалла ва таълим мұасасаси ҳамкорлиги мұхим ақамиятга эга.

Ушбу ҳамкорликнинг самарали йўлга кўйилиши ўсмирлар орасида турли ҳукубузарлик ва жиноятлар содир этилишининг, шунингдек, гиёҳвандлик, диний зекстремизм, «оммавий маданият» ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда, ёшларни спортга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда қўл келмоқда. Асосийси, бу ҳамкорлик ёшларни ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънавий етук қилиб тарбиялашда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ҳал килувчи кучга айланган.

Фарзанд тарбиясини қачондан бошламок керак, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Фарзанд тарбиясига аждодларимиз катта зътибор қаратган. Ибн Сино бола тарбияси билан унинг тугилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шугулланиш лозим, деб билган. Соҳибқирон Амир Темур келин танлашни давлат ақамияти даражасига кутарган.

Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга зътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимизданdir. «Бир болага етти кўшни ота-она» деган ибратли мақол ҳам айнан ҳалқимизга хос. Мана шу мақолнинг ўзи ҳам фарзанд тарбияси, оиласпарварлик биз учун нечоғлик мұхим эканини билдиради. Маҳалла ахли, айниқса, кексалар кўчада нобои иш қилаётган бола олдидан ҳеч қачон бепарво ўтиб кетмаган, шу заҳотиёқ танбех бериб тўғри йўлга чақирган.

Оиласидаги мұхит ота-она ўз масъулияtlарини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-кўй ҳам катта ибрат мактабидир. «Куш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтмаган ҳалқимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи. бошқалар билан ўзаро муносабатида олийжаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда таклидчан ва қузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қилади. Оиласидаги кўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз ҳатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом мұхитни келтириб чиқаради.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг мұомаласи мұхим ўрин тутади. Бола ота-она томонидан қўпол, дагал сўзлар эшлитиб, калтак еб

кагта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қилади. Оиладаги носоғлом мухитда тарбияланайтган боладан «маънавий касал» инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўrnak деб билади, бундан инсон у каби ҳаёт кесчиришни, у эришган ютуклар каби муваффакиятларга эришишни, юксак чўккиларга чикишни кўзлайди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари ўз ҳаётлари учун бошқа маданият вакилларининг фикрлаш ва ҳаёт тарзини ўrnak қилиб олишлари кўп муаммоларни келтириб чинқармоқда.

Маънавий озуқа олишнинг, чин инсон бўлиб етишишнинг бирдан-бир йўли – бу китоб мутолааси бўлиб, мутолаа маданияти ўз навбатида, китобга қизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги маҳсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ ва тўгри фойдаланишда кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келаҗаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китобида ёшларни ҳар томонлама соглом ва баркамол этиб вояга етказиша олдимиизда турган устувор вазифалар ҳақида тўхталиб: «Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган гаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни яна-да хушёр ва огоҳ бўлишга даъваг этиши табиийдир. Шу сабабли ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «коммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва ҳатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор», деб таъкидлаган.

Бола тарбияси учун асосий масъул ким: мактабми, маҳаллами ёки оила, деган ҳақли савол туғилади?

Барчанинг вазифаси аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Мактаб ўкувчига кўпроқ илм-маърифат бериши, ота-она, жамоатчилик эса

унинг тарбияси билан жиддий шутулланиши мақсадга мувофик. Тарбия бобида асосий жавобгар шахс, барибир, ота-онадир.

Маданиятли, гузал ахлокли, сабр ва шукур билан зийнатланган меҳнат – баҳт мезонига айланган оиласда камол топган болалар ўсиб-улгайгач, ўз маҳалласи, кон-кариндошларидан ташкири жамият учун ҳам кўп фойда келтиради.

Албатта, бола тарбияси ўта мураккаб ва масъулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан боҳабар бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларга оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

Бугунги кунда оилавий тарбиянинг кийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараккӣ этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оиласа болага эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини қўяди.

Инсон ёши бир жойга бориб, кексаликка юз бурганида қадди эгилмаслиги учун ҳам бола тарбиясида доимо ҳушёр турмоги лозим. Зоро, ҳар ким экканини ўради. Гузал фазилатли фарзанд мисли юракка малҳам, ғофил фарзанд эса умрга заволдир. Темирчи пўлатдан килич ҳам, ўрок ҳам ясали мумкин. Бири буғдой ўриб, хирмонни тўлдиради, иккинчиси бошга кулфат ёғдиради. Мургак гўдакдан қандай фарзанд тарбиялаш, табиийки, ота-онанинг ўзига, унинг ақл-заковати, сабр-қаноати, ззгу-мақсади ва ибратли амалига боғлиқдир. Сочган зиё уруғларимизни йиллар давомида фарзандлар камолида қўриш барчамизга насиб қилсин.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ш. Парманова,  
*ФЖШМҚМИ Самарқанд ҳудудий  
булинмаси катта мутахассиси*

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб вояга етказишга кўмаклашишдан иборат экан, бу борада юртимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айникса, ёшларнинг билим олиши ва касб танлаш борасидаги хукук ва имкониятларини кенгайтириш максадида олий ўкув юртлари, касбхунар коллежлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотлари замон талаблари даражасида бунёд этилиб, етарли шарт-шаронтлар билан тўлиқ таъминланмоқда. Фаҳр билан айтиш жоизки, кўплаб ёшларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан ҳалқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, юртимиз байрогини, Ватанимиз шарафини ҳимоя килиб келаётгани барчамизни дилдан қувонтиради. Лекин, ютукларимиз билан бир қаторда, айрим ёшлар уртасида заарли одатларга ружу қўйиш ҳолатлари учраб турганини инкор килиб бўлмайди. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, оила, мактаб ва таълим муассасаларида соғлом мухитни шакллантириш масалаларига бугун барчамиз жиддий ёндашмогимиз лозим.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган ёшларга боғлик. Бу конуният оиласининг тарбия борасидаги фаолиятига ҳам боғлик. Оиласий тарбиянинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, у тарбия ишида ҳам ўзига хос хусусиятларини намоён килади. Оила тарбияси ота-оналарнинг педагогик билимлар савиясига боғлик.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини чукур англашлари лозим. Бундан ташқари, нормал оиласий мухит, тўғри кундалик режа, боланинг китоб ўзишига, меҳнат килишига ўз вақтида жалб қилинишлари ҳам муваффақият гаровидир.

Оилада ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш таълим тизимининг бошлангич нуктаси ҳисобланади. Оиладаги муҳит фарзанднинг тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Унинг бошқа шахслар билан муносабатга киришиши оилада қандай тарбия олгани билан белгиланади. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабат шаклланган тарбия тизими болаларда ҳуқукка бўлган дастлабки қарашларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат килади.

Давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиган эркин демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини юксалтириш нафакат давлат органлари зиммасига, балки оиласа, кенг жамоатчиликка ҳам ушбу масъулиятли вазифани юклайди. Ёшларнинг нодавлат тузилмаларида фаол иштирокини таъминлаш, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий маданиятида даражасини ҳам муттасил ошириб боришини зарурят килиб кўяди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараённада ҳуқуқий тарбиянинг зарурлиги ўта аҳамиятлидир. Демак, ёшларда ҳуқуқий маданиятни оширишда оиласинг, маҳалланинг, оммавий ахборот во-ситаларининг, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг ўрни бекиёсдир. Ота-оналарнинг маҳалла фаоллари, таълим муассасалари билан тарбия соҳасида ҳамкорлик қилишлари зарур. Бу ишлар оила тарбиясига салмоқли ҳисса кўшади.

Мамлакатимизда ёшлар масалалари бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-боскич амалга ошириладиган ишлар стратегияси белгилаб олинди. Натижада, бугун амалга оширилаётган ислохотлар ҳар томонлама муносиб, баркамол авлодни камол топтириш ва вояга етказишида ўзининг самарасини бермоқда.

## МУНДАРИЖА

### 1-ш ўъб а.

#### МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ

Ислом – бағрикенглик дини (У. Алимов)	3
Тинчлик ва осойишталиқ – олий неъмат (А. Мансур)	6
Миллий тараккиёт – маданий тараккиёт (Х. Мусурмонов)	11
Sog'lom ona va bola – tinch va osuda mamlakatda shakllanadi (N. Mamatova)	15
O'zbekiston Respublikasi siyosatida tinchlikni saqlash eng ustuvor vazifa (S. Matkarimova)	17
Mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalikning mazmun-mohiyati (N. Mamatova, Z. Kabilova, D. Fatidinova)	21
Davlatimiz va xalqimiz hayotida tinchlik va osoyishtalikni ta'minlashning zarurati va dolzarbliги (J. Oripov)	25
Глобаллашув даврида ёшлар камолоти ва ахлоқий-эстетик тарбия (M. Шарипова)	28

### 2-ш ўъб а.

#### ДУНЁДА СОДИР БЎЛАЁТГАН НОХУШ ВОҚЕАЛАР, АЙНИКСА, МУСУЛМОН ДУНЁСИДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШ САБАБЛАРИНИ ЁШЛАРГА ТУШУНТИРИШ МАСАЛАСИ

Ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида юртимиздаги тинчликнинг қадрига етиш тушунчаларини сингдириш зарурияти (У. Ҳамидов)	33
Диний мутаассиблик ва унинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири (Б. Султанов)	37
«Болта» фалсафаси ёки миссионерликнинг асл мақсад-муддаолари (Ж. Шуҳратов)	42
Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мағфуравий иммунитетни шакллантириш (Н. Джанибекова)	45

Ёшлар орасида мутвассибликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларга қарши кураш – бугунги куннинг долзарб масаласи ( <i>С. Саидқодиров</i> )	49
Диний экстремизм ва терроризм – тараккиёт душмани ( <i>Ш. Ҳамроев</i> )	53
Dunyoda sodir bo'layotgan noxush voqealar, ayniqsa musulmon dunyosidagi qarama-qarshiliklarning kelib chiqish sabablarini yoshlarga tushuntirish masalasi ( <i>D. Egamatov</i> )	57
Дунёда болам, деб яшайди ўзбек ( <i>И. Бобоғонов</i> )	60
Диний экстремизм – тараккиёт душмани ( <i>С. Бахритдинов</i> )	65
Internetdagi maslikuraviy tahdidlar xavfi ( <i>X. Shahobiddinova</i> )	69
Глобаллашув шароитида маънавий-аҳлоқий таҳдидлар ( <i>Я. Тұрдымуратов</i> )	71

### **3-ш ўъб а.**

## **ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ ВА АҚИДАПАРАСТЛИК КАБИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРИШ, УЛАРНИНГ ОЛДИННИ ОЛИШ МАСАЛАСИ.**

Бугунги глобаллашув жарабинида оммавий маданиятнинг турили зарарли ғояларига қарши мағкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик ва педагогик вазифалари ( <i>У. Қосимов</i> )	75
Маънавий таълим-тарбия – ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш гаровидир ( <i>Б. Абдусанадов</i> )	77
Диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастликнинг олдини олишга қаратилган ишларни тизимили ташкил этиш ( <i>Р. Боймирзаева, М. Тұхтасинов</i> )	81
Огоҳлик ва хүшёрлик – хавфсизлигимиз гарови ( <i>Т. Тогайқулов</i> )	85
Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маънавий ва мағкуравий тарбия усуулларидан фойдаланишдаги асосий вазифалар ( <i>Х. Этамберганова</i> )	90
Диний экстремизмнинг Интернет орқали ахборот хуружидан ҳимояланиш ҳусусида ( <i>Я. Тұрдымуратов</i> )	95
Ёшлар онгига ахлоқий ёт ғояларнинг ортиб боришида Интернетнинг ўрни ( <i>А. Ҳолмажматов</i> )	99
Ёшларни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя килиш ( <i>М. Мұминов</i> )	102
Диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик каби таҳдидларга қарши курашиш – маънавий юксаклик намунасиdir ( <i>О. Үразметов</i> )	107

Диний ақидаларастлик ва диний экстремистик гояларга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг роли (У. Ҳамидов)	109
Борьба против идеологии терроризма в социальных сетях (У. Акбаров)	113
Огохлик – давр талаби (Ш. Адамова)	118

**4-иши бора.**

**ДИНИЙ МУТААССИБЛИКНИНГ ОИЛАЛАРГА ТАЪСИРИ ВА  
УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ  
НИМАЛАРДА ЭКАНИ ҲАМДА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДА  
АХЛОҚИЙЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ**

Oilada yoshlarni yot g'oyalardan himoyalashning ijtimoiy-psixologik jihatlari (D. Safarov)	123
Исломда кийиниш одоби – инсон ички маънавий дунёсининг сиртда акс этишидир (Қ. Салиқова)	126
Взаимосвязь образовательных учреждений и общественных предприятий по подготовке молодых людей к семейной жизни в плане государственной программы «Здоровая мать и ребеною» (Д. Улжаева)	132
Соғлом оила – тинчлик ва тараққиёт гарови (Ш. Жумаев)	136

**5-иши бора.**

**ЁШЛАР ОНГИДА ЁТ ГОЯЛАРГА ҚАРШИ  
ИММУНИТЕТ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШДА МИЛЛИЙ  
ГОЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ёт гояларга қарши курашишда миллий истиқлол гоясининг аҳамияти (Б. Широз, Н. Ахмедов)	141
Ёшларда миллий гояни сингдиришнинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари (М. Воҳидова)	146
Ёшлар онгига диний экстремизм ва ақидаларастликка қарши кураш гояларини шакллантириш ва уларда мафкуравий иммунитетни оширишнинг аҳамияти (М. Муталибжонов)	152
Ёшлар онгига мафкуравий иммунитетни шакллантиришда миллий гоянинг ўрни ва аҳамияти (М. Усмонова, А. Кориев)	156
Ижтимоий-гуманитар фанларда ёшларга миллий гояни сингдиришнинг айрим жиҳатлари (Н. Назаров)	158
Yoshlar ongida yot g'oyalarga qarshi immunitetni shakllantirish omillari (O. Mulkarimova)	162
Мутаассибларка қарши курашишда миллий гояни тарғиб килишнинг педагогик ва психологик масалалари (Р. Рустамова)	167

Глобаллашув жараёнида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш масалалари (Ф. Ҳудайбердиев)	173
Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида миллий-маънавий қадриятларни шакллантириш омиллари (Х. Кубаев, Н. Эргашев)	176
Ёшларнинг маънавий камолотини юксалтириш ва сиёсий етуклиги (Б. Саломова, А. Шамуродов)	179
Ғояга карши ғоя – кучли истехқом (М. Ёқуббекова)	184
Madaniy universallashuv va globallahuv jarayonlarining bir-biriga ta'siri (М. Sodirjonov)	187
Sharq mutafakkirlari, buyuk allomalarimiz asarlarida va tasavvuf adabiyotida estetik ideal va ma'naviy barkamollik g'oyalari (M. Sharipova)	192
Ёшлар онгига ёт гояларга карши иммунитет вазифасини бажаришда миллий гоянинг аҳамияти (О. Аллаберганова)	196
Ёшларда маънавий-мағфуравий иммунитетни шакллантиришда жамоатчилик назоратининг ўрни (Р. Боймирзаева, М. Тухмасинов)	200
Аждодларимиз мероси воситасида талабаларда «оммавий маданият»га карши курашчанлик кўникмасини шакллантириш (Д. Мирзиева)	204
Ёшлар онгига жаҳолатга қарши маърифат тамойилини сингдиришда миллий гоянинг аҳамияти (М. Воҳидова, Ф. Яминов)	211
Миллий ғоя – миллий ғурур (Ш. Адамова)	215

### *6-ш ў ъ б а.*

### **«ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ДОИР УСЛУБИЙ АСОСЛАРНИ ЯРАТИШГА ОИД МАСАЛАЛАР**

Соғлом авлод тарбиясида, оила – маҳалла – таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари (Ф. Акрамова)	218
Ёшлар муаммоси ва уни бартараф этишда психология фанининг ўрни (Х. Ражабова)	222
Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбия ишларида маҳалланинг ўрни (А. Абатов)	225
Bola tarbiyasida oila – maktab – mahalla hamkorligining ahamiyati (Z. Qorayev, L. Qorayeva)	228

Еш авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ҳамкорлиги ( <i>К. Зултунов</i> )	231
Ta'lim muassasalarida oila, məktəb və mahalla bilan hamkorlikni yo'Iga qo'yish ( <i>N. Akbarov</i> )	233
Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигини такомиллаштиришда ўқитувчи фаолиятининг ўзига хослиги ( <i>H. Қосимова</i> )	236
«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмусини амалга оширишда фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари олдида турган долзарб вазифалар ( <i>P. Бойнирзаева, M. Тұхтасинов</i> )	239
Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги ( <i>P. Ҳамраева, Л. Суярова, М. Мирсаидова</i> )	243
«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмининг самарали фаолиятини ташкил этиш йўллари	
Фаргона вилояти мисолида ( <i>X. Faniев</i> )	246
Махалла фаолиятида ёшлар масаласи ( <i>B. Turtsunov</i> )	251
Yoshlar tarbiyasida o'zaro hamkorlikning ahamiyati ( <i>Z. Rahmatullaeva, S. Orifova</i> )	254
Ўзбекистонда ёшлар тафаккурини шакллантиришда маҳалланинг роли ва аҳамияти ( <i>M. Файзуллохужа</i> )	256
Роль семьи – махалли – образовательных учреждений в воспитании молодого поколения ( <i>N. Saidova</i> )	260
«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги баркамол авлод тарбиясининг мухим омили ( <i>M. Nazarova</i> )	264
Ўзаро ҳамкорлик муваффакият гаровидир ( <i>C. Orifova, D. Эргашева</i> )	271
Ёшлар тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг үрни ( <i>X. Matyabova</i> )	269
Ёшлар тарбиясида ижтимоий институтларнинг үрни ва роли ( <i>Ш. Парманова</i> )	273

**МУТААССИБЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ  
ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР ҲАМДА МАҲАЛЛА, ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ  
МАСАЛАЛАРИ**

*республика илмий-амалий  
конференцияси*

*Тошкент «Маънавият» 2016*

*Мухаррирлар. Д. Исмоилова, С. Тошкулова  
Мусаввир Ш. Соҳибов  
Мусаххих О. Бозорова  
Компьютерда тайёрловчи И. Аҳмедов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган.  
Босишига 25.08.2016 йилда руҳсат этилди. Бичими 60x84 ¼.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартни б. т. 16,27.  
Нашр т. 15,02. Адади 150. Буюртма № 16-42. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047, Тошкент.  
Тараққиёт 2-берккучча, 2-үй. Шартнома № 40-16.



*Manavijal*

ISBN 978-9943-04-308-4

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-04-308-4.

9 789943 043084